

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

Тошкент-2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕК
ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ**
(услубий қўлланма)

Тошкент-2014 йил

Муаллифлар:

- **О.Наржигитов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Мониторинг ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари

Ф.Товбоева – Тошкент Давлат Юридик университети қошидаги академик лицей она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Такризчилар:

- **Р.Бобокулов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари

- **Н.Жумаева** – Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот методик таъминлаш хизмати умумтаълим фанларини методик таъминлаш гуруҳи етакчи услубчиси

- **А.Турғунов** – Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот методик таъминлаш хизмати умумтаълим фанларини методик таъминлаш гуруҳи етакчи услубчиси

Мазкур қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Фольклор” тўгараги раҳбарлари учун тавсия қилинади.

“Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Услубий кенгашининг 2014 йил 30 июндаги 2-сонли йиғилишида кўриб чиқилган ҳамда Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналиши бўйича Илмий методик кенгашининг 2014 йил 29 августдаги 5-сонли йиғилиши қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбек халқининг асарлар давомида яратган оғзаки сўз санъати намуналари миллий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг юксак идеалини акс эттирувчи оғзаки ижоди бўлгандек, ўзбек халқи ҳам қадимий тарихга бой ва ранг-баранг оғзаки адабиёт дурдоналарига эга бўлган халқлардандир.

Халқ оммаси томонидан яратилиб, унинг талантли вакиллари ижросида сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган афсона ва ривоятлар, мақоллар ва маталлар, олқиш ва дуолар, топишмоқ ва қўшиқлар, латифа ва нақллар, эртак ва дostonлар ўзбек халқ оғзаки ижодини ташкил қилади.

Юксак нафосат ва мангу ҳикмат хазинаси бўлган ана шу асарларда аجدодларимизнинг урф-одатлари ва анъаналари, одоб-ахлоқ ва маданияти, тарихи ва миллий қадирятлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-фалсафий ва диний қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Халқ яратган асарлар ўз навбатида қадимги ўзбек халқининг эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда, фольклор намуналарида илгари сурилган илғор ғоялар умуминсоний аҳамиятга эга бўлган қадирятларни билиб олишда асл манба бўлиб хизмат қилади.

Оғзаки адабиёт, халқ оғзаки бадиий ижоди ёки “фольклор” деб юритилади. “Фольклор” атамаси биринчи марта XIX аср тадқиқотчиси Вильям Томс томонидан 1846 йилда қўлланган бўлиб, инглизча **folk-halq**, **lore-билим**, **донолик** деган маъноларни билдиради.

Фольклор – синкретик хусусиятга эга бўлиб, хилма-хил санъат турларига хос унсурларни ўзига мужассамлаштирган. Унинг баъзи намуналари сўз ва куй уйғунлигида ижро этилади. Дoston ва темаларни дўмбира жўрлигида куйлаш анъанвий бўлса, қўшиқ дотор ва чилдирма жўрлигида куйланади.

Халқ оғзаки ижоди неча асрлар мобайнида тарихнинг йўлдоши, унинг акс садоси бўлиб келган. Халқ ҳаёти, турмуш тарзи, руҳий дунёсининг ойнаси ҳисобланган фольклор асарлари минг йиллар давомида тўпланган ижодий тажрибалардан иборат бадиий-эстетик қадирятлардан биридир. Фольклор асарларини ўрганиш ва тартибга солиш орқали халқ турмуши, орзу-истаклари ҳақида маълумотлар олиш билан бир қаторда бадиий фикр ибтидоси ва унинг ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари, ҳаёт ҳодисаларини бадиий тасвир объекти сифатида ҳис этиш анъанасининг эстетик омиллари, халқона поэтик фикр тавсифига оид қимматли илмий кузатишлар олиб бориш мумкин.

Халқ оғзаки ижоди ўзининг баъзи хусусиятлари билан ёзма адабиётдан фарқланиб туради. Қуйида мана шу хусусиятлар ҳақида сўз юритилади.

Фольклор – оғзаки ижод. Халқ поэтик ижоди ёзув пайдо бўлмасдан кўп замонлар илгари юзага келган. Унинг яратилиши ва тарқатилиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқдир. Фольклор асарларининг узок асрлар давомида яратилиши ва оғзаки ижро этилиши унинг шакл ва мазмунига таъсир кўрсатади. Маълумки, айрим тарихий далилларнинг тўлиқ эса қолмаслиги, замон тақозоси билан унутилиши натижасида уларнинг асардан тушиб қолиши ёки ўзгариши мумкин.

Фольклорнинг оғзакилик хусусияти унинг кенг тарқалишига, халқ орасида оммалашувига сабаб бўлади. Аммо шу билан бирга, оғзаки ижод намунаси ўтмиш замонларда ёзма тарзда мавжуд бўлмагани учун уни ижро этувчи шахснинг вафоти билан йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Фольклор асари оғиздан оғизга ўтмиши туфайли шаклан ва мазмунан қандай ўзгаришларга учрамасин, бу ҳол унинг ғоявий-бадий ва ижтимоий-эстетик қимматини туширмайди. Чунки унда ижодкор халқнинг воқеликка муносабати акс этади.

Фольклор – халқ ижоди. Фольклор халқ томонидан асрлар давомида яратилиб, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган жамоа ижоди маҳсулидир. Маълумки, қадим замонларда илк бор юзага келган фольклор асарлари халқ томонидан ижод қилинган ва ижро этилган. Кейинчалик эса талантли кишилар томонидан яратилган. Улар ўз ижодида қабила ва уруғ одатлари, дунёқараши, эътиқоди, табиат билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Халқ куйчиси (бахши, эртакчи, кўшиқчи) халқ жамоаси томонидан яратилган асарларни механик тарзда бошдан охиригача сўзма-сўз ёд айтмайди, балки унга ижодий муносабатда бўлиб, ўзидан нимадир кўшади, бойитиб боради. Шунинг учун ҳам у куйлаётган асарини ҳамиша “халқники” деб тан олади. Демак, фольклор асарларида халқ жамоаси ижоди тушунчаси, ҳеч маҳал индивидуал ижод ўрнини инкор этмайди.

Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг такомиллашуви халқ эстетик тафаккурнинг ўсиши жараёнида даврлар ўтиши билан алоҳида ижрочилар – кўшиқчи, эртакчи, бахши, қизикчи ва халфалар ўз маҳоратлари билан яққол кўрина бошлаганлар. Аммо бу истеъдод соҳиблари ҳам халқ заковатидан озиқ олиб оғиздан-оғизга ўтиб келган асарларни ижро этганлар ва албатта, ўзлари ҳам уларга нимадир кўшиб, шахсий маҳоратларини намоён этганлар.¹

Фольклорда анъанавийлик. Анъанавийлик – халқ ижоди маҳсули. У ўзининг ижтимоий-тарихий манбаларига эга. Маълумки, фольклорнинг дастлабки намуналари ибтидоий жамиятда яратилган, уларда ўша замон кишиларининг нисбатан қарор топган урф-одатлари ва ўзига хос дунёқарашлари акс этган. Бу ҳол фольклор асарлари шакли, сюжет,

¹ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008, 4-6-бетлар.

образлари ва мотивларининг муайян барқарорлик касб этишини таъминлаган.

Халқнинг асрлар давомида шаклланган бадиий завқи – эстетик диди бор, фольклор ҳамиша шу халқона эстетик тамойилларга амал қилиб яшайди бу халқ оғзаки ижоди учун хос қонуниятдир.

Фольклор асарларининг оғзаки яратилиш ва оғзаки ижро этилиши уларнинг барқарор шакллари – анъаналарини юзага келтирган. Масалан, қаҳрамонлик типигаги эртақ ва достонлар ўртасида жанр эътибори билан маълум даражада тафовут мавжуд бўлса ҳам, бадиий услуб анъанавий шаклга эга.

Анъанавий достонларнинг қаҳрамонлари кўпинча ғайри-табиий туғилишлари, чексиз куч-қудратга эга эканликлари билан ажралиб турадилар. Халқ орзу-умиди ва интилишларини ифодаловчи бундай идеал қаҳрамонларга адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришда илоҳий ҳомийлар (Ҳазрати Хизр, қирқ чилтон, Ҳазрати Али, Бобо Қамбар ва ҳоказо) руҳий мададкорлик қиладилар.

Халқ достонларидаги қаҳрамонларнинг сафар олдидадан от эгарлаши, ота-онадан оқ фотика олиши, қаҳрамон ва отнинг узоқ сафар йўлидаги ҳолати, пойгада қатнашиши, душман билан жанг олиб бориши каби лавҳалар асардан асарга, ижродан ижрога (кичик ўзгаришлар билан) кўчиб юрувчи барқарор анъанавий шакллар ҳисобланади. Халқ достонларидаги мана шундай ўзига хос хусусиятлар ҳақида профессор Т.Мирзаев, С.Мирзаева каби фольклоршунослар махсус тадқиқотлар яратганлар.²

Масалан: От эгарлаш анъанаси моҳият эътибори билан ўзбек романтик достонларида деярли бир хил характерга эга. Одатда жанговар от эгарлаш бўлгач, қаҳрамон унга мурожаат қилиб, ўзининг соғ-омонлиги шу жониворга боғлиқлигини айтиб, ундан ўз мақсадига илдам етказишини сўраб, мурожаат қилади. Ушбу мурожаат баъзан бироз шаклий ўзгаришлар билан барча бахшиларда бир хил қўлланилади. Масалан, “Далли” достонида Ҳасанхон Ғиротни ўйин кўрсатишга даъват этар экан, ундан мадад сўраб шундай мурожаат қилади:

*“Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишимши, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Қўлтигингда яшил қанот.
Қойил қилган хоннинг қизин,
Ҳаммани ўзингга қарат”.* (Б.Т., 2-том, 106-бет)

Ушбу мурожаатда отнинг содиқ ҳамроҳлиги, унинг емиши ва тўрваси, қаҳрамоннинг тақдири шу отга боғлиқ эканлиги кабилар таърифу

² Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. Т.: “Фан”, 1968; Мирзаева С. Ўзбек халқ романтик достонлари поэтикаси. Т.: “Фан”, 2004.

тафсир этилади. Айни шу хилдаги мурожаат Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Малика айёр” достонида ҳам сал бошқачароқ шаклда учрайди:

*“Жоним Ғирот, молим Ғирот,
Еминг кишимши, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам еткиз Чамбилга”. (М.А., 10-бет)*

Барқарорлик эпик анъана ўзига хос бадиий тасвир ҳамда ифода усуллари яратишга хизмат қилади. Мана шунга кўра сафар тасвири гоҳ қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини хатти-ҳаракатини, гоҳ отнинг елиб боришини кўрсатишга қаратилади:

*“Гоҳ созини созлайди,
Гоҳ бутадай бўзлайди,
Энди кўринг мард Ҳасан,
Хон Даллини излайди”.*

Пўлкан шоирда (“Гўрўғлининг туғилиши”) айна шакл (формула) Гўрўғлининг сафар пайтидаги ҳолатини тўла очиб беришга хизмат қилган:

*“Гоҳ созини созлайди,
Гоҳ бутадай бўзлайди,
Қамчи босса лайли Ғир,
Тоғнинг бошини кўзлайди”. (Г.Т., 137-бет)*

Фольклорда анонимлик. Маълумки, узоқ асрлар, минг йиллар ўтса ҳам ёзма адабиёт намунасининг муаллифи ҳам, ёзилган вақти ҳам аниқ бўлади. Чунки ўша асарни яратган ижодкор ўз исми шарифинин асарда зикр этади. Халқ ижодида эса биз бундай ҳолатни кўрмаймиз. Фольклор асарлари муаллифининг ноаниқлиги – анонимлиги, ўша асарнинг қачонлардир муайян ижодкор томонидан яратилганлигини инкор этмайди. Фольклор асарлари қачонлардир алоҳида талантли бир шахс (индивид) томонидан тўқиса-да оғзаки ижод бўлганлиги, номи бирон жойда зикр этилмаганлиги боис, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида халқ ижоди намунасига айланиб кетади. Халқнинг талантли вакиллари томонидан қайта-қайта ишланиб, сайқал топиб, мукаммаллашиб боради.

Фольклорда вариантлик. Вариант – маълум бир асарнинг жонли эпик анъана заминида вужудга келган, бир-бирини инкор этмасдан, ёнма-ён яшай оладиган ва ўзаро фарқланувчи турли туман нусхаларидир.

Бир асарнинг ранг-баранг вариантларда намаён бўлишига халқ ижодкорларининг дунёқараши, ижодий салоҳияти, ўзига хос усул ва услуби сабаб бўлади. Масалан, “Алпомиш” достонини Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан Жонмурот ўғли каби ўнлаб номдор бахшилар ижро этганлар. Лекин уларнинг ижролари баъзи бир ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан фарқланиб туради. Фозил шоир

ижро жараёнида қаҳрамонлик йўналишига алоҳида урғу бериб, асарни мукаммаллаштира, Пўлкан шоир диний-фалсафий ўринларга алоҳида диққатни қаратади, Эргаш Жуманбулбул эса ишқ-муҳаббат йўналишини жўшиб куйлайди. Мана шу тариқа битта асарнинг хилма-хил намуналари пайдо бўлади. Фольклоршунос олимларнинг маълумотларига қараганда “Алпомиш” достонининг ўттиздан ортиқ вариантлари мавжуд. “Тўрўғли” туркумидаги достонларнинг эса юздан ортиқ вариантлари бор.

Фольклорда ижодий метод. Халқ бадиий тафаккуридан реаллик ҳаёлот уйғунлигида фантастикага йўғрилиб акс этади. Масалан, халқ эртак ва достонларида гўзал аёллар образларини кўздан кечирганимизда, уларда халқ ўзининг эстетик идеалинигина эмас, балки реал ҳаётий аёлга хос энг яхши фазилатларни ҳам умумлаштириб акс эттиради.

Фольклордаги кўплаб жанрларда, чунончи, маиший – ҳаётий эртакларда, тарихий ва лирик қўшиқларда воқелик ҳам, қаҳрамон ҳам реал ифодаланади.

Фольклор жанрларига оид деярли барча асарларда қаҳрамонни бадиий тасвирлаш принциплари муштаракдир. Халқ идеал фазилатлар эгаси бўлган, оммани эргаштира оладиган қаҳрамоннигина тан олади. Шу боис фольклор асарларидаги қаҳрамонлар беқиёс идеаллаштирилган.

Фольклор асарларида ижобий қаҳрамон ёзма адабиётдагидек эмас, балки алоҳида ҳаётий лавҳаларда ўз хулқи, ҳатти-ҳаракати ва фаолияти билангина кўрсатилади.³

Фольклорни ўрганиш тарихи унга нисбатан фақат илмий мақсадларда ёндашилганликни кузатиш билан чекланмайди, балки инсоният тафаккури тараққиётида унга турлича муносабатда бўлган илм-фан ва маданият арбобларининг адабий қизиқишларини ҳам ҳисобига олишни тақозо этади. Шу маънода фольклоршунослик асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади.

Қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғрисидаги илк фикрлари фольклоршунослик тарихида муҳим ўрин тутди.

Фольклор намуналарини ёзиб олишдаги дастлабки тажрибалар XI асрдан бошлаб кўзга ташланади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги халқ оғзаки ижоди намуналари бунинг ёрқин мисолидир. Маҳмуд Қошғарий туркий сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш мақсадида қўшиқ, мақол, афсона каби фольклор намуналаридан ҳам фойдаланган. Унда XI аср оғзаки адабиёти намуналари билан энг қадимги даврларда, ҳатто эрамиздан олдинги замонларда яратилган, асрдан-асрга, авлоддан-авлодга кўчиб юрган кўплаб халқ мақоллари, ранг-

³ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008, 7-11-бетлар.

баранг кўшиқлар, афсона ва нақллар тўпланганки, бу асар муаллифининг фақат тилшунос олим бўлиб қолмасдан балки ўз даврининг адабиётшуноси, этнографи ва фольклоршуноси бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Ўзбек фольклоридан айрим намуналарни дастлаб ёзиб олувчи, текширувчи ва нашр этувчилар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган Европа сайёҳлари, элчилари ва олимлари бўладилар. А.А.Кушакевич, Н.Ляпунова, А.Васильев, А.Н.Самойлович каби олимларнинг кундаликлари ва асарларида ўзбек халқининг маиший турмуши, урф-одатлари, оғзаки ижоди бўйича муҳим қайдлар учрайди. Чунончи, халқ кўшиқлари, масхарабозлик, қизиқчилик санъати, халқ сайиллари ҳақидаги таассуротлари баён қилинган; баъзи оғзаки драма, айрим эртакларнинг тавсилотлари берилган.

Ўзбек халқ эртаклари, топишмоқлари, мақол ва маталлари ҳамда оғзаки театр намуналарини тўплаш ва нашр этишда Н.П.Остроумовнинг фаолияти салмоқлидир. У аслида миссионерлик мақсадларини кўзлаган бўлсада, бу соҳадаги ишлари объектив равишда ўзбек фольклорини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Худди шу даврлардан бошлаб ўзбек фольклорининг айрим намуналари дунё миқёсида ҳам танила бошлади. Бунда можор (венгер) олими ва сайёҳи Ҳ.Вамберининг хизматлари каттадир.

У 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган “Чиғатой тили дарслиги” хрестоматия-қўллакнамасида юздан ортиқ халқ мақолларини, “Юсуф ва Аҳмад” достонидан олинган парчаларни немисча таржимада ўзбекча матн билан биргаликда нашр этди. 1911 йилда эса “Юсуф билан Аҳмад” достонининг Хоразм версиясини тўлалигича нашр эттирди.

XIX асрда айрим фольклор ва китоб ишқибозлари, шунингдек, бахшилар ташаббуси билан халқ достонларининг баъзи қўлёзма нусхалари юзага кела бошлади. Бундай нашрлар таржима қилиш ёки халқ достонлари ва эртакларини қайта ишлаш натижасида яратилди. Шу хилдаги асарлар жумласига “Ҳикояти Гўрўғли султон”, “Юсуфбек билан Аҳмадбек”, “Тулумбий”, “Чор дарвеш”, “Рустами достон”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Санобар”, “Бўзўғлон”, “Баҳром ва Гуландом”, “Хурлиқо ва Ҳамро”, “Алдаркўса” кабиларни киритиш мумкин.

“Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китоби 1958 йилда Германияда немис тилида нашр этилди. Бу тадқиқоднинг яратилиши билан ўзбек фольклоршунослигида, хусусан, халқ достонларини ўрганишда янги давр бошланди.

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида ўзбек халқ эпосини ҳар жихатдан ўрганиш ва тўплаш борасида Ҳоди Зарипов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Малик Муродов, Зубайда Ҳусаиновалар самарали иш олиб

бордилар. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари натижасида “Ўзбек фольклоридан намуналар” тўплами босилиб чикди. “Ойсулув”, “Орзигул”, “Ширин билан Шакар”, “Рустамхон”, “Интизор”, “Муродхон” каби достонлар ҳамда “Алпомиш” достонининг Фозил шоир варианты, шунингдек, “Ўзбек халқ достонлари” икки томлигининг нашр этилиши фольклоршуносликдаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

1959 йилда фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг ўзбек халқ қўшиқлари борасида олиб борган тадқиқотлари натижаси сифатида “Ўзбек халқ қўшиқлари” китоби босилиб чикди.

1960-80 йиллар орасида ўзбек фольклорини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, жуда катта маданий бойлигимиз бўлган халқ достонларини ҳар томонлама ўрганиш фольклоршуносликнинг диққат марказида бўлади. Фольклоршунос олимлар М.Саидовнинг “Малика айёр” достони, “Ўзбек халқ достонларида бадий маҳорат”, Т.Мирзаевнинг “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари монографиялари, М.Муродовнинг фольклоршунослигига қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Айниқса, Ҳ.Зарифовнинг “Ўзбек халқ достонларининг тайёрлаш принциплари” каби мақоллари фан тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Академик В.М.Жирмунскийнинг 1974 йилда нашр этилган “Туркий халқлар эпоси” китобида “Манас”, “Алпомиш”, “Эдиге” достонлари ҳақида, шунингдек, “Ўғиз” қаҳрамонлик эпоси ва “Китоби дада Қўрқут”, “Ўрта Осиё халқ бахшилари” ҳақидаги тадқиқотлари жамланган.

Ўша йиллари халқ бахшилари ижодини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Фольклоршунослар Т.Ғозибоевнинг “Фозил Йўлдош ўғли”, О.Собировнинг “Ислом Назар ўғли”, Т.Мирзаевнинг “Халқ бахшиларининг эпик репертуари”, М.Муродовнинг “Сарчашмадан томчилар” каби монографиялари яратилди.

Ўзбек халқ эртаклари ҳақидаги дастлабки йирик тадқиқот М.Афзаловнинг “Ўзбек эртаклари ҳақида” номли китобидир. Муаллиф унда эртақ турлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича фикр юритган.

Фольклоршунос К.Имомовнинг “Ўзбек сатирик эртаклари” монографиясида бу хилдаги эртақларнинг жанр хусусиятлари, уларда анъанавий синов мотиви, эртақ ва достон муносабатлари каби муҳим масалалар ёритилган.

Ф.Жалоловнинг “Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси” монографиясида эса, сеҳрли фантастик эртақларнинг генезиси масалалари таҳлил қилинган.

Ўзбек халқ қўшиқларини ўрганишда М.Алавиянинг “Ўзбек халқ маросими қўшиқлари” китоби алоҳида ўрин тутди. Унда олима турли маросимлар билан боғлиқ қўшиқларнинг тарихий илдизи ва асосий

хусусиятларини илк марта илмий тасниф қилган. Шунингдек, Ш.Турдимовнинг лирик кўшиқлар, У.Жуманазаровнинг тарихий кўшиқлар, Ж.Қобулниёзовнинг Хоразм халқ кўшиқлари тўпламлари босилиб чиқди. Яқин йилларга қадар маросим фольклори ҳақидаги текширишлар бир томонлама бўлиб, улар асосан кўшиқ доирасида ўрганиб келинар эди. Бундай чалкашликларга Б.Саримсоқов тадқиқотлари барҳам берди. Унинг “Ўзбек маросим фольклори” монографиясида мавсумий маросим ва сўз сеҳри билан боғлиқ фольклор турлари атрофлича таҳлил этилади.

Фольклоршуносликда топишмоқ, мақол сингари кам ўрганилган жанрларни тадқиқ этиш ва нашр қилишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бу борада З.Хусанова дастлаб ўзбек халқ топишмоқлари тўпламини сўз боши билан нашр эттирди, кейинчалик эса мазкур жанр бўйича олиб борган кузатишларини махсус монографик тадқиқот сифатида чоп қилдирди. Монографияда топишмоқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари, турлари, уларнинг келиб чиқиши бадиий-эстетик аҳамияти чуқур таҳлил этилган.

“Ўзбек халқ мақоллари” (1987-1988) икки томлигининг юзага келиши ўзбек фольклоршунослигининг жиддий ютуқларидан биридир. Ўн уч мингга яқин мақолни ўз ичига олган бу тўплам академик моҳиятдаги салмоқли ишлардан биридир.

Ўзбек фольклоршунослигида кам ўрганилган жанрлар бўйича ҳам катта-кичик тадқиқотлар олиб борилади. М.Қодировнинг “Ўзбек халқ оғзаки драмаси” (1963) монографияси худди шундай тадқиқотлардан бўлиб, муаллиф унда ўзбек халқ театрининг моҳияти, турлари, халқ актёрларининг маҳорати, ғоявий йўналиши, масхарабозлар репертуари каби масалаларни батафсил таҳлил қилган.

Фольклор асарларида ҳажвий йўналиш муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан қараганда, Ҳ.Раззоқовнинг Фарғона водийси маълумотлари асосида яратган “Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор” монографияси (1965) алоҳида қимматга эга.

Болалар фольклорини ўрганиш борасида ҳам муҳим тадқиқотлар юзага келди. Чунончи, Ф.Жаҳонгировнинг “Ўзбек болалар фольклори” (1974) монографиясида болалар фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, турлари тез айтишлар, топишмоқлар, болалар кўшиқлари ва эртаклар, ўйин фольклори кабилар таҳлил қилинган.

Бундан ташқари ушбу йўналишда О.Сафаровнинг “Болаларни эркаловчи халқ поэзияси” (1981), “Ўзбек болалар поэтик фольклори” (1985) монографияларида ўзигача ўрганилган алла, болалар кўшиқлари, ўйинлари ва бошқа жанрларни янги маълумотлар билан тўлдириб, болалар фольклорига хос турли хусусиятлар аниқланган.

Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётидаги муҳим ютуқлардан бири

шундаки, ана шу йиллар давомида фольклор асарларини илмий тадқиқ қилиш ва нашр этишда самарали натижаларга эришилди. 1964 йилдан бошлаб “Ўзбек халқ ижоди” кўп томонлилигини нашр этишга киришилди. Ҳозиргача халқ оғзаки ижодининг дoston, эртақ, кўшиқ, мақол ва бошқа жанрларига кирувчи кўплаб тўпламлар босилиб чиқди.

Аждодларимиз оғзаки ижодини ўрганишдаги амалга оширилган зарур ишлардан бири “Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар” сериясининг юзага келиши бўлди. “Эргаш шоир ва унинг дostonчилиқда тутган ўрни” (1971), “Фозил шоир” (1973), “Пўлкан шоир” (1976), “Ислom шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни” (1978) каби туркум тадқиқотларда халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусуиятлари, атоқли бахши-шоирларнинг ҳаёти ва ижоди, репертуари каби масалалар ўрганилган. Шунингдек, “Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари” (1981), “Ўзбек фольклори очерклари” (1988-1990) уч томлиги яратилдики, умумлаштирувчи моҳиятдаги ушбу тадқиқотларда халқ оғзаки ижоди жанрларига хос хусуиятлар, уларнинг тараққиёт босқичлари каби масалалар илмий таҳлил этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда халқнинг азалий орзуси бўлган мустақиллик амалга оширилгач, турли соҳаларда бўлгандек фольклоршунослиқда ҳам янги давр бошланади.

Маънавиятимиз ва маданиятимиз тарихини чуқур ўрганиб, тарғиб қилиш, кишиларни халқпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида улардан фойдаланиш, маданий ёдгорликларни тиклаш, тарихий обидаларни асраш, миллий урф-одатларни, халқ оғзаки ижодини кенг миқёсда холис ўрганиш ва уларнинг намуналарини тўплаш, ҳозирги кунда яратилаётган моддий ва маънавий мулкни келажак авлодларга тўла етказиш учун барча зарур чораларни кўриш, ёш истеъдодларнинг камол топишига ҳар томонлама кўмаклашиш ана шу вазифалар сирасига киради.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда истиқлол йилларида миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир қисми бўлган халқ ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 13 январда қабул қилинган “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ва унинг ЮНЕСКО томонидан кўллаб-қувватланиб, 1999 йилнинг 5-7 ноябрида Термиз шаҳрида ўтказилган халқаро миқёсдаги тантанали юбилей миллий қадриятларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодасидир.⁴

Ўзбек халқининг миллий ифтиҳори бўлган “Алпомиш” дostonининг тўла равишда халқимизга етказилиши маданий тараққиётимиздаги улкан

⁴ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008, 12-22-бетлар.

воқеалардан бири бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида: “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади”, - дейилган. “Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик”⁵ – деб белгилаб қўйилган.

Хуллас, халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётдан фарқли ўлароқ юқорида таъкид этилган қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Аммо инсон тарбиясида беқиёс маънавий-маърифий аҳамиятга эга эканлиги жиҳатидан улар ёзма адабиёт билан муштаракликка эга.

Мазкур ўқув қўлланма ҳам ўқувчи-ёшларда ўзбек халқ оғзаки ижоди тўғрисида тасаввурлар уйғонишида ҳисса қўшади деган умиддамиз.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998. 56-бет.

ҚАДИМГИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ, АФСОНАЛАР (МИФЛАР)

Қадим-қадим замонларда яшаган аجدодларимизга дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар тинчлик бермаган. Масалан, ўта қаттиқ ер силкиниши содир бўлса, ер ўртасида магма деб аталмиш чўғ борлигини, унинг ҳаракатга келиши оқибатида ер қимирлашлари бўлишини илмий асослай олмаган бечора одамлар еримизни хўкиз шоҳида кўтариб турган бўлса керак, хўкиз чарчаганида шохларини қимирлатиб, дам олса керак, оқибатда ер қимирлайди, деб фараз қилганлар. Чунки булар у пайтларда ҳатто ернинг думалоқ эканини ҳам билишмас эди. Бундай фаразий мулоҳазалар шундай кўп бўлган-ки, ўтмишдаги одамлар уларга жавоб топишга ҳам улгурмаганлар. Аммо фикр юритиш тахминий сабаблар топиш хусусиятлари ҳозирги дунё кишисида ҳам аجدодлар дунёқарашига яқин ҳолда сақланиб қолган, дейиш мумкин.

Инсон ҳамиша ҳар бир ҳодисадан ўзига манфаатли жиҳатларини топишга уринади. Хаёлан бу манфаатларни асослашга сабаблар ахтаради. Замонлар ўтгани сари турмуш тажрибаси мазкур ҳодисаларни турларга бўлиш, улардан фойдали ва зарарлиларини ажратиш имконини беради. Оқибатда халқ тасаввурида бундай бўлса, яхши бундай бўлса, ёмон деган тушунчалар пайдо бўлади.

Масалан, сафарга чиққан одам йўлда оқ туяси бор қарвонни учратса, унинг мақсади амалга ошган бўлиши мумкин. Йўловчи узокдан бўрини кўриб қолса, унинг ҳаётида ижобий ўзгариш рўй бергандир. Тулкини учратса, аксинча бўлгандир. Тушида башанг кийиниб, эгарланган оқ отда чавондозлик қилган йигитнинг ишлари юришиб кетгандир. Хонадонига қалдирғоч ин қўйган оила тез орада оёққа туриб, мушкуллари осонлашгандир. Аксинча, бирон сабаб билан қалдирғоч инини бузган хонадон тушқунликка учрагандир. Укки сайраган хонадон хонавайрон бўлгандир. Бу мисолларнинг ҳар бири ўнлаб, юзлаб марта тажрибада синалган. Уларнинг изоҳини ҳар ким ҳар хил шарҳлаган. Айримлари ўша кутилган натижани бермаган ҳамдир. Лекин халқ онгида йиллар ўтгани сари ўзига хос ҳукмлар пайдо бўлиб борган. Бу ҳукмлар сон жиҳатидан кўпайиб урф-одатларга, расм-русумларга асос: сувга тупурма, қалдирғоч инини бузма, қарғишга қоладиган иш қилма, бировга тамасиз яхшилик қил, ҳатто бир сочиққа бир пайтда икки киши қўл артмасин ёки шафтолини бўлиб еб бўлмайди каби тушунчалар ана шундай ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида асрлар давомида ўзбеклар онгида шаклланиб келган.

Халқимизнинг табиати шу даражада нозик бўлганки, унинг тасаввурида рақамлар, ранглар ҳам янги-янги мулоҳазалар ҳосил қилган. Академик шоир Ғафур Ғулом Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”

достонини тўлиқ шарҳ билан нашрга тайёрлашда Хоқон фарзандли бўлган куни мамлакатадаги ҳамма деворларни қора рангли ипак матолар билан безаш буйруғини берганини айтади.

Табиийки, нима учун подшо фарзанд кўрган куни бутун юртини қора ҳарир либосда кўришни хоҳлаган, деган савол туғилади. Гап шундаки, Навоий яшаган пайтда қора ранг буюклик, улуғлик рамзи ҳисобланган. Бу тушунча ҳозир ҳам айрим вилоятларда сақланган. Ўзбекларда Қоровой, Қоражон, Қора ботир, Қорахон деган исмларнинг қўйилиши ҳам бу фикрни далиллайди. Шунингдек, малла – етуклик, оқ – поклик, тозалик, яшил – ёшлик каби маъноларни англатган.

Юқоридаги айтилган фикрларнинг ҳаммаси жамланган ҳолда мифологик дунёқараш белгилари ҳисобланади. Бу белгиларнинг шаклланиш даври, пайдо бўлиш муддати шу қадар қадимийки, уларни йиллар, ўн йиллар, юз йиллар билан эмас, балки минг йиллар билан ўлчаш мумкиндир.

Узоқ қадим замонларда одамларни ҳайратга соладиган саволлар жуда кўп бўлган. Хусусан, инсон ва табиат қандай пайдо бўлди, табиатдаги ўзгаришлар нималар оқибатида рўй беради, нима учун ёмғир ёғади, ер қимирлайди каби муаммолар аجدодларимизни ўйлашга, ўзларича изоҳлар топишга мажбур қилган. Бу пайтларда ҳам ҳали ёзувлар, қуёш, ер, осмон тушунчалари ҳақидаги илмий шарҳлар бўлмаган. Натижада, ўтмиш аجدодларимиз бутун дунёни қандайдир илоҳий кучлар яратган бўлиши мумкинлигини ўйлаб топадилар. Уларнинг тасаввурларида бу илоҳий кучлар асосан икки тоифага бўлинган эди. Биринчи тоифани одамларга ёрдам берадиган худолар, иккинчи тоифани зарар келтирувчи деб тасаввур қилганлар. Шундай қилиб, дунёнинг, инсониятнинг, табиатнинг одамларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги энг қадимги содда ҳикояларни мифлар деб аташ қабул қилинган. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида “сав” сўзининг маъносини беради. Олимларнинг таъкидлашича, бу сўз ота-боболаримизнинг айтган биринчи гапларидан иборатдир. “Савлашмоқ” эса оталар сўзини эслаб суҳбатлашишни англатади. Маълум бўладики, “сав” сўзини ҳам миф маъносига яқинлиги бор. Шунингдек, ўтган асрларда яратилган илмий адабиётларда араб тилидан кириб келган асотир сўзини ҳам эслаш мумкин. Чунки бу сўз ҳам ўз маъноси жиҳатидан миф атамасига яқин туради. Аммо ҳозирги замондаги илмий адабиётларда ва фольклоршуносликка оид тадқиқотларда миф сўзини қўллаш қабул қилинган. Шунинг учун “сав” (туркий), “асотир” (араб), сўзлари ўрнида “миф”ни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек энциклопедиясида “миф” юнонча “mifhos”дан олинган бўлиб ривоят, афсона тушунчаларини англатиши қайд этилади. Айни пайтда “миф – коинот ва ҳаётнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисалари, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақида ибтидоий замон кишилари

тушунчаларининг бадий ифодаси” – деб белгилаб қўйилган. Шундай қилиб, миф деганда, энг қадимги афсона, ривоят, ҳикояларни тушуниш мумкин Ўрта Осиёда яшайдиган халқларнинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ мифларнинг дастлабки намуналари “Авесто” китобида учрайди. Бу китобда яхшилик ва ёмонлик кучлари Митра, Анахита, Қаюмарс, Йима (Жамшид), Гершасп (Эликбек) тимсолларида намоён бўлган.⁶

Митра. Одамлар тасвурида нур таратувчи, инсониятга яхшилик келтирувчи худо сифатида пайдо бўлган. Митрани ҳеч қандай ёвуз куч енга олмас эди, чунки у қилич кесмайдиган, найза ўтмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳатто ўтда ёнмайдиган фазилатларга ҳам эга эди Шунинг учун урушга отланишда, овга чиқишда, деҳқончилик ва чорвачиликда одамлар Митрани ўз қаторларида турган куч-қувват сифатида ҳис қилишга одатланишади. Нисбатан кейин пайдо бўлган ва туркий халқлар ўтасида кўп шуҳрат қозонган “Ўғузнома”, “Китоби Дадам Қўрқут”ларда ҳам ўтмиш ота-боболаримиз ўзларига ҳомий, меҳнат жараёнларига ёрдам берувчи таянч қаҳрамонларни тасаввур қилганлар. Мифни ўрганувчи фан мифология деб аталади. Мифологияда 3 та асосий тушунча муҳим ҳисобланади.

1. Тотем.
2. Фетиш.
3. Аним.

Тотем – деганда, биз дунёдаги турли халқлар ҳозирги пайтгача ўзларига ҳомий деб билган ҳайвонларни тушунамиз. Жумладан, бургут, шер, йўлбарс, бўри, илон (аждар), хумо каби ҳайвонлар ва қушлар кўп халқларда алоҳида эъзозланади. Ўзбек халқи ҳозирги пайтда ҳам йўлбарс, илон, бўри, айиқ, туя, от, қўй, қалдирғоч, бургут, балиқ каби қушлар ва ҳайвонларга ҳамиша ҳурмат билан қарайдилар. Уларнинг яшаш жойларини сабабсиз бузиш, ўзларини бирон эҳтиёж сезилмаган пайтда безовта қилиш, ўлдириш гуноҳ ҳисобланган. Айни пайтда, сафардаги одамнинг бўрини, бургутни, оқ туяни учратиши яхшилик белгиси ҳисобланган. Ҳатто бу мавжудотларни тушда кўришни ҳам яхшиликка йўйганлар. Маълум бўладики, тотемизм белгиси ўзбек халқининг маиший ҳаётида шу пайтгача ўз таъсирига эга. Шундай қилиб, ер куррасининг турли ҳудудларида яшайдиган халқлар табиий шароитларга қараб, турли нарса, ҳайвон ва қушларни ўзларига ҳомий деб билганлар: ҳатто, ҳозир ҳам байроқларига, гербларига уларнинг тасвирини рамз сифатида киритганлар.

Қашқадарё вилоятида туғилган фарзанд ҳаётдан кўз юмаверса, оила бошлиғи – ота тоққа чиқиб бўри овлаган. Бўрини ўлдириб, унинг лунжини кесиб янги туғилган чақалоқни ўтказишган, терисини бешикнинг тагига

⁶ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарқ” 2001, 20-22-бетлар.

солишган, тишлари ва тирноғини бешикка ўйинчоқ қилиб осиб қўйишган. Бу билан янги туғилган гўдакка бўрининг ҳомийлик қилиши белгиланган. Энди бўри уни турли инс-жинслардан ҳамиша асрагувчи ҳомийга айланган. Болага эса Бўрибой, Гуркибой, Бўритош, Бўрихон деб исм қўйишган. Буни қаранг-ки, айнан ана шу фарзанд кейинчалик узоқ умр кўрган. Бу ҳолларнинг қанчалик ҳаёт ҳақиқатига мос келишини ҳозирги замон илми ҳам изоҳлай олмайди.

Фетиш – инсонлар томонидан алоҳида эътибор билан қараладиган нарсa, предметлар тушунчасини англатади. Хусусан, туркий халқларда қуёш, ой, ер, айрим юлдузлар, сув, тупроқ, ёй, қилич, қалам кабиларга асрлар давомида алоҳида ҳурмат билдирилган. Масалан, йигит кишининг пичоқ йўқотиши, ёйининг синиши ёмонлик белгиси бўлиб келган, айни пайтда тупроқ, сув билан доимий равишда яқин бўлиш бахт ҳисобланган.

Ўзбеклар ҳамиша фетиш тушунчасига жуда масъулиятли муносабатда бўлганлар. “Сувга тупурма”, “дўппингни йўқотма” каби тушунчалар фикримизга далил бўла олади. Одатда фетиш маъно жихатдан тотемдан анча кенг тасаввур қилинади. Чунки, ҳар бир ранг, ҳар бир нарсa, предмет, туш ва ҳоказолар халқимиз тарихида алоҳида ўринга эга бўлган.

Мифологик дунёқараш белгилари болаларга исм қўйишда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган. Албатта, оилада фарзанд туғилгани заҳоти унга исм қўйиш одати яхши ташвишга айланган. Оила аъзолари ўз фарзандларига ҳамиша энг мазмунли, энг гўзал, энг таъсирчан исм қўйишни хоҳлаганлар.

Оилада исм қўйиш алоҳида анъана ҳисобланган. Одатда исмни пирибадавлат, ували-жували, халқ орасида катта обрўга эга бўлган қария қўйган. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Алпомиш” достонида Бойбўри ва Бойсари фарзандларига исм қўйиш лавҳасини эслайлик: “Бир вақт шунда бийлар қараса, узоқдан бир қаландар кўриниб келаберди. Бийларнинг эсига (тушди): Равзада “Қаландар бўлиб бориб, ўзим отини қўйиб келаман”, деган овозни эшитган эди. Шундай қараса, яхши нурли бир қаландар маст бўлиб, қаландардай бўлиб, шул мажлисга қараб кела берди. Халойиқлар ҳам кўрди: Тарзи гул юзли, ширин сўзли, бир сиёсатли киши қаландар бўлиб келаётир, ўзга кишиларга бу қаландарнинг ҳоли-аҳволи маълум эмас. Равзадаги сўзлаган овозни эшитгани сабабли Шоҳимардон пирим шул киши бўлмаса, деб бийлар ўрнидан туриб олдиға пешвоз чиқиб, салом бериб зиёрат қилиб, мажлисхонага бошлаб олиб келди. Шунда фарзандларнинг учовини олиб келиб, Шоҳимардон пирининг этагига солди, Шоҳимардон пири Бойбўрининг ўғлининг отини Ҳакимбек қўйди. унинг кифтига беш қўлини урди. Беш қўлининг ўрни доғ бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди. Қизининг отини Қалдирғочойим қўйди. Бойсарининг қизининг отини ой Барчин қўйди”.

Халқимизда Ҳасан, Ҳусан; Фотима ва Зухра; Арофат, Ортиқ, Машраб, Тожиҳон, Тожибой; Наврӯз каби фарзандлар ўз исми билан туғилиши ҳақида мулоҳазалар бор. Айни чоғда Муҳаммад, Абу Али, Улуғбек, Алишер каби исмлар болага оғирлик қилиши, бундай исмли болалар ўзларига ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари лозимлиги ҳам турли мулоҳазаларда айтилади. Ҳар ҳолда кўпинча ҳар бир инсон йиллар ўтиши билан ўз исмига мос табиатга эга бўлишини ҳаёт тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Шунинг учун исм шахс ҳақида дастлабки маълумот берувчи белги сифатида ўз баҳосини олган.

Аним – инсон томонидан тотем ва фетишга ишонч билан қараш маъносини англатади. Тушга ишониш оддий ҳаётда рўй бераётган воқеалардан келажак ҳақида тасаввур ҳосил қилишга уриниш одатлари анимизм таъсири билан боғлиқдир. Тўғри, аксари пайтларда одамлар иримларни хуш кўрмайдилар, лекин тарихий жиҳатдан шаклланган урф-одатларимиз, расм-русумларимизда тотемизм, фетишизм, анимизм белгилари аниқ сезилиб туради. Бундай воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат бадиий адабиётимизда ҳам ўз ифодасини топган. Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги ўчоқ олдида рўй берган ҳодисани, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов асарларидаги айрим лавҳаларни эсласак кифоядир.

Ҳаёт тараққиёти аста-секин мифларда ўз аксини топган воқеа ва ҳодисаларни илмий жиҳатдан изоҳлаш ҳолатларини кучайтирди. Жумладан, йил давомида фаслларнинг ўзгариши, қуёш ва ойнинг тутилиши, ер қимирлашлар, замон ўтиши билан илмий жиҳатдан асослаб берилди. Аста-секинлик билан инсонларнинг ўзлари табиат ҳодисаларига аралашдилар, илм-фан ривожланди. Деҳқончилик, чорвачилик соҳасида қатор-қатор янгиликлар пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар маълум даражада мифларга бўлган муносабатларга ҳам янгилик киритди. Шундан сўнг қадим-қадим замонларда рўй берган муҳим аҳамиятли воқеалар мифлар билан уйғунлаша бошлади.

Натижада, бадиий тафаккурнинг мифларда ифодаланиши таъсирида секин-аста халқ оғзаки ижоди намуналари бадиий жиҳатдан мукаммал асар сифатида пайдо бўла бошлади.

Бу ўринда Каюмарс, Жамшид мифини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофиқдир (*Н.М.Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобидан*).

Мифологияга кўра, Гайа Мартан (Каюмарс-у Гавомард, яъни ҳўкиз-киши, деб ҳам юритилган), ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гуё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: ҳўкиздан ва одамдан ташкил топган экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг ҳўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўкиз, улардан эса

272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади. Шундай қилиб, Каюмарс биринчи инсон ва инсоният ҳаётининг ибтидоси сифатида тасвирланади. Каюмарс ёзма адабиётда ҳам қайта-қайта ишланди. Жумладаи, у Фирдавсийнинг “Шохнома”сида кишиларни зулматдан, ғорларда яшашдаи қутқариб, уй-жой ва шаҳарлар бино қилган қаҳрамон шоҳ сифатида гавдалантирилди. Каюмарс образи тасвирий санъатда ҳам маълум из қолдирган. 1932 йилда Тали Барзуда (Самарқанд яқинида) топилган сополга ишланган сурат шуни кўрсатади. Бу суратда гавдасининг пастки қисми ҳўкиз, юқори қисми одам бўлган бир шакл тасвирланган.

Йима (Жамшид) ҳам Каюмарс каби нажоткор қаҳрамон сифатида тасвирланади. “Авесто”да баён этилишича, у адолатли ҳукмдор бўлиб, унинг даврида қаҳратон совуқ ва жазирама иссиқ ҳам, қариш ва ўлиш ҳам бўлмаган экан. Жамшид ер юзини уч барабар кенгайтиради, чорвани ва турли хил қушларни ниҳоятда кўпайтиради... Бироқ қаҳратон қиш бошланиб, кишиларга офат келтиради. Қиш ўтиб, қор-музлар эриб, яйловларни сув босади Шунда Жамшид яна нажоткор бўлади. У катта ғовлар қуриб кишиларни ва уларнинг мол мулкини сув тошқинидан сақлаб қолади, уй-жойлар қуриб, ариқлар очади.

Шундай қилиб, Каюмарс ва Жамшид мифологик образлари Ахриман ва унинг девларига қарши курашда халқ нажоткори сифатида тасвирланади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончини ифодалайди. Жамшид образининг айрим қадимги излари ўзбек халқининг, “Китоби Жамшид” асарида ҳам сақланган.

Халқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам вужудга келади. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Бироқ бу кураш дастлабки даврларда кўпинча аждар, дев ва жин каби ғайритабиий кучларга қарши қаратилади. Аждар, дев, жин ва бошқалар айна замонда ҳар қандай ёмонликнинг тимсоли сифатида гавдаланувчи образлардир Энг муҳими шундаки, кишилар жамият ва табиатдаги бахтсизлик ҳамда турли офатларнинг сабаби ва моҳиятини тушунолмаган бўлсалар ҳам, ўз куч-қувватларига ишонганлар, “аждар”, “дев” ва “жин”лар устидан ғалаба қозонувчи Гершасп ва Эликбек каби ўлмас баҳодирлар образини яратганлар. Бундай афсоналарнинг ҳаётӣ аҳамияти ҳам ана шунда.⁷

Шундай қилиб, мифлар уч-тўрт минг йил олдин яратилган энг дастлабки содда ҳикоялар намунасидир.

⁷ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарқ” 2001, 23-27-бетлар.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ЖАНРЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАРКИБИ

Қадим замонларданок таниқли адабиётшунос олимлар сўз санъатининг асосан уч турга бўлинишини таъкидлаганлар. Хусусан, бу уч тур эпос, лирика ва драмадан иборатдир. Халқ оғзаки ижодига оид бадиий асарларни ҳам ана шу тамойил асосида уч турга бўлиш мумкин бўлади. Бу турларнинг бош хусусиятини қуйидагича фарқлаш мумкин:

Эпос – юнонча “epos” – ривоят, ҳикоя, кўшиқ сўзидан иборат бўлиб, сўз санъатида бирон ҳикоя, воқеани баён қилиш ёки ҳаётий лавҳани ифодалаш маъносини англатади. Таърифдаги кўшиқ сўзига ажабланиш керак эмас, чунки қадимги юнонлар назарда тутган кўшиқлар бизнинг тасаввуримиздагилардан фарқли ўларок воқеа-ҳодисалар баёнини шеърӣ тарзда акс эттириб оҳанг билан ижро этиш хусусиятига эга бўлган. Шундай қилиб, “эпос” деганда, аниқ бир воқеани бадиий тарзда ҳикоялаш тушунилар экан. Умуман, ҳамма халқлар оғзаки ижодида эпос ёки эпик жанрдаги асарлар мавжуд улар эртаклардан, афсоналардан, русларда балладалардан, туркий халқларнинг кўпчилигида дostonлардан иборатдир. Аммо шу билан бирга ўзбек халқ оғзаки ижодидаги миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, латифа, лоф, тарихий кўшиқлар, терма, дoston каби жанрларни эпик асарлар деб аташ мумкиндир. Шу билан бирга мақоллар, топишмоқлар каби атамалар билан юритиладиган асарларни ҳам, профессор Б. Саримсоқов махсус тур деб атайди. Ҳақиқатан ҳам, уларда маълум даражада эпиклик яъни қайсидир ҳаётӣ лавҳа юзасидан малумот бериш белгиси мавжуддир.

Айни пайтда, халқ оғзаки ижодида шундай асарлар ҳам борки, улардан халқимиз тарихига оид воқеалар мардлиги, жасурлиги, қаҳрамонлиги билан донг таратган ботирларимиз фаолияти билан уйғун қўйилган ҳолда акс этади. Бундай асарларда кўтаринки руҳ ҳам алоҳида сезилиб туради. “Алпомиш” ва Гўрўғли туркумига оид айрим дostonлар ана шундай асарлар қаторидан ўрин олади.

Лирика – инсон ҳаётида, табиатда рўй берган бирон ҳодиса. лавҳадан таъсирланиш натижасида унга нисбатан пайдо бўлган муносабатни ички кечинмалар, ҳис-туйғу воситасида ифодалашдир. Лирика ўзида ички кечинмаларни ифодалаш хусусияти билан эпик асарлардан фарқланади. Чунки бундай асарларда бош мақсад содир бўлган ҳаётӣ воқеани эмас, балки ана шу воқеага нисбатан муносабат тарзида ифодаланувчи руҳӣ таассуротларни ифодалашдан иборатдир. Шунинг учун лирик асарда воқеа баёнини нисбий тушуниш лозим. Масалан, “Алпомиш” дostonидаги бир лавҳани олайлик: “Кунлардан бир кун Ҳакимбек китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди”. Бу парчада бахши тингловчига Ҳакимбек ҳаётида рўй берган бир воқеа ҳақида хабар бермоқчи. Аслини

олганда дostonнинг бутун мазмуни ана шундай хабарлар йиғиндисидан ташкил топади. Энди “Ёр-ёр”дан олинган қуйидаги парчага эътибор қилайлик:

*Токчадаги қайчини
Занг босибди ёр-ёр,
Янги тушган келинни
Ғам босибди ёр-ёр.*

Юқоридаги тўртликда ёр-ёр айтаётган ижрочининг мақсади тингловчиларга мутлақо токчадаги қайчини занг босгани ҳақида маълумот ёки хабар бериш эмас. Бу қўшиқда ёш қизнинг кўнгил қўймай турмушга чиқаётганига нисбатан ачиниш кайфиятини ифодалаш етакчидир. Қўшиқ руҳи бизнинг ҳолатимизда, руҳиятимизда ўзига хос кечинмалар ҳосил қилади. Ижрочи ички кечинмаларини бизнинг жисмимизга сингдиради. Жумладан, болалар ижро этадиган “Офтоб чиқди оламга” қўшиғи ҳар бир тингловчида совуқ кунлар тугагани, оламнинг ёришгани билан бирга хурсандлик туйғусини пайдо қилади.

Шундай қилиб, лирика инсон руҳий оламини бадиий тарзда тасвирловчи асарлардан иборат бўлади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида қўшиқларнинг ҳамма турлари: ёр-ёрлар, аллалар; маросим фольклоридаги жанрлар: марсиялар, йиғилар лирик жанрлар ҳисобланади. Қуйидаги қўшиққа диққат қилинг:

*Дайрани ул юзидан сел келади,
Сел билан икки ўрдак тенг келади.
Ўрдакка ўрдак муносиб гозга гоз,
Йигитга қайлиқ муносиб қизга ноз.*

Бу қўшиқда дарёнинг нариги бетидан келаётган сел, селнинг келишини кузатаётгандай бўлиб учаётган ўрдак ёр ҳақидаги ички ҳис-туйғуларни ифодалаш ниятида турган йигит учун шунчаки бир баҳона. Йигитнинг бош мақсади ўзига тенг ҳисоблаётган ёр тавсифи ва у ёрнинг ниҳоятда нозли қиз эканлигини таърифлашдир. Маълум бўладики, инсон қайси восита билан бўлмасин ўзининг руҳий ҳолатини тасвирлар экан, лирик асар намунаси вужудга келади. Ана шунинг учун ҳам айрим иқтидорсиз шоирларнинг фақат қофиядош сўзлардан иборат бўлиб, бирон эътиборга лойиқ фикр билдиришга ожиз мисраларини лирика намунаси ҳам, шеърый асар ҳам деб бўлмайдиган, чунки ҳақиқий маънодаги лирик асарлар инсонни лоқайд қолдирмайдиган, унга маънавий озуқа бериш билан бирга эстетик роҳат бағишлайди.

Болалар фольклорига оид аллаларда ёки мактаб ёшидаги фарзандлар севиб қуйлайдиган “Бойчечак”, “Оқ теракми, кўк терак” каби қўшиқларда ҳам лирик асарларга қўйиладиган талабларга жавоб топиш мумкин.

Шундай экан, болалар фольклоридаги кўшиқлар жанрига оид асарларни ҳам лирика намуналари сифатида қабул қилиш мумкин бўлади.

Драма – бу сўз ҳаракат маъносини билдиради. Драматик асарлар сахна билан боғлиқ бўлади. Бу асарларнинг ижрочилари фақат гаплари билангина эмас нутқларидаги интонациялар, юз, бош, кўл ҳаракатлари билан образга киришадилар. Оқибатда томошабин тингловчиларни ўзига жалб қиладиган театрлашган томоша кўриниши вужудга келади. Ана шундай хусусиятларни ўзида мужассам этган жанрлар драматик жанр ҳисобланади. Халқимиз оғзаки ижодидаги халқ драмаси ва аскияси жанрларини ана шундай асарлар намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Чунки халқ драмасида томоша иштирокчилари асар мазмунига кўра қози, жиноятчи, жабрланувчи, шўрпешона она, бахтсиз ота, ландавур фарзанд каби ролларни бажарадилар, уларнинг ҳаракатига мос оҳангда сўзлайдилар, атрофдагиларни кулдириш учун турли ҳаракатлар ўйлаб топадилар. Аскияда эса мазкур сўз ўйини мусобақасида қатнашадиган аскиябозлар тўй, сайилга келган одамларнинг даврасида кўзга кўринарли эътиборни эгаллайдилар. Улар бир-бирларига гап ташлар эканлар, нутқларидаги алоҳида маънога эга бўлган усулларни махсус урғу билан, нозик интонация билан талаффуз қиладилар. Натижада, аскиябозлар ўз-ўзидан жонли сахна иштирокчиларига айланиб қоладилар. Қизиғи шундаки, жонли ижро билан яшайдиган оғзаки драма ва аския асарларини ёзма матнлари ҳеч қачон жонли ижро каби таассурот қолдирган эмас. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган жанрларни драматик асарлар мажмуаси деб қабул қилиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодидаги асарларни яна уларнинг мазмунига кўра тасниф қилиш мумкин. Масалан: миф, афсона нақл, айрим дoston ва эртакларда ўзбекларнинг ўтмиш ҳаётига оид асарлар учрайди. Бундай асарлар кўпинча Тўмарис, Широқ, Алп Эртунга, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби ёрқин тарихий шахслар номи билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, баъзи асарларда юртимиз ҳудудида жойлашган ва эл орасида шухрат топган географик номлар билан ҳам алоқада бўлади. Масалан, Андижон, Қонқус, Шохимардон пири, Зангиота, Ясси каби ҳудуд номлари ҳақидаги асарлар фикримизни далилидир.

Фольклор жанри учун бир қатор анъанавий мавзулар ҳам умумий ҳисобланади. Масалан, Ватан мавзуи “Алпомиш”, “Равшан” каби дostonлар ва “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас” каби мақолларни бирлаштириб туради. Ростгўйлик, меҳнатсеварлик, адолат, илм-ҳунар эгаллаш каби мавзулар ҳам ўз навбатида бир қатор дostonлар, эртаклар, мақолларни жамлайди.

Халқ оғзаки ижодида анъанавий эстетик жиҳатлар ҳам умумий ҳисобланади. Жумладан, деярли ҳамма жанрлардаги асарлар тилининг соддалиги, баъзан бошқа-бошқа жанрлар намуналарининг бир мавзуга

бағишланиши (“Тоҳир ва Зухра” эртаги ва достони), эпик асарлар сюжети ва композициясидаги яқинликлар ва, ҳатто, бир неча жанрларга оид намуналарда ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби тасвир воситаларининг ўхшашлиги фикримизнинг далилидир. Халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг таркиби ҳақида гап борар экан, жанрларнинг ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олиш лозимдир. Аввало, жанлараро муносабатлар ўта мураккаб жараён эканини назарда тутиш керак. Маълумки, ўзбек халқ оғзаки ижоди дунёдаги энг қадимий сўз санъати намунасига оид асарлардан ташкил топган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, кейинги икки минг йил ичида оғзаки ижодимиз маҳорат жиҳатдан жуда кўп ҳаётий синовларга дуч келган. Натижада, кичик жанрлар деб аталмиш мақол, матал, топишмоқлардан бириккан эпик асарлар майдонга келган бўлиши мумкин. Айни пайтда, достон, эртак, қўшиқ, каби жанрларни ўрганиш бу турга мансуб асарларнинг маълум тараққиёт босқичи натижаси сифатида баҳолашга асос бермокда. Жумладан, достоннинг шаклланиши ва ривожланишида мифологик дунёқараш элементлари, асар ва ривоят каби қадимий турларнинг таъсири аниқ сезилади.

Халқ оғзаки ижодидаги асарларда бир жанрга мансуб намуналарнинг бошқа – ҳажм жиҳатдан катта асарларда учраши табиий ҳисобланади. Масалан, “Алпомиш” достонида ўнлаб мақол ва маталлар қайд этилган. Шунингдек, бир қатор эртаклар борки, уларда турмушга чиқадиган қизнинг шарт қўйиши баҳонаси билан топишмоқ намуналари ўрин олади. Ҳатто, айрим эртак матнларида лирик қўшиқ намуналари келтирилганига гувоҳ бўламиз. Бу ўринда “Ёрилтош” эртагини эсга олиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ оғзаки ижоди бевосита бу санъат намуналарини яратган халқнинг ижтимоий маданий, иқтисодий ҳаёти билан узвий алоқададир. Халқимиз тарихидаги муҳим айрим жанрларнинг ривожланишига, айримларининг йўқолиб боришига сабаб бўлган. Бу ўринда оғзакилик хусусияти жуда кўп жанрларга оид асарларнинг эл хотирасидан ўчиб кетишига олиб келган. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, Чингизхон истилоси даврида халқни озодликка даъват этувчи қўшиқлар, Амир Темур замонида бинокорлик, бунёдкорлик билан боғлиқ ривоятлар яратилган бўлиши мумкин. Юзлаб йиллик тарихий жараён ўзбек халқи томонидан яратилган сўз санъати намуналарини алоҳида-алоҳида жанрларга ажратди ва бизнинг замонимизга келиб ҳар бир намуна ўзининг шакли ва мазмунига хос равишда оғзаки ижод хазинасидан ўрин эгаллади. Бинобарин, ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганиш жараёнида мазкур асарларнинг ғояси, тарбиявий аҳамияти, эстетик жиҳатлари билан бир қаторда жанр хусусиятларига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

МАҚОЛЛАР

Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакли, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намоёиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, ўзи ва ўзлиги тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланилмоқда. Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг – жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган. Чунки ўзбек халқининг бундай улкан фольклор мероси фольклористик нуқтайи назардан кейинги асрларгача деярли тўпланмай ва ўрганилмай келган. Бундан халқ мақоллари ўтмиш адиблари, шоирлари, тарихчилари эътиборидан мутлақо четда экан, деган хулоса чиқармаслигимиз керак.

Мақолга адабий нуқтайи назардан қизиқиш, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз санъаткорларининг диққат марказида бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб, Амад Яссавий, Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Аваз, Ҳамза, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари синчиклаб ўрганилса, уларнинг таркибида қанчадан қанча мақоллар баъзан айнан, баъзан ўзгарган ҳолда мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тарихимизда ҳатто мақолга махсус, агар таъбир жоиз бўлса, фольклористик нуқтайи назардан, гарчи эпизодик характерда бўлса-да, муносабатда бўлинган ҳолларга ҳам дуч келамиз. XI асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Маҳмуд Қошғарийнинг тўпловчилик фаолияти ва унинг “Девони луғотит турк” асари бунга ёрқин мисол бўла олади. “Девон”да турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар ҳам келтириладики, уларнинг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффақиятли равишда ишлатилмоқда.

Бу ўринда адабиётимиз тарихида мақоллар асосида яратилган асарлар

ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, Муҳаммад Шариф Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари таркибида 300 дан ортиқ мақол бор. Ёки, Сулаймонкул Рожий ўзининг “Зарбулмасал” асарида 400 дан ортиқ мақолни шеърӣ вазнга солганлиги ҳам эътиборга лойиқ ҳодисадир.

Ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуа ва хрестоматияларга киритиш, улардан махсус тўпламлар тузиш ишлари эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Масалан, венгер олими Ҳ.Вамберининг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган “Чиғатой тили дарслиги” хрестоматия – луғатига ўзбек фольклори ва адабиётининг айрим намуналари қатори 112 та мақол киритилган бўлиб, уларнинг немис тилига таржимаси ҳам берилган. Шундан кейин бирин-кетин Н.Остроумов (1895), Б.Раҳмонов (1924), Ш.Жўраев (1926), Ҳ.Зарифов (1939, 1947), Б.Каримов (1939), Ш. Ризаев, Ў.Азимов, Ў. Холматов (1941), М. Афзалов, С.Иброҳимов, С.Худойберганов (1958, 1960, 1965, 1978), Р. Жуманиёзов (1964, 1967, 1970), Э.Сиддиқов (1976, 1986), Б.Саримсоқов, И.Ҳаққулов, А.Мусоқулов, Р.Зарифов (1978), Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов, М.Мадраҳимова (1981, 1984), Ш. Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов (1987, 1990, 2001), Т. Мирзайев, Б.Саримсоқов, А. Мусоқулов (1989) каби фольклоршунослар, фан ва маданият ходимлари томонидан тузилган турли характердаги ва турли ҳажмдаги мақоллар тўпламлари нашр этилди. М.Абдураҳимов, Х.Абдурамонов, М.Содиқова, Ҳ.Кароматов, К.Кароматова, Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов каби олимларнинг тилшунослик ва таржимашунослик йўналишидаги тўпламлари юзага келди. Шунингдек, Й.Чернявский, В.Рўзиматов (1959), Н.Гатсунайев (1983, 1988), А.Наумов (1985) каби таржимонларнинг меҳнати билан ўзбек халқ мақоллари рус тилида ҳам айрим-айрим тўпламлар сифатида босилиб чиқди.

Турли даврлар, турли йилларда бундай тўпламларнинг нашр этилиши халқ мақолларини тўплаш, уларга муайян бир тартиб бериш, улардаги умуминсоний ғояларни тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу тўпламлардаги фактик материаллар, асосан, бир-бирини такрорлайди. Шунга қарамай, улар материалнинг ҳажми, танланиши, мавзуларга ажратилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, М.Афзалов бошчилигида тайёрланган тўпламнинг кейинги нашрига 2500 дан ортиқ мақол 34 мавзуга бўлиб берилган бўлса, Р.Жуманиёзов тўпламининг сўнгги нашрида 1047 мақол 22 мавзу остида жамланган. Ёки Б.Раҳмонов тўпламига 564, Ш.Жўраев тўпламига 711 мақол киритилган, холос.⁸

Халқ мақоллари мукамал бадиий ижод намунаси сифатида адабиётшунослар, фольклоршунослар томонидан ўрганилган. Олимлар қадимги шоҳлардан Абос Сафавий амри билан мақол ва маталларимиз бир жойга жамлангани ҳақида маълумот берадилар. Афсуски, бу мажмуа

⁸ Ўзбек халқ мақоллари. Т.: “Шарқ”. 2005. 3-4-бетлар.

бугунги кунда йўқолган. Ўтган асрда ўнлаб мақоллар тўплами эълон қилинди. “Ўзбекча оталар сўзи” (1924), “Мақоллар ва ҳикматли сўзлар” (1939), “Оталар сўзи–ақлнинг кўзи” (1947), “Ўзбек халқ мақоллари” (1978), “Ўзбек халқ мақоллари” (2 жилдлик, 1987–1988) кабилар шулар жумласидандир. Уларни тўплаш, нашрга тайёрлаш, тадқиқ этишда аввал Ходи Зарифов, Буюк Каримов, Ғози Олим Юнусов, Ғулом Зафарий; кейинчалик Охунжон Собиров, Зубайда Хусайнова, Ғани Жаҳонгиров, Ражаб Жуманиёзов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов, Малик Муродов, Иброҳим Ҳаққулов, Асқар Мусақулов, Р. Зарифов каби олимлар муносиб ҳисса қўшдилар.⁹

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар ҳулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак. Уларда шундай сўзлар борки, бу сўзлар тарихан бутунлай бошқа маъноларни англатган. Масалан, туз сўзи бугунги кунда минерал моддани билдиради. Тарихан бу сўз тўғри, одобли; дала, текислик маъноларини англатган ва фақат мақоллардагина сақланиб қолган:

Қиз сақласанг, туз сақла.

Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл.

Шунингдек, меҳнат сўзининг азоб-уқубат, бахтсизлик маъносини ҳам фақат мақолларда ёки айрим шевалардагина учратиш мумкин:

Меҳнат ҳам эгиз-эгиз,

Давлат ҳам эгиз-эгиз.

Сўз санъатининг маҳсули сифатида мақоллар ҳам бадиият ҳодисаларидир. Уларда бир сўзнинг ўнлаб маъно кирралари, бадиий тасвир воситалари, поетик кўчимларининг барча намуналарини учратиш мумкин.

Масалан, қайси мақол таркибида келишига қараб биргина ёмон сўзи ёмонликдан ташқари худбинлик, текинхўрлик, эгрилик, инсофсизлик, душманлик, қўрқоқлик, нодонлик, илмсизлик, одобсизлик, бахиллик, манманлик, ношудлик, ёлғончилик, сабрсизлик, бевафолик, очкўзлик, номуссизлик, исрофгарчилик ва ҳоказо маъноларни ифодалайди. Бу – мақолларда сўзларнинг маъно имкониятлари нақадар кенглигини кўрсатади.

Мақоллар сўз санъати маҳсули сифатида ўз маъносида, кўчма

⁹ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарк” 2001, 34-бет.

маънода ва ҳар иккала маънода қўлланиши мумкин. Шунинг учун уларда бадий-тасвирий воситаларнинг хилма-хил шаклларига дуч келамиз. Аммо мақолларда ўхшатишнинг кам ишлатилишини, унинг бу жанр учун характерли эмаслигини ҳам кўрамиз. Мақолларни ўхшатишлар билан ўзгартириб қўлласак, одатда, улар ўз мақоллик хусусиятини йўқотади. Масалан, “*Булбул чаманни севар, Одам – Ватанни*” мақолини булбул чаманни севгандай, одам ватанни севар ёки “*Дехқон бўлсанг, шудгор қил, Мулла бўлсанг, такрор қил*” мақолини деҳқон шудгор қилгандай, мулла бўлсанг такрор қил деб кўрайлик-чи, бутунлай маъносизлик юзага келади.

Кейинги пайтларда мақолнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олмай, ўзгартириб қўллаш ҳолларига дуч келмоқдамиз. Масалан, “*Устоз отангдан улуг*” мақоли “*Устоз отангдай улуг*” тарзида бузиб қўлланилмоқда. Бунда отани камситиш ҳолати йўқ, шундай бўлганда халқ “*Ота рози – худо рози*” деган мақолни яратмас эди. Бу ерда устоз ҳурматини бўрттириш бор, қолаверса, халқда барча одамзоднинг биринчи якка-ягона устози Оллоҳдир, деган тушунчалар ҳам бор.

Иккинчидан, устоз билан ота тенглаштириб қўйилса, мақол мазмуни бутунлай ўзгариб, халқ қарашларига зид бўлиб қолади. Тўғри, кўп вариантлик мақоллар учун хос ҳодиса. Аммо бу мақолларни истаганча ўзгартириш мумкин дегани эмас. Вариантликнинг ҳам ўзига хос табиий қонуниятлари бор.

Мақоллар кетма-кет келганда, бири иккинчисини инкор этгандек, бир-бирига зиддек туюлиши мумкин.

Аслида эса қўлланиш вазиятга қараб турли-туман маъно-мазмунни ифодалаганлигини унутмаслик керак.

Қуйидаги мақолларга эътибор қилинг:

Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар

Кўпни ёмонлаган кўмилар.

Ёки:

Ҳисоблашган дўст эмас

Ҳисобли дўст айрилмас.

Келтирилган мақоллар бир-бирига зид эмас. Ёки бири иккинчисининг бузилган варианты ҳам эмас. Улар ўз маъносига эга мустақил мақоллардир:

Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар.

Маълумки, халқимиз марҳумларга алоҳида ҳурмат кўрсатади. Тириклигида қанчалик ёмон бўлишмасин, улар ҳақида ёмон сўз айтишдан, гарчи тўғри бўлса ҳам, тийилади. Мақолда эса бундай кишиларнинг азасига ҳам кишилар истар-истамас келиши, тилида айтмаса ҳам, дилида уларнинг аслида ким бўлганини унутмаслиги ўз ифодасини топган.

Бундай қатъий ҳукмда ўзига хос огоҳлантириш ҳолати тасвириланган.

Кўпни ёмонлаган кўмилар.

Бу ерда ҳалок бўлар, эл назаридан қолар деган маъно ифодаланган.

Ҳисоблашган дўст эмас.

Баъзи кишилар арзимас хизматларини ҳам дўстга миннат қилишади. Бу ерда сўз ўша ҳақда кетмода.

Ҳисобли дўст айрилмас.

Бу мақолда эса дўст киши дўстнинг яхшиликларини унутмаслиги, доимо ёдда тутиши керак, деган маъно ифодаланмоқда.

Мақолларнинг жонли жараёнда, вазиятга қараб қўлланилишидан баъзи мақоллар мисралар ўрни алмашган ҳолда мавзуларда такрорланган. Ана шу қаторлар алмашуви, ҳатто сўзлар, ибораларнинг ўрин алмашувида ҳам маъно ўзгачалиги юзага келади. Масалан, сўз исрофгар хотин ҳақида кетаётган бўлса, мақолни “*Лимча мулла – диннинг шўри, Ёмон хотин – уннинг шўри*” шаклида, сўз чаласавод дин вакили ҳақида кетаётган бўлса, уни “*Ёмон хотин – уннинг шўри, Лимча мулла – диннинг шўри*” шаклида қўллайдилар. Бундай ҳолатларда маъно урғуси, одатда, иккинчи мисрага тушади.

Яна бир мулоҳаза: Юртимиз мустақилликка эришуви туфайли кўп нарсалар ижобий қутбга ўзгарди.

Жумладан, диний қадриятлар тўлалигича тикланди. Мақолларнинг ҳам қўлланишида турфаликлар юзага келди. Аммо диний қадриятларнинг тикланиши дин ниқобида юрган текинхўрлар, ёвузлар бутунлай йўқолди дегани эмас. Мутаассиблик ҳозир ҳам мавжуд. Чаласавод мулла, имомлар ҳозир ҳам топилади.

Шунингдек, бундай мақоллар тарихан турли-туман муносабатларни ифодалаганлигини, тилимизда асрлар давомида ишлатилиб келиниб, бугунги кунда эса, асосан, кўчма маънода қўлланишини ҳам унутмаслик керак.¹⁰

Халқ мақолларининг ўз ва кўчма маънолари бор. Турмушда рўй берган воқеа-ҳодиса натижасида вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда миллатимиз вакили бирон мақолни ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида келтириши мумкин. Аммо мазкур мақолнинг ўз ёки кўчма маънода қўлланганлигини баҳо берилаётган воқеани аниқ кўз олдимизга келтириш орқали аниқлаймиз. Масалан, агар Фарғона водийсидаги деҳқон қайси бир сабаб билан кузда ер ҳайдамаган бўлса-ю, баҳорда қайта-қайта экин майдонини ҳайдалгани билан яхши ҳосил олмаса, юқорида айтилган мақол ўз маъносида қўлланилган бўлади. Аммо бирон шахс томонидан

¹⁰ Ўзбек халқ мақоллари. Т.: “Шарқ”. 2005. 4-6-бетлар.

бирон тадбирнинг амалга оширилиши кечиктирилса ва кейинги ҳаракатлар натижа бермаса ҳам “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” мақоли мисол сифатида қўлланилиши мумкин. Энди бу намуна кўчма маънони англатади. Шу билан бирга айтиш мумкинки, мақоллар мазмунига кўра кўчма маънода кўпроқ қўлланади. “Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламас”, “Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас”, “Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирма”, “Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин” каби ҳикматли сўзлар кўпинча кўчма маъноларда ишлатилади.

Турли халқлар оғзаки ижодидаги мақолларни ўрганиш бу жанр намуналари мазмунан деярли ҳамма халқларда бир хил такрорланишини кўрсатмоқда. Аммо бундай яқинликни бир халқ иккинчи халқдан мақолни ўзлаштирганлиги билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. Бизнингча, бундай яқинликни оддий турмуш тарзининг ўхшашлиги, инсонлар ҳаётидаги муносабатларнинг яқинлиги ва, умуман, ҳаётнинг кўп ҳолатларида бир хил вазият ҳосил қилиши билан изоҳлаган маъқулроқ. Масалан: “Илон чакқан, арқондан кўрқар” (инглиз), “Куйган мушук совуқ сувдан кўрқар” (француз), “Жўжани тухум очилгандан сўнг сана” (инглиз), “Бигизни қопда яшириб бўлмас” (рус) мақоллари, “Кўрққанга арқон илон кўринар”, “Сутдан куйган қатикни пуфлаб ичибди”, “Жўжани кузда санаймиз”, “Ойни этак билан ёпиб бўлмас” каби ўзбек мақоллари билан ўхшаш маънони билдиради.

Маталлар ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан мақолларга жуда ўхшаш жанр ҳисобланади. Уларнинг матни, ҳажми, бадиийлиги жиҳатдан мақолларга яқинлигини жуда кўп олимлар тасдиқлаганлар. Ҳатто, кўпинча матал атамаси мақол билан алмашган ҳолда қўлланилиши ҳам кўзга ташланади. Маталлар сўзловчи нутқининг таъсирчанлигини оширади, шаклан гўзаллаштиради. Аммо мақол билан матални жанр жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари борки, уларни ҳамиша бир-биридан фарқлаган ҳолда тасаввур қилиш мумкин. Гап шундаки, мақолларда ҳаётда рўй берган бир воқеага умумлаштирилган ҳолда ҳукм чиқарилади. Бу ҳукм тасдиқ ёки инкор маъносини билдиради, айтиш пайтда халқ мақоллари мазмунан тугал фикрга эга бўлади ва улар алоҳида қўлланилса ҳам маъно англатаверади. Маталлар эса сўзловчи нутқи таркибининг бирон муҳим қисми сифатида ишлатилади. Маталларни алоҳида қўллаш мумкин бўлмайди, чунки улар мазмунан тугал фикр англатмайди. Масалан: “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” жумласини олайлик. Агар “илон инидан чиқадиган” матали бу жумладан олиб ташланса, унинг ўрнига яхши сўзини қўйиш мумкин. Натижада, “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” жумласи “Фалончи яхши гапирди”га тенг бўлади. Аммо “илон инидан чиқадиган” сўз бирикмаси алоҳида қўлланганда мустақил маъно англатмайди. Шу билан бирга “яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан қилич қинидан чиқар”

мақолини ҳам эсга олиш мумкин. Мазкур мисолдаги “илон инидан” сўзларига диққат қилайлик, чунки бу сўзлар мустақил қўлланганда бўлак фикр англатувчи мақолнинг таркибий қисмидир. Маълум бўладики, мақол ва матал аслини олганда халқ ҳаётида тутган ўрни, маиший вазиятларни ифодалаш даражаси билан бир-бирига яқин турар экан. Фақат уларнинг бири тарихан мақол бўлиб шаклланишга улгурган, иккинчиси эса матал сифатида яшайверган.

Мақоллар тематикаси. Ўзбек халқ мақоллари дунёдаги бошқа халқларда бўлгани каби мавзу жиҳатидан хилма-хил ва ранг-барангдир. Улар мазмунига ватан, халқ, меҳнат, оила, олий инсоний фазилатлар каби инсон ҳаётида муҳим ҳисобланган масалалар ҳақидаги ҳукмлар сингдирилган. Шунинг учун ҳам бу мақолларни халқнинг оғзаки қомуси билан тенглаштириш одат тусига кирган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан ўрин олган мақолларни ҳам ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳамжиҳатлик, мардлик, вафодорлик каби ғояли намуналар беэба турибди. Бу мақолларнинг халқ ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти шу жиҳатдан ҳам муҳимки, инсон маиший ҳаётидаги деярли ҳамма лавҳаларга мос ҳикматли фикрлар баён этилган. Иккинчи томондан, бу асарларда ўзбек халқининг халқ сифатида, миллат сифатида шаклланиш жараёни, ўзбекона табиат белгилари билан ҳам танишиш мумкин бўлади. Масалан, “Девону луғотит турк”да “Оғилхонада бузоқ туғилса, ариқ бўйида ўт унади” деган мазмундаги мақол бор. Бу мақолда ҳар бир мавжудот, шу жумладан, инсон ўз ризқи билан дунёга келармиш деган фикр айтилган. Аجدодларимиз мазкур мақол намунаси орқали ўзларидан кейинги авлод вакилларига бағри кенг инсон бўлишни, бировнинг муваффақиятига ҳасад қилмасликни, ҳар бир шахс ўз ҳаёти давомида фақат ўзининг ризқини ейиши мумкинлигини васият қилгандек бўлади. Бу билан халқнинг тарбиясига, феъл-атвориға оид мулоҳазалар баён этилади. Узоқ ўтмишда сақланиб қолган мақоллар орасида инсоннинг ҳаёти давомида амалга оширган ҳар бир савобли амали ҳам, ҳар бир ёмонлиги ҳам эл дилидан ўчмас из қолдириши баён этилади. Қуйидаги мақолга эътибор берайлик: “От курагидаги яғир, болаларига мерос бўлиб қолади”. Маълумки, ўзбек халқининг асрлар давомида ҳаётий асос билан тасдиқланган тажрибаси ҳар бир инсоннинг охир пировардида наслига тортишини тасдиқлаган. Эътибор бериш керакки, бу ерда гап мутлақо иқтисодий таъминланганлик, зодагонлик ёки қуллик, чўрилиқ ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап инсоннинг ўз миллатдошларига яхшилик қилишга мойиллиги, ҳар хил ғийбатчиликдан узоқлиги, кечиримлилиги, ҳотамтойлиги ҳақидадир. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт тажрибаси оилавий муҳитнинг бола тарбиясига таъсир этиши билан бирга қон орқали насилдан насилга ўтишини ҳам тасдиқламоқда. Бинобарин, халқ мақолларида ана шундай чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган фикрнинг

ўрин олиши табиийдир.

Ўзбек халқи достон, эртақ, нақл ва ривоятларда одамлар ўртасидаги низоларни ҳамиша тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган. Шунинг учун аввало халқ мақолларида ҳам инсонлар ўртасидаги муносабатнинг илиқ бўлиши лозимлиги қайта-қайта такрорланади. “Эт тирноқдан айрилмас”, “Тоғ тоққа қовушмайди, одам одамга қовушади”, “Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар”, “Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди” каби мақоллар шулар жумласидандир. Айни чоғда халқ бу мақолларда айтилган фикрларга амал қилмаган ҳолда иш тутилганидан кейинги ҳолатни ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Фараз қилайлик, эт тирноқдан айрилди ва одам одамга қовушмади: ўртада низо пайдо бўлди. Бу муаммонинг ечими ҳам халқ мақолларида ўз ифодасини топган, чунончи халқ аввало узоқ вақт мобайнида ўртадаги келишмовчилик давом этиши ҳар икки тарафга ҳам зарар келтиришини таъкидлайди. Жумладан, “Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ”, “Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилар”, “Бир кунлик иситма, қирқ кунлик кучни олар” каби мақолларнинг мазмуни ана шундай вазиятни изоҳлайди. Демак, аجدодларимиз бизни зудлик билан аҳил бўлишга, иттифокли турмушга, ўртадаги низоларни кўтаришга чорлаганлар ва муаммоли вазиятнинг ечимини тезроқ топишга ундаганлар. Аммо бу ечим ақл-фаросат билан топилиши тавсия этилган. Йўқса, “ўт аланга билан ўчирилмас”, “қонни қон билан ювилмайди” каби мақоллар яратилмас эди.

Ўзбек халқи табиатан ҳалол меҳнатни қувватлаб келган. Пора олиш, харом йўл билан бойлик орттириш ҳамиша қораланган. Натижада, эл-юртнинг порахўрга, ўғрига, хиёнат йўли билан топилган мол-давлатга бўлган муносабатини билдирувчи мақоллар яратилган. Хусусан, бир мақолда “Пора дўзах эшигини очади” дейилса, бошқаларида “Порахўрнинг тавбасидан кўрқ, муғомбирнинг йиғисидан” каби асарларга дуч келамиз.

Халқ мақолларининг матни билан танишар эканмиз, халқимиз фарзандларини бир-бирига ҳамкор, ҳалол, пок бўлиши билан бирга мард, ватанпарвар, илмни севувчи шахс даражасига кўтарилишини ҳам ҳоҳлаганлигига ишонамиз. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг узоқ ўтмишда яшаб ўтган ўнлаб олим ва алломаларнинг номлари, асарлари, кашфиётлари ҳақидаги маълумотлар қайта тикланди. Масалан, “Олим бўлсанг, олам сеники”, “Олимдан от қолади, нодондан дод” каби мақоллар шулар жумласидандир.

Албатта, инсон ҳаёти бевосита оила билан боғиқ. Оиладаги турмушнинг тотувлиги ҳар бир оила аъзосининг тақдирига ижобий таъсир кўрсатади. Оиласи нотинч одамнинг ҳаёли турғун бўлмайди. Бундай шароитда тарбияланган болалар ҳам ҳар томонлама инсоний етукликка эриша олмайдилар. Шунинг учун ҳам халқ мақоллари қаторидан “Оила

аҳил бўлса, омад ўз оёғи билан келар”, “Оила тинч – юрт тинч”, “Оила кўш устунли айвон”, “Хусн тўйда керак, меҳр кунда” каби намуналар ўрин олган. Маълум бўладики, асрлар давомида халқимиз ўзининг дунёқарашини ижобий фазилат ва нуқсонларга бўлган муносабатини, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини ўз мақолларида ифода этган. Бу ҳикматли сўзлар ҳар бир ўзбек фарзанди учун ота-бобосидан қолган панд-насиҳат сифатида қабул қилинмоғи лозимдир. Чунки юқорида мисол сифатида келтирилган мақолларнинг ўзи ҳам минг-минг йиллар давомида аجدодларимиз ҳаёт тажрибасидан ўтиб, замон синовларига бардош берган ҳолда бизгача етиб келган.

Халқ мақоллари асрлар давомида ўзининг шакл ва мазмун жиҳатдан беназирлиги билан буюк ва таниқли адиблар эътиборини жалб қилиб келди. Юсуф Хос Хожибдан тортиб Муқимийгача, Алишер Навоийдан тортиб Абдулла Қаҳҳоргача халқ мақолларидан самарали фойдаланганлар. Ҳатто халқ ўзи яратган мақолларидан дoston, эртақ, ривоят ва нақлларда унумли фойдаланган. Жумладан, Алишер Навоий лирикасида “Чикмағон жонға умид”, “Мен фироқдин десам, ул дер Ироқдин”; Бобур ижодида: “Бўлиб турур икки кўзим йўлида тўрт”, “Мен эдим санингдек, сен бўлғойсен манингдек”; Абдулла Қаҳҳор ижодида “Отнинг ўлими, итнинг байрами”, “Қуруқ қошиқ, оғиз йиртар”; “Алпомиш” достонида “Султон суягини хўрламас”, “Элакка борган хотиннинг эллик оғиз гапи бор” каби мақоллар кўплаб учрайди.

Маҳмуд Қошғарийнинг туркий сўзларга изох бериш мақсадида келтирган мақоллари ўз даврида ўрта аср олими томонидан дастлабки ўрганиш объекти бўлгани сифатида баҳоланиши мумкин. Кейинчалик эса, бу анъана ўзбек фольклоршунос олимлари томонидан ривожлантирилганини эътироф этиш жоиздир. Бу олимлар кўп асрлик маданий меросимиздан муносиб ўрин олган оталар сўзини тўпладилар, илмий таҳлилдан ўтказдилар, нашрдан чиқардилар ва халққа тақдим этдилар.

Мақоллар мундарижаси ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий масалаларга оид мавзулардан иборатдир. Уларда ўзбекнинг ватанига, халқига, меҳнатга, илмга, хунарга, оилага, марддикка, аҳилликка бўлган муносабатлари ўзининг бадиий ифодасини топган.

Мақоллар узоқ ўтмишда бўлгани каби бугунги кунда ҳам мустақилликка эришган ўзбек халқининг ёш авлодини аجدодлар ҳавас қилган баркамол инсон даражасига етакловчи асосий тарбия воситаларидандир.¹¹

¹¹ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарқ” 2001, 36-40-бетлар.

Мавзуга доир мисоллар:

Ватан ва ватанпарварлик тўғрисида

Айланаси овули,
Тўгараги тўркуни.
Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.
Бадқавм бўлсанг бўл,
Беқавм бўлма.
Балиқ сув билан тирик,
Одам – эл билан.
Бегона тупроқ – девона тупроқ.
Беткай кетар, бел қолар,
Беклар кетар, эл қолар.
Бировнинг юртида бек бўлгунча,
Ўзингнинг юртингда ит бўл.
Булбул чаманни севар,
Одам – Ватанни.
Булбулга боғ яхши,
Какликка - тоғ.
Ватан гадоси – кафан гадоси.
Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.
Ватан қадрини билмаган ўз қадрини
билмас.

Жамоатчилик ва худбинлик

Айрилганни айиқ ер,
Бўлинганни бўри ер.
Айрилган йўлда қолар,
Бўлинган – дўлда.
Балиқнинг куни кўл билан,
Ботирнинг куни эл билан.
Барака — кўпчиликда.
Бешнинг боши бўлганча,
Олтининг оёғи бўл.
Бизники — халтада,
Сизники — ўртада.
Билганингни элдан аяма.
Бир калла — калла,
Икки калла — тилла.

Бир киши минг киши учун,
Минг киши бир киши учун.
Бир товушни кўп товуш йўқ қилар.
Бир кўзликлар элига борсанг,
Бир кўзингни қисиб юр.
Бир тупурса, не бўлар,
Эл тупурса, кўл бўлар.
Бир ўзинг доно бўлгунча,
Кўп билан ахмоқ бўл.
Бир қарға билан қиш келмас.
Бирдан икки яхши,
Иккидан уч яхши.
Бирлашган дарё бўлар,
Таралган ирмоқ бўлар.
Бирлашган ёвни қайтарар.
Бирлашган куч енгилмас.
Бирлашган — ўзар,
Бирлашмаган — тўзар.

Меҳнатсеварлик ва ишёқмаслик

Айб йилда эмас, меҳнатда.
Аравани от тортар,
Кўланкасин — ит.
Ари захрин чекмаган
Бол қадрини билмас.
Ариқ қазимасанг, отизга сув чикмас.
Арумоғим жиртак отди,
Лойни кўриб таппа ётди.
Ахтарган топар.
Аҳмоқнинг кулгуси кўп,
Дангасанинг — уйкуси.
Аҳди борнинг бахти бор.
Аҳд қилган бахт топар.
Бахт ялқовга бегона.
Бекор ўтиргунча, бекор ишла.

Бекордан худо безор.
Бекорчидан — бемаза гап.
Бекорчидан эл безор,
Сўзидан кўнгил озар.
Бекорчилик — бемазачилик.
Бекорчининг бети йўқ,
Қозон осар эти йўқ.
Бекорчининг хунари — ғийбат.

Ҳалоллик ва текинхўрлик

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр.
Берсанг — ейди, урсанг — ўлади.
Бир деҳқон омон билан,
Еттовлон чўмич билан.
Бировнинг қўли билан тикан юлиш
осон.
*Давлат (бу ерда харом топилган бойлик
маъносида)*нинг иллати бор.
Дили покнинг иши — пок.
Дили покнинг йўли — пок.
Ишлаган эр, тишлаб ер.
Ишламай еган оғримай ўлар.
Камбағалнинг пули — пешона тери.
Ким ишлайди, ким тишлайди.
Кишининг зари кишини бузар,
Зарни кўрган занжирини узар.
Кўнгил тортган ош — ҳалол.
Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.

Тўғрилиқ ва эгрилик

Туши ўнгнинг иши ўнг.
Туяда тўғри жой бўлмас.
Тўни ёмонни ит қопар,
Кўнгли ёмонни ҳақ топар.
Тўғри бола ўстирсанг,
Халқ ичида шер бўлар.
Эгри бола ўстирсанг,
Икки кўзи кўр бўлар.

Тўғри бошни эгри қилич кесмас.
Тўғри девор узоққа чидар.
Тўғри йўл — эл йўлдоши.
Тўғри ошини ер,
Эгри бошини.
Тўғри юрган кийикнинг
Кўзидан бошқа айби йўқ.

Яхилиқ ва ёмонлиқ

Ажалга даво йўқ,
Ёмонга — бало.
Асл одам ҳеч ўлмас.
Аслнинг хатоси бўлмас,
Ёмоннинг ошнаси бўлмас.
Аччиқни аччиқ кесар.
Баст этган ўзар,
Қасд этган тўзар.
Бахтиёр бўлса замон,
Ношукур бўлма — ёмон.
Бахши бор жойда яхши бор.
Безоридан ҳамма безор.
Бекорчидан бешиб қоч,
Чақимчидан — кўчиб.
Бели оғримаган бел бўлмас,
Бировнинг хизматин билмас.
Беқўнимга қўним йўқ,
Ёмон одамга — ўлим.
Бир илон бир уй одамни тинчитмас.
Бир калнинг ҳийласи
Қирқ кишини чарчаттар.
Бир киши ариқ қазар,
Минг киши сув ичар.
Бир кун туз ичган жойга
Қирқ кун салом бер.
Бир кўнгил иморати —
Минг Макка зиёрати.
Бир сўзlining юзи — ёруғ,
Мунофиқнинг юзи — чориқ.
Бир тулки етти бўрини етаклар.

Бир яхши билан бир ёмон келишар,
Икки ёмон келишмас.
Бир қорин мойни бир қумалоқ бузар.
Бирники — мингга,
Мингники — туманга.
Бирнинг касофати юзга,
Юзники — мингга.
Биров тузар, биров бузар.
Биров ўлмай, биров кун кўрмас.
Бировга кесак отсанг,
У сенга тош отади.
Бировга чоҳ қазима, ўзинг тушарсан.
Бировнинг айбига кўз-қуло бўлма.
Бировнинг сўзи яхши,
Бировнинг — ўзи.
Бобонинг тол эккани —
Ўзига ном эккани.
Бола безори — киши озори.
Бу дунё ўтар-кетар,
Юзи қоралик қолар.
Будойдан—будой,
Арпадан—арпа.

Яхши сўз ва ёмон сўз

Айтар сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.
Айтилган сўз — отилган ўқ.
Анжом — уй зийнати,
Сўз — инсон зийнати.
Ариқни сув безар,
Одамни — сўз.
Аччиқ савол бериб,
Ширин жавоб кутма.
Аччиқ тил — зарҳи илон,
Чучук тилга — жон қурбон.
Беморга ширин сўз керак,
Ақлсизга — кўз.
Бир ширин сўз битказар,
Минг кўнгилнинг ярасин.

Бир яхши гап эсдан чиқмас,
Бир — ёмон гап.
Бировнинг ўзи ғар,
Бировнинг сўзи ғар.
Будой нонинг бўлмасин,
Будой сўзинг бўлсин.
Гап эгасини топар.
Гапда ғийбат ёмон,
Дардда — қуянчик.
Гапдан гап чиқар,
Чўпдан — хас.
Гапи гапга ўхшамас,
Оғзи гапдан бўшамас.
Гапи сассиқнинг ўзи сассиқ.
Гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ.
Гапи тўнгнинг ўзи тўнг.
Гапни гап очар,
Ёмон гапдан очар.
Гапнинг ёмони пичир.
Гапнинг ози яхши,
Қизнинг — нози.
Гапнинг қисаси — яхши,
Қисқасидан ҳиссаси — яхши.
Гўшт-ёғ берма, яхши тил бер.¹²

¹² Ўзбек халқ мақоллари. Т.: “Шарқ”. 2005.

ТОПИШМОҚЛАР

Халқ ҳамиша ёшларнинг зийрак, яхши хотирали, фикрловчи инсон бўлишини истаган. Агар халқ дostonлари, эртакларини ўқисангиз, асар қаҳрамонлари турли синовлардан ўтишига гувоҳ бўласиз. Бу синовларнинг бир тури жисмоний куч талаб қилса, иккинчи хили ақл, идрок билан ҳал этилади. Жумладан, шундай эртаклар бор-ки, уларда маъшуқа қизлар турмушга чиқадиган йигитлари олдига шахмат ўйнаш, жумбоқли саволларга жавоб бериш шартини қўядилар. Улар орасида дунёда энг оғир нарса нима? Ким эрталаб тўрт оёқлаб, кундузи икки, кечкурун уч оёқда юради? Дунёда тўртта нарса йўқ, уларни айтинг. Нима учун дарахт соясида соябон тутиш керак, каби жумбоқлар бор. Оғир нарса филга ёки китга ўхшайди. Аммо саволнинг жавоби от. Чунки фақат от югурганда, ер ларзага келади. Ёки одам гўдаклигида тўрт оёқлаб, ёшлигида икки оёқлаб, қариганда уч оёқлаб, яъни ҳасса билан юради. Дунёда тўртта нарса йўқ: осмоннинг устуни, ҳовузнинг қопқоғи, ош пичоқнинг қини, кўрпанинг енги. Шунингдек, дарахт соясида дам олаётган одам қушларнинг чиқиндисидан асраниш учун соябон тутди каби жавобларни бериш кутилади. Аслини олганда, бу синовларнинг ҳаммаси ўзига хос топишмоқлардан иборатдир.

Халқимиз оғзаки ижодининг кичик жанрларидан бири топишмоқлардир. Бу жанр кўпроқ болаларни кузатувчанликка, ҳаётни мукаммалроқ билишга, синчковликка ўргатади. Аммо топишмоқларни фольклорда фақат ёш болаларгагина тааллуқли деб ҳисоблаш тўғри эмас, чунки топишмоқ айтиш ва топиш мусобақаларида катталар ҳам қизиқиш билан иштирок этаверадилар. Олима З.Хусайнованинг маълумот беришича узун қиш кечаларида урчуқ йигирган ва олача тўқиган хотинлар, Самарқанд атрофида бошқа қишлоқлардан тўйга келиб хонадонларга бўлинган меҳмонлар ўзаро чалдирмоқ (тез айтиш), жумбоқ, яъни топишмоқ айтишишган. Ўтган замонларда топишмоқларни қиш фаслида узоқ кечаларни зерикмай ўтказиш учун айтганлар. Топишмоқ айтган одамнинг топишмоқ жавоби топилса, у мусобақада ютқазган, топилмаса ғолиб чиққан ҳисобланган. Ҳар икки ҳолатда ҳам мағлуб бўлган тараф ё ғазал айтган, ёки бирон ҳайвонга тақлид қилиб овоз чиқарган, ё қўшиқ куйлаган, ёки бирон жисмоний иш қилган: сув олиб келган, қор кураган, эшик супурган ва ҳоказо.

Маълумки, бадий тасвир воситалари қаторида истиора санъати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Истиора сўзи “кўчма” маъносини беради. Агар биз дўстга нисбатан: “Менинг арслондек дўстим бор”, - десак, ўхшатиш санъатини қўллаган бўламиз. Аммо “дек” қўшимчасини ва “дўстим” сўзини қолдириб, “арслоним бор”—десак, истиора санъати яратилади. Топишмоқларда ана шу санъат етакчилик қилади. Чунки бирон нарса

иккинчи бир нарсага истиора санъати воситасида ўхшатилади ва энг муҳим хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Масалан: *“Ер тагида олтин (тилла) қозик”* топишмоғини олайлик. Бу топишмоқ матнида яширинган нарсанинг учта муҳим белгиси қайд этилган:

Ер остида экани.

Олтиннинг рангида, яъни сариқ экани.

Қозикқа ўхшашлиги.

Бу белгилар орқали биз топишмоқнинг жавоби сабзи эканини топамиз. Матндаги “қозик” сўзи эса истиора санъатига мисол бўлиб келган.

Топишмоқлар шакл жиҳатидан насрий ва шеърий бўлади:

Томдан тухум ирғитдим. (дўл)–насрий топишмоқ.

“У ёққа ўтдим, билдингми?”

Бу ёққа ўтдим, билдингми?”

Оқ қуврайнинг бошини,

Чертиб ўтдим, билдингми?” (шамол)–шеърий топишмоқ.

Топишмоқлар халқ орасида жумбоқ, топмача, топ-топ, чўпчак, матал, масала, ушук атамалари билан атаб келинади. Илмий асарларда “топишмоқ” термини “топ” буйруқ феълига “иш” ҳаракат номини ҳосил қилувчи шакл ва “моқ” қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлган, деб кўрсатилади. Натижада “топишмоқ” сўзи халқ оғзаки ижодидаги алоҳида жанр номини билдирган. Кейинги пайтларда шевалардаги юқорида кўрсатилган атамалар деярли йўқолган. Асосан “топишмоқ” номи сақланиб қолган. Халқимиз орасида “Кичкина декча, ичи тўла михча” (анор), “Қозик устида қор турмас” (тухум), “Отдан баланд, итдан паст” (эгар) каби машҳур топишмоқлар бор. Аммо “Қизил юлғуннинг тагида Қизларгул опам ётибди” (қирғовул) каби у қадар кенг оммалашмаган ва топиш анчайин мушкул бўлган топишмоқлар ҳам бор. Баъзан битта нарсага атаб бир неча топишмоқлар яратилган:

“Ер тагида ҳўл гаврон.

Ер тагида ёғли қамчи.

Кўприк остида ёғли ҳасип.

Узун ичак, учи тугунчак”.

Бу топишмоқларнинг ҳаммасида топилиши лозим бўлган нарса илондир. Матнларни диққат билан ўқисак, уларнинг моҳияти жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшаш экани аниқ сезилиб турибди. Шунингдек, битта топишмоқ матнига бир нечта нарса жавоб бўлиб келиши ҳам мумкин. Масалан: “Узун терак ичи ковак” топишмоғининг жавоби аслида қамиш ҳисобланади, аммо бу топишмоққа баъзан кува, баъзан милтиқ, баъзан

мўри жавоб сифатида қабул қилинаверади: қамишнинг ичи коваклиги кувага, милтиққа, мўрига ўхшайди. Лекин бари бир “Узун терак, ичи ковак”нинг ҳақиқий жавоби қамишлигича қолади. Чунки кува, милтиқ, мўрининг ичи ковак бўлгани билан матндаги “Узун терак” сўзларига у қадар мос келмайди.

Топишмоқ айтиш мусобақасида яширинган нарсани аниқлаш учун бир неча саволлар бериш анъанаси ҳам бўлган. Жавоб ахтараётган тараф айтувчидан “жони борми, йўқми?”, “ейиладими?”, “ўсадими, уста ясайдими?” каби саволлар бериб нарса номини топишга уринган. 3.Хусайнова Наманган вилоятида яшовчи Муборак Убайдулла қизидан ёзиб олган бир матнда топишмоқ топа олмаган одам қандай сўзлар билан уялтирилганини қайд этади: Мағлуб тараф шаҳар берган. Ғолиб тараф шаҳарни олган ва ўз жавобини беришда шундай деган: “шаҳар, унда бору мунда кел, келиб менинг қошимга йиқил, иккаламиз кетайлик. Сен ҳам кетабериб, тап этиб бир халога тушдинг. Мен ҳам кетабериб, жаранг этиб бир тиллахонага тушдим. Бир девона: “Ҳей, дўст”, - деб келди. Мен бир оловкурак тилла чиқариб бердим, мени чол кўчада қарғаб-қарғаб кетди. Сен бордингу, бир оловкурак гўнг чиқариб бердинг, сени чол қарғаб-қарғаб кетди. Мен ҳам бир отга миндим, сен бир яғир эшакка миндинг. Кунжарадан нон қилиб эшакнинг яғирига кунжарани тегизиб, ялаб-ялаб кетдинг. Мен бордим, шинни билан мураббога нонни тегизиб, ялаб-ялаб кетдим. Ҳай топмасанг мен топай, оғзингга катта бир таппини ёпай. Унинг ўзи...”

Бировни камситувчи ўзига хос юқоридаги нутқ, билан танишган одам топишмоқни топа олмаган кишига қанчалар “қаттиқ” дашном берилганига амин бўлади. Ундаги от-эшак; яғир-шинни сўзлари тазод (қаршилантириш) тасвир воситаси сифатида келтирилган. Топишмоқ, айтувчи ўзининг мавқеи уни топа олмаган одамдан қанчалар баланд эканини қайта-қайта таъкидлайди. Унинг устига бу гаплар бир уй одам ўртасида айтилишини ҳисобга олсак, вазият яна мураккаблашади. Шунинг учун топишмоқларнинг жавобини топиш инсоннинг ғурури, орияти билан боғлиқ бўлган. Бинобарин, ғалаба муваффақият, мағлубият эса катта ташвиш ҳисобланган.

Бу эса мусобақа иштирокчиларини кўп маълумотларни ёдда сақлашга, ҳар бир сўзга эътибор беришга, айти пайтда қизиқ-қизиқ саволлар ўйлаб топишга ўргатган.

Топишмоқ айтишда шаҳар бериш анъанаси бўлган. Жавоб топа олмаган тараф шаҳар бериб, ўзининг мағлуб эканини тан олган. Шаҳар сўзи араб тилидан олинган. 3. Хусайнованинг ёзишича, бу сўз эълон қилиш, машҳур қилиш, маълум қилиш маъноларини англатган. Демак, шаҳар бериш сўзининг асл маъноси топишмоқ жавобини топа олмаган одамни элга маълум қилиш билан изоҳланади.

Халқ орасида яшаб келаётган топишмоқлар бир жумбоқли ва кўп жумбоқли бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган сабзи, илон жавоб ҳисобланган топишмоқлар бир жумбоқли. Уларда фақат битта нарсанинг белгилари ҳақида маълумот берилади. Шундай топишмоқ, намуналари ҳам борки, матнда бир нечта нарса топиш талаб қилинади. Масалан:

*“Тогда талаймонни кўрдим,
Сувда сулаймонни кўрдим,
Тузсиз пишиган ошни кўрдим,
Юмалаб ётган тошни кўрдим”.*

Бу топишмоқнинг жавоби—бўри, балиқ, сумалак, тошбақа. Ёки юқоридаги саҳифада келтирилган дунёда тўртта нарса йўқлиги ҳақидаги топишмоқ, ҳам кўп жумбоқли ҳисобланади.

Топишмоқлар ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борган З.Хусайнова баъзи топишмоқларда истиора санъати қўлланмаслигини, фақат арифметик ҳисоблаш орқали жавоб топилишини айтиб ўтади. Масалан: “Бир тўда ғоз учиб борар экан. Бир ғоз рўпара келиб: “Эй, юз ғоз соғ-саломат бормисиз” – дебди. Шунда улардан бири айтибди: “Биз юз ғоз эмасмиз, яна биз миқдори ғоз бўлса ва яна бизнинг ярмимиз миқдори ва ярмимизнинг ярми бўлса, у вақтда сен қўшилсанг юз ғоз бўламиз”, - дебди. Ҳаводаги ғоз қанча экан?

Жавоби $36 (36 + 36 + 18 + 9 + 1) = 100$

Ўзбек топишмоқларнинг бугунги кунда бизгача етиб келган матнларини ўрганиш яратилиш даври жиҳатдан икки хил намуналар борлигини тасдиқлайди. Кўпчилик асарлар анъанавий топишмоқлардан иборат.

Уларнинг тили ҳам, яширинган нарса ҳам аксари маиший ҳаётда учрайдиган предметлардан иборат бўлади. Жумладан, мўри, қозон, ўчоқ, қушлар ва ҳоказолар ана шундай намуналар қаторига киради. Масалан:

*“Ямоғи бор, йиртиғи йўқ,
Қайчиламай қийган
Игналамай тиккан” (ола сизир териси).*

XX асрда фан-техника тараққиёти билан янги топишмоқлар ҳам яратилди. Уларда китоб, радио, телефон, самолёт каби нарсаларни топиш талаб қилинади. Масалан:

*“Ўзи оддий бир карнай,
Тили йўқ, сўзлар ҳай-ҳай,
Дунёнинг тўрт бурчидан,
Хабар беради тинмай” (радио).*

Бундай топишмоқларнинг тарихий аҳамияти катта экани сабабли улар

қуйи синф ўқувчилари учун ҳам тавсия этилди. Натижада, топишмоқларни оммалаштириш ишларида ҳам маълум ижобий силжишлар амалга оширилди. Яна топишмоқларнинг яратилишида анъанавий намуналар аҳамияти катта. Кўпинча уларнинг матнига бир оз ўзгариш киритиш билан янги топишмоқ вужудга келган. Халқ топишмоқлари бадиий жиҳатдан ҳам юксак сўз санъати намунаси ҳисобланади. Улар бадиий тасвир воситаларининг қўлланиши жиҳатидан бой ва ранг-баранг ҳисобланади. Аввало айтиш керакки, шакл жиҳатдан топишмоқлар мақоллар каби ихчамдир. Айрим олимлар таъкидлашича, топишмоқ ва мақолларнинг яратилиши давр жиҳатидан бир-биридан у қадар фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида матн қайта-қайта ишланганда топишмоқларнинг бадиияти мукамал даражага етган. Топишмоқ жанрининг асосий тасвир воситаси метафора, яъни истиора экани айtilди. Демак, аския жанрини ийҳом санъатисиз, топишмоқларни истиорасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу жанрда халқ оғзаки ижодидаги бошқа турларда учрамайдиган тасвир воситаси бор. Ҳатто мазкур санъатнинг аниқ номи ҳам фольклоршуносликда қайд этилган. Фақат айрим белгилари билан уни талмеҳ санъатига яқин дейиш мумкин. Маълумки, талмеҳ–қаратмоқ маъносини англатади. Унда халқ тарихидаги машҳур исмлар, жойлар ёки воҳалар эслаб ўтилади.

Масалан:

*Агар Фарҳоднинг Ширини, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб этмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.*

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган Анварнинг шеърида Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайло талмеҳ санъатига мисол бўлади. Топишмоқларда ҳам турли муносабатлар билан турли исмлар учрайди. Уларнинг тарихан машҳурлиги қайд этилмаган. Аммо матнларда бу исмлар, албатта, қандайдир маъно касб этади ва шартли равишда талмеҳ санъатига яқин туради.

Масалан:

*“Сорибой акам ичкари,
Соқоллари таиқари”. (сабзи, маккажўхори).*

Топишмоқдаги “Сорибой акам” бир томондан сариқ сўзини эслатади ва сабзи, маккажўхорини топиш учун белги вазифасини ўтайди. Шунингдек, “Токчама-токча, Саматжон бойвачча” (сичқон), “Осмони ресмон, Мулла Абдурахмон–беустихон” (бит) каби матнларда ҳам исмлар учрайди. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, шундай намуналар қайд этилган ҳудудларда исмлар топишмоқ аytувчилар ўртасида машҳур бўлган бўлиши мумкин.

Халқ топишмоқларида тазод (қаршилантириш) санъати намуналари ҳам учрайди:

*“Ош ичида тош,
Тош ичида ош”. (сумалак, тошбақа).*

Бу матнда ҳатто қофия санъатининг мураккаб кўриниши тарсеъ (мисралардаги ҳамма сўзларнинг қофияланиши) ҳам ўрин олган.

Топишмоқларнинг матнида асосий эътибор, мақсад мазмунга қаратилади. Аммо шеърӣ топишмоқларда қофиядош сўзларнинг танланишига алоҳида эътибор берилган:

*“Олти тегирмон тоши,
Олтин эгарнинг қоши,
Уни топган кишининг,
Юз йигирмада ёши” (тиш).*

Эътибор берсак, “тош”. “қош”, “ёш” фақат бир товуш билангина фарқланувчи шаклдош сўзлардан иборатдир. Топишмоқлардаги бундай фазилят уларнинг сўз санъати талабларига тўлиқ жавоб бера олишини таъминлайди.¹³

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида миллий поэтика қонунлари ва принциплари асосида яратилган топишмоқлар талайгина. Ўзга халқларда бўлгани каби ўзбек халқ ижодида ҳам бадий нутқнинг қиёслаш, истиора, жонлантириш, сифатлаш каби асосий кўринишлари бир мақсадга – поэтик идрок қилишга, воқеликни поэтик тасвирлашга бўйсундирилган. Ўзбек топишмоқларида ўзбек воқелиги, ўзбек табиати ифодаланган. Шунинг учун ҳам халқ топишмоқлари халқ бадий асарларининг жажжи намуналари саналади. Уларда “бирор нарса ёки воқеликнинг яширилган нарса билан ўхшаш томонларига асосланган – бу нарса ўрнини топишмоқ алмаштира оладиган кўчма ифодалар” берилади. Шундай қилиб, топишмоқ аниқ нарса ёки воқелик тушунчасини онгли равишда яширишга, сир тутишга асосланган кичик поэтик асардир.

Асрлар ўтаверган, кекса авлодлар ҳаётӣ муҳим ҳисобланган сирли, шартли нутқларни, билимни ёш авлодга мерос қолдираверган. Аммо аста-секин топишмоқлар ўзининг дастлабки хусусиятларини, содда кўринишларини ўзгартириб, ўзгача характер касб этган. Ўзбек мифлари ва эртакларида кўпинча топишмоқ инсон донолигини синаш воситаси бўлиб келади, унинг ечими оғир дамларда қаҳрамон ҳаётини сақлаб қолади.

Бора-бора топишмоқлар вазифаси ўзгариб, у кўпроқ сўз ўйинининг бадий формасига айланади. Уларнинг кўнгилхушлик хусусиятлари қуйидаги ўзбек топишмоғида шундай ифодаланган:

¹³ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарқ” 2001, 42-48-бетлар.

*Ўйин, ўйин, ўйиним,
Кўнгил очар тўйиним. (Топишмоқ)*

Топишмоқлар ҳозир ҳам халқ ижодида кўнгилхушлик воситасигина эмас, балки болалар идрокини, зеҳнини ўстиришда ўзига хос тарбия мактаби сифатида яшаб келмоқда. Ҳозир ҳам ўзларининг севимли ўйин жойларида, серсоя қайрағоч ёки кекса ёнғоқ дарахти тагида – бир-бирига топишмоқ айтаётган болаларни тез-тез учратиш мумкин. Топишмоқчи уни ечаётгандан, агар у топишмоқнинг жавобини топа олмаса арзимас нарсани эмас, балки унинг шаҳари ёки бутун мамлакатини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбек халқи яратган топишмоқлар унинг ижтимоий ҳаёти ва турмушининг барча томонларини қамраб олади. Уларнинг катта қисми деҳқон меҳнати деҳқончилик, полизчилик, уй юмушлари билан боғлиқ; топишмоқлар ўз қизиқиш доирасига ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, уй ҳўжалигига оид кўплаб нарсаларни, халқ одатлари ва хислатларини ҳам қамраб олган.

Анъанавий ўзбек топишмоқларида воқеалар асосан қора уй ёки ўтовларда кечади. Уларнинг саранжомлиги, теграси тўғрисида сўз боради. Яшаш жойидан ташқаридаги воқеалар эса ўзбекларга болаликдан таниш бўлган ерлар – тоғлар, чўллар, водийларда бўлиб ўтади.

Ўзбек топишмоқлари ажойиб тасвирлари билан кишини лол қолдиради:

Бир қозондан қирқ туя сув ичади. (Чучвара)

Ўзбек топишмоқларини маъно жиҳатидан ўзаро қиёслаганда, уларнинг айримларида янги замон изларини ҳам кўриш мумкин. Улар тарихий босқичлар таъсирининг намуналари сифатида диққатга сазовор. Масалан, ушбу топишмоқ:

*Пўлат қушим учди, кетди,
Бир зум ўтмай Ойга етди. (Ракета)¹⁴*

Шундай қилиб, топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик жанрларидаи бири бўлиб, моҳият жиҳатидан миллат вакиллариининг зийрак, синчков, кузатувчан бўлишлари учун хизмат қилар экан.

Топишмоқлар халқ ҳаётида маълум эътиборга эга бўлган нарса-предметлар номини топишга бағишланади ва аҳамиятли ҳисобланади.

Бадий жиҳатдан мукамаллик халқ топишмоқларининг фазилатларидандир. Бугунги кун топишмоқларида фан-техника янгиликлари ҳам муносиб ўринга эга.

¹⁴ Абдурахимов. М. Ўзбек халқ топишмоқлари. Т.: 2008.

Мавзуга доир мисоллар:

Табиат ходисалари

Кўк кўйлакка кўл етмас.
(Осмон)

Кўк кўйлакка ғўза ёйдим.
(Осмон, юлдузлар)

Оппоқ сандиқ очилди,
Оламга нур сочилди.
(Осмон, қуёш)

Узоқ тоғда ўт ёнар.
(Қуёш)

Олтин келганда, кумуш кетар,
Кумуш келганда, олтин кетар.
(Қуёш, Ой)

Бир парча патир,
Оламга татир.
(Ой)

Онаси битта.
Боласи мингта.
(Ой ва юлдузлар)

Кечаси учакка жўхори сепдим,
Азонда қарасам йитибди.
(Осмон, юлдузлар)

Кичкинадир ўзи,
Йилтир-йилтир кўзи.
(Юлдуз)

Бир отаси, бир онаси,
Неча юз минг боласи.
(Қуёш, ой, юлдузлар)

Зар гилам, зар-зар гилам,
Кўтарай десам, оғир гилам.
(Ер)

Қишда яхламайди,
Ёзда яхлайди.
(Шўр ер)

Ойим кўрпа берди, кўтармадим,
Дадам пул берди, санамадим.
(Ер ва юлдузлар)

Кетаверади, кетаверади,
Орқасига қарамайди.
(Сув, ариқ)

Ўйиб олдим,
Изи йўқ.
(Сув)

Одам ва унинг аъзолари

Эрта билан тўрт оёқлаб юради,
Тушда икки оёқлаб юради,
Кечқурун уч оёқлаб юради.
(Одам — болалиги, йигитлиги, кексалиги)

Тўртида тарикдай,
Ўттизда айикдай,
Тўқсонда товукдай.
(Одам — болалиги, йигитлиги, кексалиги)

Ўзи битта,
Калласи иккита,
Думи битта,
Оёғи олтига.
(От минган одам)

Бир тўбада етти тешиқ.
(Бош, оғиз, бурун, кўз ва қулоқ)

Букдим, букдим,
Ариқдан у ёққа ташладим.
(Соч ўрими)

Қора тол бутоксиз.
(Соч ўрими)

Уй устида сара ёй.
(Қош)

Кундузи ёнар,
Кечаси сўнар.
(Кўз)

Атрофи чакалакзор,
Ўртаси ёруғ юлдуз.
(Кўз билан киприк)

Сандиқчамни очдим, ёпдим,
Сачоқлари ташқарида қолди.
(Кўз билан киприк)

Кундузи таёқлашар,
Кечаси кучоқлашар.
(Киприклар)

Устида икки дарча,
Ўртасида бир кунда.
(Бурун)

Текис жойда қўш тўла.
(Бурун)

Ҳайвонот дунёси

Шилдир-шилдир сув кечар,
Оёғи сувга тегмас.
(*Туғилмаган қулун*)

Сувдай чопади,
Манзилга етади.
(*От*)

Тўрт оёқли,
Темир туёқли.
(*От*)

Тўрт ой, йигирма тўрт юлдуз.
(*Отнинг тақаси, михи*)

Сувга тушса мингта,
Сувдан чиқса битта.
(*Отнинг думи*)

Қуён эмас,
Узун қулоқ,
От эмас,
Тўртта туёқ.
(*Эшак*)

Оёғи попик,
Оғзи кўпик.
(*Туя*)

Бу ёққа ўтди лоп-лоп,
У ёққа ўтди лоп-лоп.
“Шўра” деди, кўймади,
Ютаверди соплаб.
(*Туя*)

Момом кетиб бораётир,
Кулчаси қолиб бораётир.
(*Туя оёғининг изи*)

Бораверади, бораверади,
Бўйрадай ерни олиб ётади.
(*Сигир*)

Икки тортар,
Бир йиртар.
(*Хўкиз, омон*)

Ямоғи бору
Йиртиғи йўқ.
(*Сигирнинг олasi*)

Бўпон-бўпон,
Енги ямоқ,
Эски чопон.
Дарди томоқ.
(*Туя*)

Парранда ва қушлар

Эрта туради,
Жар чақиради.
(*Хўроз*)

Боши тароқ,
Думи ўроқ.
(*Хўроз*)

Бир қўшним бор аввал бошдан,
Соқоли унинг қизил гўшдан.
Саҳар туриб шовқин солар,
Хабари йўқ ҳеч бир ишдан.
(*Хўроз*)

Овозаси азонда,
Мазалиги қозонда.
(*Хўроз*)

Саҳархез сўфи,
Туйнукда бибиотин.
(*Хўроз, товук*)

Жонлидан жонсиз дўрайди,
Жонсиздан жонли дўрайди.
(*Товук, тухум, жўжа*)

Касби доим тақир-туқур,
Қайда илон кўрса чўқир.
(*Лайлак*)

Томда турган пишагим,
Бўйни узун эшагим.
(*Лайлак*)

Қирдан туриб тухум ирғитдим.
(*Бургут*)

Бир қушим бор фаранги,
Чорбоғда чалар чангди.
(*Саъва*)

Бойнинг ўғли кўкка қараб йиғлайди.
(*Бойўғли*)

Лиқинг-лиқинг йўрғаси,
Оғзида бахмал тўрваси.
(*Каклик*)

Юқоридан келади зебогина товши
бор,
Оёғида пахмоққина ковши бор.
(*Каклик*)

Бухородан келган миноли,
Оғиз-боши хиноли.
(*Каклик*)

Ҳашаротлар

Зув-зув борар,
Зув-зув келар.
Достон ўқир,
Ғалвир тўқир.
(Ари)

Тутдан бизга кўйлак тўқир.
(Ипак курти)

Дарахт шоҳида саксон тухум.
(Ипак курти)

Бир қушим бор, суяги йўк.
(Капалак)

Овху лайлак, увху лайлак,
Сувдан ўтар, суяксиз лайлак.
(Капалак)

Ўзи йўқдек,
Товуши ўқдек
(Қора чигиртка)

Ўтириши тулкидай,
Ўт ейиши йилкидай.
(Чигиртка)

Хўкиз шохли,
Буқа бўйинли,
Қийғир қанотли,
Эшак сағирли,
Туя оёқли.
(Қора чигиртка)

Қора ўзи, қарға эмас,
Шохлари бор, хўкиз эмас,
Олти оёқ, туёқсиз,
Учади, чиғиллайди,
Ўтириб ер ковлайди.
(Қўнғиз)

Кичкина лўли,
Кейинига етмайди тўни.
(Қўнғиз)

Бир отим бор ажабгина,
Думлари бор гажаккина,
Ҳали келса кўрарсиз,
Қўрқа-қўрқа ўларсиз.
(Чаён)

Ўзлари ажабгина,
Қуйрўқлари гажаккина,
Ҳали ўпса кўрасан,
Йиғлай-йиғлай ўласан.
(Чаён)

Ўсимликлар дунёси

Ҳасан ака тикка туради,
Болалари чапак чалади.
(Терак, барглари)

Болалари қарсак чалади,
Оналари ўйинга тушади.
(Терак, барглари)

Ёзда ҳам қишда,
Бир хил кийимда.
(Арча)

Отаси уйда қолар,
Боласи бозор борар.
(Мевали дарахт)

Кичкина тандирча,
Ичи тўла кулча.
(Ёнғоқ)

Қўшалоқ товоқ,
Ичи тўла ёғ.
(Ёнғоқ)

Усти заҳар, ичи тош,
Тошнинг ичи асал.
(Ёнғоқ)

Икки тоғнинг орасида
Бир туп янтоқ.
(Бодом)

Ош ичида тош,
Тош ичида ош.
(Ўрик)

У ёғи тош, бу ёғи тош,
Ўртасида нишган ош.
(Данак мағзи)

Пасту баланд кўп хотин,
Кўйлаклари оқ, гулгун.
(Ўрик гули)

Ўзи кўм-кўк,
Юзи қип-қизил.
(Олма)

Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси бор, тотлигина.
(Шафтоли)

Бодом каби япроғи,
Солланади буюғи.
(Шафтоли)

Экин ва ўсимликлар

Абдал бува арикдир,
Оғзи, бурни муррикдир.
(Ўза)

Оғзини очиб ерга қарайди,
Оғзидан оқ кўпик сочади.
(Пахта)

Кичкина хурмача,
Оғизлари бурмача.
(Кўсак)

Момиқкина онаси,
Ўғлиқкина боласи.
(Пахта, чигит)

Соламан қизил,
Чиқараман оқ.
(Бугдой, ун)

Ўзи ариқ,
Ранги сариқ,
Юзи қизил,
Боши қилтиқ.
(Бугдой)

Қизилини ўзим едим,
Саригини молга бердим.
(Бугдой, сомон)

Кичкина қиз,
Қўлида бигиз.
(Шоли)

Тарам сочли қиз тўдаси,
Сувда ётар кун-кечаси.
Сувда ётиб сувга тегмай
Олтмишида у сарғайгай,
Саксон кунда сабоқдадир,
Тўқсон кунда товоқдадир.
(Туруч)

Ердан чиқар тараниб,
Заррин дастор ўраниб.
(Маккажўхори)

Бўйи бир қарич,
Соқоли икки қарич.
(Маккажўхори)

Сарибой бобом ичкари,
Соқоллари ташқари.
(Жўхори)

Бир уя устида минг ари.
(Жўхори)

Полиз экинлари ва сабзавот

Хўппа семиз,
Бир туки йўқ.
(Тарвуз)

Жумбоқ қўйдим, жубин топ,
Юмалоқ бийнинг отин топ.
Тағи қўйдим, тағи топ,
Толли бийнинг отин топ.
(Тарвуз)

Зар-зар тўни бор,
Зарбдан паноҳи бор.
Урди пичокни,
Унинг не гуноҳи бор.
(Қовун)

Бухородан келган фил,
Орқасидан тасма тил.
(Қовун)

Оппоқ, семиз, мойи йўқ,
Териси қалин, жуни йўқ.
(Ошқовоқ)

Пишмаганда мазали,
Пишганда мазасиз.
(Бодринг)

Қат-қат кулоқ,
Дум-думалоқ.
(Карам)

Ер тагида олтин бош.
(Шолғом)

Калта бобом ичкарида,
Қулоқлари ташқарида.
(Шолғом)

Ер тагида чакса гўшт.
(Лавлаги)

Ер тагида олтин қозиқ.
(Сабзи)

Сари бобом ичкари,
Соқоллари ташқари.
(Сабзи)

Қизил қиз ер остида,
Сочлари ер устида.
(Сабзи)

Паст-паст бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
(Пиёз)

Озиқ-овқатлар

Бир қўйим бор,
Туриб семирар.
(*Хамир*)

Хом солдим,
Пишиқ олдим.
(*Ёнган нон*)

Еттиси бир ерга йиғилса,
Бешили бир ерга йиғилади.
(*Палов*)

Қоронғи уйда шивир-шивир.
(*Шовла*)

Қозон ичида оппоқ қор.
(*Ширгуруч*)

Қўприк устида бир тутам похол.
(*Ўгра*)

Бир кийигим бор,
Бир жойда туриб диркиллар.
(*Гўшт*)

Букдим,
Кудукка ташладим.
(*Чучвара*)

Бир қозондан қирқ туя сув ичар.
(*Чучвара*)

Ош пиширдим, тузи йўқ.
(*Сумалак*)

Жуммоқ қўйдим, жубин топ,
Жумалай бойнинг отин топ.
Тағи қўйдим, тағи топ,
Тотли бийнинг отин топ.
(*Сумалак*)

Олтмиш икки айбни оқ ёпар.
(*Қатиқ*)

Паловнинг остида,
Сувнинг устида.
(*Зигир мой*)

Ўзи оппоқ, қор эмас,
Нон бўлмайди, ун эмас.
(*Шакар*)

Жуммоқ қўйдим жуп-жупгина,
Томизиғи тол-толгина,
Толкон берсанг, очаман.
(*Пашмак*)

Бир ўрдакка бир чимдим.
(*Чой*)

Меҳнат, иш қуроллари

Тўрда турган тўрт йигит,
Тўртови ҳам мард йигит.
(*Чўп савағич*)

Бизнинг уйда тўрт кампир,
Тўртови ҳам мард кампир.
(*Савағич*)

Чарчамас кампир кўрдим, ёлғиз оёқ,
Оғзига ташлаб олган чўпдан таёқ.
Юрган сари белбоғини қаватлайди,
Берибди унга гўзалликни аямаёқ,
(*Урчуқ*)

Сарибой акам сақтали,
Икки оти нўхтали.
(*Чарх*)

Урдим, гуп этди,
Ер тагига кириб кетди.
(*Кетмон*)

Металим матти,
Қулоғи қатти.
Қулоғига қаттиқ тепдим,
Ялпайиб ётди.
(*Бел*)

Тушган ерини кесар.
(*Теша*)

Қора туя қалтирайди,
Қобирғаси ялтирайди.
(*Аппа*)

Оғзи йўқ,
Тиши қўп.
(*Аппа*)

Тушган ерини узар.
(*Омбур*)

Келиб оғзини очар,
Тишлаб олиб қочар.
(*Омбур*)

Борадир, борадир,
Оёғини кўтариб ётадир.
(*Замбил*)

Оққина товук сомон сочар.
(*Панишаха*)

Ер тагида ой юрар.
(*Омоч*)

Қоронғи томнинг ичида
Полвон акам икки оёқ билан тепади.
(*Жувоз*)

Уй-жой ва унга тегишли жихозлар

Опон-опонни кўрдим,
Эски чопонни кўрдим.
Қобирғаси қалашган,
Одам ютганни кўрдим.
(Қора уй)

Оғил тўла чиноқ қўй.
(Қора уйнинг увиғи)

Бизнинг уйда қирқ қиз,
Ҳаммаси сочпопукли.
(Увиқ ва боғи)

Жинди қиз, жинди қиз,
Жин тепага чиқди қиз.
Болаларини эргаштириб,
Ҳаранг-даранг бўлди қиз.
(Қора уйнинг чангароғи)

Чин қушим, чинни қушим,
Чин тепага қўнди қушим.
Қанотини ёйди қушим.
Танобини тортди қушим.
(Чодир)

Деволга қўнган қушим,
Баъзилари бир қанот,
Баъзилари қўш қанот.
(Эшик)

Олти кўзли, суякли,
Ҳамма уйга керакли.
(Дераза роми)

Кечаси осмонга қарайди,
Кундузи ерга қарайди.
(Эшик занжири)

Жарда янтоқ осилган.
(Қулф)

Катта хотин уй пойлайди,
Кичкина хотин йўқловга кетади.
(Қулф, калит)

Бир уйга кирсам,
Қорни ёриқ айиқ турибди.
(Мўри)

Ўзи битта,
Кўзи тўртта.
(Танча)

Йўнса йўғон бўлар.
(Ўра)

Чиргидай ерга кун тегмас.
(Қудуқ)

Уй хўжалик асбоблари

Шум кампир,
Шумалоқ кампир,
Икки бети юмалоқ кампир.
(Тандир)

Оғзи қора кўк тозим,
Кунига тўққиз кийик олади.
(Тандир)

Ости лоп-лоп,
Усти лоп-лоп,
Ўртасида кумуш қоплаб.
(Рапида)

Ўзи битта,
Қулоғи тўртта.
(Қозон, тўрт қулоғи)

Қулоғи қорнида,
Боши йўқ.
(Қозон)

Қора ботир отдан тушди,
Аскарлари ўраб олишди.
(Қозон, товоқ, коса)

Қора дев йиқилди,
Болалари йиғилди.
(Қозон, товоқ, коса)

Лайлак уяда,
Думи зиёда.
(Чўмич)

Ҳакка уяда,
Қуйруғи зиёда.
Ўзи катта,
Кичикка эгилади.
(Чойнак)

Оналари тоқчадан тушса,
Болалари югуриб келади.
(Чойнак, пиёла)

Ҳамма кишини кўрганда лабини
ўпкай.
(Пиёла)

Икки сингил,
Оғир-енгил.
(Тарози)

Оқ саллали бобо том устидан янтоқ
ташлайди.
(Устара)

Олов, тутун, чирок

Бир сават анор,
Ҳаддинг бўлса ол.
(Чўғ)

Ялт-ялт этади,
Ямлаб кетади.
(Ўт-олов)

Чангарокдан учиб чиқади,
Қараса, кўзни кўр қилади.
(Учқун)

Қўк хўкиз олдин чиқар,
Қизил хўкиз кувиб чиқар.
(Тутун, олов)

Тақ этди, таколон кетди,
Отаси этигини кийгунча
Боласи боғлон кетди.
(Ўт-олов, тутун)

Оёксиз, қўлсиз томга чиқади.
(Тутун)

Оёғи йўқ кочади,
Қаноти йўқ учади.
(Тутун)

Қизил сигир қора сигирнинг қорнини
ялайди.
(Олов, қозон)
Ўзининг баданини ўзи ейди.
(Шам)

Қилич учи қалтирок.
(Шам)

Милтиллайди кўзлари,
Мўлтиллайди ёшлари.
(Шам)

Кичкинагина сандиқча,
Ичи тўла михча.
(Гугурт)

Кичкинтойгина келинчак,
Бошида бор тугунчак.
(Гугурт)

Ўзи узун, ориқ,
Салласи сариқ.
(Гугурт)

Кийим-кечак, безак ва тикувчилик асбоблари

Ўзи битта,
Тухуми тўртта,

Боласи ўн олтига.
(Дўппи)

Бошингдаги бошпана,
Қиш-қировда гулхона.
(Телпак)

Кундузи химоя қилади,
Кечаси қозикда туради.
(Кийим)

Қора ботир қалтирок,
Сағирлари ялтирок.
(Қора атлас)

Топ, топишмоқ,
Танга ёпишмоқ.
(Кўйлак)

Эрта турди,
Икки айри йўлга тушди.
(Шим)

Муштум ерга тушди.
(Чўнтак)

Хўкизни миндим,
Кўйни кўтардим,
Ғовачага гизландим.
(Этик, телпак, кўйлак)

Бир туғишган икки дўст,
Бўйлари тиздан.
Қолмайди биздан,
Сақлайди қор, муздан.
(Этик)

Кечаси арваяди,
Кундузи семиради.
(Маҳси)

Кундузи ҳақ-ҳақ юради,
Кечаси огзини очиб ётади.
(Ковуш)

Беш оғайни, кўраси бор,
Хонаси бошқа.
(Қўлқоп)

Керагида осувли,
Ақллига билувчи.
(Сочик)¹⁵

¹⁵ Абдурахимов. М. Ўзбек халқ топишмоқлари. Т.: 2008.

АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

Афсоналар дунёдаги деярли ҳамма халқлар оғзаки ижодининг энг қадимги, азиз ва оммавий жанрларидандир. Уларда тарихий ҳаётда рўй бермаган бўлса-да, рўй бериши мумкин бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Бадиий тўқима бу жанр асарларининг асосий хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун олимлар афсоналарнинг айримларини эртақларга тенглаштирганлар. Айрим афсоналар эса мифларга ўхшаб кетади. Бундай намуналарда бирор нарса–предметнинг пайдо бўлиши, расм-русум ёки одатларнинг бошланиши ҳақида маълумот берилади. Аммо мифлар мазмунан афсоналардан фарқ, қилади. Жумладан, аввал қайд қилганимиздек, мифларда асосан дунёнинг, одамнинг, бутун коинот ва борлиқнинг яратилиши ҳақида содда тарзда ҳикоя қилинади. Шунинг учун ҳам афсоналар мифлардан кейин, эртақлардан олдин пайдо булган деган тахминни билдириш мумкин.

Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарида “сав” сўзига бир неча изоҳлар келтиради:

“сав – оталар сўзи,

сав – қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш.

сав – ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш.

сав – рисола. Хат, кичик китобча.

сав – сўз, нутқ.

сав – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи”. Юқоридаги изоҳлардан бири “илгариги хабарлар” мазмунан ҳозирги пайтда биз тушунадиган афсоналарга мос келади. Аммо бу изоҳларда аждодларимизнинг бир сўз билан жуда кўп маънони билдиришганини қайд этиш маъқулдир.

Афсона форсча (афсона) сўзидан олинган бўлиб, йўқ, нарсани бордай қилиб кўрсатиш, яъни жодулаш, тўқиш, уйдирма қилиш маъносини англатади. Баъзан томошаларда кўз бойлағичларни афсунгар деб аташади. Ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган гап эшитиб қолсак ҳам афсона бўлса керак деб ўйлаймиз.

Афсоналар ижро этилиши жиҳатидан эртақ, дoston, кўшиқ, аския каби алоҳида тайёргарлик кўришни талаб қилмайди. Шунинг учун бу намуналарда матнга хос махсус анъана кўзга ташланмайди. Уларда сеҳрли воқеа-ҳодисалар шунақа тасвирланадики, одам тинглаётганини ўзи ҳам билмай қолади.

Маълумки, қадим замонлардан аждодларимиз диний эътиқодларга берилиб келганлар. Шунинг учун афсоналарнинг кўпчилиги пайғамбарлар, авлиёлар ҳаётидан олинган воқеаларни эслатади: “Кунлардан бир кун Мусо пайғамбар худо олдиға кетаётган экан, эрта

бахор бўлишига қарамай, дон экаётган дехқонни кўриб қолибди. Мусо унга ҳали дон экишга эрта эканини айтибди. Дехқон тажрибасига ишониб, унинг гапини рад қилибди. Худо билан суҳбатда Мусо бу мунозара ечимини сўраганида, худо дехқоннинг ҳақ эканини, аммо Мусо гапини энди инобатга олиш кераклигини билдирибди. Шундай қилиб, Мусо худо олдидан қайтаётганида, ҳаво совуган, қор шамоли эсаётганмиш. Дехқон эса хайрон бўлиб, осмонга қарармиш. Шунда Мусо ўзининг ҳақ эканини дехқонга эслатибди. Дехқон истехзо билан кулиб, “дон экиш вақти келишга-ку келган, ҳавонинг бу бузилиши менинг сен билан тортишганим оқибатидир”–деб жавоб берибди. Шу-шу экиш пайтида ҳаво бузилса, дехқонинг пайғамбарнинг гапига кўнмаганини эслашаркан”.

Юқоридаги мисолдан мазкур афсонани мазмунини сақлаган ҳолда бошқачароқ айтиш ҳам мумкинлиги билиниб турибди. Афсоналар мазмунан турлича бўлиши мумкин. Уларни шартли равишда асотирий тушунчалар, коинот жисмлари, ўрин-жой номлари, одатларни шарҳловчи афсоналарга бўлиш мумкин.

Асотирий афсоналарда қадимда яшаган аجدодларимиз ўзларига ҳомий деб ҳисоблаган шахсларни улуғлаганлар. Диний эътиқод масалаларини ёритганлар. Масалан, халқимизда ҳар бир инсоннинг тақдири тангри томонидан белгиланган бўлади, аммо инсон ҳатти-ҳаракати, нияти билан ўз қисматини ўзгартириши мумкин, деган тушунча бор. Шу фикрни далиллаш учун шундай афсона келтирилади: “Мусо кунлардан бир кун тангри олдида кетаётганида, йўлда оёқ-қўли йўқ мажруҳ бир одамни кўрибди. Одам ундан ўзининг тақдирига жаннат ёки дўзах ёзилганини билиб беришни сўрабди. Тангри пайғамбарга: “У одамнинг охириги жойи дўзах бўлади. Чунки умр бўйи уни емак-ичмакка муҳтож қилмадим, аммо бирон марта “Худога шукр” демади”, - дсбди. Мусо пайғамбар қайтишида ҳалиги одам ундан жавоб кутибди. Пайғамбар бор гапни айтибди. Шунда одам: “Бўлмаса худога айт, мен ўлганимда танамни шунақанги катта қилиб юборсинки, бошқа ҳеч кимга дўзахдан жой қолмасин, - дебди. Ана шу гапдан кейин бечора банда жаннати бўлган экан”.

Халқимиз орасида “ширин қиз”, “ойда нима учун доғ бор”, қуёш билан ойнинг бир оилада яшагани, юлдузлар уларнинг болалари экани ҳақидаги афсоналар кўп. “Қонқус”, “Куйган ёр”, “Ошоба”, “Андижон”, “Туя чўкди” каби юзлаб афсоналар борки, улардан ёзувчиларимиз ҳам ўз ижодлари давомида фойдаланадилар.

Шу билан бирга баъзан халқимиз яшайдиган айрим ҳудудлардаги одатларга изоҳ берувчи афсоналарга ҳам дуч келамиз. Масалан, Ўзбекистоннинг турли вилоятларида яшайдиган аҳолининг бевосита ҳудудий хусусиятлари борлиги ҳаммага маълум. Хусусан, Фарғона

вилоятида истиқомат қилувчи юртдошларимиз умуман меҳмондўстликларидан ташқари сертакаллуф эканликлари билан ном чиқарганлар. Улар ўз меҳмонлари кўнглини олиш учун “олинг-олинг”ни жуда кўп ва тез-тез такрорлайдилар. Аммо Хоразмликлар меҳмондўстликда Фарғоналиклардан қолишмасаларда, ортиқча “олинг-олинг” билан меҳмонга мурожаат ҳам қилавермайдилар. Хоразм вилоятида бу ҳақида қуйидаги афсона мавжуд:

“Хоразм Ҳирот подшолиги таркибида эканида, Ҳирот шоҳининг ўғли Хоразмга меҳмонга келибди. Бу ерда уни катта тантаналар билан кутиб олишибди ва қуюқ зиёфатлар уюштиришибди. Аммо шаҳзода келган кунининг эртасигаёқ жаҳл билан ўз юртига қайтажагини билдирибди. Хоразмшоҳ жуда изтироб чекиб, бу қадар тез йўлга отланиш сабабини меҳмондан сўрабди. Меҳмон хафа бўлиш сабабини айтмай ўз юртига кетиш тараддудини кўраверибди. Карвон йўлга тушай деганда, Хоразмшоҳ шаҳзода отининг тизгинини ушлаб, ўз хатосини кўрсатишини сўрабди. Шунда шаҳзода:

“Кеча оқшом мен дастурхондан бир парча гўшт олиб ея бошлаганимда, Сиз, “шаҳзодам”, - дедингиз ва гўштга ёпишиб қолган бир қилни олиб ташладингиз. Мен еяётган гўштдаги қилни кўрган кўзингиз, гуштни кўрмайдими?” - дебди. Шундан кейин Хоразмшоҳ бутун туманларга жарчи юбориб, фармон эълон қилибди: “Хоразм вилоятига кимда-ким меҳмон бўлиб келса, унинг олдида ҳоли-бақудрат дастурхон ёзинг. Емагини, ичмагини зиёда қилиб қўйинг. Аммо меҳмоннинг таом тановвул қилишига асло аралашманг”. Шу воқеадан буён бу ерликлар меҳмондўстликни тарк этмаганлари ҳолда меҳмонни ортиқча “олинг-олинг” билан, қийнамайдилар”. Афсонадан маълум бўладики, хоразмликлар меҳмондўстлиги ўзига хос фазилатга эга экан. Бу одатнинг қадимий афсона билан изоҳланиши яна ҳам ажиб таассурот қолдиради.

Юқоридаги афсона мазмунига эътибор қилсак, унда ҳаётда рўй бериши мумкин бўлмаган ҳеч қандай лавҳа йўқ. Ундаги воқеа ҳам, савол-жавоб ҳам эшитган одамда ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Аммо бу воқеанинг аниқ, рўй бергани ҳақида ҳам ҳеч қандай ҳужжатли далиллар йўқ.

Шунинг учун бу афсонанинг ҳаёт ҳақиқатига қанчалар мос келиши юзасидан аниқ ҳукм чиқариш мушкул. Афсоналарнинг қизиқлиги, уларнинг инсон диққатини жалб қилиш сабаблари ҳам, эҳтимол, шу хусусият билан изоҳланади. Бундай асарларнинг матнида эртақларга хос баён усули, воқеа танлаш тамойиллари кўзга яққол ташланиб туради. Қуйидаги афсонада бу фикр яна бир карра ўз тасдиғини топади:

“Худо дунёдаги ҳамма халқларга ер юзидаги ерларни бўлиб берибди. Ўзи билан ўзи овора ўзбек ўша тақсимотга ҳам кечикиб борибди. Бу

пайтда ўзбек олиши мумкин бўлган ернинг ўзи қолмаган экан. Худо раҳмдил эмасми?! Шунинг учун ўзбекка: - Майли, мен ўзимга икки дарё оралиғдан бир парча ер олиб қўйган эдим, шу жойга сен эгалик қила қол, - деган экан. Шу-шу ўзбек ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи юртда истиқомат қилармиш... Бу ўлкага худонинг назари тушгани учун кузда далада қолиб кетган кетмон баҳорда новда чиқариб гуллармиш”.

Кўряпмизки, халқимиз афсоналарни яратишда жуда ижодкор. У ўз ҳаётига тегишли ҳар бир воқеа-ҳодисага, анъанага, жой номларига, ҳатто ўзи яшаётган ватанга меҳр билан муносабатда бўлган ва халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари қатори афсоналар воситасида ўз муносабатини билдирган. Афсоналар эса аجدодларимиз томонидан ҳаёт тажрибаси хулосаси сифатида яратилган.

Демак, афсоналар халқ оғзаки ижодининг эпик туридан бири экан. Уларда тасвирланган воқеалар асосан ижодий тўқималар заминида яратилади. Бу жанр намуналарини айтиб берувчи шахс асар мазмунини сақлаган ҳолда маълум ўзгартиришлар киритиши мумкин. Афсоналарда маълум жиҳатдан хилма-хил воқеалар ҳикоя қилинади. Бу жиҳатдан улар асотирий воқеаларни, космогоник жисмларни, ўрин-жой номларини, одатларни изоҳловчи гуруҳларга бўлинади. Улар халқимиз тарихини ўрганишда турли урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналарни шарҳлашда, жой номларини изошҳлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ривоятлар афсоналардан ҳаёт ҳақиқатига анчайин яқинлиги билан фарқ қилади. Агар афсоналар тўлалигича аجدодларимиз томонидан ўйлаб топилган тўқима ҳикоялардан иборат бўлса, ривоятлар ҳаётда рўй берган қандайдир тарихий воқеаларга асосланади. Улар мазмунан афсоналардан деярли фарқ, қилмайди, аммо бу асарлар заминида аниқ, тарихий далил илдизи мавжуд бўлади. Ривоятларнинг ўзига хослигини ана шу хусусият билан изоҳлаш мумкин. Бу асарлар кўпинча содир бўлган тарихий воқеа иштирокчиси томонидан ёзиб қолдирилади ёки айтиб берилади. Аждоддан авлодга мерос сифатида ўтиб бизгача етиб келади. Шунинг учун ривоятлар ўтмиш воқеалари ҳақида бизга маълумот бериши билан қизиқарлидир. Уларда тарихимиз саҳифалари, машҳур алломалар ҳаётидан лавҳалар, мардларнинг жасурлиги, айрим жой номларининг пайдо бўлиши ўз аксини топади.

Ривоятлар ҳам афсоналар каби мазмунан айрим турларга бўлинади. Шартли равишда ривоятларни тарихий ва ўрин-жой номлари билан боғлиқ асарлар ташкил этади. Тарихий ривоятларда халқимиз озодлиги учун жонини фидо қилиб курашган марду майдон фарзандлар жасорати ёки ўзининг манфаати йўлида бутун юртдошларини душман қўлига тутиб берган хоинларнинг хиёнати ҳикоя қилинади. Бу билан халқ мардлиги, жасорати ҳам, хоиннинг хиёнати ҳам унутилмаслигини таъкидлагандек

бўлади. Хусусан, уларда Тўмарис, Широқ, Жалолиддин, Темур Малик, Амир Темур каби ҳақиқий инсонлар ҳаёти акс эттирилган. Бу шахслар ўз ватанини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишда биз учун ҳақиқий ибрат бўла оладилар. Агар бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз Ватанимизни ана шундай гўзал инсонлар каби севса, юртимиз завоқ кўрмайди. Дарвоқе, ривоятларни яратишдан, авлодларга мерос қилиб қолдиришдан назарда тутилган мақсад ҳам шундай ният билан белгиланади. Айни пайтда Далварзин, Гулдурсин ҳақидаги ривоятларда ўткинчи ҳавас деб душманга ўз шахрининг дарвозасини очиб берган разил шахслар қилмиши фош этилади. Мазкур шахарлар, қалъалар вайроналари эса мунофиқ, кимсалар қилмишлари асрлар ўтсада эл ёдидан ўчмаслигидан далолат сифатида сақланиб қолган.

Ўзбек халқи орасида Имом Бухорий, Беруний, Бурхониддин Марғилоний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий каби буюқ алломалар ҳақида яратилган ўнлаб ривоятлар ҳамон сақланиб келмоқда.

Мана улардан бир мисол: “Ибн Сино ҳар куни бетобларни қабул қилар экан. Аммо навбат бир йигитга етиб келганида, уни четлаб ўтар экан. Кунлардан бир кун йигитнинг онаси у ётган тўшак ёнига бир коса қатик, қўйиб, ўз юмушлари билан банд бўлибди. Йигит косадаги қатикқа тикилиб ётса, шипдан бир илон тушиб қатикқа заҳарини солибди. Жонидан тўйган йигит алам билан косадаги заҳарланган қатикни жон жаҳди билан ичиб юборибди. Аммо бир оз ўтмай ўзини тузук сеза бошлабди. Соат ўтгани сайин у соғайибди. Эртасига анча ўзига келиб, яна Ибн Сино қабулига борибди. Бу сафар ҳам табиб уни четлаб ўтибди. Ажабланган йигит унга эътироз билдирибди. Шунда аллома:

“Сиз кеча ва авваллари келганингизда дардингизга даво йўқ эди. Шунинг учун сизни кўрмагандим. Чунки, мен сизга қатикни тўшак ёнига қўйиш, унга илон заҳар солиши, бу қатикни сиз ичишингиз кераклигини айта олмас эдим-да. Аммо тақдир сизга бу имкониятни етказди. Энди сизга табибнинг кераги йўқ. Сиз мутлақо соғсиз. Шунинг учун сизни четлаб ўтдим, - дебди”.

Бу ривоятда Абу Али ибн Синонинг нақадар моҳир, закий ва доно табиб эканлиги ўз аксини топган. Ривоятлар матнини таҳлил қилиш уларнинг ҳажми катта бўлмаслигини тасдиқлайди. Уларда воқеалар баёни бир, икки лавҳадан иборат бўлади ҳолос.

Энди ўрин-жой номи билан боғлиқ ривоятга диққат қилинг: “Бухоро билан Навоий оралғида катта Малик чўли ястаниб ётади. Унинг бир қисмини Ўртачўл тоғ ён бағрини эса Қарноб чўли ҳам деб юритадилар. Малик чўл елкасидан эса Зарафшон орқали Маликнинг қоқ ўртаси автомобил йўли ёқасида Малик дарвозаси ва ёпиқ ҳовуз харобалари сақланган. “Малик” ҳақида қуйидаги ривоят келтирилади:

Бир куни Бухоро амири файтунда Нурота, Кармана, Зиёдин, Султонободни айланиб келиб чарчайди-ю, чўлда соябон ўрнаттириб, дам олади. Амирнинг шотирларидан бири Малик дегич йигит экан. Амир ухлаб қолади. Шу пайтда амирнинг бурнидан бир чивин чақиб, сўнг сув тўла коса устида турган пичоқ устидан юриб ўтиб сичқон инига кириб кетади. Бироздан сўнг чивин сичқон инидан чиқиб келади-да, яна ўша сув тўла коса устидаги пичоқдан юриб ўтиб, подшонинг бурнига кириб кетади. Малик ботир бу хангомани кўриб ҳайратда қолади-ю, нима қиларини билмайди. Амир бўлса қаттиқ, ухлаган, бошқа амалдору хизматкорлар ҳам чеккада дам олаётган экан. Малик ўша чивинни ўлдираман деса, амир уйғониб қолиб унга қўл кўтарганини кўрса, тайинки, боши кетади.

Ниҳоят амир уйғонибди. Малик унинг қўлига сув қуйибди, амалдорлар давра курибдилар. Амир ғаройиб тушини айтибди:

Тушимда бир узоқ чўлга чиқиб кетганмишман. Анча юриб дарёга етибман. Дарё устида темир кўприк бор экан. Кўприкдан нариги соҳилга ўтиб, бир ғорга кириб кетибман. Ғор ичида икки хум тилла ётганмиш. Ғордан чиқиб, кўприкдан ўтиб, чўлдан кечиб яна тахтимга келиб ўтирибман. Тушимнинг таъбирини айтингларчи, не кори ҳол бўлар экан?

Амирнинг ҳамроҳлари бириси у, бириси бу дейишибди. Малик доно йигит экан, у сирни билибди-ю, ўзини касалга солиб ётиб олибди. Ўзимга келиб олсам сизларга етиб оламан дебди. Амир кишилари билан жўнаб кетибди. Малик дарров кетмон олиб ўша чивин кириб чиққан сичқон инини қовлашга тушибди.

Ҳақиқатан, у ерда икки хум тилла бор экан. Малик тилладан бир халтасини олиб, аҳли номдор, донгдор усталарни бошлаб келиб шу ерга қишлоқ қурдирибди, ҳовузлар бунёд этибди. Ана ўшандан буён чўлни “Чўли Малик” деб аташибдилар”.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: ривоятлар халқ оғзаки ижодининг эпик турига кирган оммавий жанрлардандир. Улар афсоналардан фарқли ўларок, аниқ бир воқеа-ҳодиса асосида яратилади.

Ривоятлар мазмунига кўра тарихий ва топонимик (ўрин-жой номлари изоҳи) турларга бўлинади. Бундай асарлар воқеага гувоҳ бўлган шахслар томонидан ёзиб қолдирилади ёки авлоддан авлодга ўтиб ёзилади.

Мавзуга доир мисоллар:

Афсона:

Бир одам тунда уйқуси қочиб, ташқарига чиқиб қараса, уйининг томида туя турган эмиш. “Ёпирай, ярим тунда томда туя нима қиларкан? Деб ҳайрон бўлиб турганда, ҳалиги туя тилга кириб:

- Эй бандаи ғофил! Орқангда бирорта отамлаб қоладиган фарзандинг бўлмаса, шунча

молу давлатни тўплаб нима қиласан? – дебди-да, кўздан ғойиб бўлибди. Бу гапни эшитган бой хафа бўлиб уйига қайтиб кирибди ва аёлини уйғотиб:

- Хотин, изимизда чироғимизни ёқадиган фарзандимиз бўлмаса, бу дунёда яшашнинг ҳеч қизиги йўқ экан. Мен қишлоқдан бош олиб кетишга аҳд қилдим. Менинг қаёққа кетганимни сўрашса, билмайман дегин, - деб кулоҳу жанда кийиб йўлга тушибди.

Йўлда кетаётса, сурув-сурув қўй-эчкиларни, сон-саноксиз пода ва йилқиларни, туя тўдаларини кўриб, бунинг эгаси кимлигини сўрабди. Чўпонлар:

- Эй, бой ота, бу молларнинг бари ўзингизга қарашли-ку! – дейишибди хайрон бўлиб. Шунда бой буларнинг ҳаммасини чўпонларнинг ўзларига инъом этиб, бу ҳақида ҳеч кимга чурқ этмаслигини қаттиқ тайинлаб ўз йўлини давом эттирибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир чўлу биёбонда кетаётганида олдидан опоқ соқолли бир нуроний чол чиқиб қолибди. Бу Хўжаи Хизр алайҳиссалом экан. У бойга яхши гапириб уйига қайтармоқчи бўлибди, аммо бой изига қайтмасдан, йўлини давом эттирибди. Хўжаи Хизр иккинчи марта дуч келиб, яна панд-насихатлар билан бойни изига қайтаришга кўндирмоқчи бўлган экан, бой унамабди. Орадан бир манзил ўтгач, Хўжаи Хизр яна дохил бўлибди. Бойни изидан қайтаришга уриниб кўрган экан, фойда бермабди. Шунда у бойга қараб:

- Баракалла, аҳдинг қатъий экан, иншолло ниятингга етасан. Фалон ерда бир авлиё борлар, агар ўша кишининг олдиларигача етиб бора олсанг бахтинг, - дебди-да, кўздан ғойиб бўлибди.

Бой кўп машаққатлар чекиб, хўжаи хизр айтган авлиёнинг маконига етиб борибди. Авлиё бойнинг келаётганлигини кўриб турган экан остонадан ҳатлаб ўтиши билан:

- Ўша ерда тўхта! дебди-да, намоз ўқиб, худо билан мулоқотда бўла бошлабди.

- Эй тангрим, - дебди у, - шу банданга фарзанд ато этишингни сўрайман. Унга фарзанд ато эт, шояд муроди ҳосил бўлиб, бу оламдан ноумид кетмаса!

Авлиё қайта-қайта илтижо қилибди. Етти марта сўраганида ҳам худо рози бўлмаганидан кейин авлий жаҳл билан тоғнинг тошини юлиб олиб отган экан, худонинг нурли тошларидан бир бўлаги узилиб ерга тушибди. Бунни кўрган худо:

- Бўлди бу одамга фарзанд ато этганим бўлсин! – дебди.

Авлиё бойга қараб:

- Мана мақсадинга етдинг, худо сенга фарзанд ато этди. Энди тезда уйингга қайт, - дебди.

Авлиёлар ҳар куни саҳрода кезиб юрганча, ҳар қадамда тўхтаб намоз ўқиб, худога сажда қилиб кетаверар эканлар. Бир кун кечаси келаверишса, бир тош ўзидан нур таратиб турганмиш. Улар худо билан мулоқотда бўлиб, бу тошнинг сирини билиб олибдилар ва бу ерни Нурота деб атай бошлабдилар”.¹⁶

Ривоят:

Кунлардан бир куни Гургон подшоси Қобус Вушмагирнинг қариндошларидан бири касалга чалиниб қолиб, табиблар уни қанча даволашмасинлар, ҳеч бир наф бўлмабди. Бир вақт ходимлардан бири Қобусга: “Фалон маҳаллага бир ёш йигит келибди, ўзи мохир табиб, кўли жуда енгил экан, бир неча бемор ундан шифо топибди!”, - деб қолди. Қобус: “Уни беморнинг ҳузурига олиб келинглар, даволаб кўрсин, ростдан ҳам қўлдан қўлнинг фарқи бор!”, - деб буюрди.

Абу Алини топиб, беморнинг ҳузурига кириб, ҳоят келишган, чиройли, мўйлови энди сабза урган, аммо ўзи жуда ғамгин бир йигитни кўрди. Ёнига ўтириб, томирини текширди. Сўнг пешобини олишга буюрди. Пешобни кўргач: “Менга Гургоннинг барча уй ва маҳаллаларини биладиган киши керак!”, - деди.

Шундай кишини олиб келиб: “Мана у”, - дедилар. Абу Али беморнинг томирига кўлини қўйгач, унга “Гургондаги маҳаллалар номини айт!”, - деди. У бир маҳалланинг номини айтганда беморнинг томири ғалати ура бошлади. Шунда Абу Али: “Шу маҳалланинг

¹⁶ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008. 109-110-бетлар.

кўчаларини айт!”, - деди. У санай бошлаб, бир кўчага келганда, беморнинг томиридаги ғалати ҳаракат яна такрорланди. Абу али: “Энди шу кўчадаги барча уйларни биладиган киши керак!”, - деди.

Шундай кишини топиб келишди. У кўчадаги уйларнинг эгаларини айта бошлаган эди, у бир уйга келганда, ўша ҳаракат яна такрорланди. Шунда Абу Али: “Энди шу уйда яшовчи кишиларнинг ҳаммасини биладиган ва номини айтиб бера оладиган одам керак!”, - деди. Шундай одамларни ҳам топиб келдилар. У уйда яшовчиларнинг номларини айта бошлаган эди, гал бир кишининг номига келганда, ўша ҳаракат яна пайдо бўлди. Шунда Абу Али: “Бўлди!”, - деди.

Сўнг Қобуснинг Яқинларига қараб: “Бу йигит фалон маҳалладаги, фалон кўчадаги, фалон уйдаги, фалон исмли кишининг фалон номли қизига ошиқ! Бунинг шифоси ўша кизнинг висоли, даъвоси эса унинг дийдоридир!”, - деди.

Бемор кулоқ тутиб, Абу Али нима деса, ҳаммасини эшитиб турган эди. У қаттиқ уялиб, бошини чойшабга ўраб олди.

Қобус бу қизиқ муолажадан ҳам лол, ҳам ҳайрон эди. Ҳақиқатан ҳам, бу таажжубга лойиқ ишдир! Сўнг Абу Алига деди: “Эй фозилу комилларнинг улуғи! Ошиқ ҳам, маъшук ҳам менинг жиянларим бўлишади, бир-бирига эса холаваччадирлар. Муборак кунни аниқла, уларни бир-бирига қовуштириб қўяйлик!”.

Абу али энг муборак кунни аниқлади. Тўй қилиб, ошиғу маъшукни бир-бирига қовуштирдилар. Гўзал шахзода шундай қилиб бу ҳалокатли ранждан қутулиб қолди.¹⁷

ЛАТИФАЛАР

Латифалар халқ оғзаки ижодининг ҳажм жиҳатидан кичик наср кўринишида яратиладиган кулгили оммавий жанри ҳисобланади. “Латифа” атамаси арабча лутф сўзидан олинган бўлиб, нозик фикрлаш, яхшилик қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, шарафламоқ каби маъноларни англатади. Туркий халқларда латифа жанри дунёдаги халқлар каби жуда қадимда яратилган. Олимлар бундай жанр намуналарининг айримлари, ҳатто IX – XI асрларда яратилганлигини кўрсатиб ўтишган. Профессор Ходи Зарифовнинг қайд этишича латифаларнинг бевосита Насриддин афанди номи билан боғланиши асосан Ўзбекистонда матбаанинг пайдо бўлиши билан, Насриддин афанди латифаларини китоб тарзида нашр эттирилиши билан оммавий тус олди. Ҳақиқатдан ҳам, инсон ҳеч қачон кулгусиз яшамайди. Кулгу меҳнат қилишни осонлаштиради, зерикарли меҳнатни қизиқарли машғулотга айлантиради, вақт ўтишини тезлаштиради. Шунинг учун қадим замонлардаги ҳокимлар қизиқ-қизиқ воқеаларни кулгили тарзда ижро этадиган одамларни ўз саройларига таклиф қилганлар, уларга махсус эътибор билдирганлар.

Ҳаётда ҳар бир воқеа-ҳодисадан кулгили вазият ҳосил қилишга моҳир одамлар кўп учрайди. Улар ўзлари иштирок этаётган воқеаларни жуда синчковлик билан кузатадилар, фикран хулосалайдилар ва атрофдагиларнинг табассумини пайдо қила билган тарзда сўзлаб берадилар. Тарихда Рашидиддин Ватвот, Алишер Навоий, Биноий,

¹⁷ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008. 118-119-бетлар.

Машраб, Муқимий, кейинчалик А.Қодирий, Ғ.Ғулом, А.Қахҳор, М Шайхзода, С.Аҳмад, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, О.Матчон ҳаётларида жуда кулгили воқеаларга дуч келишган ва, ҳатто, бу ҳодисалар таъсирида юмористик, баъзан, лирик асарлар яратганликлари ҳақида маълумотлар кўп. Масалан, Ўткир Ҳошимов ўзининг шингил ҳикояларидан бирида кунлардан бир кун таниқли ёзувчимиз Саид Аҳмад билан сафарда бўлганлигини ёзади. Поездда кетишаётганида Саид Аҳмад Ўткир Ҳошимовга мухлислар тортиқ қилган гуручдан ўзининг халтасига солаётганини кўриб қолади. Ёш ёзувчи нима учун устозидан бундай қилаётганини сўраганида Саид Аҳмад “мен овсарман”, - деб жавоб берган экан. Шунда Ҳошимов: “Агар овсар бўлсангиз, нима учун ўзингизнинг халтангиздаги гуручдан меникига солмайсиз”, - дебди. Саид Аҳмад: “Унда жинни бўлар эдим” - деб жавоб берган экан. Бундай латифанамо ҳодисалар узоқ тарихда ҳам кўплаб рўй берган, албатта. Мана бир мисол:

“Қадим замонларда давр алломаларидан бирини ёқтириб қолган подшо ўз иморатининг қаршисига олим учун болахонали уй қуриб беради. Аллома доно ва илмли одам экан. Аммо унинг ташқи қиёфаси жуда хунук экан. Кунлардан бир кун подшо тонг палласида ўз тарафида тўйиб нафас олаётса, қаршидаги болахонадан олимнинг қиёфаси кўринибди. Шунда подшо унинг хунуклигига урғу бериб:

Мавлоно, кўчанинг нариги бетида бир эшак турибдими? – дебди. Аллома шу заҳоти ҳеч иккиланмай:

Йўқ, тақсир, мен бу томонга катта кўзгу (ойна) қўйдирганман, - деган экан”. Маълум бўладики, юқорида қайд қилинган ҳикоядаги воқеага монанд ҳодисалар кейинчалик латифаларнинг яратилишига сабаб бўлади.

Турли халқлар латифаларининг матнларини ўрганиш тарихан яшаш ҳудуди ва тарзи жиҳатидан бир-бирига яқин миллатларда шакл ва мазмунан деярли бир хил латифаларнинг мавжуд эканлигини тасдиқламоқда. Жумладан, ўзбек халқининг Насриддин афанди, Мулла Насриддин, Хўжа Насриддин деган номлар билан машҳур бўлган латифа қаҳрамони ҳиндларнинг Бирбол, туркманларнинг Мирали, қozoқларнинг Алдарқўса, тожикларнинг Жўха каби қаҳрамонлари билан ўхшашдир. Бу қаҳрамонлар ҳақидаги асарларда подшоҳлар, амалдорлар, қозилар, болалар, оила каби мавзуларнинг алоҳида-алоҳида туркум тарзида келишининг ўзи ҳам фикримизнинг далилидир. Масалан, Бирбол латифаларида кунлардан бир кун шоҳ Акбар унга бир қалтис ҳазил қилишни ва бу ҳазилнинг кечирими ундан ҳам қалтисроқ бўлишини топширади. Бирбол бу топшириқни қабул қилади. Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг Бирбол ҳеч ким йўқ вақтида подшоҳнинг белини чимчилаб олади. Шоҳ ғазаб билан: “Бу нима қилганинг”, - деб сўраганида, Бирбол: “Кечирасиз, шоҳим, сизни маликам деб ўйлабман”, - деб жавоб беради.

Қизиғи шундаки, айнан шу мазмундаги латифа ўзбекларда ҳам, туркманларда ҳам, озарбайжонларда ҳам машҳурдир. Бундай ҳолат латифаларнинг ўта яшовчанлигини, халқ томонидан севиб қабул қилинишини далиллайди.

Насриддин афанди ўзбек латифаларида ўта ҳозиржавоб, ўта зукко, ўта доно ва тадбиркор инсон сифатида гавдаланади. Ҳаётда уни мот қиладиган ҳодиса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки доно ва мутафаккир Насриддин афанди қиёфасида бутун халқнинг, бутун миллатнинг сўзга чечанлиги закий, яъни нозик фикрлаши ўз ифодасини топгандир. Латифаларнинг эътиборли, тингловчини ўзига жалб қилувчи фазилати шундан иборатки, уларда савол жавоб қилаётган тарафлар бир-бирини буткул ечими томилмас вазиятда қолдиришга уринадилар. Бу кўринишдаги энг оғир қисмат асосан Насриддин афанди пешонасига муҳрлаб қўйилгандир. Насриддин афандининг сўзга чечанлиги шундан иборатки, у ҳамиша вужудга келган вазиятдан ўта чиройли тарзда ечим топиб ўз қисматига енгиллик бағишлайди. Бир мисолга мурожаат қилайлик: “Кунлардан бир кун Афанди саройга келгани заҳоти подшо уни суҳбатга жалб қилибди: “Бугун тунда, дебди подшо, - афанди билан иккаламиз туш кўрдик”. Афанди ризолик аломатини кўрсатибди. Подшо давом этибди: “Афанди билан мен тушимизда ёш мушук боласига айланиб қолибмиз. Осмондан бир калхат тушиб иккаламизни икки чангалига олиб парвоз қилибди. Аммо шу яқин орада пайдо бўлган бургутнинг ҳамласидан қочиб, иккаламизни чангалидан бўшатиб юборибди. Мен шинни ўрага тушибман, афанди нопок ўрага тушибди”. Шунда саройдагилар афанди устидан кулгандай бўлиб, қаҳ-қаҳа кўтаришибди. Афанди ҳеч иккиланмасдан: “Шоҳим, тушимизнинг қолган давомини ҳам айтинг-да”, - дебди. Бирдан айтилган гапдан саросимага тушган подшоҳ, иккиланиб: “Хўш-хўш, давомида нима бўлган эди”? - деб сўрашга мажбур бўлибди. Афанди: “Сиз шинни ўрадан, мен нопок ўрадан чиқдим, тўғими?” — дебди.

“Ҳа-ҳа, - дебди подшо, жуда тўғри”.

Шунда афанди: “Мен сизни яладим, сиз мени яламадингиз”, - деб жавоб берган экан.

Маълум бўладики, Насриддиннинг вазиятни турли баҳолашига ва фавқулодда тўғри ечим топишига тасанно айтмасдан иложимиз йўқ. Афанди латифалари матнини ўрганиш қаҳрамонимизнинг ўзбек тилини, унинг бой имкониятларини, қочиримларини жуда яхши ҳис қилишини далиллайди. Насриддин бир кўринишда соддагина бўлиб, тилимизнинг гўзал жиҳатларини намоёиш қилиб қўяди:

Кунлардан бир кун афанди катта бир амалдорни “Сиз аҳмоқсиз”, - деб ҳақорат қилган экан, амалдор уни қозига бошлаб борибди. Қози

амалдорнинг хизматини афандига тушунтириб, сўзининг охирида “сиз аҳмоқ одам эмассиз”, - дейишини буюрибди. Афанди қозининг буйруғини шу заҳоти бажариб: - “Сиз аҳмоқ, одам эмассиз”, - дебди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, афанди латифаларида биз ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган кулгини севиш табиатига гувоҳ бўламиз.¹⁸

Аммо афанди латифаларида қаҳрамонимизнинг яна бир хусусиятини ҳам кўришимиз мумкин. Бу хусусият афандининг ўта соддалиги билан белгиланади. Энди биз бу қаҳрамоннинг турмушдаги мураккаб вазиятларни сингдира олмайдиган, ўз бошига ва номига мос келмайдиган даражадаги ўта гўллиги билан танишамиз: Афанди кўчада кетаётиб, кичкина бир кўзгу (ойна) топиб олибди. Уни қўлига олар экан ўз аксини кўрган заҳоти: - Э, кечирасиз, ойна сизникимиди, - деб ташлаб кетибди. Савол туғилади. Бу латифаларнинг яратилишидан халқ қандай мақсадни кўзда тутган бўлиши мумкин. Гап шундаки, халқимиз ижтимоий ҳаёт ташвишларидан зериккан баъзи пайтларда шунчаки кўнгил хушлиги учун ҳам кулги яратиш истагини билдиради. Бу мазмундаги латифалардан мураккаб вазият изоҳларини ахтариш тўғри эмас. Уларни халқ фақат бир енгил кулгига ташналиги туфайли яратган холос. “Кунлардан бир кун тунда афанди сув олмоқчи бўлиб, қудуққа челак ташласа, қудуқ тубида ой кўринибди. Афанди хотинини чақириб, арқон олиб келишини буюрибди. У арқон билан қудуқдан ойни чиқармоқчи бўлган экан-да. Қудуққа ташланган арқон қайсидир илдизга илиниб қолибди. Афанди зарб билан арқонни тортар экан, чалқанчасига йиқилиб тушибди. Ногоҳ унинг кўзи осмондаги ойни кўргани заҳоти: “Хайрият, чиқариб олибман-ку”, - дебди”.

Афанди латифалари халқимиз оғзаки ижодидаги кулги яратувчи ҳажм жиҳатидан кичик гўзал дурдоналар ҳисобланади.

Ўзбек халқининг донолиги, ҳозиржавоблиги, ўз тақдиридаги мураккаб вазиятларга бўлган муносабатлари ҳақида маълумот олмоқчи бўлган инсон ана шу латифалар билан танишиши мумкин.

Мавзуга доир мисоллар:

Эҳтиёт шарт

Афанди кўза кўтариб сувга кетаётган ўғлининг юзига бир тарсаки уриб, кўзани синдирма, деди.

- Бу нимаси, - деди хотини, - кўзани синдирмасдан туриб нега урасиз болани?!

Афанди жавоб берди:

- Синдиргандан кейин уришнинг нима фойдаси бор, ҳозир эҳтиёт шарт-да.

Тўғри ҳисоб

Афанди уйланди. Тўрт ярим ой ўтгач, хотини туғиб берди. Афанди хайрон бўлиб

¹⁸ Мадаев.О., Собитова.Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарқ”. 2001. 56-59-бетлар.

хотинидан сўради:

- Одатда хотинлар тўққиз ойда туғар эди, сен тўрт ярим ойда туғдинг-а, хотин?
- Қизиқ экансиз, - деди хотини, - сизга текканимга тўрт ярим ой бўлдимми?
- Ҳа, - деди Афанди.
- Сиз мени олганингизга-чи? Унга ҳам тўрт ярим ой бўлдимми? Икковини қўшинг. Роса тўққиз ой бўладими?
- Ҳисоб тўғри, - деди афанди, - бунга ақлим етмабди.

Сўри торлик қилди

Афанди биринчи хотини ўлгандан кейин, бир тул хотинга уйланди. Эр-хотин оқшом сўрида ўтиришар эди. Хотин афандига марҳум эрини мактади.

Афанди ҳам бунга жавобан ўзининг марҳума хотинини мактади-да, хотинини сўридан итариб юборди.

Эртасига хотини отасига воқеани айтиб, афандидан шикоят қилди. Қайнатаси келиб афандидан сўради:

- Нега қизимни сўридан итариб юбордингиз?
- Сўрида эр-хотин иккаламиз ўтирган эдик, - деди Афанди, - менинг марҳума хотиним, қизингизнинг марҳум эрлари қўшилиб, тўрт киши бўлдик. Сўри торлик қилиб, қизингиз йиқилиб тушди.¹⁹

ЛОФЛАР

Лофлар халқимиз оғзаки ижодининг кулги яратувчи насрий жанри бўлиб, бу жиҳатдан латифа ва аскияга яқин туради. Бу сўз маъно жиҳатдан ташқари бўрттирилган, маҳорат билан тўқилган ёлғон гап, муболаға, мактанчоқлик тушунчаларини англатади. Маълумки, деярли ҳар бир шахс табиатида ўзига қарашли нарса ёки хусусиятни бошқаларникидан бўрттириб кўрсатиш хислати бор. Айниқса, ёш болалар ўзларининг оналарини ҳамма оналардан чиройли, оталарини ҳаммадан кучли кўришни истайдилар. Болалигимиздаги айнан шу хусусият улғайганимизда ҳам бизни тарк этмайди. Натижада, бирон воқеа-ҳодисани ҳикоя қилганимизда аввалига оз-оз, вақт ўтгани сари кўп-кўп тўқима лавҳаларни ўйлаб топамиз. Масалан, балиқчилар ўзлари тутган бир қарич балиқларини қулочлаб, деҳқонлар ўзлари етиштирган қовун-тарвузларни пуллаб ўлчагилари келади. Шундай қилиб, оғзаки ижодимиздаги лоф жанри учун замин ҳозирланади.

Халқ оғзаки ижодидаги бир неча жанрлардаги асарларда лоф-муболаға бадий тасвир воситаси сифатида ўрин олган. Жумладан, “Алпомиш” достонида етти ёшли Ҳакимбек Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмон ёйни кўтариб, ўқ узади ва Асқар тоғининг чўққиларини учуриб юборади. Ўн тўрт ботмон ёй энг кичик ўлчов билан ҳисоблаганда ҳам бир тоннага яқин оғирликни ташкил қилади. Тоғнинг чўққиларини учуриб юборадиган ёйнинг ўқини тасаввур қилиш ҳам осон бўлмаса керак. Халқ достонлари ва эртакларидан ўрин олган муболағали лавҳалар кўп

¹⁹ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008. 162-163-бетлар.

жиҳатдан лофларга яқин туради. Аммо лофлар фақат муболағали ўринлардангина иборат бўлмайди. Лофлар ўзига хос фикр мусобақасидир. Уларда икки тараф иштирок этади. Биринчи тараф ғайритабиий муболаға воситасида ўзига тегишли нарсанинг лофини қилади. Ҳамма гап иккинчи тарафнинг жавобига боғлиқ бўлади. Чунки иккинчи тараф биринчи лофчининг фикрий муболағасини инкор қилмайди. Аксинча, тасдиқлайди. Аммо кейинги лофчи моҳир аскиябоз ва Насриддин афанди каби шундай жавоб топадики, аввалги лофчи бу жавобдан лол қолади. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай аския, Насриддин афанди ва лоф намуналаридаги одамни ҳайратга тушишга мажбур қиладиган, кулдирадиган жавобларни ўзига хос фикрий кашфиётлар деб қабул қилиш мумкин. Халқ оғзаки ижодидаги жамоалик хусусияти кўпроқ фольклор асарларининг кенг оммалашувида, уларнинг мукаммаллашувида намоён бўлади. Лекин бари бир бу сўз санъати намуналари қайсидир ижодкор шахс томонидан яратилади. Вақтнинг ўтиши, биринчи ижодкор номининг маълум эмаслиги оқибатида мазкур асарга жамоа, яъни халқ муаллиф бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бошқа асарлар каби лофлар ҳам умуман ўзбек халқининг зукколиги, ҳозиржавоблиги, моҳир ижодкор эканлигини далиллайди.

Лофлар кўпинча қизиқчилик ва аския айтиш билан шуғулланадиган одамлар даврасида ижро этилади. Шунинг учун бир лофчи иккинчиси билан лоф айтишни бошлагани заҳоти мусобақага киришади. Масалан, қизиқчилик ва аскиядан устоз санъаткор ҳисобланган марғилонлик Юсуфжон қизиқ моҳир аскиябоз Мамажон махсум билан лоф айтишиб қолишибди:

Юсуфжон қизиқ:

“Марғилоннинг ери хўб ер-да, бир бош узуми икки замбар келади-я!”

Мамажон махсум:

“Токини Андижондан пархиш қилиб олиб келгандирсиз-да”, - дебди. Бу мисолда Мамажон махсум фикрий жиҳатдан Юсуфжон қизиқни енгди. Чунки пархиш қилинган токнинг илдизи Андижонда қолади. Демак, Мамажон махсум ўзининг вилоятидаги ер серҳосиллигини Марғилонниқидан устун қўйган.

Яна бир мисолга эътибор қилинг:

Бир лофчи иккинчи бир лофчининг уйини тақиллатди.

Лофчи чиқиб сўради:

“Мен билан чандишаман дейсан, ёшинг нечада?”

“Одам Атодан етти мучал каттаман”, - деб жавоб берди чақириб келган лофчи. - Бу жавобдан иккинчи лофчи хўнграб йиғлай бошлади.

“Нега мунча тўлиб йиғлаяпсиз?”

“Сен туғилган йили менинг бир уйлик-жойлик ўғлим ўлган эди, шу

эсимга тушиб кетди”, - деди иккинчиси.

Мазкур лофда эшикни тақиллатган лофчи шундай бир вақт белгисини тилга олдики, ундан олдинги муддатни топиш мумкин эмасдек туюлади. Чунки Одам Ато умуман одамзоднинг биринчи вакили ҳисобланади. Биринчи лофчи ўзини Одам Атодан ҳам етти мучал олдин туғилганини, яъни ундан саксон ёшдан кўпроқ катта эканини айтди. Иккинчи лофчи эса биринчи лофчи туғилган йили уйли-жойли ўғли ўлганини эслаб йиғлай бошлади. Демак, иккинчи лофчи биринчи лофчидан камида қирқ ёш катта эканини таъкидламоқда.

Лофларда халқ маиший ҳаётдаги турли лавҳалар, воқеа-ҳодисалар юзасидан ўз мулоҳазасини кулги аралаш баён қилади.

Шу билан халқнинг мазкур ҳолатларга нисбатан муносабатини ҳам билиб олиш мумкин бўлади. Масалан, баъзан икки таниш ногоҳ учрашиб қолганда, дунёдаги ҳамма юмушларини эсан чиқариб соатлаб гаплашиб қолади. Лофларнинг бирида бу ҳақда шундай дейилган:

“Тошкентдаги машҳур бир лофчи Андижондаги дўстиникига келиб, уни лоф билан мот қилмоқчи бўлади. Эшигини тақиллатса, ҳалиги дўсти устига пўстин, бошига телпак, оёғига этик кийиб чиқиб қарши олади.

Ҳа, саратонда бу нима қилганинг?—деб сўради тошкентлик лофчи.

Сен билан бўладиган суҳбат қизиб кетиб, шу билан қишга кириб қолсак, совқотиб қолмай деб, бир йўла кийиниб чиқдим—деб жавоб берибди, - андижонлик лофчи”.

Агар биз ўрганган адабиёт намуналарини синчиклаб кузатсак, уларда ҳам адиблар лофлардаги усулдан фойдаланишганига гувоҳ бўламиз. Бундай намуналарда асар муаллифлари мунозарага киришган икки қаҳрамондан бирининг топқирлигини, зукколигини кўрсатади. Масалан, Алишер Навоий ёзган “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хисрав билан Фарҳод ўртасидаги мунозарада Фарҳод золим шохнинг ҳар бир саволига мантиқли жавоб беради.

Деди: “Қай чоҳдин ўлдинг ишқ аро маст”.

Деди: “Рух эрмас эрди танга пайваст”.

Хисрав қаршисида турган Фарҳодни менсимай, унинг қачондан ишқ дардига мубтало бўлганини сўрайди. Бу сўроқда Хисрав ўзининг Фарҳоддан анча олдин Ширинга кўнгил қўйганини таъкидлаш маъноси ҳам йўқ эмас. Аммо Фарҳоднинг жавоби Хисравни мот қилади. Чунки Фарҳод ўз гапида ишқ дардига туғилмасдан олдин мубтало бўлганини айтган эди. Алишер Навоий бу лавҳада халқ оғзаки ижодидаги лофлардан фойдаланган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб, лофларда ўзбекнинг кўнглига мойил халқ экани яна бир бор намоён бўлади. Лофлар халқимизнинг зукколигини, фикрлаш чегараси беқиёс эканлигини, сўзга чечан ва ҳозиржавоблигини

далилловчи жанрлардан бири ҳисобланади.

Мавзуга доир мисоллар:

1. “Бир лофчи иккинчи лофчига: - Хабарингиз борми, лайлак қор чинакам ёғибдики, асти қўяверинг, ҳатто у ҳозир осмонга тегаё-тегаё деб қолди.

- Хўш, шунга нима бўлибди? Биз томонда ёққани осмонга тегди. Ҳозир товуклар қор устига чиқиб юлдузларни чўқиб юрибди, - дебди иккинчи лофчи”.

2. “Совғахўр лофчи ҳасрат қилди: - Шу десангиз, бир танишим духобага ўроғлик совға келтирган эди. Бола-чақа билан очиб қарасак тугундаги нарса ўн тўрт кунлик ой экан, осмонга учди-кетди”.

- Меникига ҳам бир меҳрибоним тугун ташлаб кетибди, очиб қарасам, олов экан, уйимизни ёндириб юборди.

3. “Тасодифни қаранг, - деди салим лофчи, - кеча эрталаб тракторим билан каналга тушиб кетдим. Бир катта наҳанг балиқ келиб тракторимни ютиб юборса бўладими? Мен чакқонлик қилиб кутулиб қолдим.

- Гапингга ишонса бўлади, - деди Ҳалим лофчи бўш келмасдан. – Кеча пешин вақти канал ёқалаб балиқ тутиб юрсам, сувдан “тир-тир” деган товуш келади. Таваккал деб қармоқ ташлаган эдим, катталиги гараждай келадиган балиқ илиниб чиқди. Бечоранинг оғзидан буриксиб тутун чиқарди. Дарҳол қорнини ёриб қарасам, ичидан мотори ишлаб турган трактор чиқса бўладими? Ўша сенинг таракторинг экан-да?”²⁰

ЭРТАКЛАР

Биз ёшлигимиздан эртақлар мамлакатада сайр қилишни орзу қилганмиз. Шоир Хамид Олимжон айтганидек:

*“Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртақ эшитгандим.
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар,
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,
Ойни уялтирган қош.
Ўт боғалаган қанотлар,
Беқанот учган отлар.
Бахтиёр билан Ойгул,
Қиз бўлиб очилган гул,
Сўйлагувчи деворлар,
Бола бўл қолган чоллар.
Бувимнинг, ҳар қиссаси,
ҳар бир қилган ҳиссаси,*

²⁰ Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008. 164-165-бетлар.

*Фикримни тортар эди,
Хавасим ортар эди”.*

Ҳақиқатан, Тохир-Зухра, Ёрилтош бизни ҳамиша ўзига жалб қилган, ҳавасимизни ўзига тортган. Ота-боболаримиз ҳам туёғидан гавҳар сочган кийикларни кўриш умидида бўлганлар. Охир пировардида ҳаёлдан ўтказилган мўъжиза воқеаларни ҳаётийлаштириш мақсади ёлиб келиб, миф, афсона, ривоятлар заминидан эртаклар яратила бошланган. Эртаклар дунёдаги бошқа халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалганидек, ўзбекларда ҳам оммавий жанр сифатида турли вилоятларимизда яшайдиган юртдошларимиз томонидан севиб айтиб келинган. Бу жанр ўзбек фольклорининг эпик турига мансуб. Уларда оддий маиший ҳаётда бўй берган ибратли воқеа ҳикоя қилинган. Кейинчалик инсон фантазияси бу ҳодисаларга ҳар хил тўқима лавҳалар қўшган ва янги-янги эртаклар миллий маънавият ҳазинасидан ўрин олган. Бу орзу-ҳаваслар натижасиз бўлмади, албатта. Масофаларни бир зумда босиб ўтиш, дунёнинг турли бурчакларидаги воқеалардан хабардор бўлиш ниятлари жам бўлиб, бугунги кунда ракета, самолёт, автомобилларнинг; телевизор, масофадан бошқарувчи техниканинг; қолаверса, телефон-телеграфнинг кашф этилишига олиб келди.

Маҳмуд Қошғарий “Девону лухотит турк” асарида бирор мақсадни шохга билдириш, ҳикоя қилиш маъносини этук сўзи англатишини ёзади. Олим бу сўз аслида бирор нарсани ҳикоя қилишдан олингани ҳақида хабар қилади. Ўзбеклар қадимги пайтлардаги воқеаларни тафсилотлари билан айтиб беришни “эртак” деб атаганлар. Атаманинг қадимийлигини қозоқ, қирғиз, туркман халқларида ҳам бу сўз айнан шу маънода қўлланилишидан билса бўлади. Эртак юртимизда шу қадар кўп ва хилма-хил мавзуларда тарқалганки, айрим ҳудудларда уни ўзларича атаганлар. Хусусан, айрим жойларда “шук”, “ушук”, “матал”, “чўпчак” деб ҳам юритилган. Бизнинг эртакларимиз мавзусига, тил воситаларидан фойдаланиш усулига, воқеалар тизимига кўра шартли равишда уч йирик турларга бўлинади:

- 1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар.**
- 2. Сехрли эртаклар.**
- 3. Маиший эртаклар.**

Булардан ташқари эртакларнинг бир хил турлари бор бўлиб, улар асосан ҳажм, мавзу, мақсад жиҳатидан болалар фольклорига оид эртакларни ташкил этади.

Афсона, ривоятлар матнини ижро этишда алоҳида тайёргарлик талаб қилинмаслигини айтиб ўтганмиз. Эртакларни ижро этишда ҳам махсус истеъдодга эга бўлиш у қадар шарт эмас, аммо халқимизда эртак айтиш

анъанаси алоҳида эртақчиларнинг ижролари жозибаси қизиқишни кучайтириши билан ажралиб туришини тасдиқлайди. Қўқондан Завонбиби Саримсоқова, Тошкентдан Шариф Мусаев, Хоразмдан Махфура Собирова, Андижондан Муродилла Зиёдов, Намангандан Абдуллаҳўжа каби юзлаб машҳур эртақчиларнинг номлари улар яшаган ҳудуд атрофида машҳур бўлган. Эртақчилар ўз ижроларини алоҳида вазиятларда амалга оширганлар. Натижада, эртақ айтиш анъанаси шаклланган. Улар эртақ айтишдан олдин олдиларига туз, исириқ, тароқ, супурги, сув, нон каби нарсаларни қўйиб чиққанлар. Ижро давомида эса улардан кўргазмали ашё сифатида фойдаланганлар ва эртақ таъсир кучини оширишга уринганлар. Эртақчиларнинг касб-корлари ҳам эртақ мазмунига алоқадор бўлган. Масалан, чевар эртақчи айтган асарларда чевар; мулла эртақчилар айтган намуналарда илмга алоқадор қаҳрамонлар иштирок этган. Бу билан ижрочилар ўз касбларини ҳам йўл-йўлакай тарғиб қилиш мақсадини назарда тутган бўлишлари мумкин.

1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар.

Мифлар мавзусида тотем тушунчаси ҳақида маълумот берган эдик. Узоқ қадимги замонларда аجدодларимиз туя, от, айиқ, бўри, илон, қалдирғоч каби ҳайвон ва қушларни ўзларига ҳомий деб билганлар. Бу ҳайвон ва қушлар аввал мифларда, кейин афсона, ривоятларда қаҳрамон сифатида иштирок этганлар. Эртақлар яратила бошлаганда эса мазкур анъана бу жанрга ҳам мерос бўлиб ўтган. Шунинг учун ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг яратилиш даврини уларда образ сифатида иштирок этаётган ҳайвон ва қушлар номига, воқеалар тавсифига ва ҳаракат доирасига қараб белгилаш мумкин. Масалан, “Қуёш ерининг паҳлавони” эртагида она айиқ Рустамни парвариш қилади, унинг ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди: Рустам ва отаси ямоқчи чолга қўлидан келганича яхшиликлар қилиб, душмандан асрайди. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида махсус ўрганиш ишларини олиб борган Мансур Афзалов “Илон оға” эртагини алоҳида ажратиб кўрсатади. “Илон-куёв ниқобини олса, инсонга айланади. Қиз илоннинг ниқобини куйдириб юборса, у каптар бўлиб учиб кетади. Илон оғанинг онаси ва холаси ялмоғиз кампир бўлади. Улар илон оға билан қизга кўп тўсиқлик қиладилар. Лекин Илон оға ва қиз ўз тадбирлари орқали ялмоғиз кампирни енгиб, мурод-мақсадларига етадилар”.

Бу мисолларда айиқ ва илоннинг ёввойи ҳайвон сифатидаги белгиси эмас, балки, тотем тушунчаси таъсиридаги инсонга ҳомийлик қилиш хусусияти этакчилик қилади. Маълум бўладикки, қадим замонларда тотем ҳайвон сифатида эъзозланувчи жониворлар иштирок этган эртақлар бу жанрга мансуб қадимий асарлар сифатида баҳоланиши мумкин экан.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг яна бир турини улардаги

белгиларни изоҳлашга аталган асарлар ташкил этади. Бундай эртакларнинг яратилиши гуё қарғанинг нима учун қора эканини, кийикнинг думи нега тўмтоқ эканини ёки нима учун мусичанинг кўкраги чакичлангандек кўринишини изоҳлашга бағишланган асарларни эслатади. Улар қаторига “Кийик билан кади”, “Хўроз билан тулки” каби намуналарни киритиш мумкин.

“Кади кийикни кўрқитади. Кийик кадидан ўч олмоқчи бўлади ва уни думига боғлаб чўктиради. Кади кийикни сув тагига тортади, кийик-қирғоққа. Охири кийикнинг думи узилиб, тўмтоқ бўлади. Кийик думи йўқлигини масхара қилган барча кийикларнинг думини бир-бирига боғлаб, “мерган келяпти”—деб қочади. Думи боғлиқ кийиклар турли томонга қочадилар ва думларидан жудо бўладилар. Шундай қилиб, кийикларнинг думлари тўмтоқ бўлиб қолган”. Эртақ кийиклар думининг калталигига жавоб тариқасида пайдо бўлган.

Бошқа халқлар оғзаки ижодидаги эртакларда ҳам турли ҳайвон ва бошқа жонзодларнинг ташқи кўриниши, уларнинг хусусиятлари ҳақида ана шундай эртаклар яратилгани маълум. Жумладан, ёқит, тува, қирғиз эртакларида бундай ҳолат алоҳида кўзга ташланади. Тахмин қилишимиз мумкинки, доно халқимиз бу эртакларни ёки болалар томонидан такрор ва такрор айтиладиган “нима учун?” саволларига жавоб тарзда эрмак қилиб яратган.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг аксарияти бевосита болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келган. Уларда бўрининг ваҳшийлиги, тулкининг айёрлиги, отнинг инсонга дўст экани алоҳида бўрттириб кўрсатилади. Эртаклардаги бундай хусусият кўпроқ маърифий аҳамиятга эга бўлади. Биз биламизки, ёш болалар ёввойи ҳайвонларни фақат расмларда, ҳайвонот боғларида кўрганлар. Фикр юритилаётган асарлар бу ҳайвонлар ҳақида бола тасаввурини кенгайтиради, аниқроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради. “Икки бойқуш”, “Илоннинг иши захар солмоқ”, “Қарға билан кўзи” каби асарлар шулар жумласидандир. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг айримлари мажозий мазмунга эгадир. Бундай эртакларда иштирок этадиган қаҳрамонлар ҳайвон, қуш бўлса ҳам, асар мазмуни бевосита инсонлар ўртасидаги муносабатни изоҳлашга қаратилгандир. Жумладан, дўстликнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, яхшиликка ҳаётда ҳамиша ҳам яхшилик қайтмаслиги ёки ақл-идрок воситасида ҳар қандай мушкул вазиятнинг ечимини топиш мумкинлиги акс эттирилади. “Сусамбил”, “Тулки билан бўри”, “Ҳийлагар бедана” эртаклари шулар жумласидандир. Масалан, биринчи марта тулки гўшт тишлаб кетаётган бўрига қарата: “Бўривой қаердан келяпсан” деганда, бўри: “Попдан” деб оғзидаги гўштни тушириб юборади. Айнан шу воқеа иккинчи марта такрорланганда бўри: “Ғиждувондан”—деб гўштни оғзида

сақлаб қолади. Кулгили вазият билан йўғрилган бундай эртакларнинг заминиди инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар асосан, халқимиз томонидан тўқималар асосида яратилгандир. Эртаклардаги ҳайвонларнинг сўзлашувлари уларни ҳаётийлаштиради. Ҳайвонлар кўпроқ маърифий мақсадни назарда тутган ҳолда ижод қилинган. Улар қадим замонларда ҳам, ҳозирги кунда ҳам ёш болаларни ҳайвонлар олами билан таништирувчи маърифий, тарбиявий асарлардир.

2. Сехрли эртаклар.

Ўзбек халқ эртакларининг салмоқли қисми сехрли эртаклардан иборатдир. Машҳур ва таниқли фольклоршунос олимларнинг таъкидлашича, турли халқлар ижодида учрайдиган эртаклар орасида энг бир-бирига ўхшаш мазмунга эга экани сехрли эртаклардир. Бундай эртакларни кўпинча асар қаҳрамонига ниманидир етишмаслиги, қаҳрамоннинг бу нарсага эга бўлиши, қандайдир ишни таъқиқлаш, кучли рақибнинг мавжудлиги, хавfli сафарга чиқиш каби лавҳалар бирлаштириб туради. Энг муҳими сехрли эртакларда турли мўъжизалар, афсунгарликлар, фантастик тасвирлар етакчилик қилади. Чунончи, Ҳамид Олимжон “Ойгул билан Бахтиёр” достонининг бошланишида айтган: “ўзи учар гиламлар”, “ўт боғлаган қанотлар”, “беқанот учган отлар”, “қиз бўлиб очилган гул”, “сўйлагувчи деворлар”, “бола бўп қолган чоллар” каби мисралар айнан сехрли эртаклар таърифига тўғри келади.

Сехрли эртакларда мифологик дунёқараш белгилари алоҳида, аниқ сезилади. Чунки узоқ қадим замонларда тотем ҳисобланган илон, семурғ ва фетиш ҳисобланган ер, куёш, сув каби тушунчалар анъана бўлиб мазкур эртакларга ўтган. Натижада, “Семурғ”, “Девбачча”, “Ялмоғиз”, “Меҳриғиё”, “Моҳистара”, “Ур тўқмоқ” каби намуналар халқ орасида аждодларимизнинг фантастик ҳаёлга берилиши маҳсули сифатида шуҳрат топди. Аввалги мавзуларда қайд этганимиздек, телевидение, телефон, масофа орқали бошқариладиган қурилмалар, самолёт, автомобилларнинг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан сехрли эртаклардаги орзулар натижаси сифатида баҳоланиши мумкин.

Сехрли эртакларнинг мавзулари хилма-хиллиги билан ҳам эътиборни ўзига жалб қилади. Уларда турли саргузаштлар, мўъжизавий ҳаёт тасвири, адолатнинг ғалаба қилиши, инсоний фазилат мадҳи кенг ўрин олган. Бундай асарларда айниқса, тасвир санъатларидан, муболағадан қайта-қайта фойдаланилади. Энг муҳими тингловчи ёки китобхон муболағаларнинг биронтасига шубҳа билан қарамайди. Масалан, “Моҳистара” эртагида югураётган кийик оёғи остидан дуру гавҳарлар сочилади. “Ота васияти” эртагида тутатқи тутатилгани заҳоти кенжа ўғил

қаршисида анжомланган от пайдо бўлади. Аммо бундай мўъжизаларнинг содир бўлиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Сеҳрли эртақларда тилсимли нарсалар—предметлар ҳақида ҳам фикр юритилган. Масалан, дарёга айланган ойна, чангалзорга айланган тароқ каби тасвирларга кенг ўрин берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сеҳрли эртақлар халқнинг нисбатан қадимги ижод маҳсулидир. Уларда инсон ҳаёли нақадар чексиз экани намоён бўлади. Шунингдек, аجدодларимиз турмуш қийинчиликларидан ташвишга тушган пайтларида бу асарлар уларга умид бағишлаган. Уларда келажакка ишонч руҳини уйғотган. Мазкур эртақларни сўз санъатининг мукаммал намуналари сифатида баҳолаш учун ҳам асос етарлидир.

3. *Маиший эртақлар.*

Ўзбек халқ эртақлари қаторида бевосита кундалик ҳаётда рўй бераётган воқеалар асос қилиб олинган эртақлар ҳам бор бўлиб, улар маиший эртақлар атамаси билан юритилади. Бундай эртақларда амалий ҳаракатлар инсондаги чегараланган жисмоний куч, илм ва ҳунарга бўлган муносабат, шахснинг маънавий қиёфаси ҳақида ҳикоя қилинади. Кўпинча рўй берган адолатсизликнинг охир натижада мағлубиятга учраши, оқил ва доно шахснинг бахтга эришувчи, ҳақоратланган қизнинг ёруғ юз билан ҳурматга эга бўлиши каби воқеа-ҳодисалар маиший эртақлар мавзуини ташкил этади. Масалан, “Уч оғани ботирлар” эртагидаги Кенжа ботир сарой ғийбати оқибатида ноҳақ жазоланади. Аммо унинг сабр, садоқат билан қилган ҳаракатлари ўзининг ижобий натижасини беради. “Озодачеҳра” эртагида Озодачеҳра не-не маломатларга қолмади. Унга ёвуз куч не-не тўхмат тошларини отмади. Аммо унинг чидам билан адолатсизликка дош бериши ҳам яхшиликка олиб келди. Қизиғи шундаки, маиший эртақларда тасвирланган ҳодисалар ҳар бир инсон ҳаётида рўй бериши мумкинлиги билан эътиборни ўзига тортади. Маиший эртақларнинг муҳим жиҳатларидан бири уларда тарбиявий йўналишнинг аниқ ифодаланиши билан ҳам белгиланади. Масалан, “Уч оғани ботирлар” эртагида мўйсафид ота ўз ўғилларини бақувват қилиб ўстиради, эртақ ёшларда ҳар қандай вазиятда ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ва бу имкониятдан самарали фойдаланиш туйғусини шакллантиради. Ота ўз фарзандларини сафарга отлантирар экан, йигит кишининг ҳаётида зарур бўлган яна учта маслаҳат беради: “Тўғри бўлинг, беҳавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг, уятга қолмайсиз. Дангаса бўлманг, бахтсиз бўлмайсиз”. Агар ота тарбиясининг ва маслаҳатларининг моҳиятини таҳлил қилсак, уларда ҳақиқий ҳаётга тайёр бўлиши лозим инсоннинг асосий фазилатлари акс этганига ишонч ҳосил қиламиз. Аслини олганда, эртақнинг тўлиқ матни унинг бошланишида баён этилган насиҳат ва маслаҳатлар шартига бағишланган. Уч оғани ботирлар мард, жасур

йигит бўлиши билан бирга зийрак инсон ҳам эдилар. Уларнинг бирон хатти-ҳаракатларида биз камчилик топа олмаймиз. Аммо шу билан бирга улар бирон ҳаракатни асоссиз амалга оширмайдилар ҳам. Бу эртақда оддий халқнинг ташвишсиз ҳаёт кечиришга бўлган муносабати ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун уч оға-ини ботирлар подшоҳ саройидаги ҳаловатли ҳаётдан оддий меҳнат билан турмуш кечиришни афзал кўрадилар.

Маиший эртақларда ҳам умуман эртақ жанрига мансуб бўлган сеҳрли тасвир ва муболаға бегона эмас. Масалан, “Уч оға-ини ботирлар” эртақида ака-укаларнинг шер, аждар ва қирқ қароқчи билан олушувида ўзига хос ғайритабиий тасвир мавжуддир. Аммо бу тасвир “Уч оға-ини ботирлар” эртақининг мазмунида алоҳида, муҳим ҳал этувчи аҳамият касб этмайди. Агар сеҳрли эртақлардан афсун, мўъжиза, жоду, сеҳр белгилари олиб ташланса, бу асарларнинг мазмун моҳиятига катта зарар етказилган бўлади. Уларнинг яратилишидан назарда тутилган мақсад ўз аҳамиятини йўқотади. Бу амалларни ҳаётий, маиший эртақларда қўлласак, асар мазмунига кескин зарар етмайди.

Сеҳрли ва ҳаётий эртақлар ўртасидаги фарқ ҳам шундадир. Шундай қилиб, маиший эртақларда халқ эртақларининг бошқа турларидан фарқли равишда оддий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган воқеалар ҳақида ибратга лойиқ ҳикоялар ўрин олади.

Маиший эртақларнинг қаҳрамонлари миллатимизнинг оддий вакилларидан деярли фарқ қилмайди. Фақат уларнинг рамзий намояндалари сифатида эртақ иштирокчиларига айланадилар. Ҳаётий эртақлар халқ фарзандларига иймон, виждон, эрк, идрок, қаноат, ақл-заковат ҳақида тарбиявий тушунчалар бериш билан аҳамиятлидир.

Халқ эртақларида бир қатор умумий хусусиятлар мавжуддир. Бу хусусиятлар кўпроқ эртақларда бадиий тасвир воситаларининг қўлланилишида кўзга ташланади. Хусусан, эртақлар ҳамиша “бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда...” каби жумла билан бошланади ва “мурод мақсадларига етибди” жумласи билан якунланади. Эртақларда тасвирнинг таъсирли чиқиши учун гўзал қизлар юзи ўн тўрт кунлик ойга ўхшатилади. Йигитлар эса дунёда тенги йўқ мард ва жасур ботирларга қиёсланади. Бу жанрга мансуб асарларда ҳамиша қиличлар кескир, дастурхонлар очил, хумлар қайнама хусусиятларга эга бўладилар. Эртақларимиз ўхшатиш, сифатлаш ва муболағаларга бой сўз санъати намунасидир.

Шундай қилиб, ўзбек халқ эртақлари сўз санъатининг эпик жанрига мансуб бўлиб, шакл жиҳатидан асосан насрий кўринишга эгадир. Бу жанр намуналарида халқ ҳаётининг турли масалалари ибратли ечими билан ўз ифодасини топади. Ўзбек эртақлари ҳайвонлар ҳақида, сеҳрли, маиший,

турларга бўлинади ва уларнинг матн мазмунлари, иштирок этадиган қаҳрамонлари, ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг баён усули, ҳаётни тасвирлаш йўллари билан фарқланади. Эртақлар ўзбек халқ маданий меросининг муҳим намуналари ҳисобланади.

Мавзуга доир мисоллар:

Сув қизи

Бор экану, йўқ экан, оч экану, тўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан. Қадим ўтган замонда Бўстон шаҳрида Қаҳҳор деган бир подшо бор экан. Унинг Турсунбек деган ёлғиз ўғли бор экан. Қаҳҳор подшо ҳар сафар овга чиққанида бир дарёнинг бўйидан ўтар экан. Подшо бир куни шу дарёнинг бўйидан келаётса, чиройли бир қиз сувдан чиқиб, бир неча газ сочини ёйиб дарё сувидан ювиб ўтирганмиш. Подшо қизни кўриб яқинроқ келибди. Қиз подшони кўриб қочибди. Қаҳҳор подшо қизни бир кўришдаёқ ошиқу-беқарор бўлиб қолибди. Лекин сувга тушишнинг иложи йўқ, дарди ичида, хафа бўлиб қайтиб кетибди. Уйдагиларга сездирмай бир неча йил шу қизнинг дардида куйиб юрибди.

Бир куни подшонинг ўғли Турсунбек отасидан:

- Отажон, мен энди катта бўлиб қолдим, сиз мени ҳалигача ҳеч қаёққа чиқармасдан уйда сақладингиз. Бугун сиз менга рухсат берсангиз, доно вазирингизнинг ўғли Ғайрат билан ов қилиб келсак, - дебди.

Қаҳҳор подшо ўғлининг гапини ерда қолдирмай:

- Майли, болам, Ғайрат билан икковингиз ов овлаб ўйнаб келинглар. Лекин узоқ жойларга кетманглар, - дебди.

Турсунбек билан Ғайрат жуда хурсанд бўлиб, яхши отларга миниб, милтиқларини олиб овлашга кетишибди. Улар кўп жойларни айланиб юриб отаси қизни кўрган дарёга яқинлашиб қолибдилар. Уларнинг келишига сув қизи олтин бешик билан чиқиб бешикни юланиб, йигитлар томонга қараб ўтирибди. Турсунбек билан Ғайрат қизнинг ёнига келишига ўн қадам қолганда, сув қизи олтин бешикни кўтариб, Турсунбекка қараб жилмайиб қўйибди-да, ўзини сувга ташлаб қўйиб бўлибди. Турсунбек бу қизни кўриб, қизга хуштор бўлибди ва нима қиларини билмай йиғлай бошлабди. Вазирнинг ўғли жуда зийрак ҳамда ақлли экан. Турсунбекнинг сув қизига ошиқ бўлганини сезиб унга:

- Шахзодам, йиғлашнинг фойдаси йўқ, бир илож қилиб шу қизни сув тагидан топиш керак, - дебди.

Турсунбекнинг гаплари жуда қўпол экан. У Ғайратга:

- Катта гапирма. Мен сув тагига тушиб ўлайми? Сенинг менда қасдинг борми? – дебди. Ғайрат:

- Дўстим ундай фикрлар менда йўқ. Сиз хафа бўлиб йиғлаганингизга раҳмим келиб айтган эдим. Агар кўнглингизга оғир келадиган бўлса, майли юринг уйга кетайлик, -деб отланибди. Турсунбек отига минишни истамабди. Ғайратга қараб:

- Сен менга қараганда доно ҳам ақллисан. Энди менга бир йўл кўрсат, бўлмаса мен ўзимни ўлдираман, - дебди. Ғайрат:

- Мен сизга йўл-йўриқ кўрсатай десам, жаҳлингиз чиқади, - дебди. Турсунбек:

- Хўп дўстим, у гапимни қайтариб олдим, энди нима қиламан, айт, - дебди.

Ғайрат отидан тушиб:

- Отларимизни бир ерга яшириб қўямиз, ундан кейин иккимиз қўлларимизни маҳкам ушлаб ўзимизни сувга ташлаймиз. Бахтимиз бўлса сув қизини сув тагидан топиб оламиз, - дебди. Турсунбек рози бўлибди. Иккови у ёқ-бу ёқларга юриб, дарё четидаги бир кампирнинг уйига бориб, отларини кампирга топшириб, ўзлари дарё бўйига келишибди. Иккови қўлларини маҳкам ушлашиб ўзларини дарёга отишибди. Иккаласи сувда оқиб-оқиб бир ерга бориб, сувнинг тагига тушиб кетишибди. Қарасалар сувнинг тагида бир уй бор экан. Улар секин бориб эшикни тақиллатишибди. Эшикдан бир кампир чиқиб:

- Нима гап, кимсизлар? – дебди.

- Бувижон, ёруғ дунёнинг одамлари эдик. Сувга тушиб ўйнаймиз деб, шу жойга келиб қолдик. Биз мусофирларни бир кеча уйингизда қўндирсангиз. Эртага йўлимизни топиб кетар эдик, - дебди.

Кампир:

- Ҳа майли, киринглар, - дебди.

Турсун билан Ғайрат кампирнинг уйига киришибди. Кампир уларга чой қайнатиб берибди. Кечаси ётиш учун жой солиб бериб:

- Болаларим, кечаси эшикка чиқманглар. Бу ерларда жуда ёмон итлар бор. Бегона одамларни қўриб қолсалар талаб ўлдиради, - дебди. Турсунбек билан Ғайрат “хўп” деб ётиб қолишибди. Кампир билан Турсунбек жуда қаттиқ ухлаб қолишибди. Ғайрат улар ухлагандан кейин, секин ўрнидан туриб, ханжарини олиб уйдан кўчага чиқиб, айланиб юрибди. Кўчада ит деган нарса кўринмабди. Нарироқ борса тахт устида етти қават парданинг ичида бир одам ётгандек бўлибди. Ғайрат “қиз шу ерда ётган бўлса керак” деб ўйлаб, секин уйга қайтибди. Кампир Ғайратнинг кўчаларни қидириб келганини сезмай қолибди. Тонг отиб ўринларидан турибди. Кампир сандал устига дастурхон ёзиб уларга чой берибди. Ғайрат чой ичиб ўтириб кампирдан:

- Кеча бизларга “ҳовлига чиқманглар, итлар бор” деган эдингиз, мен ярим кечада ҳамма ёқни айланиб келдим, ит деган нарса кўринмади. Нирироқ борсам етти қават парда ичида бир одам ётгандек кўринди, у ким, - дебди. Кампир:

- У мамлакатимиз подшосининг қизи бўлади. Шу қизнинг хусну чиройига кўп одамлар девона бўлибди. Ана шу қиз тонг отмасдан бурун чиқиб бир пардасини кўтариб қўйса, тонг отиб, ҳамма ўз ишлари билан банд бўлади, - дебди. Ғайрат:

- Сиз шу қизни танийсизми? – дебди. Кампир:

- Албатта танийман, мен шу қизнинг дояси бўламан, - дебди. Ғайрат:

- Бугун сиз шу томонга борасизми? – дебди. Кампир:

- Бораман, нима ишингиз бор эди? – дебди. Ғайрат:

- Ҳеч ишим йўқ. Агарда борсангиз, шу қизга “кечагилар ўлмай қаердан келди экан” деб айтинг, - дебди. Кампир “хўп” деб, чойини ичиб бўлиб, уларни йиғиштириб, қизнинг ёнига кетибди. Бориб қиз билан кўришиб:

- Кечагилар ўлмай қаердан келди экан, - дебди. Қиз:

- Кечагилар келдими? Келса ажаб бўлибди, - деб кулибди. Кампирни меҳмон қилибди.

Кампир уйига кетмоқчи бўлганида қиз кампирнинг қўлига битта пахта, битта кўмир берибди:

- Кечагиларга беринг, - дебди.

Кампир берган нарсаларни олиб йўлда кетаётиб “ўлақолсин менга ҳеч нарса гапирмасдан: “Мана шуларни кечагиларга беринг” деди. Мен аҳмоқ бўлиб, бунинг уларга олиб бориб берармидим”, деб ташлаб кетибди. Анча йўл юргандан кейин “Мен бу нарсаларни бекор ташладим, қайтиб олиб борайин, бунинг бир хислати бордир” деб пахта билан кўмирни ташлаган жойидан олиб уйига борибди. Пахта билан кўмирни Ғайратга бериб, ўзи “бозорга бориб келай-чи” – деб чиқиб кетибди. Ғайрат Турсунбекка:

- Бу пахта билан кўмирнинг хосиятини билдингизми? – дебди. Турсунбек:

- Қайдан билай, пахта пахтада, кўмир кўмирда, - дебди. Ғайрат:

- Пахта билан кўмирни биласиз, аммо қиз нима учун пахта билан кўмирни бизга юборганини тушунмайсиз. Сиз эшитинг мен айтиб берай: Мана бу пахтани юборгани кундузи ҳеч кимга кўринмасангиз дегани, мана бу кўмир бўлса, кечаси менинг олдимга келинг дегани, - деб Турсунбекка тушунтирибди. Турсунбек:

- Кечаси борганимизни кампир билиб қолса нима қиламиз, - дебди. Ғайрат:

- Ана шунинг учун кампирни ўлдириб юборишимиз керак, - дебди.

Иккови маслаҳатлашиб кампир ухлаб ётган вақтда кампирни ўлдириб, сандалнинг тагини чуқур қилиб қовлаб, шу жойга кампирни кўмиб қўйишибди. Ўзлари уйдан чиқиб, қиз ёнига кетишибди. Етти қават парда ёнига келганда Ғайрат Турсунбекни уйга киргизиб юборибди, ўзи сиртдан қоровул бўлиб қолибди. Турсунбек қиз билан танишиб қиз ёнида

қолиб кетибди. Тонг отганда Ғайрат Турсунбекни чақириб олиб кетибди. Шундай қилиб, Ғайрат беш-олти кун Турсунбекни пойлаб юраверибди. Бир куни ғайрат Турсунбекка:

- Ўртоқ, энди қиз билан келишиб шахримизга қайтиш керак. Бизнинг ота-оналаримиз ҳозир қайси аҳволда юрган экан. Бугун бартараф қилиш керак. Мен ҳам ҳар куни қоровул бўлиб уйқусизликдан чарчаб жуда озиб қолдим, - дебди. Турсунбек ғайратдан бу сўзни эшитиб:

- Қоровул бўлганингни миннат қилма, бормай қўявер. Ўзимнинг оёғим ҳам бор, бориб келавераман, - деб Ғайратга қўпол муомала қилибди. Ғайрат:

- Хўп, жуда яхши борақол, - деб Турсунбекни жўнатиб, ўзи уйга кириб ҳузур қилиб ухлабди. Эртасига эрта билан туриб қараса Турсунбек келмаган. Соат ўнгача кутибди келмабди. Ғайрат: “Бугун тутилиб қолган бўлса керак, бир бозорга чиқиб хангамаларни эшитиб келай”, - деб ўрнидан туриб, кампирлар кийимини кийиб, бозорга борибди. Бозордагиларнинг оғзидан: “Бугун подшоҳимизнинг қизи бир йигит билан тутилиб қолибди”, деган сўзларни эшитибди. У хафа бўлиб уйга қайтибди. Ўзини кийимларини ичидан, кампирнинг кийимларини сиртидан кийиб, қўлига патнис ясаиб зиндон олдига борибди. Қоровуллар: “Кимсиз?” деб киргизмабдилар. Ғайрат кампир бўлиб:

- Вой, сизларга нима бўлди, мени танимай турибсизларми, мен подшо қизининг дояси бўламан, - деганидан кейин қоровуллар кампирни зиндонга киргизиб юборишибди. Ғайрат зиндонга кириб қараса, Турсунбек билан қиз бўйинларини қисиб, хафа бўлиб ўтиришган экан. Ғайрат кириб, улар билан кўришиб, гаплашиб ўтирибди. Маслаҳат қилишиб қизга кампирнинг кийимларини кийгазиб, паранжи ёпинтириб, қизни чиқариб юборишиб, қиз ўрнига ғайрат қолибди. Орадан бир икки кун ўтгач подшо зиндондан қизи билан йигитни олиб келишини буйруқ берибди. Қоровуллар келиб қарашса, қиз йўқ, икки йигит ўтиришибди. Уларни чиқариб подшонинг олдига боришибди. Подшо:

- Қиз қаерда? – дебди. Ғайрат: Подшоҳим бизнинг орамизда ҳеч қандай қиз йўқ. Биз ёруғ дунёнинг одамлари эдик. Ов овлаб чиқиб сувга тушиб кетдик. Қаерга боришимизни билмай парда четида ётиб қолган эдик, бизларни олиб бориб зиндонга қамаб қўйишди, - дебди. Подшо жаллодларни чақириб:

- Менинг қизимга ноҳақ тухмат қилгани учун Ҳаким вазир билан Яҳё полвонни дорга осинглар, - дебди. Жаллодлар шу замон бу иккаласини дорга осиб ўлдирибди. Подшо Ғайрат билан Турсунбекнинг қўлига нома ёзиб бериб:

- Зериккунларингча бизнинг шаҳарда ўйнангиз, кулингиз. Қачон зерикканларингизда менга айтинглар. Мен сизларни ўз шаҳарларингизга кузатиб қўяман, - дебди.

Ғайрат билан Турсунбек ўлимдан қутулганларига минг шукур қилиб уйларига келишибди. Бир оз ухлаб дам олиб, жойларидан туриб ўтиришибди. Ғайрат:

- Турсунбек, ўртоқ, энди кечаси борганингда қизга “кечаси биргалашиб қочайлик” деб айтгин дебди.

Турсун хўп дебди. Чойларини ичгандан кейин, кечаси Турсунбек билан Ғайрат қиз олдига кетишибди. Турсунбек қиз ёнига кириб, кечаси биргалашиб қочишни таклиф қилишибди. Қиз ҳам рози бўлибди. Шу куни кечаси ўғрилиқча қочиб, кампирнинг уйига бориб дам олишибди. Сув устига чиқишибди, кейин отларига миниб ўз шаҳарларига жўнашибди.

Энди гапни Турсунбек ва ғайратнинг оталаридан эшитинг. Подшо болаларининг қаерга кетганини билмай, хафа бўлиб, кўп одамларни йиғиб, ҳар томонга қидиртириб юборибди. Юборган одамларга:

- Агар болаларимизни топмасангиз, ҳаммангизни хотин-болаларингиз билан дорга остираман, - дебди.

Одамлар кўрққанларидан турли шаҳарларга, чўлу биёбонларга қидириб кетишибди. Одамлардан учтаси Ғайрат билан Турсунбекни учратиб қолиб, уларни қидириб юрганликларини айтиб берибди. Турсунбек:

- Сиз биждан олдин отамга бориб: “Ғайрат билан Турсунбек сув қизини олиб келаётибди” деб, хабар қилинглар, - дебди. Бу учови от чоптириб, подшо олдига келишибди.

Ўғли сув қизини олганлигини маълум қилишибди.

Подшо сиртдан суюнган бўлсада, қандай бўлмасин ўғлини ўлдириб, ўғлини ўзи олишни ўйлаб қўйибди. Ҳеч кимга билдирмасдан бир уйни алоҳида ясаиб қўйибди. Ғайратнинг отаси эса суюнганидан ич-ичига сиғмай кетибди.

Йигитлар шаҳарга яқин келишганда бир дарахт устидаги қарға уч маротаба “қағ, қағ, қағ” дебди. Қиз бу қарғанинг овозини эшитиб Турсунбекка:

- Шу қарға нима деяпти, айтиб берсангиз шахрингизга бораман, айтмасангиз ўз шахримга қайтиб кетаман, - деб ерга тушиб ўтириб олибди. Турсунбек:

- Э-э, сиз қизиқ экансиз, қарға нима дер эди, қор ёғсин деб қор тилаб турибди-да, - дебди. Қиз:

- Йўқ қор демайди, сизга керакли насихат қияпти, - дебди. Турсунбек:

- У бир қуш-ку, одамзодга қандай насихат қилсин, - дебди.

Ғайрат жойидан туриб қизга:

- Турсунбек учун жавоб беришга рухсар беринг, - дебди. Қиз:

- Айтинг, - дебди. Ғайрат:

- Қарғанинг биринчи “қағ” дегани: “Отангнинг фикри бузилди. Сени ўлдирмоқчи, бир уйга жиҳозлар қўйиб ясаиб қўйибди” деяпти, иккинчи “қағ” дегани: “Сизга алоҳида гўштлик ош келтириб беради, у ошга заҳар солинган, эҳтиёт бўлинг! Ётганда безатилмаган хужрага кириб ётинг. Лекин унда ҳам бир аждаҳо бор, эҳтиёт бўлинг”, деяпти. Учинчи қағиллаганда: “Отангиз сиз ўлгандан кейин қизни ўзи олмоқчи”, деяпти, - дебди. Қиз:

- Тўғри, - дебди.

Турсунбек индамабди. Шу билан отларга миниб яна кетаверишибди. Шаҳарга яқинлашганларида подшо аскарлари билан кутиб олиб, ўғлини яратилган, жиҳозланган уйга таклиф қилибди. Турсунбек эшикдан қадам босиб кирмоқчи бўлганда, Ғайрат Турсуннинг қўлидан тортиб: “Кирма!” деб ишора қилибди. Турсун:

- Ота, кейин кирарман, - деб уйга кирмабди. Бошқа хужрага кириб ўтиришибди. Икки идишда овқат келтириб, бирини Турсунбекка қўйибди. Турсунбек енгларини шимариб овқатни емоқчи бўлган экан, Ғайрат яна қўлини тортиб қўйибди. Турсунбекнинг аччиғи келибди, Ғайрат ҳовлида юрган кучукни чақириб, Турсунбекнинг ошидан пича солиб берибди. Кучук ошни еб, шу замон ўлиб қолибди. Ғайрат:

- Кўрдингми, агарда еганингда сен ҳам шундай ўлиб қолган бўлар эдинг, - дебди.

Турсун ҳайрон бўлиб ошни емасдан: “Мен ҳам сизлар билан бирга ейман” деб Ғайрат билан бирга ея бошлабди. Овқатни еб бўлгандан кейин, кечгача ўйин-томоша қилиб ўтирибди. Ётар вақти керибди. Подшо ўғлини чақириб:

- Ўғлим, сен бугун мана бу уйда ётгин, хотининг онангнинг олдида ётсин. Ёртага тўй-томоша бошлаб, сизларни никоҳлаймиз, - деб алоҳида бир уйга таклиф қилибди. Турсунбек:

- Мен хотиним билан маслаҳатлашай, рози бўлса шу уйда ётарман, - деб отасининг сўзини Ғайрат билан хотинига айтибди. Ғайратнинг аччиғи келиб:

- Қандай одамсан, ҳамма ишга тушуниб туриб қиламан дейсан. Мумкин эмас. Учовимиз бирга аждаҳо бор уйда ётамиз, - дебди. Турсун отасига бориб:

- Хотиним унамайди. Биз мана шу хужрада ётамиз, - деб аждаҳо бор уйни кўрсатибди.

Отаси:

- Майли, ихтиёр сизда, - дебди.

Турсунбек билан қиз ухлаб қолибди. Ғайрат ухламасдан қиличини яланғочлаб аждаҳонинг чиқишини пойлаб ўтирибди. Ярим кечада сандикдан катта бир аждаҳо Турсунбекни ютмоқчи бўлиб борибди. Ғайрат шу заҳоти қиличи билан аждаҳони бурдалаб ташлабди. Аждаҳонинг қони сув қизнинг юзига сачрабди. Ғайрат сачраган қон заҳри қизга зарар қилиб қўймасин деб, қиз ёнига бориб қизнинг юзидаги қонни тили билан секин сўриб олиб турганда бирдан Турсунбек уйғониб қолибди:

- Ҳа, сен менинг хотинимни яхши кўрар экансан, - дебди. Ғайрат аждаҳо чикқанини, уни ўлдириб қони қизнинг юзига сачраганини айтса ҳам, Турсунбек Ғайратнинг гапига ишонмай хафа бўлибди.

Ғайрат:

- Мен сенга қанча яхшилик қилдим, билмадинг. Менга тухмат қилдинг. Сендек дўстан кечдим, тош бўлиб қолай, - дебди. Шу заҳоти ғайрат тош бўлиб қолибди.

Сув қизи:

- Сиз яхшиликни билмас экансиз, қандай бўлса ҳам ўзига келтириш керак, - деб Турсунбекни жуда қаттиқ койибди. Турсунбек нима қиларини билмай:

- Мен бундай бўлишини билмагандим, менга хиёнат қилади, - деб ўйлардим, сиз менга йўл кўрсатинг, - дебди. Сув қизи:

- Шу тошни қирқ кун чўлу биёбонларда кўтариб юринг. Қирқинчи куни ўз аслига келади, - дебди. Турсунбек:

- Сиз қандай қиласиз, ёлғиз қоласиз, - дебди. Сув қизи:

- Мен шу ерда онангиз билан ўтираман, менинг учун ғам еманг, - дебди. Турсунбек сув қизи билан хайрлашиб тошни елкасига кўтариб, қирқ кун чўлу биёбонларда кўтариб юрибди. Қирқинчи кун кечқурун бир чашма ёнида ўтирган экан Хизр бобо келиб қолибди. Турсунбек жойидан туриб, салом берибди. Хизр бобо саломига алик олиб:

- Ҳа болам, бу чўлу биёбонларда нима қилиб юрибсан? – дебди.

Турсунбек бўлган воқеанинг ҳаммасини гапириб берибди. Хизр бобо:

- Қани ўғлим, кўрай-чи, - дебди.

Турсунбек тошни кўрсатибди. Хизр бобо ҳассаси билан тошни туртиб:

- Ҳай, ўғлим, тур, нима қилиб ётибсан, - дебди.

Шу заҳоти Ғайрат бошини кўтариб, салом берибди. Хизр бобо Ғайратнинг саломини олиб, ғойиб бўлибди. Турсунбек билан Ғайрат қучоқлашиб кўришиб бирга шаҳарга қайтиб келишибди. Эртаси отасининг ёмон ниятларини халққа фош қилиб, отаси ўрнига ўзи подшо бўлибди. Ғайрат вазир бўлибди. Қирқ кеча, қирқ кундуз тўй-томоша қилиб сув қизини қайтадан никоҳлаб олиб, мурод-мақсадига етибди.²¹

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Инсон кайфияти ҳаётдаги вазиятлар таъсирида ўзгариб туради. Об-ҳаво, она табиатдаги фасл ўзгаришлари, оиладаги муносабатлар, дўстларнинг тотувлиги, ҳатто, нотаниш одамнинг бир оғиз сўзи сизнинг кайфиятингизни кўтаради ёки туширади. Хурсанд бўлган пайтингизда шўх қўшиқ айтгингиз, рақисга тушгингиз келади. Нохуш дамларда кўпроқ жим туриб хаёл суришни маъқул кўрасиз. Бундай дақиқаларда мунгли куй ҳам сизга тасалли беради, оғирингизни бир оз енгил қилгандай бўлади. Ана шундай ҳолат бизнинг қалбимизда лирик кечинмаларнинг пайдо бўлиши учун замин тайёрлайди: қўшиқ яратишга сабаб бўлади. Ҳақиқий шеър фақат чуқур эҳтирослар, фавқулудда рўй берган ва инсон руҳига таъсир кўрсатган турмуш лавҳалари таъсирида яратилади. Бу асарлар ички кечинмаларга бой бўлади. Шунинг учун улар шеърини ёки насрий шаклда ёзилишидан қатъий назар лирика намунаси деб аталади. Шундай қилиб, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисага нисбатан ички ҳис-туйғулар воситасида муносабат билдирилган асарлар лирика атамаси билан юритилади. Бу сўз аслида, “лира”–Юнонистондаги қадимий мусиқа асбоби номидан олинган бўлиб, ҳис-туйғу, ички ҳаяжон билан

²¹ Сув қизи. Фантастик эртаклар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти. 1966. 160-167-бетлар.

боғлиқлик рамз сифатида тушунилан.

Халқ оғзаки ижодидаги қўшиқлар ҳам лирик асарлардир. Чунки уларда инсоннинг ички ҳис-туйғулари, кечинмалари акс этади.

Қўшиқ Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (1074) асарида, “қўшиқ” шаклида учрайди ва шеър, қасида (бирон кимса ёки нарсага аталган шеър) маъносини англатади.

Қадим замонларда “шлок”, “такшут”, “ир” (йир), “куч” каби атамаларнинг ҳам назм, шеър, яъни маълум даражада қўшиқ жанрига алоқаси бўлган.

Қўшиқ ҳақида маълумот берилган ҳамма адабиётларда унинг “қўшмоқ” феълидан ҳосил бўлгани айтилади. Қўшиқ атамасининг келиб чиқиши қанчайин содда туюлмасин, оғзаки ижодимиздаги бу жанр жуда мураккаб руҳий кечинмаларни ифодалашга хизмат қилади.

Унда инсон кечинмалари, қувонч ва изтироблари, қалб сўзлари акс этади.

Қўшиқ шаклан шеърый тарзда бўлади. Кўпинча халқ қўшиқлари тўрт мисрадан иборат бўлиб, тугал руҳий ҳолатни ифодалаш хусусиятига эга бўлади. Шунингдек, бир неча бандлардан иборат бирон мавзуга бағишланган қўшиқлар ҳам бўлиши мумкин. Айни чоқда 6–8 мисрали намуналар ҳам учрайди. Улар абаб ёки ааббввгг; тўрт мисралар эса аааб; абаб, аааа; аабб ва бошқача кўринишда қофияланади.

Қўшиқнинг куйи бўлади ва ана шу куй жўрлигида ижро этилади.

Қўшиқларимиз тарихига бир назар.

Халқ қўшиқлари узоқ тарихга эга. Чунончи туркий халқлар оғзаки ижодида, ҳатто, эрамиздан аввал ҳам қўшиқ жанрига мансуб асарлар борлиги маълум. Нисбатан кейинги намуналар эса Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам ўрин олган. Маҳмуд Қошғарий ёзиб олган қўшиқлар асосан меҳнат (ов қўшиқлари), қаҳрамонлик, мавсум-маросим ва лирик асарлардан иборат. Масалан,

*“Йигитларинг ишлату,
Йигач ямиш иргату,
Қулан, кийик авлату,
Базрам қилиб авналим”.*

Мазмуни:

*“Йигитларни ишлатайлик,
Дарахт(лар)дан мева(лар)ни қоқтирайлик,
Қулон, кийик овлатайлик,
(Сўнг) байрам қилиб қувнайлик”.*

Бу қўшиқда аждодларимизнинг меҳнат жараёнига бўлган муносабати акс этган. Бир кўринишда қўшиқчи рўй бераётган воқеаларни баён

қилаётганга, дарахтлардаги меваларни қоқиб йиғиш, қуён, кийикни овлаш ҳаракатини тасвирлаётганга ухшайди. Аммо эътибор билан шеър матни мазмунини ҳис қилсак, унда рўй бериши лозим бўлган ҳодисага муносабат етакчи эканини сезамиз. Жумладан, қўшиқ матнида жамоа бўлиб меҳнат қилишга, ҳар бир ишни кўтаринки руҳда бажаришга, меҳнат самарасидан баҳраманд бўлишга чақириқ аниқ билиниб турибди. Шунинг учун ҳам тўртликни лирика намунаси сифатида баҳолашимиз, мазмунан эса меҳнат қўшиқлари қаторига қўшишимиз мумкин. Кейинги тўртликка мурожаат қилайлик:

*“Такра олиб акуралим,
Атгин тушиб юкаралим,
Арсланлаю кукаралим,
Кучи анин кавулсин”.*

Мазмуни:

*“ (Душман) атрофини ўраб, қамал қиламиз,
Отдан тушиб югурамиз,
Арслондек наъра тортамиз,
Унинг кучини қуритамиз”.*

Тўртликда қадимги туркий халқлар вакилларининг душман устидан ғалаба қозониш режаси акс этган. Бизнингча, бор-йўғи шу тўрт мисрада учта ҳарбий усул ифодаланган. Биринчидан, душман кўшинини қамал ҳолида тор-мор қилиш, иккинчидан, отдан тушиб овоз чиқармай ҳужумни уюштириш ва учинчидан, рақибни руҳиятига таъсир қилган ҳолда наъра тортиб талвасага солиш. Аммо бу режа ҳам воқеанинг оддий баёни тарзида эмас, эмоционал кўтаринки-руҳий вазиятда ифодаланган. Шу билан бирга мисралардаги мазмун энди оддий-кундалик меҳнатни эмас, жанг шароитини англатмоқда.

Энди қуйидаги тўртликка эътибор беринг:

*“Ёй қиш билан қаришти,
Ардам ёсин қуришти,
Чириқ тутуб кўрушти,
Ўқтағали утрушур”.*

Мазмуни:

*“Ёз қиш билан қарама-қарши бўлишди,
(уларнинг ҳар бири) мақтаниш ёйини қуришти,
Кўшин тузиб (бир-бирини) таъқиб қилишти,
(Ёй) отиш учун (бир-бирига) яқинлашди”.*

Юқоридаги мисолда Маҳмуд Қошғарий ҳар йили табиатда бўлиб ўтадиган манзара ҳақидаги қўшиқ намунасини келтиради. Йил

фаслларидаги ўзгаришлар ҳозирги пайтлардагидек одамларни лоқайд қолдирмаган. Ёз ўз фазилатларини, қиш эса ўз ижобий томонларини бирма-бир санаб ўтишга тайёр. Агар ёзнинг отган ўқида аҳолининг иссиқ кунларда яйраши, экин ишлари билан шуғулланиши, ризқ-рўз жамлаш фаолиятлари қайд этилса, қиш ўз навбатида ўзи ҳукмрон бўлган даврда қирғин-барот урушларнинг тўхташини таъкидлаб ўқ отади. Ҳар икки фаслнинг ижобий ва салбий томонлари тилга олинади.

Муҳими шундаки, “Девону луғотит турк”да мавсумий қўшиқлар билан бир қаторда маросим билан боғлиқ бўлган парчалар ҳам ўрин олган. Хусусан, олим аза маросимида айтиладиган қўшиқлардан намуналар келтиради:

*“Улишиб эран бўрлаю,
Йиртин яқа урлаю,
Сикриб уни юрлаю,
Сигтаб кўзи ўртилур”.*

Мазмуни:

*“Мардлар йиғлаб, бўридек увлашдилар,
Ёқаларини йиртиб бақиршидилар,
Фарёд чекдилар,
Қаттиқ йиғидан кўзлари хиралашиб, (гўё) парда босди”.*

Келтирилган қўшиқда Суғд элининг ботир фарзанди Алп Эртунга (Афросиёб) ўлимидан кейинги воқеалар ҳақидаги ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган. Агар бу жасур ва мард ўғлоннинг эрамиздан аввал яшаб ўтган Искандар Македонскийга қарши курашиб юртини ҳимоя қилганини назарда тутсак, мазкур қўшиқларнинг тарихи тахминан икки минг йилдан зиёд экани, айтиш мумкин. Чунки маросим қўшиқлари ҳам бошқа мазмундаги қўшиқлар сингари узоқ ўтмишга эгалиги маълум бўлади. Халқ маросимлари қаторидан тўйлар ҳам ҳамиша етакчи ўрин эгаллаган эди. Эл-юрт бор экан, жамоа бўлиб яшаш бор экан, тўй қилиш одати ҳам бўлади. Халқ бу маросимни ўтказишга катта тайёргарлик кўрган. Чунки тўй ҳар бир инсоннинг ҳаётида жуда муҳим ҳисобланган тарихий лавҳалардан, келгуси умидлардан ташкил топади. Табиийки, шунинг учун ҳам тўй маросими ўйин-кулгилар, рақслар, театрлаштирилган сахналардан иборатдир. Уларнинг асосини ўлан айтишлар, ёр-ёрлар ташкил этади. Мумтоз адабиётимиз вакилларининг бадиий ижодига назар ташласак, баъзан ўша асарлардан намуналар учраганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Алишер Навоий “Ҳамса”нинг бешинчи достони “Садди Искандарий”да Искандарнинг уйланиш тўйида ўлан айтиш ва ёр-ёр куйлаш билан томошалар кўрсатилганини таъкидлайди:

“Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,

*Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг!
Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр!
Мен айтайки, мунглуз бошим ёр-ёр!”*

Албатта, биз ўтмишда ўлан айтишлар, ёр-ёрлар қайси куйда ижро этилганини, қай йўсинда амалга оширилганини билмаймиз. Аммо Алишер Навоий келтирган шугина мисолдан ҳозирги ўланлар ва ёр-ёрлар ҳам жуда узоқ тарихга эга санъат намуналари эканини тасаввур қилишимиз мумкин.

Албатта, қадимги халқ кўшиқларининг ҳам энг гўзал намуналари ишқ-муҳаббат мавзуси акс этган лирик кўшиқлардан иборат. Чунки уларда етакчи мақсад инсон табиатидаги абадий фазилат ҳисобланмиш муҳаббат туйғусини ифодалаш билан уйғунлашгандир. Инсоният тарихида аждоддан кейин авлод дунёга келади. Замонлар ўтади, ҳаёт ривож топади. Ота ўрнида фарзанд турмуш чамбарагини айлантиради. Аммо ҳар бир авлод вакили муҳаббат туйғусини ўзича бошидан кечиради. Бу туйғу инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш жиҳатдан замон ўзгариши қоидаларига бўйсунмайди. Эҳтимол, шунинг учун Маҳмуд Қошғарий бундан минг йил олдин ёзиб олган ишқий мавзудаги лирик кўшиқни куни кеча қайсидир туманда ёш йигит куйлагандек тасаввур уйғотади:

*“Булнар мени улас кўз
Қара менгиз, қизил юз,
Андин томар тукалтуз,
Булнап яна ўл қочар”.*

Мазмуни:

*“Бу мастона кўзли (севгилим)
Қора холи ва қизил юзи билан (мени асир қилди).
Ёноқларидан ширинлик томиб, мени асир қилди-ю,
Лекин кейинидан (тутқич бермай), мендан қочиб кетади”.*

Халқ кўшиқларининг лирик турлари замон ўтиши билан бошқа мавзудагилардан кам ўзгаришларга дуч келади. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида келтирган қуйидаги парчага эътибор қилинг:

*“Менгизлари гул-гул, миҳжжалари хор,
Қабоқлари кенг-кенг, оғизлари тор”.*

Бизнингча, буюк шоиримиз бу парчани бевосита халқ оғзаки ижодига мансуб кўшиқдан олган ёки жуда бўлмаганда ўша кўшиққа мос ҳолда ижод қилган.

Шундай қилиб, қадимги кўшиқлар мазмун жиҳатдан турли мавзуларни ўзида акс эттиради. Бу намуналар тил жиҳатдан бугунги кундагилардан фарқ қилишига қарамай, шаклан ҳозирги кўшиқларга

ўхшашдир. Уларнинг ҳаммасини инсон ички кечинмаларини ифодалаш хусусияти бирлаштириб туради. Чунки бу лирик асарларда бевосита ҳаётда рўй бераётган ҳодиса эмас, балки ана шу ҳодисага ҳис-туйғулар орқали муносабат билдириш етакчидир. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек халқ кўшиқларининг бугунги кунда эл орасида ижро этилаётган намуналари асосини қадимги замонларда омма орасида яшаган кўшиқлар ташкил этади. Ва ниҳоят, кўшиқ халқимизнинг қувончи ва ниҳоят ташвишли кунларида, меҳнат қилиш жараёнида унга ҳамиша ҳамроҳ бўлган. Бинобарин, халқ кўшиқларини миллатимиз тарихининг гўзал кузатувчилари дейишимиз мумкин.

Кўшиқлар таснифи

Ҳозирги пайтда ҳам кўшиқлар халқ ҳаётига ҳамроҳдир. Уларда меҳнат, тарихий воқеаларга муносабат, мавсум-маросимдаги урф одатлар, қолаверса, ёш йигит қизларнинг ишқий кечинмалари ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан халқ кўшиқларимизни қуйидаги турларга бўлиб ўрганишимиз ва таҳлил қилишимиз мумкин:

- 1. Меҳнат кўшиқлари.**
- 2. Мавсум-маросим кўшиқлари.**
- 3. Лирик (ишқий) кўшиқлар.**
- 4. Тарихий кўшиқлар.**

Меҳнат кўшиқлари бошқа халқларда бўлгани каби меҳнат жараёнини ўзида ифодалаш билан машхур. Маълумки, ўзбек халқи асрлардан буён деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик билан шуғулланиб келади. Меҳнат эса ўзига яраша ташвишдан, иродалилиқни намоёни қилишдан, баъзан инсоннинг ўзини мажбур қилишидан иборат бўлади. Айниқса, кун давомида доимий равишда бир хил зерикарли ҳаракат қилиш одамни толиқтиради, қилинаётган ишни тўхтатмаган ҳолда овуниш чораларини топишга мажбур қилади. Ана шундай дамларда энг самарали ечим кўшиқ айтишдан иборат бўлади. Таноб-таноб ерга дон сочиш ёки буғдой ўриш, челақ-челақ сут соғиш метр-метр гилам тўқиш факат айтишга осон. Аслида бу ишлар деҳқон, сут сотувчи, гилам тўқувчидан катта жисмоний куч ва малака талаб қилади. Шунинг учун аждодларимиз ҳар бир ишни кўшиқ билан бажариш ҳам меҳнатнинг самарали бўлишини, ҳам қилинаётган ишни зерикмасдан бажариш йўлини ўйлаб топганлар. Халқимиз орасида яшаб келаётган меҳнат кўшиқлари бажариладиган иш соҳаларига қараб уч хил бўлади:

- 1. Деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат кўшиқлари.**
- 2. Чорвачилик билан боғлиқ, меҳнат кўшиқлари.**
- 3. Касб-хунар билан боғлиқ, меҳнат кўшиқлари.**

Аждодларимиз маданияти мероси бўлмиш “Авесто”да шундай парча бор:

“Зардушт илоҳ Ахура Маздадан сўради:

Эй, Ахура Мазда! Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

Эй, Зардушт! Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа!..

Эй, Зардушт! Кимки ғалла экса, у ҳақиқатни экади...”.

Демак, ота-боболаримиз ер юзида энг қадим замонлардан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган халқ экан. Деҳқончилик билан шуғулланиш эса ижтимоий ҳаётнинг маълум поғона босқичлари босиб ўтилгандан кейин пайдо бўлади. Демак, бизнинг аждодларимиз ўша пайтларда ҳам маданият ўчоғига айланган ҳудудларда яшаганлар ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида боғдан мевалар териш ҳақидаги қўшиқлар учрайди. Халқ оғзаки ижоди асарларини тўплаш экспедицияларида деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқларидан кўплаб ёзиб олиниши бу тур қўшиқларнинг халқ ҳаёти билан жуда яқин эканини яна бир бор исботлайди.

*“Шохларим бир қулоч-қулоч
Шохимга қўнар қалдирғоч
Юрай десам, вой, қорним оч,
Мен қўшга қандай ярайин.
Хўкизгинам бўйнигинанг эзилди,
Кўзгинангдан ёшлар қатор тизилди.
Бўйинтуруқ билан омов тортмасанг,
Сенинг билан менга гўрлар қазилди”.*

Деҳқончилик қўшиқларида йил-ўн икки ой мобайнида олиб бориладиган меҳнат жараёни босқичма-босқич ўз ифодасини топади. Уларда ер ҳайдаш, далага янги йил ҳосили учун буғдой сепиш, униб чиққан ва бошоқлари етилган буғдойларни ўриш, уларни янчиб донини ажратиш каби ҳар бир жараён албатта қўшиқ, айтиш билан қўшиб амалга оширилган. Агар бу қўшиқларда фақат деҳқоннинг бажараётган меҳнати акс этган, десак, хато бўлади. Чунки ҳар бир қўшиқда деҳқон албатта ўзининг ички кечинмаларини, ҳаёт тажрибасидан олган таассуротларини, турмуш ташвишларини баён этишга уринади. Қўшиқ, айтувчи киши саҳнада санъаткор эмас, балки далада ҳам оддий, ижрочи, ҳам тингловчи сифатида намоён бўлади. Аслини олганда унинг қўшиқларини ер ҳайдаётган ёки буғдой янчаётган хўкизи эшитади холос. Деҳқонга хўкизидан бошқа тингловчининг кераги ҳам йўқ. Чунки у дилидаги ҳис-туйғуни ўзига ўзи айтади ва шу йўл билан қилаётган ишини энгиллаштиради, кўнглига таскин беради.

Бу кўшиқларда ҳўкизни эркалаш, унга бирон кимсага мурожаат қилгандек муносабатда бўлиш, унинг тилидан кўшиқ, тўқиб ўзининг дардини ифодалаш туйғуси етакчилик қилади. ҳўкиз: “Юрай десам, вой, қорним оч”, - деганида, деҳқон номидан гапиради. Аслида деҳқоннинг қорни оч эмасми?! “Мен кўшга қандай ярайин”, - деганда, кўпроқ деҳқон ўзини назарда тутмаяптими?!. Шу ўринда, омоч тортаётган аждодимиз ҳўкизни эркалашга тушади. Уни “Ҳўкизгинам” деб сийлайди. Ўз тақдирини ҳўкизнинг қисмати билан тенг эканини: “Сенинг билан менга гўрлар қазилди” каби мисралар воситасида ифодалайди. Қуйидаги кўшиққа эътибор беринг:

*“Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда,
Қалқон қулоғим, ҳайда,
Темир туёғим, ҳайда,
Остингда босган донни
Оёгинг қилсин майда”.*

Демак, буғдойни “пўстидан жудо қилаётган ҳўкиз” деҳқон учун энг қадрдон кишисидан ҳам азизроқдир. Шу сабабли “қалқон қулоғим”, “темир туёғим” сифатлашлари яратилган. Ҳатто бир кўшиқда

“Жилвираган қошингни майда-ё, майда,

Сурмалайин жонивор, майда-ё, майда” дейилади. Бу қадар эъзоз, бу қадар гўзал фикрларнинг баёни ҳўкизга қаратилганига ишонгинг ҳам келмайди. Аммо бу ҳаёт ҳақиқати эди. Деҳқон учун ҳўкиз ҳаёт ва мамот масаласи эди. Шунинг учун ҳам юзлаб кўшиқларда, айниқса, “кўш” ва “майда” кўшиқларида бобо деҳқонларимиз ҳўкизнинг фазилатларини мактаб куйлаганлар. Ўрим кўшиғида эса тасвир марказига ўроқ чиқади. Энди ўроқнинг олмослиги, ўткирлиги таърифланади. Ўроқ шу қадар кескир-ки, буғдойни ўрмасдан туриш мумкин эмас:

*“Ўроғим олмос,
Ўримдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Ўрмасам бўлмас”.*

“Ёрғичоқ” кўшиқларида ҳам кўшиқчи ёрғичоққа мурожаат этади. У билан гаплашади, ҳасратлашади, дардини тўқади. Натижада ёрғичоқ деҳқоннинг ҳис туйғусини самимий равишда баён қилиш воситасига айланади:

*“Ёрғичоқ ялпоққина,
Ун қилар оппоққина,
Ёрғичоқ хир-хир этар,
Муштдаккина хамир этар
Ёрғичоғим гулдур-гулдур,*

*Бўғзим тўла оппоқ ундир.
Бой бобомнинг хонадони
Иккимизни ейдир-ейдир”.*

Маълум бўладики, йил фасли ўзгаради, деҳқоннинг муомала қиладиган нарсаси (хўкиз, ўроқ, ёрғичоқ,) ўзгаради, аммо қўшиқнинг яратилишидан назарда тутилган мақсад (оғир меҳнатни енгиллатиш, ички ҳис туйғуни ифодалаш) ўзгармайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ҳаётининг бадиий ифодаси сифатида қўлланади.

Чорвачилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари асосан соғиш жараёни акс этган лирик парчалардан иборатдир. Улар сугир, эчки, қўй каби ҳайвонларни сотиш пайтида айтилади. Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар каби соғим қўшиқлари ҳам тинимсиз бир хил ҳаракат жараёнини нисбатан енгиллаштиришга хизмат қилган. Иккинчи томондан соғилаётган сугир ҳам айтилаётган қўшиққа бора-бора ўрганган. Қўшиқни эшитганида ўзини анча тинч тутган ва кўпроқ сут берган. Шунинг учун “хўш-хўш”ларда соғувчи кимса сугирни эркалаган, унга ширин-ширин сўзларни айтган:

*“Хўшим молим-говмишим,
Эмчакларинг соғмишим
Оралаб единг ўтингни,
Ийиблаб бергин сутингни.
Сени сийлаб боқайин,
Кўзмунчоқлар тақайин,
Қуралай кўз говмишим,
Туёқлари кумушим.
Зотли молим хўш-хўш,
Сутли молим хўш-хўш”.*

Эътибор берсак, деҳқончиликда хўкиз “темир туёғим” деб эркаланган эди. Энди сугир “қуралай кўз”, “туёқлари кумушим” деб аталапти. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон бу эркалашларни хўкиз ёки сугир тушуниб етмаслигини яхши билади, аммо қўшиқ ижросидаги товуш товланишининг, оҳангнинг ҳайвонларга ижобий таъсир кўрсатишига ишонади.

Турей-турей қўшиқлари қўйларни соғиш пайтида айтилган. Қоракўлчиликда қимматбаҳо тери олиш учун кўзилар туғилганидан кўп вақт ўтмай сўйилган. Совлиқлардан сут олиш эса кейин ҳам давом этаверган. Она қўйни соғиш билан боласидан ажралган совлиқнинг қисмати нисбатан енгиллашган. Шунинг учун турей- турейларда она қўйнинг кўзисидан ажралганига ҳамдардлик билдирилган, унга ачиниш туйғуси ифодаланган:

*“Болалилар бош бўлар, турей-турей,
Боласизлар ёш бўлар, турей-турей,
Келар йили туққанинг, турей-турей,
Кўзингга йўлдош бўлар, турей-турей”.*

Бошқа халқ кўшиқлари сингари турей-турейларда ҳам эркалаш, кўшиқ оҳангини куйга мулойим етишига ҳаракат қилиш аниқ сезилади. Унинг эгасига ёрдам беришга тайёрлиги таъкидланади. Ҳатто боғда очилган гул билан тенг кўрилади. Бу ўринда кўй соғишнинг халқ турмуши тарихида жуда узоқ қадимги замонларга бориб тақалишини ҳам ёдда тутиш керак. “Алпомиш” достонида Бойсари Барчин қизини мактабдан чиқариб олади. “Қизимга Кўкқамиш кўлида кўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, кўй соғмоққа уста бўлсин”, - дейди. Демак, кўчманчи қабилаларда кўй соғиш алоҳида кўникмани талаб қилар экан. Шунинг учун ҳам бу иш билан шуғулланадиган одамлар асрлар давомида соғиладиган кўйлар билан қандай муомалада бўлиш сирларини эгаллаганлар. Ширин сўзлар билан кўйларнинг кўнглига йўл топишга уринганлар:

*“Эсли молим-оқилим, турей-турей,
Елкамдаги кокилим, турей-турей,
Шунча молнинг ичида, турей-турей.
Боғда очилган гулим, турей-турей”.*

Чорвачиликда чурия кўшиқларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Аввало соғиладиган сигирга, кўйга, эчкига алоҳида-алоҳида кўшиқ яратилишига эътибор берайлик. хўш кўшиқлари кўй соғишда айтилмаганидек, турей-турейлар ва чурия-чуриялар сигир соғишда айтилмаган. Табиийки, ҳайвон учун қандай кўшиқ айтиб соғиш бари бир эмасми? - деган савол туғилади. Ҳа, ҳайвон учун бари бирдир. Аммо эгаси учун бундай эмас. Гап шундаки, чорвадор халқлар бир кўй ёки эчкига ўзига хос муносабатда бўлади. Улар ҳатто сигирнинг қайси рангни яхши кўришини, қайси кўшиқни ижро этганларида кўпроқ сут беришини билганлар:

*“Оғзигинангда ўтинг бор, чурей-чурей.
Елингинангда сутинг бор, чурей-чурей.
Серсоқолим жонивор, чурей-чурей.
Керилиб турган бутинг бор, чурей-чурей”.*

Чуриялардаги “Оғзигинанг”, “елингинанг”, “серсоқолим” каби сўзларга эътибор беринг. Нега “оғзинг” ёки “елининг” деб қўяқолинмаган. Аввалги тур кўшиқлардаги каби буларда ҳам эчкини эркалаш, унинг табиатига мослашиш ҳаракати сезилади:

“Шохларинг бор бир минора, чурия-чурия.

*Минорага қушлар қўнара, чурия-чурия.
Боланг олиб искасанг-а, чурия-чурия.
Куйган юрагинг қонар-а, чурия-чурия”.*

Хуллас, чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар халқимизнинг қадимдан бу касбни эгаллаб келганидан, чорвачиликнинг сир-синуатларидан хабардор эканликларидан далолат беради. Халқ ҳар бир ҳайвонга худди одамдек муомалада бўлган. Уни эркалаган, мақтаган, таърифлаган, сифатлаган. Энг муҳими, бу ширин сўзларнинг, ҳайвонларга ижобий таъсир қилишига ишонган.

“Хўш”, “Турей-турей”, “Чурия-чурия” қўшиқларини чорвадорлар ичида яшаган шоиртабиат одамлар тўқишган. Бу қўшиқларда сўз санъатининг бошқа намуналарида бўлганидек турли бадий санъатлардан фойдаланилган. Хусусан, “эсли молим”, “қалам қошинг”, “зотли молим” каби сифатлашлар; “қозон-қозон сутинг бор”, “ақллисан, доносан”, “шоҳларинг бор бир минор” каби Муболағалар; “елкамдаги кокилим”, “боғда очилган гулим” каби истиоралар; “қалам қошинг сузилсин”, “сутлилигингни билдиргин” каби жонлантиришлар қўлланган. Қўшиқларнинг қофияланишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу тасвир воситалари қўшиқларнинг эстетик қимматини оширади, алоҳида жозиба бағишлайди. Ўзбек халқи қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган шойи атласлар, банорас тўнлар, амалий санъат намуналари, тўқилган гиламлар бутун дунёга машҳур бўлган. Қадимда ўз ҳунари билан ном таратган усталар ўз шогирдларидан касбий кўникмалар қатори шеър ўқиш, қўшиқ, айтиш, бирон мусиқа асбобида куй чалишни ҳам талаб қилганлар. Уларнинг фикрича, ҳар томонлама етук бўлмаган инсон, айниқса, эстетик завқи йўқ, кимса биронта ҳунарни ҳам уқув билан ўзлаштира олмас экан. Шунинг учун халқимиз орасида турли касб билан шуғулланаётган одам бор-ки, қўшиқ, айтади, аския айтади, мусиқа чалади. Бу фазилят унга ўзи ишлаб чиқараётган нарсанинг гўзал кўринишга эга бўлишини таъминлайди. Қўшиқ билан тайёрланаётган нарсага устанинг меҳри қўйилади.

Ўзбек халқ меҳнат қўшиқларининг салмоқли қисмини кашта тикиш, бўз тўқиш, чарх йиғириш каби фаолият билан қўшиб турли оҳангда ижро этиладиган шеър намуналари эгаллайди. Жумладан, уларнинг энг қадимгиларидан бири чарх қўшиқлари ҳисобланади. Бугунги кун тўқимачилик саноати пайдо бўлмасидан аввал пахтанинг чигити қўлда ажратиб олинар ва пахта момигидан чархни айлантириш воситасида ип йиғириларди. Аёллар кеча-кундуз ип йиғириш билан шуғулланиб, тайёр бўлган иплардан газламалар тўқишарди. Бу меҳнат жисмонан ортиқча куч талаб этмаса ҳам, ўта зерикарли ва унумсиз эди. Меҳнат азобини енгиллаштириш учун чарх қўшиқлари айтилган:

*“Чарх йигириб, чарх йигириб,
Шул қўлгинам толадир,
Агар шуни йигирмасам,
Болалар оч қоладур”.*

Ҳар бир зерикарли ва машаққатли меҳнатнинг ҳам чегараси бўлади. Аммо агар одам бевосита чархда ип йигириш орқали кун кўрса, унга бу азобли машғулоти чегарасиздек бўлиб туюлган. Ана шундай дақиқаларда одам ўзига ўзи чорасиз, нажотсиз бир шахс бўлиб кўринган. Қўшиқда бу ҳолат шундай куйланган:

*“Чархгинам, эй, чархгинам,
Юраккинам оласан,
Айт-чи, сен бу юртлардан,
Қачонгина йўқоласан?!”*

Мавзуга доир мисоллар:

***Меҳнат қўшиқлари
Дехқончилик билан боғлиқ қўшиқлар***

Қўш ҳайдаш

Эгамнинг оти Маллахол,
Менга берар шоли похол,
Уни еёлмай ҳолма-ҳол
Мен қўшга қандай ярайин?!

Шохларим бор газ-газ қулоч,
Устида ўйнар қалдирғоч,
Ҳайдай десам, вой, қорним оч,
Мен қўшга қандай ярайин?!

Қобирғам бор вассадай,
Гаврон ясарлар ҳассадай,
Ҳар бир кўзим шокосадай
Мен қўшга қандай ярайин?!

Бўйнимда бор бўйинтуруқ,
Омочлари шарақ-шуруқ,
Оқшом борсам охур қуруқ,
Мен қўшга қандай ярайин?!

Шохларим бор қулоч-қулоч,
Шохимга қўнар қалдирғоч.
Юрай десам, вой, қорним оч,
Мен қўшга қандай ярайин?!

Ёпиққинамни ўясан,
Ярамга пахта қўясан,
Юролмай қолсам сўясан,
Токай мен ҳам юрган бўлай?!

Бир тўнкариб ёғса ҳаво,
Тошдай қотиб мен бенаво,
Бир уйни кўрмайсан раво,
Токай мен ҳам юрган бўлай?!

Беришинг бир боғ буруғ,
Ҳайдашинг ботмон қуруқ.
Мен қандай илдам бўлай,
Сенга ишламай ўлай.

Ётар жоним ўнқур-чўнқур,
Ётолмайман тинчим йўқдур,
Тана-тўшим бўлди чуқур,
Мен қўшга қандай ярайман?!

Шохларим бор чамбарак,
Кўзларим ёнган чироқ,
Қўшга тушсам меҳнатимдан,
Эгамнинг бўлар вақти чоқ.

Қўшга қўшиб жабирлаб,
Гаврон урди чўққимга,
Йил ўн икки ой ишладим,
Сомон қолди ҳаққимга.

Эниб келдинг эшикдан,
Тўрт оёғинг кумушдан.
Очкўз бой қарашмади,
Базўр чиқдинг бу қишдан.

Шохларинг бор чамбарак,
Кўзларинг ёнган чироқ.
Дехқонлар минган пирок,
Сен ҳайвондан чоғроқ.

Шохгинанг мулла давоти,
Сенсан деҳқоннинг қуввати,
Сен бўлмасанг деҳқоннинг,
Қайрилади қаноти.

Шохгинанг бор шойнадай,
Кўзгинанг бор ойнадай,
Сендан бўлган болалар,
Тўти билан майнадай

Хўжайинга деҳқон тушдим баҳордан,
Ишга тушдим қўш ҳайдадим сахардан,
Хабар олмас сира очу наҳордан,
Куйиб-ёндик хўжайиннинг дастидан.
Ўроқ ўроқ олмоқ-солмоқ,
Қўш ҳайдамоқ бормоқ-келмоқ,
Ҳаммасидан қийин экан,
Эй хўккизим, рўзғор қурмоқ.

Қўш ҳайдайди саман сарик,
Хўкизлари жуда ориқ,
Хўкизлари кўтаролмас,
Ерда қолди бўйинтуруик.

Ҳайда-ҳайда химич билан,
Донни сепма чўмич билан,
Кенжа бача олишади,
Кучи етмай омон билан.

Хўкизгинам бўйнигинанг эзилди,
Кўзгинангдан ёшлар қатор тизилди,
Бўйинтуруик билан омон тормасанг,
Сенинг билан менга гўрлар қазилди.

Қора ерни қок ёрган,
Қовун экиб лаб ёрган,
Меҳнатининг зўридан,
Тос тебадан шох ёрган.

Хўп-майда қўшиқлари

Майда десам, хўп дейди, майда-ё,
майда,
Хўпга кўнглим кўп дейди, майда-ё,
майда,
Майда қилиб бўлган сўнг, майда-ё,
майда,
Пешонамдан ўп дейди, майда-ё, майда.

Қоракўли қовчини майда-ё, майда,

Чўлда кўрдим овчини, майда-ё, майда,
Овчи ака кўрдингми, майда-ё, майда,
Майдагулнинг кучини, майда-ё, майда.

Хар шоҳида кўтарар, майда-ё, майда,
Неча қора қуччини, майда-ё, майда,
Ўзи ҳам олмай қўймас, майда-ё, майда,
Қирқ йил ўтган ўчини, майда-ё, майда.

Бир боғ беда ғовзаси, майда-ё, майда,
Пўлатдан дарвозаси, майда-ё, майда,
Ёвни янчиб ёйилган, майда-ё, майда,
Майдахон овозаси, майда-ё, майда.

Майдахонни кўрайин, майда-ё, майда,
Бўйнига гуллар ўрайин, майда-ё, майда,
Бўйнига гуллар ярашса, майда-ё, майда,
Бўйдошлар олиб берайин, майда-ё,
майда.

Қизил-қизил қиялар, майда-ё, майда,
Қийғир инда уялар, майда-ё, майда,
Қадрин билмас нодонлар, майда-ё,
майда,
Майдажонни сўярлар, майда-ё, майда.

Товларда бор навшатир, майда-ё,
майда,
Уни заргар ушатир, майда-ё, майда,
Қўлимдаги гаврон чўп, майда-ё, майда,
Қовурғангни қақшатар, майда-ё, майда.

Майдам кетди айлоққа, майда-ё, майда,
Тўда бўлиб сойлоққа, майда-ё, майда,
Хирмоннинг бошида, майда-ё, майда,
Бири қолди пойлоққа, майда-ё, майда.

Майда-майда порисин, майда-ё, майда,
Дон сомондан арисин, майда-ё, майда,
Чорисини олган сўнг, майда-ё, майда,
Қайтараман қарисин, майда-ё, майда.

Меҳмонхонанг вассаси, майда-ё, майда,
Қизил гулнинг дастаси, майда-ё, майда,
Айтсам адо бўлмайди, майда-ё, майда,
Майдажоннинг қиссаси, майда-ё,
майда.

Ғиша-ғиша, ғишалар, майда-ё, майда,
Қонинг ютар пашшалар, майда-ё,
майда,
Пашшанинг оёғи қилдан бўлар, майда-ё,
ё, майда,
Ўғрининг жойи зиндон бўлар, майда-ё,
майда.

Боса-боса балқон қил, майда-ё, майда,
Босган еринг талқон қил, майда-ё,
майда,
Йўрта-йўрта юринглар, майда-ё, майда,
Юз ботмонлар келсин, майда-ё, майда.

Найлайино-найлайин, майда-ё, майда,
Отим толга бойлайин, майда-ё, майда,
Отим толга турмаса, майда-ё, майда,
Тол симчага бойлайин, майда-ё, майда.

Кичкина гул хирмондан олдим сомон,
майда-ё, майда,
Ошиққа қоронғидан ойдин ёмон,
майда-ё, майда,
Ошиқлар муродини берсин худо,
майда-ё, майда,
Кечалар ёмғир ёғар кундуз туман,
майда-ё, майда.

Хўп хайда-ё, хўп хайда,
Қалқан қулоғим, хайда,
Темир туёғим, хайда,
Остингда босган донни
Оёғинг қилсин майда.

Сен пўстидан жудо қил,
Сомони сенга фойда,
Чу, ҳе, жониворим, хайда,
Хирмонин қилгин майда,
Ишни тамом қилмасанг
Жонингга тиним қайда.

Мен белгинангга миниб,
Чу-чу дейман силкиниб,
Чарчаб мен ҳам, жонворим,
Бораман кўзим тиниб,
Чу-хе, жонворим, хайда.

Бошингни ерга солма,
Сўзимни оғир олма,
Кўзим илиниб кетганда,
Тағин-а тўхтаб қолма.

Чу-хе, жонворим, хайда,
Хирмонни қилгин майда,
Донни йиғиб олмасак,
Бизларга тиним қайда?!
Чу-хе, жонвор, чу-ҳа, чу.
Қамчи емай дувва-дув,
Ердан чиққан экининг
Тириклиги тиниқ сув.

Қарчиғайни қочириб,
Боғи қолди билакда,
Ўн тўрт яшар майданинг
Доғи қолди юракда.

Думларинг бор қамчидай,
Учи қизнинг сочидай,
Баданингдан оққан тер,
Совурдаги томчидай.

Майдамнинг овозаси,
Пўлатдан дарвозаси,
Тўда ёвни қувганда,
Ярқирар найза-ю ноғараси.

Майда десанг кўпайин,
От билан хўп янчайин,
Майда-майда май босар,
От ўрнини той босар.

Майда десам бўқарсан,
Кўзингдан ёш тўқарсан,
Кўксингдан жўя олиб,
Қовун тарвуз экарсан.

Майда-майда мойчини,
Чўлда кўрдим овчини,
Хону беклар қиз учун,
Олдин қўйди совчини.

Майда дейман кечалаб,
Қичқираман чечалаб,
Эшитмайсан, қар қулоқ,
Қайга кетдинг бўчалаб.

Устингга ёпиқ солдим,
Сени майда қилар деб,
Ўз вақтида сувлатдим,
Сени майда қилар деб.

Ёшлигингдан боққанман,
Фойда бердинг дехқонга.
Саратоннинг кунида,
Олиб кеттим хирмонга.

Орқангдаги чопаринг,
Майда сенинг сафаринг,
Галоговда гарвонинг,
Ўзинг менинг давроним.

Талқон қилсанг кул бўлсин,
Ҳосил жуда мўл бўлсин,
Майда қилсанг кўрингни,
Тоғдан ошар суронинг.

Орқангдаги чопаринг,

Дехкон сенинг навкаринг,
Майда қилсанг мой босар,
От ўрнини той босар.
Бу тойлар от бўлгунча,
Йигитларни ғам босар.

Йўртиб юргин, нари бор
Жийрон отим жонивор.
Дони менга бўлса ҳам,
Сенга сомон, чори бор.

Туёқларинг темирдек,
Бошоқни еб семирдинг,
Тоғ-тоғ буғдой сомонни,
Бир пешинда емирдинг.

Тоғнинг боши қиядир,
Сенинг энанг биядир,
Хизматинг эвазига
Элим нондан тўядир.

Майда-майда дейишар,
Ҳўпчилар бўз кийишар,
Ўлпончилар галаси
Қутуришиб келишар.

Майда қилгин уватиб,
Сенсан менинг қувватим.
Келаётир эшонлар,
Дасторини чуватиб.

Қора-қора қарғалар,
Қўрга қараб йўрғалар,
Қўрим кутин учирди,
Келмай кетгур дарғалар.

Қаҳ-қаҳлаган қарғалар,
Қамишни кўрса йўрғалар,
Уйинг куйгур дарғалар,
Хирмонни кўрса йўрғалар.

Майда сенга порисин,
Сомондан дон арисин,
Амлакдорлар уйига
Вабо, ўлим дорисин.

Майда ўзи яхши қиз,
Майда билан тўқмиз биз,
Буғдой кирса омборга,
Тўй қилардик эрта куз.

Ҳўп-ҳўп десам ҳўпади,
Хаамири тез кўпади,
Тангасимон қашқангдан
Ҳўппи оғанг ўпади.

Создир найим товуши,
Адо бўлди ковушим.
Отам билан чориқни,
Кийишамиз овушиб.

Икки оввора бир иштон,
Қандай чиқамиз қишдан,
Топганимиз етмайди,
Билсанг қишки емишдан.

Галоговни ганг босган,
Орқа-бошин чанг босган,
Бу майданинг дастидан,
Юрак бағрин ғам босган.

Ҳўкизгинам ҳўп-ҳўп,
Обжувозда икки ўқ,
Бирини қўй-да, бирини суқ,
Олақарға оғзинг тўқ.

Кўйкунак қуш боласи,
Қўлда қўяр уясин.
Қўлни шамол учирса,
Куйиниб йиғлар онаси.

Зарғалдоқ қуш боласи.
Сойда қўяр уясин,
Сой бошида сел келса,
Сарғайиб йиғлар онаси.

Япалоқ қуш боласи,
Жарга қўяр уясин,
Жар бошидан сел келса,
Ётиб йиғлар онаси.

Майда қилган гўзаллар,
Тоғнинг бағрин кезарлар.
Тоғнинг бағрин сел келса,
Ўрдак бўлиб сузарлар.

Майда-майда Мойбарак,
Сийна билан Ойбарак,
Ойбарак устида Сийна,
Қизлар қўйишди хина,
Хина қўйган қизларнинг
Юрагида йўқ гина.

Қабадиян кўрғони, майда-ё, майда,
Беклар минар йўрғани, майда-ё, майда,
Кўр оқсоқол жўнади, майда-ё, майда,
Майдагулни кўргани, майда-ё, майда.

Қабадиян кўриғи, майда-ё, майда,
Қайнаб битта тариғи, майда-ё, майда,
Майда гул бўбди бувоз, майда-ё, майда,

Қалай бұлар тұриғи, майда-ё, майда.

Майдагул кетди чол билан, майда-ё,
майда,
Баланд қия йұл билан, майда-ё, майда,
Келинг икков кўришайлик, майда-ё,
майда,
Ноз хинали кўл билан, майда-ё, майда.

Пас-паскина тепанинг, майда-ё, майда,
Тевараги хас экан, майда-ё, майда,
Совчи қўйдим бермади, майда-ё, майда,
Отанг курғур пас экан, майда-ё, майда.

Севилмаган майдагул, майда-ё, майда,
Севганига йўлиқар, майда-ё, майда,
Отилмаган оқ айик, майда-ё, майда,
Мерганига йўлиқар, майда-ё, майда.

Ёргичоқ кўшиқлари

Ёргичоқ торта-торта,
Нортуялар қулоқ солиб ўтади,
Карвон билан ризқи-рўзимиз олиб,
Эсон-омон оғажоним қайтади.

Арпа экиб, буғдой экиб чош этай,
Дарғаларнинг кўнгилларини ғаш этай,
Тўрт томонимга қозонлар қуриб ош
этай,
Ош устига укаларим бош этай.

Укажоним кичкина муштдаккина,
Отга минса қарчиғай қушдаккина,
Бўйлари етмайди отнинг белига,
Ўзим бўлай тилла қамчи қўлига.

Осмондаги ой бўламан, укажон,
Шарқираган сой бўламан, укажон,
Ёргичоқнинг унидан нон пишириб,
Сенлар билан бой бўламан, укажон.

Ёргичоқни санночи булбул қуши,
Дугона, дугонанинг кўнгил хуши,
Дугона дугонага қилмаса вафо,
У ҳам бир вайронаи кўнгил хуши.

Дугона қайға борайапсан, элакка,
Олти каптар келиб кўнди теракка,
Олти каптар овозингдан ўргилай,
Қулфи занжир дарвозангдан айланай.

Қулфи занжир дарвозанг тилламиди,
Ичидаги ўғил-қизи мулламиди,
Мулла бўлса, ўқисин биз кўрайлик,

Орқа сочин тарасин, биз ўрайлик.

Ёргичоқни тақ-тақажон дейдилар-о,
Тегирмонни роҳатижон дейдилар-о,
Ёргичоқдан терлаб чиққан бандаман-о,
Хўжахайрон, бўйни йўғон дейдилар-о.

Ёргичоғим устида бош айланур-о,
Бодом қовоқ устида қош айланур-о,
Бойга тушиб бахтсиз бўлган
дугонажон-о,
Сени кўрсам кўзимга ёш айланур-о.

Ёргичоқни торта-торта толаман-о,
Эрта туриб дугонамга бораман.
Бўз қўйлагинг ойи борми, дугона-ё,
Дардлашгани сириг борми, дугона,
Кунда-кунда бозор қараб борасан-о,
Севиб қолган ёринг борми, дугона.

Дугона дугонага гул юборар,
Отини булбулдан айтиб юборар,
Оти булбул, сочи сунбул дугонам-о,
Таги жигар қизил гулдан юборар.

Ёргичоғим гулдур-гулдур,
Бўғзинг тўла оппоқ ундир,
Бой бобонинг хонадони
Иккимизни ейдур-ейдур.

Осмонда бор бир юлдуз важиллайди,
Ёргичоқ тортган қўлим жазиллайди,
Етти йиллик бир дардим бор ёзилмайди
Қўлим эмас, бедаво қалб жазиллайди.

Қулоқ солай, овоз чиқар, ёргичоғим,
Муллалар айтган азондай, ёргичоғим,
Бой қорнининг катталиги, ёргичоғим,
Маърақадаги қозондай, ёргичоғим.

Ёргичоқ тортмас эдим,
Оч қолганимдан тортаман,
Сабзавон айтмас эдим,
Куйганларимдан айтаман,
Куйганим, куйдирганинг
Ҳар жойга борсам айтаман.

Ёргичоқдан рўзғоримда ун бор экан,
Гўзал қизнинг юзида нур бор экан,
Гўзал қизнинг бетида нур бўлса-я,
Оқ юзига куёш ҳам хуштор экан.

Ёргичоқ ялпоқкина,
Ун қилар оппоқкина,
Ёргичоқ хир-хир этар,

Муштдаккина хамир этар.

Икки тошу бир санноч,
Қонимни сўрар ёрғичок,
Ёрғичок торта-торта
Толди қўлим,
Икки тош орасида
Қолди қўлим.

Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар ***Қўй боқиш***

Тоғларнинг боши қобилда,
Қобилга қўйлар жобилда,
Садафгина тўгилди,
Астароқ ҳайданг сабилди.

Ҳаво бир ёғар тов-товга,
Йилқилар кирди матовга,
Ўн беш ёшли бир қизгина,
Йиғлаб-а кирди ўтовга.

Қўй ҳайдадим қайирга,
Қўйним тўлиб туюрга
Бориб бир айтинг қизларга,
Бизни бир кўрсин уюрга.

Тоғларга чикдим тақиллаб,
Қовурғаларим шақиллаб,
Ҳар бир қизларни кўрганда,
Ўла берғойдим ҳикиллаб.

Чўпонлар қўй боқади нола қилиб,
Чўпонга қиз берманглар зоя қилиб,
Чўпонга қиз берсангиз зоя қилиб,
Чайдаман олар кетар пана қилиб.

Эламон-а, эламон,
Эчки боқиб келаман,
Шўрдан шоғол ўтдими,
Думи лойга ботдими,
Гул бутанинг тагида
Ғазал айтиб ётдима!

Турей-турей қўшиқлари

Эсли молим, оқилим, турей-турей,
Елкамдаги кокилим, турей-турей,
Шунча молинг ичида, турей-турей,
Боғда очилган гулим, турей-турей.

Чаланадан маъраб, турей-турей,
Ёриб чиққан боланг-ку, турей-турей,
Юролмай эсанкираб, турей-турей,
Бўйнинг тутган боланг-ку, турей-турей.

Қўй ичида қорасан, турей-турей,
Ақллисан, доносан, турей-турей,
Агар боланг олмасанг, турей-турей,
Бозорларга борасан, турей-турей.

Болагинанг оқкина, турей-турей,
Уйқулари соқкина, турей-турей,
Агар боланг олмасанг, турей-турей,
Сағирдир бебоқкина, турей-турей.

Тоғларга бор қув олма, турей-турей,
Совди бўлгин сув олма, турей-турей,
Болангнинг йўқлигини, турей-турей,
Кўнглинга оғир олма, турей-турей.

Сенинг боланг ўлибди, турей-турей,
Кади боланг ўлибди, турей-турей,
Кўзингдаги ёшларинг, турей-турей,
Юзингдан ирғалибди, турей-турей.

Тоғларда бор олича, турей-турей,
Совдилар бўл бу йилча, турей-турей,
Келар йили жонивор, турей-турей,
Сен кўрарсан бекбачча, турей-турей.

Тоғларда бор гулхайр, турей-турей,
Оқ сутингни қил ҳайр, турей-турей,
Келар йили тукқанинг, турей-турей,
Бўлсала Зухра-Тоҳир, турей-турей.

Совди бўлиб совдиргин, турей-турей,
Совса кади тўлдиргин, турей-турей,
Бунча куйма жонивор, турей-турей,
Тақдирингни кўндиргин, турей-турей.

Болалигинг боғи бор, турей-турей,
Боласизнинг доғи бор, турей-турей,
Ким куймайди болага турей-турей,
Юрагида чўғи бор, турей-турей.

Болалилар бозорда-ё, турей-турей,
Боласизлар ҳазарда-ё, турей-турей,
Куни тўлиб ўлганлар, турей-турей,
Яна чиқмас мазорда-ё, турей-турей.

Болалилар бош бўлар, турей-турей,
Боласизлар ёш бўлар, турей-турей,
Келар йили тукқанинг, турей-турей,
Ўзингга йўлдош бўлар, турей-турей.

Агар боланг олмасанг, турей-турей,
Икки итни қўшарман-а, турей-турей,
Молдан олдин келмасанг-а, турей-турей,
Бўриларга берарман-а, турей-турей.

Ол болангни жонивор-а, турей-турей,
Сол мехрингни жонивор-а, турей-
турей,
Ёна ерда ётганда-я, турей-турей,
Ёнингда ўйнар шул боланг-а, турей-
турей.

Оқил бўлсанг англагин-а, турей-турей,
Кулоқ солиб тинглагин-а, турей-турей,
Агар боланг олмасанг-а, турей-турей,
Бева жонинг хазарда-я, турей-турей.

Қўй соғаман қўшоқда, турей-турей,
Қўй ишқи менга ёққан, турей-турей,
Қўй сутини ичганлар, турей-турей,
Кундан-кун шифо топган, турей-турей.

Токқа битар болдирғон-а, турей-турей,
Бойлар кўпни ёндирган-а, турей-турей,
Яйловингни ёв олди-я, турей-турей,
Савлатингни сув олди-я, турей-турей.

Чурей-чурей қўшиқлари

Ол болангни жонивор-а, чириё,
Маъраб-маъраб келаға-я, чириё,
Молдан олдин келмасанг-а, чириё,
Уйдан кетмай қўяқол-а, чириё.

Молда билинар қашқанг-а, чириё,
Борма-ё бундан бошқанга, чириё,
Ёна ерда ётганда-ё, чириё,
Ёнингда ўйнар жон боланг-а, чириё.

Соқолинг бор бир тутам-а, чириё,
Ёки бўлдингми кўсам-а, чириё,
Бўлган бўлсанг кўсам-а, чириё,
Бўлади сени сўйсам-а, чириё.

Шохларинг бор бир минор, чириё,
Минорга кушлар қўнар, чириё,
Боланг олиб искасанг, чириё,
Қуюнган юрагинг қонар, чириё.

От оёғин от босар, чурей-чурей,
Оқ юзингни гард босар, чурей-чурей,
Агар шуйтиб соғдирмасанг, чурей-чурей,
Қассоблар бутингдан осар, чурей-чурей.

Оғзигинангда ўтинг бор, чурей-чурей,
Елингинангда сутинг бор, чурей-чурей,
Серсоколим жонивор, чурей-чурей,
Керилиб турган бутинг бор, чурей-чурей.

Болагинанг бахтингдир, чурей-чурей,
Уни олиб ухлагин, чурей-чурей,

Болалилар маърашар-а, чурей-чурей,
Боласизлар қарашар-а, чурей-чурей.

Ёна ерда ётгансан-а, чурей-чурей,
Чаланага ботгансан-а, чурей-чурей,
Ўзинг боланг билмасдан-а, чурей-
чурей,
Ўзгалабсан жонивор-а, чурей-чурей.

Эшик олди гулҳовуз, чирия,
Эчки боқиб келган қиз, чирия,
Юз минг товланиб уйдан чиқди, чирия,
Сочи тўлғаниб сулув, чирия.

Эниб келдим элларингдан, чирия,
Чанқаб-чанқаб чўлларингдан, чирия,
Хумор тутиб бир ушласам, чирия,
Хипча нозик белларингдан, чирия.

Минган отим сурма йўрға, чирия,
Жилови бўш, ўзи бурма, чирия,
Намойишга кийиниб чиқар, чирия,
Гулгун қўйлак, бели бурма, чирия.

Оқ юзинг қордай бўлиб, чирия,
Уйдан чиқсанг ойдаи бўлиб, чирия,
Зулпақкинанг эшилибди, чирия,
Чўпон эшган чилвирдай, чирия.

Тикрайган қулоғи бор,
Чашмадек булоғи бор,
Ичда эгиз улоғи бор,
Олгин, шу эчким яхши эчки.

Ўйнайди дарбознинг бўз оти,
Қаймоқлари лаззатли,
Ўзи ола эчким хоназоти,
Олгин, шу эчким яхши эчки.

Ўтлар чиқиб гуркирайди,
Ҳаволар ёғиб буркирайди,
Эчким бадани диркирайди,
Олгин, шу эчким яхши эчки.

Сувга солсам ўлади,
Ўтга солсам тўяди,
Кавоб қилсам қуяди,
Олгин, шу эчким яхши эчки.

Шохи тикка ўсгандир,
Қалласин қассоб кесгандир,
Ўз оёғидан ўзи осгандир,
Олгин, шу эчким яхши эчки.

Хўш-хўш қўшиқлари

Зангги бобо боққаним,
Момо ҳаво соққаним,
Емишинг кўп бўлгин хуш,
Говмиш молим хўш-хўш.

Сенинг сутинг элхайр,
Эганг сен билан бойир,
Тўртовидан тирқираб,
Эмчак сутинг сиркираб,
Сен келибсан айни туш,
Говмиш молим хўш-хўш.

Сени сийлаб боқайин,
Кўзмунчоклар тақайин,
Қуралай кўз говмишим,
Туёқлари кумушим.
Зотли молим хўш-хўш,
Сутли молим хўш-хўш.

Зотдорим ола таним,
Отингни қўйдим санам,
Говмиш молим хўш-хўш,
Зотдор молим хўш-хўш.

Хўш-хўшласам иясан, хўшей-хўшей,
Ковшабгина турасан, хўшей-хўшей,
Анграймагин жонивор, хўшей-хўшей,
Сен болангга тўясан, хўшей-хўшей.

Тоғда олқар ўтинг бор, хўшей-хўшей,
Оқар булоқ сутинг бор, хўшей-хўшей,
Сўлохмондай жасадда, хўшей-хўшей,
Хурма-хурма сутинг бор, хўшей-хўшей.

Тоғда олқар ўтингни, хўшей-хўшей,
Унитмагин, жонивор, хўшей-хўшей,
Ийиб турган сутингни, хўшей-хўшей,
Қуритмагин, жонивор, хўшей-хўшей.

Хўшим, молим, говмишим,
Эмчакларинг совмишим,
Оралаб единг ўтингни,
Ийиблар бергин сутингни.

Тутакўлда ўтинг бор,
Қозон-қозон сутинг бор,
Олти молим, хўш-хўш,
Зотли молим, хўш-хўш.

Сени ҳайдаб боқайин,
Кўз туморлар тақайин,
Нормуродим фели бўш,

Говмиш молим, хўш-хўш!

Хўш-хўш дейман ола бош,
Кўзинг ўткир қаламқош,
Қалам қошинг сузилсин,
Сутинг ерга сизилсин.

Хўш-хўш жонивор қўнғир,
Сутинг оқади шир-шир,
Олти хурма қўлимда,
Ийиб сут билан тўлдир.

Хўш-хўш сардорим сори,
Ким айтар сени қари,
Олти қизни толдирган,
Сут бердинг совган сари.

Хўш-хўш дейман қора бош,
Ўзинг қўйлардан ювош,
Ичиб адо қилолмас,
Сояда олти ҳовош.

Одам ота боққаним, хўш-хўш,
Момо ҳаво соққаним, хўш-хўш,
Хўш-хўшласам жўшиган, хўш-хўш,
Дарё бўлиб оққаним, хўш-хўш.

Сой ёкалаб ўтлаган, хўш-хўш,
Боласини йўқлаган, хўш-хўш,
Бири ўлса жонивор-а, хўш-хўш,
Бўкиришиб йўқлаган, хўш-хўш.

Ўйлаб турсам хўшинг бор, хўш-хўш,
Сўфидай товушинг бор, хўш-хўш,
Болангни чақирасан, хўш-хўш,
Бир одамча эсинг бор, хўш-хўш.

Кади-кади тўлдиргин, хўш-хўш,
Сутлигингни билдиргин, хўш-хўш,
Икки қиз соға кетса, хўш-хўш,
Билагини толдиргин, хўш-хўш.

Икки шохинг каддангда, хўш-хўш,
Ювош дейди холангни, хўш-хўш,
Нимага тайсаллайсан, хўш-хўш,
Танимайсан болангни хўш-хўш.

Жонивор мени кўргин, хўш-хўш,
Кавш қайтар, жим тургин, хўш-хўш,
Хурмаларинг тўлдириб, хўш-хўш,
Ийиб сутингни бергин, хўш-хўш.

Хулкар тарози оғар, хўш-хўш,
Севганим сигир соғар, хўш-хўш,
Сигир соғар ийдириб, хўш-хўш,
Сочини ерга тойдириб, хўш-хўш.

Кади-кади сут бергин,
Кади боғи узилсин,
Қатикларинг жонивор,
Турумларга сузилсин.

Чўпонлар сени боқсин,
Қўйга қўнғироқ таксин,
Ийиб бергин сутингни
Дарёдай тошиб оқсин.

Кадимни келтирарман,
Болангни кулдирарман,
Алаймаган жонивор,
Қўзингни қолдирарман.

Ола сигир ол дейди,
Иссиқ жойга сол дейди,
Ола сигир сутини,
Асал билан бол дейди.

От ҳақида

Отни боқсанг қашиб боқ,
Емини емига қўшиб боқ.
От кунингга ярайди,
Сендан арпа сўрайди.

Туя чўкди жой олди,
Оёғига лой олди.
Тургин туям, қор ёғди,
Нобуд қилдинг бор-йўғди.

Қатра лойдан ўтолмай,
Балчикқа ботган отим,
Олти ботмон арпа еб,
Тиррайиб қотган отим.

Менинг ҳолимга куласан,
Қуруқ тўрвани иласан,
Ичида бор чангал сомон,
Токай мен ҳам юрган бўлай.

Арпа бердим деб ёлғон,
Қайдан бўлсин менда дармон,
Боз айтасан, ётиш ёмон,
Токай мен ҳам юрган бўлай.

Ёпикқинамни ўясан,
Ярамга пахта қўясан,
Юролмай қолсам сўясан,
Токай мен ҳам юрган бўлай.

Ҳеч бир адо бўлмайдиган иш,
Ишдан кейин дейсан тутиш,

Қиш бошланса бўлмай емиш,
Токай мен ҳам юрган бўлай.

Бир тўнқариб ёғса ҳаво,
Тошдай қотиб мен бенаво,
Бир уйни кўрмайсан раво,
Токай мен ҳам юрган бўлай.

Нимча кепакни иласан,
Уни емасдан оласан,
Мен ишга ярамасам,
Сўнгра очликдан ўласан.

Отсан, жонивор, отсан,
Рўзғор учун қанотсан,
Олисни олдирасан,
Уйимга келтирасан,

Жониворим, жонивор,
Бир одамча меҳринг бор.
Рўзғор учун доимо,
Қўлтиқда қанотинг бор.

Хизмат қиласан менга,
Ем берайин мен сенга,
Бир кунлик меҳнатимиз,
Ҳилла бўлди бир танга.

Бул сағрингга қарайман,
Куёвли қиз ёткидай,
Бурнингдан чиққан дамингга,
Каррак босса ёнгидай,
Қулоғинг орасидан,
Қўш тегирмон ўтгидай.

Бали-бали болинг бор,
Минг туморли норинг бор.
Жасатингга қарайман,
Чопадиган ҳолинг бор.

Бурни катта дамламас,
Пой қадами емламас,
Қирқ кун чопсанг жонивор,
Чиргилигинг терламас.²²

²² Бойчечак. Болалар фолклори. Меҳнат қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Қўп томлик. Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984. 272-307-бетлар.

Ўрмак кўшиқлари гилам тўқиш пайтида ижро этилган. Маълумки, ўзбек гиламлари ва шолчалари гул безакларининг ранг-баранглиги, мураккаб чизгиларга бой эканлиги, ўзининг пишиқ-пухта тўкилиши билан шуҳрат топган эди. Деярли ҳамма вилоятларда аёллар тўқиган гиламлар ҳам турмушга узатиладиган қизларга сеп, ҳам рўзғордаги бирон камчиликни тўлдириш воситаси бўлган. Кўшиқ эса ана шундай мураккаб жараёни енгиллатган. Агар бир ўринда бу хунарнинг азоби баён этилса, иккинчи ўринда тўғридан-тўғри ҳис-туйғу ўз ифодасини топган:

*“Ўрмагимга ўрай-ё,
Мен бошимга қарай-ё,
Ўрмаккинам унгин деб,
Энди сендан сўрай-ё”.*

Бошқа бир тўртликда эса оммавий муаммолар ҳам кўшиқчи диққат марказида турган:

*“Ўрмагим ётибди ўралиб,
Мен юрибман керилиб,
Қайнонам қарамайди,
Ўрмагимга ўйрилиб (ўғирилиб, қайрилиб)”.*

Бўзчи косиблар соатлаб бир хил кўл ва оёқ ҳаракатлари билан шуғулланганлар. Улар бу ҳаракатларга шу қадар ўрганиб кетган эдиларки, бўз тўқийдиган қурилма дўкон бўлмаса ҳам кўллари бевосита айнан ўша шаклларни ҳосил қилаверади даражага етганди. Шунинг учун бўзчи кўшиқ, айтганида ёки аскияга кўшилганида ўзини жуда эркин тутган. Натижада кўшиқ, айтишдан бўзчи эстетик қониқиш ҳосил қилган:

*“Бўз тўқийман, қирошни ўхшатиб,
Мокки отаман қулгинамни қақшатиб,
Бозордаги шоҳилардан яхшироқ
Нафисдан ўхшаган бўзим яхшидир”.*

Юқоридаги кўшиқда бўзчининг ўз меҳнатига баҳо бериши ҳам ифодаланган, дейишимиз мумкин. Маълумки, бўз пахта ипидан тўқилган. Бундай матони одатда камбағал, иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланмаган одамлар сотиб олганлар. Бўзнинг пишиқ, ва айни пайтда майин чиқиши бўзчи маҳоратига боғлиқ бўлган. Узилган ипни ўша заҳоти улаш, моккини усталик билан отиш мато тўқийдиган қурилма дўконни бир маромда ишлатиш маҳсулотнинг сифатли чиқишини таъминлаган. Бинобарин, бўзчи ҳам иш фаолиятига зеҳн билан қарашга, ҳам кайфиятини яхши тутишга уринган. Аммо турмуш ташвишлари унга ҳар доим салбий таъсир қилган. Қуйидаги кўшиққа ўхшаган намуналар ана шундай дамларда айтилган:

*“Дўкон уйга кирсам, танам қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсам, яхшийдди.
Қариш тиллага кетса яхшийдди
Шундай менинг бўзим арзон кетарми”.*

Дўкон, яъни бўз тўқийдиган курилмали уйга киришданок кун бўйи қилинадиган машаққатли меҳнат азоби бўзчига тинчлик бермаган. Қиш кунлари эса қўл-оёқларининг ишлаши янада қийинлашган. Бундай кўнгилсиз вазият кўшиқларда акс этмаслиги мумкин эмасди.

Марғилон, Қўқон шаҳридаги кекса бўзчилар билан бўлган суҳбатларда улар бўз кўшиқларини доимий равишда хиргойи қилмасликларини ҳам қайд этганлар. Иш пайтида улар “Галдир”, “Омонёр”, “Сумбула” каби кўшиқларни, аския пайровларини айтишар экан. Бу ҳолат бошқа меҳнат соҳалари билан шуғулланувчи одамлар учун ҳам тааллуқлидир. Хусусан, гилам тўқийдиганлар фақат ўрмак, ип йигирувчилар фақат чарх кўшиқларини айтишган экан, деган тасаввур ҳосил бўлмаслиги лозим. Уларнинг ҳар бири ўзига ёққан кўшиқни хиргойи қилган. Аммо бари бир табиатан шеър тўқий оладиган туғма шоир одамлар ўз касбларига атаб кўшиқ яратганлар.

Шундай қилиб, меҳнат кўшиқлари ҳақида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Меҳнат кўшиқлари қайси мавзуда яратилганидан қатъи назар лирик асарлар ҳисобланади. Уларда кўшиқчининг ҳаётий воқеаларга бўлган муносабати ҳис туйғулар орқали акс этади.

Халқимизнинг меҳнат қилиши, чорвачилик, деҳқончилик, касб-ҳунар билан шуғулланиши қанчалар тарихий бўлса, кўшиқнинг яратилиши ҳам шунчалик тарихийдир.

Турли соҳадаги фаолият билан шуғулланган аждодларимиз машаққатли ва зерикарли меҳнат жараёнининг самарасини ошириш мақсадида махсус ўз касб-ҳунарлари билан боғлиқ кўшиқлар куйлаганлар.

Меҳнат кўшиқларида турли ҳайвонларни ва иш қуролларини эркалаш, уларга мурожаат қилиш, уларни жонлантириш хусусияти етакчилик қилади.

Меҳнат кўшиқларининг тили содда, қуйи енгил, фикрни ифодалаш усули оддий бўлиб, асосий мақсад иш фаолиятини осонлаштириш, кўшиқ айтувчи шахс руҳий ҳолатини кўтаришга қаратилган бўлади.

Мавзуга доир мисоллар:

Ўрмак тўқиш кўшиқлари

Ўрмагим ётибди ўралиб,
Мен юрибман керилиб,
Қайнонам қарамайди,
Ўрмагимга уйрилиб.

Ўрмагимни тўқийман,
Кеча-кундуз нўқийман,
Қачон тамом бўлади,
Деб ашула тўқийман.

Одарғим ошиб келгин,
Қиличим шошиб келгин,
Шу ўрмагим бўлгунча,
Ғайратим тошиб келгин.

Ўрмагимни ўрай-ё,
Мен бошимга қарай-ё,
Ўрмаккинам ўнгин деб,
Энди сендан сўрай-ё.

Чарх қўшиқлари

Чархгинам ул пояси, бул пояси,
Лалмидан кўринади ёр сояси,
Лалмидан кўринса ёрнинг сояси,
Ўзим бўлай оқ салласин сепояси.

Чархгинам сарпараси саккиз тугун,
Саккиз ой кетган оғам келсин бугун,

Саккиз ой кетган оғам келса шу кун,
Қўй сўйиб майлис қилайлик шу бугун.

Чарх йигира – чарх йигира, ҳоридим,
Ҳориганимдан дугонамга боридим,
Дугонам ойна эди, ман нор эдим,
Дугонамни бир кўрмоққа зор эдим.

Чарх йигира-йигира қўлим толибди,
Менинг ойнам кўл бўйида қолибди,
Ёрнинг ойналари холли қўлинда,
Менинг ойнам саргардонлик йўлинда.

Чарх йигириб чўзиб солдим дукка,
Ёр келди деб югуриб чикдим якка,
Ёр соғинган ёмон экан, янгажон
Ичим тўлди ғусса билан куюкка.

Мавсум-маросим қўшиқлари халқ поэзиясининг таркибий қисмини ташкил этади. Бу қўшиқлар халқимизнинг қадимий оммавий байрамлари, оилавий расм-русумлари билан боғлиқдир. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асаридан маълум бўлади-ки, мавсум ва маросимларга оид халқ қўшиқларининг тарихи қадим ўтмиш замонларга бориб тақалар экан. Шу пайтлардан буён мавсумлар алмашди, маросимлар муттасил ўтказилди. Бу маросимларда қўшиқлар айтилди.

Дунёда бирорта халқ йўқки, турли муносабатлар билан оммавий байрамларни нишонламасин. Мавсумлар, диний эътиқодлар, тарихий воқеа-ҳодисалар, миллий удумлар халқ байрамлари мазмунини ташкил этади. Бинобарин, байрамларнинг ўтказилишига қараб, улардаги сўз билан боғлиқ лавҳалар мундарижасига қараб ўша халқнинг тарихи, миллий хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Чунки бундай халқ шодиёналарида рақсга тушилади, қўшиқлар айтилади, миллий либослар кийилади, турли ўйинлар ўйналади, таомлар пиширилади, томошалар уюштирилади.

Олимларнинг маълумот беришларича, мавсум маросимга оид ўзбек халқ байрамларининг тарихи минглаб йиллар билан ўлчанар экан. Уларнинг айримлари йил фасллариинг қулай ёки ноқулай келиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, йил куруқ келиб, ёмғир ёғмаса “Ёмғир чақириш” маросими (“Суст хотин”); буғдой, шоли бошоқлари етилган пайтда шамол уларни пайҳон қилса, шамол тўхтатиш (“Чой момо”); дон маҳсулотларини шопириш пайтида шамол бўлмаса, шамол чақириш (“Ё, Ҳайдар”); йил совуқ келса, қуёшга топиниш; умуман, омадсиз йилда қурбонлик келтириш маросимлари ўтказилган. Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида “Наврўз”, “Рамуш

оғам”, “Бобохвора” каби ўндан ортиқ мавсум-маросим байрамлари хусусида маълумот берилади. Халқимиз тарихий ва кейинчалик пайдо бўлган байрамлардан ҳозирги пайтда қуйидагиларни нишонлаётганини қайд этиш мумкин:

1. **Мустақиллик байрами** – Ўзбекистан Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши нишонланадиган кун.

2. **Меҳржон** – қуёш маъносини англатиб, кун ва туннинг куз фаслидаги тенг келишида нишонланади.

3. **Ийд рамазон** – рўза ойининг тугалланиши муносабати билан нишонланадиган байрам.

4. **Ийд қурбон** – ийд рамазондан 70 кун кейин қурбонлик келтириши маросими.

5. **Наврўз** – янги кун, яъни янги йилнинг бошланиши.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари халқ қалбидан ўрин олган сумалак, қулупнай, гилос, қовун сайилларида ҳам юртдошларимиз гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўнгил очиш йиғинларини ўтказганлар ва ўтказмоқдалар.

Умумхалқ байрамлари билан бир қаторда оилавий маросимлар (тўйлар ва аза) ҳам ўзбеклар маиший ҳаётида муҳим ўринга эга. Оилавий доирада ўтказиладиган бу расм-русумларнинг ҳаммасида қўшиқ жўрлиги ёнма-ён туради.

Собиқ совет тузуми даврида халқ қадриятлари қатори сўзнинг мўъжизавий қувватини инкор этиш одати анъана тусига кирган эди. Руҳий дунёнинг мураккаб сир-синоатлари мутлақ инкор этилар эди. Натижада халқимизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган ёмғир чақириш, шамол тўхтатиш, шамол чақириш, қурбонлик қилиш орқали мушкул вазиятни юмшатиш каби мавсум ва маросим амалларига нописандлик муносабати пайдо бўлганди. Аммо ҳамма гап шундаки, юқорида номлари қайд этилган маросимларнинг урф-одатлар сифатида мукаммал ўтказилиши халқ ҳаётида ижобий натижалар берган. Шунинг учун ҳам халқимиз мавсум ва маросим одатларига катта ҳурмат билан қараган ва уларни муттасил равишда ўтказиб келган.

Мавзуга доир мисоллар:

Мавсум ва маросим тароналари

Қиш таърифида

Қор ёғди гупиллатиб,
Қор бобо тўқиллатиб,
Кириб келди мактабга
Соқолин селкиллатиб.

Қирлар усти сирпанчик,
Яйраб конки учамиз.

Жаҳл қилса қиш бобо
Ўйимизга қочамиз.

Лайлак қор-а, лайлак қор,
Лайлак қорга ман хуштор.
Кийдирар кенг даламга
Оқ ипакдек кўйлак қор.

Дехқонларга тилак қор,
Гоҳо мени қувалаб,
Уйга киритар тентак қор.

Қорбобо келди
Югуриб, елиб,
Оқ кўрпасини
Оламга ёйиб.
Болалар ўйнар
Қорбобо қилиб,
Югурар чоллар
Қокилиб-суқулиб.
Кампирлар бақирар:
-Нега чопасан?
-Бобони кўргани!..

Баҳор таърифиди

Чаман-чаман очилар
Баҳор чоғи гуллола,
Гулни яхши кўради,
Катта-кичик – ҳар бола.

Ана, ана гуллола-е, гуллола,
Очилипди гуллола-е, гуллола,
Келинг, теринг, гуллола-е, гуллола!

Ҳилолажон, Ҳилола,
Тоғ боши тўла лола.
Қани, чиқиб бир дона
Териб олинг-чи бола.

Келди баҳорнинг ёмғири
Нағмаю шарру шур қилиб.
Шуласини ярақлатиб,
Чакмоғини чарақлатиб,
Келди баҳорнинг ёмғири
Нағмаю шарру шур қилиб

Кетган қушлар узокдан
Яна бизга қайтади,
Куртак очган шохларда
Сайраб қўшиқ айтади.

Отқулоғу отқулок,
Тагида ўйнар булок.

Бойчечак

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди.

Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,

Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!

Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар.
Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!

Оғритманг-о, оғритманг,
Болаларни жавратманг,
Бойчечагим боласи,
Қулоғимда донаси,
Донасин олай десам,
Чиқиб қолди онаси.

Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!

Бойчечагим бойланди,
Кўчама-кўча айланди.
Бойчечагим кўк сомса
Чўнтакларга жойланди

Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди

Қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак!
Сен бизларнинг тўнғич гўзал қизимиз,
Бизга қараб жилмайсанг-чи, хой, чечак!

Бойчечагим боласи,
Қулоғида донаси.
Донасини олайлик,
Югуриб чиқсин онаси.
Бойчечагим, бойчечак,
Қўлимда кўп бойчечак.
Бойчечагим, бойчечак,
Тердим тўла бир этак.
Бойчечагим аслидир,
Баҳор фаслин васфидир
Бойчечагим, бойчечак,
Қўлимда кўп бойчечак.
Бойчагим ҳиллолик,
Ҳамён-ҳамён тиллолик.
Ҳамма бозор – бир бозор,
Теварак чети лолазор.

Бака-бака-бум, бойчечак,

Бака-бака, бой тилла.
Боряптилар бой билан,
Қуён қочди той билан.
Қозонга ёғ солдингизми?
Уйма чўзма қилдингизми?
Уймангиздан уйиб олдик,
Чўзмангиздан чўзиб олдик.

Бойчечагим ҳиллодир,
Ҳамён-ҳамён тиллдир,
У бозору бу бозор,
Ўртасида лолазор.
Лолазор хазон бўпти,
Имомкул имом бўпти,
Бака-булду-банг, бойчечак.

Оппоқжон

Оппоқжон дастидан
Қизил гул очилди.
Қизил гулнинг хумчаси
Оппоқжоннинг бачаси.
Оппоқжон ўлибди,
Кўк кўйнакни кийипти,
Оқ кўйнакни ёппити,
Олма минан отипти,
Юмалата ётипти.

Гунафша

Гунафша очилди.
Тўрга бодом сочилди.
Гул бодомни тергунча,
Қанотларим қайрилди,
Қанот берган худойим,
Остонангга чиқойим,
Остонангни оқ тоши-
Янгамнинг қалам қоши.
-Янгам сану янгам сан,
Иштон бичиб билмайсан.
Иштонингни кўтариб,
Хон олдида борарсан.
Хон олдида ниманг бор?
-Хон олдида отам бор.
-Отангни оти нима?
-Отамни оти Али.
-Жингир тепадан нари!
Жингир тепа қизлари,
Оппоқ-оппоқ юзлари.
Писта чақар билмайди,
Қарсиллатиб емайди.

Чучвара қайнайдир-о

Чучвара қайнайдир-о,
Очам менга бермайдир-о,
Бермаса бермасин,
Уйимга кирмасин,
Элагим олмасин,
Нонимни емасин,
Ариқнинг бўйи терганчук
Терганиб кетманг, жон келин.
Қайнонангиз уришқоқ,
Уриша кетманг, жон келин.
Читти гул, читти гул,
Этагингизга гул босдим.
Қўлинг қўлбоғда бўлсун,
Белинг белбоғда бўлсун.
Ҳа-ю, читти гул.
Ҳа-ю!

Чучвара қайнайди-я,
Очам менга бермайди-я,
Бермаса бермасин-а,
Бизнинг уйга кирмасин-а.
Ошимиздан ичмасин-а,
Бизни уришмасин-а.

Тушбера қайнайди-ё,
Қозонда ўйнайди-ё,
Ўйнаса ўйнасин-эй,
Қайнаса қайнасин-эй,
Дўстлар меҳмон бўлсин-эй,
Қувончларга тўлсин-эй!

Читти гул-э, читти гул,
Этагинга гул босай.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.
Қўлинг қўлбоғда бўлсин,
Белинг белбоғда бўлсин.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.
Тапур- тупур от келди,
Чиқиб қаранг ким келди?
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.
Аравада ун келди,
Чилдирмада гул келди.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.
Гул яхши-ю, гул яхши,
Гулнинг попуги яхши.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Ўртада ўйнаган қизнинг
Ҳайдар кокили яхши.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Ҳа қўзи, қўзи, қўзи,
Енглари йўрмадўзи.
Енглари олдилар,
Сандиқчага солдилар.
Сандиқчани бир тепдим,
Нукра бодом тўкилди.
Нукра бодом тергунча,
Қанотларим қайрилди.
Қанот беринг, учайлик,
Карманага тушайлик.
Кармананинг қизлари,
Қизил-қизил юзлари.
Олма берсам, олмайди,
Сақич берсам, олади,
Қарс-курс қилиб чайнайди,
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

-Дугон-дугон този,
Бугина кимнинг қизи?
-Шакарбойнинг қизи.
-Шакарбойда нима бор?
Учар-учар куши бор.
Учиб кетди ҳавога,
Қайтиб тушди дарёга.
Дарё суви қуриди,
Балиқлари чуриди.
Балиқларни олгани,
Тўрвачага солгани.
“Победа” минори келди,
Бўйи чинори келди,
Ҳожияхонга бир қаранг,
Эғнида кўйлак пар-паранг!
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Читти гул-а, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.
Читти гулга гул босай,
Бир ёнида ён босай.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Қўлинг қўлвоқдан бўлсин,
Белинг белвоқдан бўлсин.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Дукур-дукур от келди,
Чиқиб қаранг ким келди?
Аравада ун келди,
Чилдирмада гул келди,
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Оқ шоли-ю, кўк шоли,
Оқ шолени оқлайлик,
Кўк шолени кўклайлик,
Яхши кунга сақлайлик.
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Ариқ бўйи тийғончиқ,
Тийғона кетманг жон келин,
Қайнонангиз уришқоқ,
Уриша кетманг, жон келин
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.

Ёз тарифида

Ҳа майли-ё, ҳа майли,
Тоғда ўсар гулхайри.
Боғда яна нима бор?
Ширин-шакар мева бор.
-Унда нима қиласиз?
-Кира қолинг, биласиз.
Ҳа майли-ё, ҳа майли,
Қилай боғу гул сайли.

Олма, анор, шафтоли,
Писта, бодом, кароли,
Олхўрию олчалар,
Чиллакию болчалар:
Бизни тўйиб енг, дейди,
Дардга биз шифо, дейди.

Шафтоли пишди,
Тагига тушди.
Хомини уздим,
Дадам уришди.

Ишқомда узум пишди,
Узумга кўзим тушди.
Чопиб бордим бир паста,
Ея бошладим аста.

Қуёш порлаб туриб, ёмғир ёққанда

Бўри бола туғди,
Овчи уни қувди.
Ушлолмай югурди,
Ёмғир уни ювди.

Пода ҳайдалганда...

Пода келар бош-бош,
Оёқлари нукра тош.
Нукра тошни олайлик,
Сандикчага солайлик.

Қўйим келди, қўйим келди,
Қўзиси билан қўйим келди.
Отим келди, отим келди,
Тойчаси билан отим келди.

Сойнинг суви чуқурдир,
Подачи бобом йўқдир.
-Молларни ким боқади?
-Подачи ўғли боқади.

Пода келди бош-бош,
Оёғида нукра тош.
Эчки келар ча-ча,
Оёғида бодомча.
Бодомчанинг изиман,
Отамнинг бой қизиман.
Отам мени ўқитди,
Орқа сочим тўкилди.
Отам шаҳар кетганда,
Чойнинг хумори тутди.

Ялинчоқлар

(Офтоб чикди)

Офтоб чикди оламга,
Югуриб бордим дадамга.
Дадам чаккамга урди:
-Онангга боргин, -деди
-Она, она, қорним оч.
-Қорнинг очса, чўпчак тер.
Чўпчак тердим бир кучок,
Нон ёпди ўчоқ-ўчоқ.
Ўғлига берди ўроқдек,
Менга берди тирноқдек.
Отиб урдим-да, кетдим.
Бориб бувимга етдим.

Офтоб чикди оламга,
Югуриб бордим бувимга.
Бувим бир танга берди,
Бувим чаккамга урди.
Чаккамнинг қони чикди,
Янгамнинг жони чикди.

Офтоб чикди оламга,
Югуриб бордим холамга:
-Хола, хола, қорним оч,

-Қорнинг очса, ўтин тер.
Ўтин тердим бир кучок,
Нон ёпди ўчоқ-ўчоқ.
Ўғлига берди елакча,
Менга берди тирноқча.
Тирноқчани отиб урдим,
Тилла бешикка тегди.
Тилла бешик тешилди,
Ҳали дадам келмасми,
Ўлдирхонга бормасми?
Ўлдирхонда нелар бор?
Оқ-оқина кушлар бор.
Кушлари учиб кетти,
Кучуги чўчиб кетти.
Оқина кучук ҳов-ҳов этар,
Қорни тўйса, юмалаб ётар.

Офтоб чикди оламга,
Югуриб бордим холамга:
-Хола, хола, кулча бер!
Холам деди:- ўтин тер,
Кейин югурдим қирга,
Ўртоғим билан бирга.
Ўтин тердик бир кучок,
Билмадик сира чарчоқ.
Холам қордилар хамир,
Кулча ёпди бир тандир.
Бизга кулча бердилар,
Пешонамиздан ўпдилар.
Офтоб чикди оламга- е,
Югуриб бордим холамг е!..

Ёмғир ёққанда

Ёмғир ёға бер,
Эчки бачангни боқа бер.
Ёмғир ёғибди...

Ёмғир ёғади,
Эски тўним ҳўл бўлади.
Момом кўчада,
Уйнинг ичи ҳўл бўлади!²³

²³ Бойчечак. Болалар фолклори. Меҳнат қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984. 101-115-бетлар

Ёмғир чақириш маросими одатда баҳор фаслида ўтказилган. Олимларнинг таъкидлашича бу маросимлар айниқса Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида оммавий тус олган. Айрим маълумотларга қараганда, ҳатто ёмғир чақириш одатимиз қадимги “Авесто”да мадҳ этилган, шарафланган, осмон сувлари тангриси Тиштрийанинг халқ ўртасидаги бошқача номланишидан иборат экан.

Дехқончилик ривожланган маҳаллий жойларда ёмғирнинг ўз вақтида бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Қурғоқчилик деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳолига катта кулфат келтирган. Шунинг учун одамлар сушт хотин мавсумий одатини топишган. Қизиғи шундаки, бу жойда истиқомат қиладиган юртдошларимиз сушт хотин маросими ўтказилгандан сўнг ҳафталаб ёмғир ёққани ҳақида ўнлаб мисоллар келтиришади. Шунинг учун ҳам халқ бундай маросимларнинг ўтказилишига пухта тайёргарлик кўришган, ҳар бир амалларга риоя қилишни одат тусига киритишган.

Сушт хотин қўшиғи шундай бошланади:

*“Сушт хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин!
Ёмғир ёғдир ҳўл бўлсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин”.*

Юқоридаги мисолдан маълум бўладики, кўшиқнинг бош мақсади ёмғир ёғдириш ҳомийси бўлган Сушт хотинга мурожаат қилиш орқали деҳқончилик учун қулай шароит яратишдан иборатдир. Кўшиқ давомида ёмғир ёғишидан қурғоқчиликнинг йўқ бўлиши, кузда ерга сепилган буғдойларнинг бош тортиши, яъни бошоқ чиқариши куйланади. Бу кўшиқда табиат манзараси билан алоқадор минералларни кўплаб учратамиз. Кўкламда одамларнинг ўйнаб-кулиши, шафтолиларнинг барг ёзиши, атроф майсалар билан безаниши, ажойиб гулларнинг очилиши тасвири орқали аجدодларимиз она юртга бўлган муҳаббатини ифодалаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас:

*“Ёмғир ёғди, ҳўл бўлди!
Еру жаҳон кўл бўлди!
Шафтолилар барг ёзди,
Сушт хотин сузма хотин”.*

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида яшовчи маҳаллий аҳоли “Сушт хотин” маросимига асосан аёллар тайёргарлик кўришини ва маросим иштирокчилари аёллардан иборат бўлишини алоҳида таъкидлайдилар. Албатта, бу маросимга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда маҳалла аёлларининг ўзаро янада яқинлашувини, бир-бирлари билан илиқ муносабатда бўлишларини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Мавсум-маросим кўшиқларидан “Чой момо” маросимида айтиладиган намуналар ҳам ўзларининг қадимийлиги билан эътиборга лойиқдир. “Чой момо” маросими деҳқон етиштирган ҳосилга зарар етказувчи тинимсиз давом этаётган қаттиқ шамолни тўхтатиш вақтида ўтказилади. Бу маросимни “Суст хотин” каби Ўзбекистон вилоятларида кенг тарқалган дея олмаймиз. Олимлар чой момо маросимини Чимкент вилоятининг Сайрам туманида кўпроқ ўтказилиб турилишини таъкидлайдилар. “Чой момо” маросимида асосан қуйидаги кўшиқ ижро этилади:

*“Чой, чой, чой момо,
Чой момоси ўлибди,
Ўғли етим қолибди,
Боса-боса беринглар.
Босилиб қолсин бу шамол.
Уга-уга беринглар,
Уғилиб қолсин қув шамол,
Обло-ҳу, обло-ҳу,...”*

Шамол чақириш маросими ҳам аجدодларимизнинг қадим замонларда ўтказган одати ҳисобланади. Бу маросим ҳақида фольклоршунос олим Б.Саримсоқов фақат битта кўшиқ сақланганини таъкидлайди. Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрат Алига Ҳайдар номи билан мурожаат қилинади ва шамолни қўйиб юборилиши сўралади:

*“Ҳайдар, ота-онанг ўлибдир,
Моли сенга қолибдир.
Боланг сувга оқибдир,
Шамолингни қўйвор”.*

Хуллас, “Ёмғир чақириш”, “Шамол чақириш”, “Шамол тўхтатиш” каби мавсумий кўшиқларнинг халқимиз орасида ҳозирги пайтгача яшаб келаётгани ҳам деҳқончилик касбининг ўзбекларда ҳам қадимийлигини, ҳам халқимизнинг аجدодлар яратган қадриятларига чексиз ҳурмат билан қарашини исботлайди. Аждодлар меросига эҳтиром билан муносабатда бўлиш эса халқимиз келажагига умид билан қарашимиз учун ишонч ҳосил қилади.

Ўзбек халқининг оғзаки ижодида оилавий маросимларнинг ўтказилиши ҳам назарда тутилган. Айниқса, тўй маросими, тўйлардаги ўлан айтишлар, ёр-ёрлар, келин саломлар поэтик ижодимизнинг мумтоз намуналари бўлиб қолган. Ёр-ёрлар матни билан танишар эканмиз, уларда ёш оиланинг келажакда бахтли бўлиши, оила кураётган ёшларнинг бири-бирига садоқатлилиги хусусида умидлар билдирилганлигига амин бўламиз. Ёр-ёрларда ёш йигит ва қизнинг янги ҳаёт бўсағасига қадам

кўяётгани алоҳида таъкидланади. Ҳаёт тажрибаси оилавий турмуш тотувликдан бошланса, ишонч етакчи бўлса, кейинги ҳаёт ҳам ёмон ўтмаслигини кўрсатган. Шунинг учун куёв-келиннинг иноқ турмуш бошлаши бу тур кўшиқларда қайта-қайта тилга олинади:

*“Шойи кўйлак энгига тут қоқайлик ёр-ёр,
Келин-куёв кўнглига ўт ёқайлик ёр-ёр”.*

Халқ кўшиқларини ёзиб олиш тажрибаси шуни кўрсатади-ки, ёр-ёрлар халқ орасида бошқа мазмундаги кўшиқлардан кенгрок оммалашгандир. Маълумки, халқ оғзаки ижодидаги ҳамма жанрлардан кўра кўшиқ ўзининг тез яратилиши билан ажралиб туради. Бу фикр ёр-ёрларга ҳам тааллуқлидир. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, шоирлик истеъдодига эга бўлган ёр-ёр ижрочиси тўйнинг ўтказилиш шароитига қараб, янги-янги тўртликларни тўқиб кетаверган. Натижада, айнан тўй ўтказилаётган пайтдаги вазиятлар ҳам кўшиқ матнида ўз ифодасини топган:

*“Қиш қунида совуқ еб,
ҳориб келдик ёр-ёр,
Аччиқ-тирсиқ керакмас,
Койиб келдик ёр-ёр”.*

Аммо ёр-ёрларнинг айрим-айрим намуналари қандай мазмунда бўлишидан қатъи назар охир-пировардида ёш оилага бахт тилаш анъана бўлган.

*“Тахта-тахта кўприк
Тахтинг бўлсин ёр-ёр,
Пайғамбарнинг қизидек
Бахтинг бўлсин ёр-ёр”.*

Тури лирик жанрга хос бўлган ҳис-туйғуларни ифодалаш жараёнида кўшиқ ижрочилари ўзларининг ҳаётларидан ўрин олган айрим нохуш ҳолатларни ҳам ифодалашдан тортинмаганлар. Бундай кўшиқ намуналарида қизнинг ёши катта одамга турмушга чиқаётгани, яшаш жиҳатидан жуда узоқ манзилга узатилаётгани каби лавҳалар ҳам ўз аксини топган:

*“Тўйда қизлар ўйнашиб,
Кўнгли тўлса, ёр-ёр,
Ёш бошига эр қилди,
Чол ҳам бўлса, ёр-ёр”.*

Ёки қуйидаги тўртликка эътибор беринг:

“Узоққа борган қизнинг

*Ранги сариқ, ёр-ёр,
Кўзидан оққан ёши
Мисли ариқ, ёр-ёр”.*

Аммо бевосита тўйнинг ўтказилиш шароитини кўз олдимизга келтирсак, чор-атрофда ўйин-кулгиларга эътиборнинг кучлилигини назарда тутсак, юқоридаги қўшиқларда акс эттирилган қайғу-аламлар тўй иштирокчиларига у қадар катта таъсир кўрсатмаслиги ҳам ўз-ўзидан равшан бўлади. Маросим қўшиқларидан ёр-ёрлар бир қатор бадий жиҳатдан мукамаллиги билан ажралиб туради. Хусусан, бу қўшиқларда параллелизм–тасвир санъатининг намоён бўлиши кўпроқ учрайди. *Параллелизм* деганда, тасвирланаётган бир воқеа-ҳодисани иккинчи бир воқеа-ҳодисага қиёслаш назарда тутилади.

Масалан.

*“Токчадаги қайчини
Занг босибди ёр-ёр,
Янги тушган келинни
Ғам босибди ёр-ёр”.*

Ёки:

*Тогда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим деб, ёр-ёр,
Уйда келин йиғлайди,
Ёт бўлдим деб, ёр-ёр”.*

Юқоридаги мисолларда токчадаги қайчининг занг босиши билан келиннинг ғам босиши, тойчоқнинг от бўлиб кишнаши билан қизнинг ўз оиласидан ёт бўлиб кетиши қиёслангандир.

Бундай тасвир санъати параллелизм ҳисобланади.

Ёр-ёр қўшиқларининг қофияланиш тарзи кўпинча аб, аб тарзда ва баъзан аб, вб тарзда бўлади.

Ёр-ёрлар матнини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу қўшиқ турлари меҳнат ва мавсум-маросим қўшиқларидан қофияланишдаги мукамаллик билан ҳам ажралиб турар экан. Жумладан, ёр-ёрларда “бахт”, “тахт”, “сомон”, “омон”, “алвон”, “полвон” каби чиройли қофия мисолларини учратамиз. Бу қўшиқ турлари мисралараро олти-етти бўғиндан иборат бўлиб, туроқ тизими 4+3, 5+2 тарзида белгиланган, Масалан:

*“Қат-қат кўрна устида,
Пиёламан, ёр-ёр.
Ёрга салом бергани,
Уяламан, ёр-ёр”.*

Келин саломлар ҳам маросим кўшиқларининг таркибий қисмини ташкил этади. Анъанавий келин саломларнинг бошланиш қисмида Аллоҳга, Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.)га, Чаҳорёрларга, авлиё ва анбиёларга мурожаат қилиш алоҳида ўрин тутати. Агар умуман халқ кўшиқларини ҳар бир кўшиқсевар шахс ижро этаверса, ҳатто ёр-ёрларни ҳам тўрт-беш одам айтиши мумкин бўлса, келин саломларни битта кўшиқчи ва баъзан иккита кўшиқчи ижро этиши одат тусига кирган. Келин салом маросими тўй маросимидан алоҳида ажралган ҳолда ўтказилади. Одатда, бу расм орқали келин салом ижрочиси ўз маҳорати билан йиғинга алоҳида файз киритиши мумкин бўлади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам келин салом ижрочилари мазкур кўшиқларда юмор деталидан унумли фойдаланишга уринадилар. Масалан:

*“Хусайни узумнинг гўраси,
Куёв боланинг жўраси,
Куёв жўраларига бир салом”.*

Ёки:

*“Кўйлаклари ямоқли,
Ёнган нони саноқли,
Қайнонасига бир салом”.*

Албатта, бундай кулгили ўринларга жиддий муносабатда бўлиш тўғри эмас. Келин салом маросимини ўтказиш жараёнини кўз олдимизга келтирсак, бундай кўшиқ намуналари ҳеч қандай асорат қолдирмаслигига ишонамиз. Чунки, айнан шундан кейин қуйидаги намуна келтирилади.

*“Юрса йўлни тўлдирган,
Ўтирса сўзни бўлдирган,
Қайнонасига бир салом”.*

Келин саломлар бошқа кўшиқлардан фарқли ўлароқ уч мисрадан иборат бўлади. Дастлабки икки мисра ўзаро қофияланиб келади. Учинчи мисра эса “бир салом” сўзлари билан якунланади.

Масалан:

*“Қора папоқ ярашган,
Қизлар изидан қарашган,
Куёв болага бир салом”.*

Мавзуга доир мисоллар:

Келин саломлар

Бисмиллодан бошлаймиз,
Ошга жамбил ташлаймиз,
Салом, салом, яна салом,
Аввал худога салом.

Кўча тўла қўй берган,
Машина тўла тўй берган,
Салом, салом, яна салом,
Кайнотасига салом.

Қозон осгани эринган.
Ўғл туғдим деб керилган
Салом, салом, яна салом,
Қайнонасига салом.

Ошга солган иликдай,
Қошу кўзи пиликдай
Салом, салом, яна салом,
Овсинларига салом.

Томга пичан ташлаган,
Орқа-ўнгин қашлаган,
Салом, салом, яна салом,
Амакисига салом.

Тўлиб оққан сойдек,
Ўн тўрт кунлик ойдек,
Куёв болага салом!
Боғ орқасидан йўл берган,
Ҳамёнидан пул берган,
Қуда бувамга салом.
Одам келса хуш деган,
Меҳмонхона бўш деган,
Акасига салом.
Сувдан чиққан мушукдай,
Бурнилари тувакдай,
Қайин синглисига салом.
Сувдан чиққан зулукдай,
Қоши кўзи пиликдай,
Келин пошшага салом.
Қопни кўрса лоп деган,
Бўхчадагини то деган,
Маҳалла одамларига салом.
Экканлари садойи,
Дехқонларнинг бобойи,
Аҳмадбойга бир салом!
Пиширгин нон новвойи,
Келинчакларнинг момойи,
Дилором онамга бир салом.
Кундузи элни аролаган,
Кечаси уйни мўралаган,
Муҳаммадкулга бир салом.
Бурни дехқоннинг омочидай,
Оғзи ўроқчининг санасидай,
Носирбойга бир салом.
Қўйга чопган бўридек,
Оғзи аллакимнинг гўридек,
Ўролвойга бир салом.
Боқувдан чиққан отдек,
Икки бети манотдек,
Ҳабибуллога бир салом.

Маъракани ушатган,
Тўққиз товоқни бўшатган,
Аслиддинга бир салом.
Ётайин деса ўрни йўқ,
Сипирайин деса бурни йўқ,
Қўқонбойга бир салом.²⁴

²⁴ Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1972. 163-164-бетлар.

Марсиялар

Маълумки, ҳаёт фақат байрамлардан, хурсандчиликдан, сайиллардан, тўй-томошалардан иборат эмас. Инсон ҳаётида кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй бериб туради. Улар қаторидан энг мусибатли ўрин тутгани ўлимдир. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида Афросиёб–Алп Эртунганинг хотирасига бағишланган марсияларнинг борлигини айтиб ўтган эдик. Инсоннинг ўлимига бағишланган шеърӣ асарлар “марсия” деб аталади. Улар ҳам лирик асарлар ҳисобланади, чунки бу қўшиқларда вафот этган одамнинг хотирасини ифодалаб ички ҳис-туйғуларни баён этиш етакчи ўринни эгаллайди.

Марсияларнинг асосий вазифаси ҳаётдан кўз юмган шахснинг бутун фазилатларини эсга олиб, рўй берган мусибатга муносабат билдиришдир. Шунинг учун ота, она, ака, ука, бола каби қариндош-уруғлик муносабатлари марсияларда алоҳида тилга олинади. ҳаётдан кўз юмган шахс марсия айтувчи томонидан “суянган тоғ”, “ишонган боғ”, “осмондаги юлдуз”, “ҳаётдаги ёруғ кундуз” каби гўзал сўзлар билан безатилади. Марсия матнларида ўкинч, ҳасрат ифодаси алоҳида ўрин тутади. Айниқса, фарзанднинг ота-онасига кўнгилдагидек хизмат қила олмагани ҳақидаги ўкинч, ака ва укани турмуш тақозоси билан қадрига етмагани ҳақидаги ҳасрат баёни марсиянинг мазмунини ташкил этади. Масалан:

*“Айтмай десам бўлмайди,
Догингиз ўти қўймайди,
Ишонган боғим, вой отам,
Суянган тоғим, вой отам”.*

Ёки:

*Ҳовлимдаги гиёҳ бўлинг, вой онам,
Ҳар куни сизни искайин, вой онам,
Яна қайтиб бино бўлинг, вой онам,
Доим сизни эслайин, вой онам.*

Матндан аниқ сезилиб турибдики, марсия айтувчи шахс бутун ижодий маҳорати имкониятидан мукаммал фойдаланган ҳолда қалбидаги дард, ҳасратга ҳар бир тингловчини бефарқ қолдирмасликка ҳаракат қилади. Юртимизнинг айрим ҳудудларида махсус марсия айтувчи аёлларнинг борлиги фикримизга далил бўла олади.

Шундай қилиб, мавсум-маросим қўшиқлари ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Мавсум ва маросим қўшиқлари ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг энг қадимий намуналаридир. Халқ маиший ҳаётидаги ҳар бир байрам, ҳар

бир маросим, маълум даврдаги мавсумлар алоҳида-алоҳида, аниқ мавзуни ифодоловчи мазмунга эга.

Мавсум-маросим қўшиқлари баъзан оммавий тарзда ижро этишга мўлжалланган бўлиши билан бирга махсус тайёргарлик кўрган ижрочилар ижодини ҳам инкор этмайди. Халқимизнинг ўтмиш маданий меросига, қадриятларга бўлган муносабат мавсум-маросим қўшиқларида алоҳида кўзга ташланади.

Мавсум-маросим қўшиқлари бадиий мукаммаллик жиҳатидан сўз санъати намуналари талабига тўлиқ жавоб берадиган шеърлардан иборатдир.

Мавзуга доир мисоллар:

Йиги – йўқловлар

Ўлим курсин адо қилди,
Юракларим зада қилди.
Зада қилмай нима қилди,
Меҳрибонлардан жудо қилди.

Эшиклар олди чиядир,
Чияга ёним тиядир.
Ўлтириб онамни ёдласам,
Юраклар бағрим куядир.

Кўчама-кўча юраман,
Ҳеч қайси кўча гулзор эмас.
Сизнинг фариштадай жамолингизга,
Ҳеч ким бизнингдек зор эмас.

Эксам битмас майдоним, онам,
Чақирсам келмас меҳмоним, онам,
Кечасига сирдошим, онам.
Кундузимга йўлдошим, онам.

Боролмайман уйингизга,
Чиқолмайман тўрингизга.
Чиққанимда тўрингизга,
Кирилмайман гўрингизга.

Тут ёғочдай мевали, онам,
Қайроғочдай сояли, онам,
Мевасидан еганим, онам,
Соясида ётганим, онам.

Қора мазор андадир,
Тупроқлари майдадир.
Меҳрибон онамдан айрилдим,
Энди кўрмоқ қайдадир.

Қор ёғмаган учак йўқ,
Доғланмаган юрак йўқ, вой болам!

Айвоннинг ўрасиё
Болаларимнинг сараси, вой болам!
Боққинамнинг боғбони,
Уйгинамнинг султони.

Бўз уйимни бўшатиб кетган, болам,
Онасини қақшатиб кетган, болам.
Боғинг боғбонсиз бўлмагай, дўст-ёрим,
Уйинг султонсиз бўлмагай, дўст-ёрим.
Тахти равоним, болам.
Мулки жаҳоним, болам.

Хат битиб нома юборай,
Сенинг ўша маконингга.
Сен олиб ёшингни тўқ.
Менинг нола фиғонимга.

Кеча-кундуз йиғламоқдин,
Бўлак иш йўқдир менга.
Бу менинг йиғлаганимни,
Ким бориб айтур сенга.

Гул тагида ўлтирган
Гулдек онамга бу салом.
Бу салом бормайдими
У салом келмайдими?

Баҳри тош, кўнгли қаттиқни
Кўргиси келмайдими?

Онам бор эди эгиз боғдай,
Отам бор эди эгиз тоғдай,
Ҳар бир сўзи сариғ ёғдай,
Ўлим синдирди бўйнимни.
Отанг ўлса эгиз тоғинг қуларкан,
Онанг ўлса эгиз боғинг қуриркан.

Қорани солдинг бошимга
Захарни кўйдинг ошимга,
Сариғ рўмол кўлимда,
Сарғайиб қолдим йўлингда.
Қора рўмол кўлимда,
Қараблар қолдим йўлингда

Минган отинг тўпичоқ,
Ёли, думи бир қучоқ.
Сиздан қолган болалар
Кимга бўлар ялинчоқ.

Эй фалак чархинг бузилсин,
Кимга хор этдинг мени.
Майли борни майли йўққа
Интизор этдинг мени.

Оталилар, оналилар,
Йўлда машраб ўйнашар.
Отасизлар, онасизлар
Деворни тагида йиғлашар.

Абдурахмоним келур,
Уйларга меҳмоним келкр.
Бояғи ўтган кунимга,
Энди пушаймоним келур.

Бедавою бераҳм,
Ғунчам, гулимни узди.
Бемаҳал келган ўлим,
Хонумонимни бузди.

Оқ эди билакларим,
Кўп эди тилакларим.
Тилакларимга етолмай
Қайрилди билакларим.

Сен менинг жоним эдинг,
Ойсултоним, болам!
Тахт уза хоним эдинг,
Ойсултоним, болам.

Найлайин қора кўзингни
Соғиниб кўзим сени.
Тахта тобутлар сенга,
Тахти равон бўлди, болам.

Дарди ҳасратингда қолдим,
Ойсултоним, болам.
Шод бўлиб бешгина кун,
Дунёда юролмадинг.

Юрагингда кетди армон,
Ойсултоним, болам.
Кошки сендан бурунроқ

Бўлғай эди хокисор.
Хок бўлди гулбаданинг
Ойсултоним, болам.

Ўтинг тушди юрагимга,
Чақириб олсам бўлмас.
Энди сени тополмайман
Энди сени кўриб бўлмас.
Ойсултоним, болам.

Қулоқ уриб қуруқ кетган, вой момом,
Бола боқиб ҳузурини кўрмаган, вой момом.
Баҳорнинг ёмғиридай ёғиб ўтган, вой момом,
Подшонинг кўшинидай кўниб ўтган, вой момом.

Бел бойлайман пўтасиз,
Қандай боқаман отасиз.
Оқ, оққина кўзилар,
Яйлов ўти тилайди.
Етим қолган болалар
Ота кўнгли тилайди.
Вой уйим, ва куним, во даврон...²⁵

²⁵ Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1972. 203-210-бетлар.

Лирик қўшиқлар

Аввало шуни таъкиддаш лозимки, халқ қўшиқларининг ҳамма тури қайси мавзунини ёритишидан қатъи назар, лирик асарлар намунаси ҳисобланади. Фольклоршуносликда лирик қўшиқлар намунаси тилга олинадиган экан, севги-муҳаббат мавзусидаги қўшиқларни назарда тутиш одат тусига кирган. Бу ўринда севги-муҳаббат қўшиқларида ҳис-туйғу, ички кечинмалар, муҳаббат ҳиссига эга бўлишдан мамнунлик кайфияти етакчи ўрин тутиши муҳимдир. Ҳар бир инсон балоғат ёшига етганида муҳаббат туйғусининг пайдо бўлишидан қониқиш ҳосил қилмоғи лозим. Шунинг учун қизни севиш ёки севилиш, ишқ савдосига йўлиқиш ташвишлари инсонни шоирликка ундайди. Бинобарин, ишқ-муҳаббат мавзусидаги халқ қўшиқларининг ана шу ташвиш, лаззат денгизида сузган инсонлар, яъни йигит ва қизлар яратган, дейишимизга тўла асосимиз бор. Бўлмаса, халқ орасида “суйган қўшиқчи, куйган бахши” каби ҳикматли сўзларни яшаб келишига асос топилмасди. Лирик қўшиқлар матнининг ўрганиш бу қўшиқларни фақат муҳаббат туйғусининг юрак қон томирларидан ҳис қилган шахслар яратиши мумкин, деган хулосага олиб келади. Бир мисолга мурожаат қилайлик:

*“Юраккинамнинг тафтига тандир қизийди,
Кўзгинамнинг ёшига ўрдак сузийди”.*

Юқоридаги мисраларни хиргойи қилиб айтган шахс йигит ёки қиз бўлишидан қатъи назар, шубҳасиз муҳаббат деб аталмиш сирли ва гаштли олам гўшасида сайр қилган бўлиши ажаб эмас.

Муҳаббат қўшиқлари одатда бир шахс томонидан куй жўрлигида ижро этилади. Аммо машҳур қўшиқлар гап-гаштакларда, турли муносабат билан кичик доирада ўтказиладиган йиғинларда жамоа бўлиб ижро этилиши мумкин.

Маълумки, лирик қўшиқ умр халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри сифатида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир:

Лирик қўшиқлар деб аталмиш халқ поэтик шеърисига мансуб асарларда инсон руҳий олами, унинг ишқий кечинмалари акс этади.

Агар бошқа мавзудаги қўшиқлар, баъзан уч (келин саломлар), олти ва саккиз мисралардан иборат бўлса, ишқий мазмундаги лирик қўшиқлар тўрт мисрадан ташкил топади.

Биз назарда тутаётган лирик қўшиқлар асосан тўрт мисрада тугал фикр аниқлаш имкониятига эгадир:

*“Дайранинг ул юзидан, сел келади,
Сел билан икки ўрдак тенг келади.
Ўрдакка-ўрдак муносиб, гозга гўз
Йигитга қайлиқ муносиб, қизга ноз.*

Аммо лирик кўшиқлар каторида бир неча бандлардан иборат бўлган асар намуналари ҳам ўрин олгандир. “Галдир”, “Сумбула”, “Омон ёр” каби кўшиқлар шулар жумласидан ҳисобланади.

Агар “Бўзчи” кўшиғини фақат бўз тўқувчи косиблар, “чурия”ни эчки соғувчи аёллар меҳнат фаолияти давомида ижро этишса, лирик кўшиқлар касб, пайт, ўрин танламайди: уларни исталган вақтда истаган шахс ҳоҳишига кўра баланд овоз билан ёки ҳиргойи қилиб айтаверади. Маълум бўладикки, лирик кўшиқларнинг оммалашуви бошқа мавзудаги шеърят асарларидан кўра кенгрок имкониятга эгадир.

Халқ орасидаги “Лайлини Мажнун кўзи билан кўр”, деган ҳикматли гап бор. Ҳақиқатан ҳам, муҳаббат дардига йўлиққан кимса тасаввурида ўзининг севгилисидан гўзалроқ, ақллироқ, донороқ одам дунёда йўқдек кўринади. Шунинг учун ҳам халқ лирик кўшиқларида севгилиси–қизнинг “қалдирғоч қаноти”дек қошлари, янги тандирдан узилган “ширмой”дек юзлари, “Арслонбоб асали”нинг мазасини берувчи лаблари ошиқ йигит томонидан эҳтирос билан куйланади.

Айни пайтда, ёш қизларнинг нигоҳи йигитнинг “Беқасам тўни”га, “майсадек киприги”га, “марвариддек тиши”га тушади ва гўзал кўшиқ намунаси яратилади.

Масалан:

*“Қошингни қаро дейдилар
Қора қош укам, ёр-ёр,
Кўрсат қошингни бир кўрайин,
Жоним укамей, ёр-ёр”.*

Ёки:

*“Беқасам тўнлар кийиб,
Мунча мени куйдирасиз,
Гоҳи-гоҳида бир қараб,
Вой, беажал ўлдирасиз”.*

Қадим замонлардан маълумки, бир-бирини севган ошиқ-маъшуклар ҳамиша ҳам турмуш қуриш бахтига сазовор бўлавермайдилар. Шунинг учун лирик кўшиқларда ўта юқори эмоционал кайфият билан бир каторда дард, ҳасрат, алам оҳанглари ҳам ўрин олгандир:

*“Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?!
Сен мени ёмон дединг,
Яхшини топганинг қани?!”*

Лирик кўшиқларда фақат гўзал ёрнинг ташқи қиёфаси ўз аксини топади десак, тўғри бўлмайди. Чунки шундай кўшиқлар борки, уларда

севибли ёрнинг чаққонлиги, меҳнатсеварлиги, одоблилиги ҳам ўз ифодасини топади:

*“Гулижон ўзи чаққон,
Қоқи гулини таққан.
Бир кулиши бор учун,
Ойижонига ёққан”.*

Бир қатор халқ лирик кўшиқлари йигит ва қизларнинг айтишувларидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бу кўшиқларда иложи борица йигитлар бир тараф, қизлар бир тараф бўлиб, сўз ўйинида бир-бирларидан ғолиб келишга уринадилар. Аслини олганда, бундай айтишув кўшиқлари йигит-қизларга ҳаёт гўзаллиги ҳақида, бу гўзалликдан баҳраманд бўлиш ҳақида маълумот берувчи лирик парчаларни эслатади:

*“Кўзингни шахло дейдилар,
Шахло кўз укам, ёр-ёр.
Кўрсат кўзингни мен бир кўрай,
Жоним укам эй, ёр-ёр.
Кўзимни кўриб ними қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр?
Тогда оҳу кўзларини,
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр?
Юзингни қизил дейдилар,
Қизил юз укам эй, ёр-ёр.
Кўрсат юзингни мен бир кўрай,
Жоним укам. эй, ёр-ёр.
Юзимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр?
Боглардаги қизил гулни,
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр?”*

Шундай қилиб, лирик кўшиқлар асрлар давомида ёш йигит-қизлар ўртасидаги бир-бирларига бўлган эҳтиросли муносабатларнинг бадиий ифодаси сифатида яшаб келди ва яшамоқда.

Аллаларни ҳам лирик кўшиқлар таркибининг гўзал намуналари сифатида баҳолаш мумкин. Фольклоршунослик илмида аллаларни болалар фольклори сифатида таҳлил қилиш анъанаси бор. Аммо айтиш чокда, бу асарларни лирик кўшиқлар намунаси сифатида баҳолаш ҳам хато бўлмайди. Чунки алла кўшиқларининг матнини ўрганиш, уларни бевосита сўз санъати намунаси сифатида лирик кўшиқлар қаторида баҳолаш маъқуллигини кўрсатмоқда.

Маълумки, алла ёш гўдак болаларга ухлаш пайтида она ёки буви томонидан айтилади. Бешиқда бўлган чақалоққа алланинг матнидан кўра

куй оҳанги кўпроқ, таъсир кўрсатади. Қўшиқ матнини бола тушунмайди. Аммо алла қўшиқларида фарзанд кўрган оиланинг қувончи, бахти, шу билан бирга, дарди, алами ва орзулари акс этади. Қўшиқларда, аввало, фарзандли бўлишнинг нақадар инсонга қувонч бағишлаши эътиборимизни ўзига жалб қилади. Аллада шукрона келтириш, тақдир берган омаддан қониқиш алоҳда ўринда туради. “Алла” сўзининг Оллоҳдан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрлар ҳам юқоридаги мулоҳазада ўз тасдиғини топади, деб ўйлаймиз.

Мавзуга доир мисоллар:

Аллалар

Суйса суйсин деб берган,
Меҳри қонсин деб берган.
Араби хуржунни солиб
Майизу кишмишни олиб
Шаҳарлар борсин деб берган.
Алла, болам, аллаё, кўзим аллаё.

Ўчирма чироғимни,
Ушлама билагимни.
Ушласанг билагимни,
Куйдирма юрагимни.
Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла.

Мен снi алла дейин,
Аллангда ором олиб,
Ухлаб катта бўлгин.
Шавкатжоним алла.

Бетимнинг қизили, болам,
Тилимнинг узун, болам,
Алла, болам, алла.

Алла, аллаяй, отинг яхши,
Минг қайғу ғамдан шодлик яхши,
Қадринг билмаган қариндошдан,
Қадрингни билган ёт яхши.

Хўйдин, хўйдин тонглар отар,
Тонгда ғофил банданг ётар.
Саҳар вақти булбул ўтар,
Мен ҳам булбуллардан баттар.

Шу ердан булбул ўтдими,
Нолам аллага етдими?
Боғимнинг гули учгина,
Учгинаси ҳам кичкина.

Хўйдин, хўйдин хўйланди
Дарёда балиқ лойланди.

Балиқмикан деб қарасам,
Илон бўлиб товланди.

Кўзи бокқанлар қўй этган,
Топганини тўй этгай.
Тўйдан-тўйга улашгай,
Давлат бошингга ўрнашгай.

Алла, чиқсам чўлларда,
Алла, кўзим, алла.
Солиқлар солиб эллара,
Алла, болам, алла.
Алла айтиб ухлатаман,
Алла, кўзим, алла.
Қандай сени юпатаман.
Алла, болам, алла.
Кичкинасан, лоласан,
Алла, болам, алла.
Қачон катта бўласан,
Алла, болам, алла.
Алла, алла, орастасан,
Алла, кўзим, алла.
Гуноҳи йўқ норастасан.
Алла, кўзим, алла.
Боғ ичида чаман гуллар,
Алла, кўзим, алла.
Сайрайди шайдо булбуллар,
Алла, кўзим, алла.
Сендан келар гул иси,
Алла, болам, алла.
Ота-онамнинг бириси,
Алла, болам, алла.
Ўймали тунлар бўйингга,
Алла, кўзим, алла.
Қўйдан кўчқор тўйингга,
Алла, болам, алла.
Сенга аллалар айтаман.
Алла, кўзим, алла.
Сояларингда ётаман,

Алла, болам, алла.

Тол ичидан танлаб олган,
Тол човканим болам, алла.
Гул ичида искаб олган,
Гулу райҳоним болам, алла.
Зарга тўлди билагим,
Зардобга тўлди юрагим.
Даданг ўлсин, аянг куйсин.
Маъфиратхон алла.

Ой чиқиб туйнукка келди
Мен худодан айланай,
Суйганим олдимга келди,
Мен бўйингдан ўргилай.
Даданг ўлсин, аянг куйсин, алла.

Сарғайиб турган дарахтнинг,
Соябони бормикин.
Термилиб турган йигитнинг,
Меҳрибони бормикин.

Юр кетайну бўлмасам,
Юргин кетайну бўлмасам.
Иккаламиз бир бўлиб,
Ҳажга кетайну бўлмасам.

Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла.
Икки кўзим, алла,
Ширин сўзим, алла.

Бопаману, бопаман,
Устингга кўрпа ёпаман.
Икки кўзим, алла.
Ширин сўзим, алла,
Эртаминан турғизиб
Қай кўчадан топаман.

Юм кўзингни юлдузим,
Юмгин кўзингни юлдузим.
Алла, алла демасам
Йиғлаб ўтар кундузим.

Жоним болам они,
Оқ буғдойнинг нони.
Ҳамма ёмон кўрсаям,
Онасининг жони.

Алласининг айвони бор,
Томга чиқса нарвони бор.
Уйкуси келса алласи бор,
Эмгиси келса мамаси бор.

Алла, жоним, аллаё.²⁶

²⁶ Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1972. 199-202-бетлар.

ТЕРМАЛАР

Халқ бахшилари тингловчилар ўртасида йирик ҳажмдаги достонларнинг ижросини бошлашдан олдин ўзига хос машқ қилиб оладилар. Бундай машқлар, одатда, икки йўналишда амалга оширилади. Биринчидан, бахши кўл бармоқларини дўмбира дастаси бўйлаб эркин ҳаракат қилиши учун куй ижро қилади. Куйлар ҳазин оҳангда бўлиб, тингловчилар уларни тинглаш жараёнида бутун ҳаётларини, қувонч ва ташвишларини ҳаёдан ўтказадилар. Агар тингловчи бахшини танимаса, куй бахши ва тингловчи кўнгли ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Иккинчидан, бахши овозини чархлаш учун шеърий парчалардан тузилган кўшиқ айтади. Кўшиқларда шоирнинг ҳаётда, турмушда рўй бераётган воқеалар, баъзан кулгили ҳодисалар, достонларнинг энг қизик ўрнидан лавҳалар ва бахшининг тингловчиларга мурожаати акс этади. Бундай ижроларнинг муддати чекланмаган бўлади. Баъзан қисқа, баъзан эса узоқроқ вақт давомида бахши “нима айтай?” мазмунидаги савол билан атрофдаги юртдошларининг эътиборини ўзига тортади. Фольклоршуносликда ана шундай шеърий парчалар термалар атамаси билан юритилади. Термалар таърифи қуйидагича: “Панд-насихат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар, шахс ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишланган бахшилар томонидан куйланадиган 10–12 сатрдан 150–200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лироэпик шеърларга *терма* дейилади”.²⁷

Терма атамаси ўзининг номи билан изоҳланади. Улар асосан бахшилар томонидан айтилади ва ижрочи-иждокор бисотидаги достонлардан, ҳаёти ҳақида ўйлаб қўйган гаплардан терилади. Баъзан бундай парчалар “Достон териш” деб ҳам юритилади. Бахши–меzbоннинг уни кутиб олиши, тингловчиларнинг дастлабки муомалалари ва муносабатларидан илҳомланиб, вазият тақозоси билан йўл-йўлакай терма тўқиб кетиши ҳам мумкин. Масалан, 2000 йилнинг қиш кунларидан бирида Ўзбекистон Миллий Университети магистрлари билан Бўқада яшовчи Чори бахши Хўжамбердиев ҳузурига меҳмонга борилганда, бахши кўшни қишлоққа тўйга кетган экан. Эрталаб соат 10 дан 2 гача уни кутишга тўғри келди. Бахши уйга қайтганидан сўнг магистрлар “Алпомиш” достонидан парча айтиб беришни илтимос қилишди.

Чори оға достонни бошлашдан аввал яқин ярим соат вақт мобайнида меҳмонлардан кечга қолгани учун узр сўраш мазмунида терма айтди. Термада кеча ўтан тўй тафсилоти, Тошкентдан келган меҳмонларнинг таърифи, юртимиздаги ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Кейинчалик маълум бўлдики, бахши терма айтиш давомида “Алпомиш” достонини

²⁷ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ поэтик ижоди. Т.: “Ўқитувчи”. 1990. 169-бет.

марокли куйлаш режасини тузиш билан банд бўлган экан. Чунки термада айтиладиган парчаларни куйлаш моҳир бахши учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

“Алпомиш” эса ҳар қандай истеъдодли ижрочини ҳам дoston айтишдан олдин, образли қилиб айтсак, сафардан олдин аниқ мақсадни белгилашга, режани асослаб олишга мажбур қилади.

Бахшиларнинг ва фольклоршунос олимларнинг таъкидлашларича, термаларнинг энг кўп тарқалган кўриниши “нима айтай?” ҳисобланади. Бу жараён асосан тингловчи ва бахши ўртасида руҳий ишонч туғдириш ва алоқа боғлаш мақсадида амалга оширилади. Унда халқ дostonларидаги ўта қизиқ лавҳалар, қаҳрамонларнинг саргузашт ва тақдирлари эсга олинади:

*“Ўн бешида ойдан тўлган,
Олмосини белга солган.
Гўрўғлига хизмат қилган,
Қирқ йигитни гирдга олган,
Сўраб ўтди Аваз полвон,
Авазхондан айтайми”.*

Юқорида қайд қилганимиздек, термаларда ижодкорнинг ҳаётидан олинган лавҳаларга ҳам кенг ўрин берилади. Бундай термалар ижросида бахши кўпинча тингловчиларга мурожаат қилиб, ўзини улар билан бир юртдан эканлигини, тақдири халқнинг қисмати билан уйғун эканини таъкидлайди. Йўл-йўлакай дўмбрасига дўстидек муносабатдалигини айтиб ўтади. Тингловчиларни кулдириш мақсадида дўмбрасини қайсарликда айблайди, баъзан тараша қилиб ёқиб юбормоқчи бўлади:

*“Номард йигит бу мажлисга бўйламас,
Авжи келса Нурмон гапни ўйламас.
Ёриб ёқсам бирор чойдиш қайнамас,
Сендай егоч ўтин бўлган дўмбирам”.*

Халқимизнинг асл фарзандлари, юрти учун фидойиларча хизмат қилган таниқли устозларимиз Абубакир Диваев, Ходи Зарифов, Буюк Каримов, Ғози олим Юнусов, Мансур Афзалов каби зиёлилар ҳаракати билан ёзиб олинган ўнлаб термалар орқали биз ўтмишда ижод этган бахшиларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида маълумот оламиз. Чунки бахшилар кўпинча айнан термаларда ўзларининг бошларидан кечирган воқеаларни баён қилганлар. Жумладан, Эргаш шоир ўз отасига бағишланган термалардан бирида шундай дейди:

*“Ҳар ким кўрса, қойил бўлди ўзига,
Ҳам ишқивоз бўлди айтган сўзига,
Бир айтганин ким эшитса, ҳавас қип.*

*Сўзи ёқиб элнинг ўғил-қизига,
Шуйтиб ўтган у замони Булбулнинг
Гоҳ шодликман умри ўтган, гоҳ ғамда,
Гоҳ эл билан бирга йиглаб, ҳар ерда,
Достон айтиб элнинг кўнглин юпатган,
Булбул оти маълум бўлган ҳар юртда,
Шуйтиб ўтган у замони Булбулнинг”.*

Баъзан термаларда шоир ҳаётига оид жуда нозик лавҳалар муҳрланиб қолганига амин бўламиз. Профессор Ходи Зарифов берган маълумотларга қараганда, Жуманбулбул ўғли Эргашни мактабдор Ўтамуроднинг қизи Зийнатойга уйлантирган. Аммо бахши яшайдиган ҳудуд анъанасига кўра келин тўйдан кейин иккинчи тўй ўтгандан кейингина куёвникига келар экан. Афсуски, биринчи тўйдан кейин Жуманбулбул вафот этади. Эргашнинг кейинги тўйга маблағи етмайди. Чунки отасидан қолган арзимас бор-йўқ нарсаларни ҳам қарз эвазига олиб кетишади:

*“Бўлиб-бўлиб олиб кетди ҳақини,
Биз билмаймиз ҳақи бор ё йўғни,
Зоти ё олисми, ё бизга яқини,
Барига ҳақ бериб турган кунларим”.*

Эргаш ҳаётида жуда мураккаб ҳолат руй беради:

*“Хотин қолди отасининг уйида,
Мен билмайман не гаплар бор уйида,
Кўп ваъдалар бўлган эди тўйида,
Уялиб, боролмай юрган кунларим”.*

Маълум бўладики, термалар бахшилар ҳаётининг ўзига хос бадий солномаси сифатида яратилади. Бу хусусият фақат Эргаш шоирга эмас, умуман, бахшилар ижодига хосдир. Жумладан, Фозил шоир ўзи ҳақида шундай дейди:

*“Олти ёшда қумсаб-қумсаб отамни,
Оғир меҳнат эзди шўрли энамни,
Эна-бола тополмадик бир нонни,
Парча нон еб, йиглаб ўтган кунларим”.*

Бу тўртликдан биз Фозил Йўлдош ўғлининг отасидан жуда ёш етим қолганини, турмуши оғир ўтганини биламиз. Ёшлик қийинчиликлари кейинчалик “Кунларим” термасида акс этган.

Бахши ўз юртининг ташвиш аламларини, хурсандчиликларини куйловчи халқ арбоби ҳисобланади. Унинг дўмбираси эл қон томирининг уришига ҳамоҳангдир. Шунинг учун айрим термаларда Ўзбекистонимиз тарихига оид маълумотлар ҳам сақланиб қолган. Профессор Ходи

Зарифовнинг қайд қилишича, 1898–1908 йилларда Ўрта Осиё худудини чигиртка босган. Халқ ночор аҳволда қолган. 1908 йилда Фозил шоир “Чигиртка” сарлавҳали кўшиқ яратиб куйлаб юрган. Унда куйидаги мисралар бор эди:

*“Бозорчидан шайтон қайтиб,
Бирига уч баҳо айтиб,
Ўттиз олиб, тўқсон сотиб,
Давлатмандлар қабон бўлди.
Камбағалнинг ақли шошиб,
Ўғил-қизман кенгашиб,
Кеча-кундуз зор йиғлашиб,
Дўстлар қадди камон бўлди”.*

Бу кўшиқ-термада юртимиз бошидан кечган мусибатли кунлар бадий аксини топган. Улар воситасида бугунги кун кишиси ўзига хос тушунчаларга эга бўлади.

Бахшилар томонидан куйлаб келинган “Дўмбирам”, “Кунларим”, “Нима айтай?”, “Ғуруми”, “Борми жаҳонда” каби термаларнинг ҳаммасида ҳам маълум даражада реал тарихий воқеалар, халқнинг кечинмалари ифодаланган. Уларни яратишда Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислон шоир, Умир Сафаров, Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев), Раҳматилла Юсуф ўғли, Қодир бахши, кейинчалик Шоберди бахши, Чори бахши Хўжамбердиев, Қаҳҳор бахши ижоди муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, термаларни халқимиз оғзаки ижодидаги мустақил жанр сифатида баҳолаш мумкин. Улар халқ ҳаётининг бадий ифодаси сифатида яратилади. Бахшилар термалар орқали айрим худудда яшаган юртдошларимиз ҳаёти ҳақида бизга маълумот берадилар. Термаларнинг халқ дostonлари ва ҳаққоний ҳаёт ўртасидаги алоқа боғловчи воситачилик аҳамияти алоҳида муҳимдир.

***Мавзуга доир мисоллар:
Терма кўшиқлар***

Бу тоғлар қандай тоғлар,
Тоши бор тепаси йўқ.
Ваъдасида турмаган ёрнинг,
Дарди юор, вафоси йўқ.

Гул ғунча-ю гул ғунча,
Нимага куйдирасан мунча.
Олдимда бўлмадинг бир дам,
Менинг кўнглим очилгунча.

Сен қачон келдинг эшикка,
Мен билиб ох урмадим.

Чиққали хилват тополмай,
Ўлтириб қон йиғладим.

Эшигингдан ўтсам ман,
Дуторингнинг овози.
Юрагимни куйдирган
Суйган ёримнинг нози.

Бир кўрмадим ёримни,
Ҳар куни кўраман, деб.
Умид узмадим ёрдан,
Ўлмасам оаламан, деб.

Қоронғи кеча билан,
Ариғинг ичи билан.
Икки қўлим боғлансин,
Қизларнинг сочи билан.

Отаси бормикан ёрнинг,
Оғаси йўқмикин ёрнинг.
Мунчалар оҳ уради,
Севгани бормикан ёрнинг.

Ёр у ён ўтиб кетди,
Ёр бу ён ўтиб кетди.
Ёримнинг айтган сўзи,
Жонимдан ўтиб кетди.

Мен сафарга чиққанда,
Ёр эшигида қолган.
“Қачон келасан?” деб,
Қора кўзга ёш олган.

Осмонда менинг ойм,
Танда қолмади жоним.
Саломимни еткурғил,
Узоқда менинг ёрим.

Тоғларда тўла каклик,
Мен ёрим билан гаплик.
Ҳовлида кўришганда,
Ўйнаб-кулишган татлик.

Мен бораймикан анда,
Ёр келармикан мунда.
Ёрга ёр керак бўлса,
Қўл солиб келар мунда.

Ёримни ташлаб келдим,
Тошкент деган жойга.
Оғзида айтган билан,
Чин кўнгли бўлак ёрда.

Ёр билан биз икковаон,
Бир маҳалда жуфт бўлган.
Бошда ваъдамиз шундай,
Ҳеч бир айрилмас бўлган.

Доим оҳ-фиғон билан,
Ҳеч нарса кўринмайди.
Ёрнинг кўзига қараб,
Ўтган кун билинмайди.

Хаёлим учиб кетди,
Тошкент йўлига қараб.
Қўзимнинг нури кетди,
Ёрнинг йўлига қараб.

Мен ўзим кичик боғда,
Каклик боқар эдим тоғда.
Бойваччага сотдилар,
Мен қолдим алам-доғда.

Тош йўлда от чопсанг,
Туёғи тақиллайдир.
Қизига ўйин қилсанг,
Онаси вақиллайдир.

Кўрдингми бояғини,
Шафтоли таёғини.
Онаси қандай қилсин,
Қизининг саёғини.

Бу йўлларда адашдим,
Қани менинг йўлдошим.
Ҳориб-чарчаб келганда,
Сув берган қариндошим.

Сувлар шалдираб оқса,
Қўзимнинг нури дейман.
Ёр учун ўлиб кетсам,
Ўзимнинг шўрим дейман.

Кечалари мен бордим,
Итларингга ёлбордим.
Ваъда қилиб чиқмадинг,
Заъфарондек сарғайдим.

Очиқ сўзни мен айтай,
Тинглаб ол қулоғингга.
Кечаси мен барайин,
Олиб чиқ гулбоғингга.

Тошканингни йўлида,
Саватчаси қўлида.
Минг жон берсанг арзийди,
Севган ёринг йўлида.

Том бошида йўнғичқа.
Ҳой қиз, белинг ингичка,
Ингичка деб ғам еманг,
Энди кирдим ўн учга.

Яллама ёрим, яллама
Яллолашайлик,
Бедодлашайлик,
Ариқ бўйи салқин экан
Ёнбошлашайлик!

Алдама ошнам, алдама,
Кетаман деб йиғлама,
Сувдан кўрпа, лойдан тўшак
Олиб бераман йиғлама.

Том устида том солган,
Устига болохона,
Ёр устига ёр олган
Жазоси қозихона.

Ёр дедим адо бўлдим,
Ғамга мубтало бўлдим.
Бир кўриб жамолингни
Ошиқи беқарор бўлдим.

Наманганга борманглар
Йўллар хатардир.
Ўрик, олмасини
Пулга сотадир.

Ўрик, олмасининг
Тагига борсам,
Илондек тўлғониб
Бир қиз ётадир:

Сахарлари қичқирган
Чол хўроз яхши.
Ёр билан ўйнамоққа
Наманган яхши.

Томга тариқ сочилган,
Ҳой бола, бола, омон ёр.
Оғзинг қурсин очилган
Жон ўлан ёр.

Том бошида беда бор,
Ҳой бола, бола, омон ёр.
Майдасини элаб ол,
Зор ўлан ёр.

Орқалиқда толинг бор,
Қизга етар молинг бор.
Қизни олсанг танлаб ол
Йигитгина жонинг бор.

Оҳ мени шоҳим, ҳай-ҳай,
Сен мени шоҳим, ҳай-ҳай,
Қўзу қошингга дўлоним
Кел бери шоҳим, ҳай-ҳай.

Олма берсам олмайсан,
Беҳини берсам емайсан.
Қайси золим қизисан,
Алдаганга қўнмайсан.

Олмани отгим келади,
Беҳини сотгим келади.
Суйиб олган ёримга
Бир сўз айтгим келади.

Ариқ бўйини ўйдим,
Қўлимга хина қўйдим.
Ёру жўрамдан кечиб,
Ёр сенга бино қўйдим.

Эшигинг олди солма,
Солмадан ўтиб сув олма,
Ҳар қўлингда тўққиз олма
Бизнинг ёрдан хабар борми?

Олмали бокқа киринг,
Қизил олмалардан теринг,
Бир пиёла чойни олиб,
Ғазал айтиб бизга беринг!

Баҳрихон айтадики,
Қани менинг улфатларим,
Бир товоқ ош устида
Тортган менинг кулфатларим.

Қош агар пайваста бўлса
Ўсмани гардон қилур.
Ёр агар нодон бўлса.
Ошиқни саргардон қилур.

Қош қоқаринг мен бўлай,
Киприк сузаринг мен бўлай.
Ҳамманинг кўзи сендадир
Кўз туморинг мен бўлай.

Кичкинамада шўх эдим,
Муллога бердилар мени.
Азроил келмай туриб,
Жонимни олдилар мени.

Толеим бўлса эди,
Ёнган чироқ ўчармиди.
Мен суянган тоғлар,
Ости билан қўчармиди.

Суйиб олган ёрингиз,
Ажаб муносиб ёр экан.
Қўлингизга сув қўймас,
Сурати ҳайвон экан.

Атлас қўйлак киймайман
Бижир-бижир гули бор.
Қиморбозга тегмайман
Кўкрагида жуни бор.²⁸

²⁸ Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1972. 9-43-бетлар.

АСКИЯ

Ўзбекларнинг халқ оғаки ижодидаги кўп жанрлар бошқа халқларда ҳам бор. Эртақ, достон, кўшиқ, мақол, матал, топишмоқ, тез айтиш кабилар шулар жумласидандир. Аммо бизда яна шундай жанр ҳам борки, бошқа халқларда учрамайди. Бу аскиядир. Аския тилимизнинг жуда бой имкониятларга эга эканини кўрсатадиган жанрдир. Энг муҳими, аскияни айтиш, уни ўйлаб топиш, уни тушуниб етиш осон эмас. Ўзбеклар ана шундай фазилатга эга халқ.

Аския ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри ҳисобланади. Унда ўзбек тилининг бойлиги, сўзларнинг маънодорлиги, кўринишдан содда бўлиб туюлган жумланинг кези келганда одамни ҳаддан ташқари мушкул вазиятга тушириб қўйиши мумкинлиги ва, айтиш пайтда, ўйлаб топилган иккинчи бир жавоб–жумла билан мушкул ҳолатдан чиқиш ечими топилгани намоён бўлади.

Ҳаётда бевосита чиройли топилган сўз билан боғлиқ ибратли лавҳалар тез-тез учраб туради. Бундай лавҳалар она тилимиз имкониятлари қанчалар чексиз эканини исботловчи дақиқаларни вужудга келтиради: айтилган сўзнинг маъно қирралари кенглигини далиллайди. Кейинчалик бу гўзал лавҳаларнинг айримлари тилдан-тилга ўта бошлайди. Аслини олганда, аскиянинг вужудга келиши, шаклланиши тилимиз бойлиги намоён бўлган ана шундай лавҳаларга асосланади. Масалан, кунлардан бир кун дуторчи қизлар ансамбли иштирокчиси Санобар исмли хонанда мусиқа машқи ўтказиладиган хонага биринчи бўлиб келади ва устози Ғанижон Тошматовдан: “Қизлар келишмадими?” - деб суради. Табиатан аскиячи устоз шогирдига қараб: “Келишгани ўзингизда!”, - деб жавоб беради. Устоз санъаткор, жавобида аскиянинг жуда муҳим жиҳати акс этган. Чунки Ғанижон ака ўз жавобида, биринчидан, машғулотга келган қиз ягона Санобар эканини таъкидлаган бўлса, иккинчидан, шогирдининг қадди-қомати келишганини лутф қилади. Бу кичик диалогда халқимиз оғзаки ижодига оид аския жанрининг асосий белгиси – сўз ўйини бўлиб ўтганини қайд этиш мумкин.

Аския санъати билан махсус шуғулланган олим Расул Муҳаммадиевнинг маълумот беришича, ўзбеклар орасида аския санъати қадимдан кенг тарқалган экан. Хусусан. XV асрда яшаган шоир Зайниддин Восифий ўз хотираларида Ҳирот шаҳрида Мирсарбарахно, Бурхоний Гунг, Ҳасан Воиз, Саид Ғиёсиддин, Шарфий, Ҳалил саҳҳоб, Муҳаммад Бадахший каби ўткир сўз усталари борлигини айтиб ўтган. Кейинчалик эса Қўқон хонлиги ҳудудида бу санъат яна ривожланди, халқ орасида машҳур бўлди. Айниқса, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Мамаюнус Тиллабоев, Эрка қори Каримов, Жўрахон Султонов, Ғанижон Тошматов, Турсунбува Аминов каби машҳур сўз усталари аския

санъатини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшганлар. Бугунги кунда ҳам аскиянинг моҳир усталари ўз фаолиятлари билан халққа манзур намуналар яратмоқдалар. Юртимизнинг мустақиллик, Наврўз, Ҳосил ва бошқа байрамларида, халқ сайилларида йирик оммавий томошаларга аския файз киритмоқда. Айни пайтда, улфатларнинг йиғилишлари, гап-гаштаклар, тўй маросимлари аскиябозлик билан қизимоқда.

Аския араб тилидан олинган сўз бўлиб, “закий–соф фикрли, ўткир зеҳнли” деган маъноларни англатади. “Азкийё” сўзнинг кўплик шаклидир. Халқ жонли тилида “аския” тарзида талаффуз қилинади.

Аския айтишдан бош мақсад одамларни кулдириш бўлса ҳам, аслида аския айтувчилар ўзларининг сўзга усталикларини, ҳозиржавоб эканликларини атрофдаги юртдошларига кўз-кўз қилиш мақсадини ҳам ўйлаганлар. Шунинг учун ҳам машҳур аскиябозлар эл орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлишган.

Тилимиз бойлигидан фойдаланиб атрофдаги одамларни кулдиришда бир неча усуллардан фойдаланилган. Улардан бири аскиябозлар томонидан омоним сўзларни қўллаш ҳисобланган.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда *ийҳом* санъати мавжуд бўлиб, у камида икки маънога эга бир шакли сўзнинг шоир томонидан шеърий мисрада келтирилиши орқали яратилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб қуйидаги байтга эътибор қилинг:

*“Лабинг бағримни қон қилди,
Кўзимдан қон равон қилди.
Нечун ҳолим ямон қилди,
Ман ундан бир сўрорим бор”.*

Бу байтда “сўрорим” ийҳом санъатига мисол бўлади. Чунки бу сўз бир ўринда “сўрамоқ”, иккинчи ўринда “сўрмоқ” (ўпмоқ) маъносини англатади.

Омоним сўзлар халқ оғзаки ижодидаги шеърий парчаларда ҳам учрайди. Хусусан, Эргаш Жуманбулбул айтган бир тўртликда шундай дейилади:

*“Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил болам, ёмонликни от.
Насиҳатим ёдингда тут фарзандим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от”.*

Кўриниб турибдики, тўртликдаги уч марта қўлланган “от” сўзи уч хил маънони англатади. Биринчи қаторда “исм”, иккинчи қаторда “отмоқ” (феъл), учинчи қаторда халқимизнинг севимли ҳайвони “от” назарда тутилади. Кейинги мисолда халқ шоири ийҳом эмас, *тажнис* санъатидан фойдаланган. Чунки бир шаклдаги кўп маънодаги сўзларнинг ўзаро қофия

бўлиб келиши тажнис деб аталади. Аскияда эса кўпрок ийҳом санъатидаги сўз ўйини етакчилик қилади. Баъзан бу санъат шу қадар мураккаблашиб кетадики, уни тезда англаб олиш жуда қийин бўлади. Масалан, олим Расул Муҳаммадиев ўзининг 1962 йилда эълон қилган “Аския” китобида қуйидаги матнни келтиради:

“Қодиржон ака:

– Икромиддин, бу ёққа қаранг, бизга пиширишингиз битта ош, қовоқ ҳам соласиз-а!

Икромиддин:

– Қодиржон ака, сизлардақа азиз меҳмонларга атаб ҳар хил овқат қилганмиз: бу шўрва, ош қовоқда.

Амин бува:

– Мулла Икром, Қодиржон акадан ташвиш килманг, бу кишига ош қовоқдан олинса бўлди.

Қодиржон ака:

– Амин бува, ажойиб хушфеъл одамсиз-да, индамай олаверасиз: ошга қовоқ солинмайди, деб.

Амин бува:

– Сиз ҳам тушираверсангиз-а, қовоқдан ош яхши деб.

Қодиржон ака:

– Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, ошдан қовоқ яхши деб.

Қодиржон ака:

– Бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиринглар, бошқа овқат қиламан: қовоқсиз!”

Юқоридаги матнни зеҳн билан ўқисак, “қовоқ” сўзи бир неча марта ҳам инсоннинг юзидаги қош ости қисм – қовоқ, ҳам полиз экини қовоқ маъносида келган. Охирги жумлада эса ҳатто халқ орасида қовоқ сўзининг “бефаҳм”-га тенг маъноси берилади ва “қовоқ сиз”, яъни “бефаҳм” одам тушунчаси англашилади. Шундай қилиб, аскияда мана шу йўсинда сўз ўйини ўз ифодасини топади.

Аскияда кулги ҳосил қиладиган иккинчи усул аскиябозлар лақабларининг тилга олиниши ҳисобланади. Аммо ҳақиқий аскиябозлар лақабни аскияга шундай сингдириб юборар эдилар-ки, натижада ҳеч кимнинг кўнгли оғримасди, савол-жавобни эса ҳаммага лаззат берувчи ҳазил деб қабул қилишарди. Р.Муҳаммадиев сафар пайтида рўй берган бир воқеани эслайди. Машхур ҳофиз Мамаюнус (лақаби кал) дўсти Эрка қорини (кўзи ожиз) аскияга тортар экан, қори аканинг кўзи ожизлигига шама қилиб:

– Туринг, қори ака! Кўр отга (курортга) келдингиз! – деди. Эрка қори ёстикдан бошини кўтарар экан, шошиб-пишиб, пайпасланиб деразадан ташқарига қараган бўлди-да, дарҳол юзини Мамаюнус ака томонга буриб:

– Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! Шўртепа-ку! – деди.

Матнни таҳлил қилишда бу аскиянинг мавзуи, яъни пайрови лақаб билан боғлиқлиги аён бўлади. Мамаюнус Эрка қори келган манзилни “кўр от” деб аташ билан дўстининг кўзи ожизлигини таъкидлаяпти. Эрка қори бўлса ўрнидан турди, дераза пардасини кўтарди ва ниҳоятда зукколик билан “Шўртепа” сўзини топди. Бу сўз Мамаюнус аканинг саволидан закийроқ – гўзалроқ ҳисобланади. Айниқса, Мамаюнус аканинг кал эканини билган одамларгина бу жавобдан кулиши мумкин эди, холос. Чунки иссиқдан терлаш, бош кийимни олишдан кейин шабада тегиши билан бошнинг қуриши охир-оқибатда Шўртепани эслатади.

Аскияда кулгини ҳосил қилиш усулларида яна бири мавзуга алоқадор сўздаги товушларни атайин бузиб талаффуз қилиш орқали ийҳом санъатига яқин тасвир ҳосил қилиш ҳисобланади. Масалан, юқоридаги аския матнида Мамаюнус аниқ қилиб, “кўр от” деган. У “кўр” сўзидаги “ў” товушини “у”га яқин талаффуз қилиш билан бирга бу товушни бир оз чўзган, натижада аслида “курорт” сўзи талаффузда “кўр от”га яқин айтилган ва кулги ҳосил қилган. Аскияда “кишмиш” (узум) – киши-миши (одам); чанқоқ (сувсиз) – чанг қоқ (чангини қоқиш); совлик (урғочи кўй) – соғлик (саломатлик) тарзида талаффуз қилинади ва кулги яратилади.

Ўзбек халқи аскияни севадилар ва унинг имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг ҳордиқларини чиқарадилар. Аския оғзаки ижодимизнинг алоҳида жанри бўлиши билан бирга унинг таркибида ҳам кичик жанрлар бор. “Пайров”, “ўхшатдим”, “гулмисиз сунбулмисиз”, “билганлар ундай дейди” кабилар шулар жумласидандир.

Пайров аския айтувчилар танлаган мавзудир. Хусусан, сайил, тўй, гап-гаштаклар аския айтишга шайланган санъаткорлар аския бошланишидан олдин мавзу белгилайдилар. Тарафма-тараф аскиябозлар китоб, иморат, деҳқончилик, шахмат, она тили, кўшиқлар ва ҳоказо мавзулардан бирини танлайдилар. Масалан, шахмат ҳақида аския қилишга келишилгандан сўнг биринчи навбатда доналар терилади, оқ ёки қора тарафда ўйнаш ҳал этилади, шундан кейин сипоҳларнинг юриши бошланади. Бу жараённинг ҳаммаси тилда, сўз ўйинлари воситасида амалга оширилади. Аския бирон томоннинг мот бўлиши билан яқунланади. Ёки пахта пайрови бошланса, ер пахта экишга тайёрланади, пахта экилади, ягана қилинади, суғорилади, чеканка қилинади, пахта гуллайди, нишоналайди, терим бошланади, давлатга топширилади, ҳатто, газлама тўқилиб, ундан турли кийимлар, кўрпа-ёстик тайёрланади. Демак, аскиябоз сўз ўйинини қилиши билан бирга танланган мавзунинг мукамал ечимини топган бўлиши ҳам керак. Шундагина аския талабга жавоб берган ҳисобланади. Ундан ташқари, аския бўлаётган жойда тингловчилар

ҳам мавзуни қабул қилишлари лозим. Томошабин аскияни тушунмаса, ундай аския ҳам муваффақиятсиз якунланади. Эҳтимол, шунинг учун аскиябозлар мавзу танлашга эътиборсиз қарамайдилар. Улар кўпинча тўй эгасининг касбига қараб тўй қатнашчиларига қандай мавзу маъқул бўлишини аниқлайдилар. Машина, табобат, деҳқончилик, савдо мавзуларига мурожаат ана шу тарзда амалга ошади.

Аскиянинг қадимги жанрларидан бири “Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз” ҳисобланади.

Масалан:

– Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?!

– Айтганингизман.

– Андижонни йўлида адашиб қолиб: “ойим”, – деб йиғлаб юрганмисиз.

– Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?!

– Айтганингизман.

– Ман-ку “ойим”, – деб йиғлаб юрибман. Сиз ойингизни Учқўрғондан топганмисиз?

Юқоридаги матнда аскиябознинг биринчиси рақибини Ойим қишлоғини ахтараётганини айтиб кулги ҳосил қилса, иккинчиси ўзбекларда гап таллашиб қолган одамнинг “Онангни Учқўрғондан кўрсатаман”, - деб дўқ уришига шама қияпти. Хар икки савол-жавобда ҳам ўрин-жой номи, ҳам аскиячининг онаси тилга олинапти ва кулгили вазият вужудга келтириляпти.

Хуллас, аския ўзбек халқ оғзаки ижодидаги миллий тилимиз имкониятларидан самарали фойдаланиш маҳсули сифатида вужудга келган ва шаклланган жанрдир. Унда ўзбек тилининг маънодош сўзларга бойлиги, баъзан товушларни ўзгартириш воситасида ҳам омоним сўзлар ҳосил қилиш мумкинлиги намоён бўлади. Аския халқ фарзандларининг кулги яратиш имкониятларидан маҳорат билан фойдаланганликларини далиллайди.

Мавзуга доир мисоллар:

Лақаб аския:

I.

М а м а ю н у с: Қори ака, маданийлашиб “Москвич” сотиб олибсизу, баъзи чапани шофёрларга ўхшаб дарахтга уриб олиб, **чироғини ўчириб** кўйибсиз-да!

Э р к а қ о р и: Ука Мамаюнус, сиз ёнимда бўлсангиз, чироқсиз ҳам ҳайдай бераман. Одамзоднинг маданийлашгани яхши-да, йўқ эса, қачонгача сизга ўхшаш **кал аска** (коляска)ни минаман.

М а м а ю н у с: Чироғининг ўчиб-ёниб, ўчиб-ёниб туришидан, моторига бирор гап бўлгандир, **ака-мулла туринг** (аккумулятор), тузатамиз.

Э р к а қ о р и: Тузатиш ўзимнинг қўлимдан келади, менга халақт берманг, бўлмаса жаҳлим чиқиб: **кал буро тур** (карбюратор)дейман.

II.

Б ў қ о қ л а қ а б л и к и ш и: **Бошингизда** ташвиш борми дейман, хаёл суриб қолдингиз?

К а л л а қ а б л и к и ш и: Қилғиликни қилипсизу, гуноҳи мана **бўйнингизга** тушиб қолипти!

Б ў қ о қ л а қ а б л и к и ш и: Майли, ҳақиқат жойини топар, **бошингиз** ҳам **очилич** қолар.

К а л л а қ а б л и к и ш и: Ҳақиқат очилгунча **бўғилиб** ўларман.

Якка аския:

- Карим юмалоқми – **гурскетти** қовунми!
- Манави Аҳмад табибнинг олдиға нариғи маҳаллалик ҳақберди келиб: “Табиб ака, бир киши кўзимға икки киши бўлиб кўринади, нима сабабдан экан-а?” деб сўраса: **“Тўртовларинг ҳам шунуқами”**, деб ўзидан сўрабди.

- Майиз еб туриб ухлаб қолган Салим кўкнори мана шу киши бўладилар.
- Мирза Анвар **отдан тушса** ҳам **узангидан тушмайди**, нима, кучала еганми дейман.
- Шокарим пучуқ бир куни кўлида икки пуллик чақаю, лунги кўлтиғида ҳиргойи қилиб келяпти:

“**Афанди бир куни ҳаммом...**” деб.

- Ҳалим бангининг чилимни кучоқлаб: “Ўлдирса ҳам ёр ўлдирсин”, деб гашт қилишини айтинг!

- Эшағи биттанга, тўқими минг тангага дегандай, Олим понсоднинг **америкон этик** кийишини қаранг!

- Махсумға салланинг ярашганини қаранг, кечағина **сарик этик** кийиб юрувдилар.
- Козим **пакана** – ошнинг ҳаммасини **ейсан-а!**
- Уста Пирмат, гап маъқул қилгунча соқолнинг ярмисидан **елпиғич** қилсанг-чи!
- Теша тажангни гапга кўндиришдан кўра қулоғиға **танбур** чалганингиз яхши.
- Шермат олифта харажатдан қистириб, мусалласға уради.

Қофиябозлик:

Қ о д и р ж о н а к а: Мулла Комилжон, бозордан қайтапсиз шекилли, қўлтиғингиздаги тарвузми ё **ошқовоқ**?

К о м и л ж о н: Қодиржон ака, белингизга жало-жунгурларни тақиб олибсиз, соқол тароқми ё **нос қовоқ**?

Қ о д и р ж о н а к а: Қўлингиз жуда банд, ҳаммомгами дейман, қолингиздаги мочалками ё **сув қовоқ**?

К о м и л ж о н: Томиб-томиб кетяпти, икки қўлингиздаги пақирми ё **ёғ қовоқ**?

Қ о д и р ж о н а к а: Кўринганга тутун қайтарасиз, чекмишингиз нашами ё **чилим қовоқ**?

К о м и л ж о н: Офтобда туравериб рангингиз ўзгариб кетибди, ё **эски сирка қовоғмисиз**?

Қ о д и р ж о н а к а: Ипга боғлаб ток устунига осиб қўйишипти, ё **томоша қовоғмисиз**?

Чой

Ғ а н и ж о н: Оталар чойхонаси шинам, чойи ширин. Маҳмуджон, чой олиб келишса яна **қайтариб** ўтирманг.

М а х м у д ж о н: Фамил устиға кўк чой дамлаб келсангиз айтаман-да: олиб бор Ғанижонга, ўзи қайтарма деган деб.

О р и ф х о н: Маҳмуджон, чойи дуруст деб ўзингиз шама қилган эдингизу, яна

самоварчига дўқ урасиз: **шамасини** тўкиб ташланг, деб.

Жўрахонака: Қаёғданам Ғанижон самоварчи бўлиб қолипти-ю, мана бизга чойни **аччиқ** қилиб беряпти.

Ғанижон: Чойни **эзиб ичишингизни** биламан-да, у куни менга чой уқалаб бергансиз.

Жўрахонака: Ғанижон, ўшанақа қилмаса бўлмайди, чойингизнинг мазаси йўқ, **ўтга** қўйса дарров **айнийди**.

Маҳмуджон: Чой айнимасин десангиз, сувни яхшироқ қайнатинг, чойхўрлар **доғда** қолмасин ахир.

Жўрахонака: **Яхши қайнатаман** дейди, бунинг ҳеч **доғини** кўрмайин-а!

Шоқосимака: Ғанижон, жўрахон акага **қайнатаман** дейсизу, ҳадеб **тагини** қовлайверасиз.

Маҳмуджон: Ғанижон, самоварни ҳадеб **титкилайверманг**, ўтхонаси ишдан чиқиб қолади.

Жўрахонака: Ўтхонаси жойида, **ичи юришмаяпти**, жўмрагидан бир пуфланг, зораки юришиб кетса.

Шоқосимака: Ғанижон, катта бакларнинг чойи ширин бўлмайди, **ичи қотиб** қоларкан.

Маҳмуджон: Мана Ғанижон ҳам ишдан чикди. Энди чойни **қозонда** қайнатиб, **ёғлиқ** ишлайверади.²⁹

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ, ДОСТОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ, ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБЛАРИ

Дунёдаги айрим халқларда ўзининг тарихига оид йирик ҳажмдаги катта муҳим воқеа баён этиладиган жанрлар бор. Биз – ўзбекларда бу жанр “достон” деб аталади. “Достон” сўзи қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиш, макташ маъноларини англатади. Бадиий адабиётимизда асосан икки усулда яратилган достонлар бор. Биринчиси, асрлар давомида халқ оғзаки ижодида бахшилар томонидан оғзаки тарзда куйлаб келинган достонлар. Иккинчиси, ёзма шаклда шоирлар томонидан ижод қилинган достонлар. “Алпомиш”, Гўрўғли туркумидаги “Гўрўғлининг туғилиши”, “Маликаи Айёр”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон” кабилар оғзаки достонлар намуналаридир. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз”, Навоийнинг “Ҳайратул аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлари эса ёзма адабиётдаги достонлар ҳисобланади. Шунинг учун ёзма адабиётдаги достонларни оғзакидан ажратиш лозим бўлади.

Оғзаки ижоддаги достон бир қатор таркибий қисмлардан ташкил топади. Профессор М. Саидов уларни шеърий ва насрий парчалардан иборат матндан, мусикадан, достон айтувчининг ҳофизлик санъатидан ва соз черта билишидан иборат, деб қайд этади. Шу билан бирга, достон ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун бахшининг бевосита тингловчилар даврасида қайнаб (илҳомга кириб) достон ижро этишига

²⁹ Аския. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1970. 102-109-бетлар.

гувоҳ бўлиш ҳам муҳимдир. Демак, достон бўлиши учун бахшининг тингловчи билан жонли мулоқотини ҳам таркибий қисмлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Достонни бахшилар куйлайдилар. Қадимги замонларда “*бахши*” халқона усуллар билан беморни даволовчи табиб, айрим ҳудудларда устоз маъноларини англатган. Бугунги кунда бу сўз асосан халқ достонларини куйлайдиган санъаткорни билдиради. Бахши саз чертганда созанда, шеърӣ парчаларни куйга солиб айтганда хонандадир. Шунингдек, парчаларни бир зумда тўқиб кетадиган шоир, достондаги насрий парчаларни ёддан ўқийётганда бадий сўз устаси ҳамдир. Шоиртабиат бахши ҳеч қачон достонни бир хил, яъни ўзгаришсиз ижро этмайди. Профессор Ҳоди Зарифовнинг таъкидлашларича, булунғурлик Амин бахши “Алпомиш” достонини уч ой давомида тингловчиларини сира зериктирмай куйлаган экан. Энди ёзда ёки кузда бошланган достон кузда ёки қишда ниҳоясига етишини тасаввур қилайлик. Бир фасл муддатда достон ижро этган бахши бирон китобга қарамасдан шунча гапни ва шеърӣ парчаларни қардан топган? Ўша нусхадаги достоннинг ҳажми қандай бўлган? Уч ой зериктирмай ижро этиш учун нақадар юксак маҳорат эгаси бўлиши керак ўша бахши? Бу саволларга бериладиган ҳар бир жавоб ўзбек достончилигининг беқиёс имкониятларини қайта-қайта такрорлайди, холос. Бахши достон айтар экан, “Алпомиш” достонида Алпомиш гапирганида, Алпомиш мардлигини, Барчин сўзлаганида гўзал қизнинг юзини кўз олдимизда гавдалантиради. Шунинг учун достон кечалари ҳар бир тингловчи учун катта байрам бўлган. Бу кечаларда одамлар ўртасидаги ҳамма гинахонликлар унутилган, турмуш ташвишлари чекинган. Ёшу қарилар, эркак-аёлларнинг бутун хаёли достондаги воқеалар билан банд бўлган.

Достонлар ҳажм жиҳатдан чегараланмайди. Достон ижроси ҳам баъзан соатлаб, баъзан кунлаб давом этган. Бунда достон мазмуни, бахшининг маҳорат даражаси муҳим ҳисобланган. Ўзбекистонда халқ достонлари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Наманган вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилади. Ижрочи бахшилар дўмбира, тор, дутор чертиб, қўбиз тортиб достон айтадилар. Ижро усулига кўра ўзбекларда Самарқанд, Хоразм, Фарғона (Наманган) достончилиқ анъаналари мавжуд бўлиб, Самарқандда ички бўғиз овозда, Хоразмда очиқ қўшиқ айтиш йўли билан, Наманганда очиқ аммо, мусиқа асбобида мос ҳолда куйланади.

Самарқанд достончилигида ҳажм жиҳатидан катта достонлар насрдан ва эпик шеърлардан иборат бўлади. Хоразм достончилигида достонлар насрий парчалардан ва лирик шеърлардан иборат бўлади. Бу достонларнинг ҳажми катта бўлмайди. Наманганда ҳам достонларнинг ҳажми кичик, аммо уларнинг матнлари Самарқанд достончилиги каби

насрдан ва эпик шеърий парчалардан ташкил топади.

Самарқанд дostonчилиги анъанасига мансуб “Равшан” дostonидан насрий парча келтирайлик:

“Оқ қиз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз. Оққиз ўзи оқ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас, соғ қиз, эри йўқ ўзи – тоқ қиз, кўп калондимоғ қиз, яхши – текис бўз болани кўрса, эси йўқ – аҳмоқ қиз, қора кўз, бодомқовоқ қиз, синли-сиёқ қиз, ўзи семиз – туриши ёғ қиз; ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга бўлайроқ қиз, ўзи анқов олайроқ қиз, танаси тўш қўйган кенг қиз, сағриси дўнг қиз, урушқоқ эмас – жўн қиз, аъзоси бари тенг қиз...”.

Энди шеърий парчаларга диққат қилинг:

*“Чу, деб отин уради,
Оёгини тиради.
Сувсиз чўлда Ғиркўк от,
Иргиб, сакраб боради.
Сувсиз чўлда мард Ҳасан,
Қаттиқ қистаб боради.
Обрў бер, деб йўлларда
Ҳасан кетиб боради”.*

Шунингдек, Самарқанд дostonчилигига оид шеърий парчаларда лирик мазмундаги ўринлар ҳам учрайди:

*“Пайдо бўлдим, икки гавҳар дондан,
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан,
Ўлим учун гам емайман, бўйингдан.
Бир армоним, ёлғиз эдим энамдан”.*

Маълум бўладики, Самарқанд дostonчилигида наср бадий жиҳатидан назм билан тенглаша олади. Сажъ (*насрий парчалардаги сўзларнинг қофияланиб келиши*)дан иборат Оққиз таърифида ўнлаб қофияланган сўзлар учрайди. Улар орасида ҳазил, кулгили ўринлар ҳам бор. Демак, насрда бадий мукамалликка эришилган. Шеърий парчалар эса икки хил бўлар экан. Кўпинча уларда воқеа баён этилади: отда чопиш, жанг лавҳалари, савол-жавоблар, зиёфат тасвири ва ҳоказолар. Аммо ички ҳис-туйғу ифодаланган ўринлар ҳам учрайди: рўй берган воқеага муносабат, баъзан шодлик, баъзан ўкинч кабилар.

Хоразм дostonларида ҳолат бошқачароқ. Бу дostonларда воқеанинг баёни, рўй берган ҳодиса тафсилоти фақат насрда ифодаланади. Шеърий парчаларда эса лирик ҳис-туйғулар акс этади. “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” дostonига мурожаат қилайлик:

“Шохсанам Ғарибни бирдан кўрадию, яна кўздан йўқотиб, қаерга кетганини билмай қолади:

*“Учирдим шунқор қушимни,
Ҳеч бир ерда қарори йўқ.
Во ҳасрато, маҳвошимнинг,
То етгунча қарори йўқ”*

“Равшан” достонидан олинган парча билан “Ошиқ ва Шоҳсанам”дан олинганини солиштирсак, наср ва шеърдаги фарқ аниқ кўринади. Энди Наманган достончилиги анъанасига оид “Замонбек”дан олинган бир парча келтирайлик:

“Тўрўғли йигитларининг ғайрати келиб, ўтдай туташиб, Шодмон полвон деган йигит Маманиёз орқасидан қувиб турган жойи экан:

*“Кўринг Шодмон полвон ишини,
Уни-бун деганига қўймайди.
Бора қолиб тўрвайидан ушлайди,
Тақимини бир кўтариб ташлайди”.*

Намунанинг шакли ва мазмунидан маълум бўладики, насрда ҳам, назмда ҳам қаҳрамонлар ҳаракатининг баёни ўз ифодасини бир хил топган. Бу жиҳатдан Фарғона достончилиги Самарқанд анъанасига ўхшашдир.

Юқорида қайд этилган достончилик анъаналаридан ташқари, уларнинг таркибида достончилик мактаблари ҳам мавжуд. Бир анъана доирасида достон мазмунидаги моҳият сақлаган ҳолда қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракати, руҳий кечинмалари йўналишини фарқли тарзда намоён қилиш достончилик мактаблари тушунчасини изоҳлайди. Достончилик мактаблари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги маълумотни келтириш ўринлидир. Атоқли олимларимизнинг маълумотларига қараганда, Фозил Йўлдош ўғли Эргаш Жуманбулбулнинг муҳаббат мавзуидаги достонларини, хусусан, “Равшан”ни яхши айтишини тан олган.

Эргаш шоир эса Фозил Йўлдош ўғлининг “Алпомиш” достонини айтишига, айниқса, қаҳрамонлик лавҳаларининг жўшқин талқинига қойил қолган экан. Айни чоқда, Фозил Йўлдош Эргаш шоирнинг “Алпомиш” қаҳрамонлик достонини муҳаббатли қилиб айтишини таъкидлаган экан. Шунинг ўзидан маълум бўладики, Булунғур мактабига мансуб Фозил Йўлдош ўғли кўпроқ қаҳрамонлик достонларини ёки достонлардаги қаҳрамонлик лавҳаларини ижро этишга мойил бўлган. Демак, Булунғур мактабининг ўзига хослигини ҳам ана шу белги билан изоҳлаш мумкин. Эргаш Жуманбулбул ўғли вакил бўлган Нурота (Кўрғон) мактаби намояндалари эса кўпроқ муҳаббат мазмунидаги достонларни ижро этганлар. Демак, Нурота мактабида муҳаббат лавҳаларини, руҳий ҳолатларни, ҳис-туйғуларни ифодалашга кўпроқ эътибор берилган.

Достончилик мактаблари ҳақидаги тасаввурга ана шундай белгилар воситасида аниқлик киритилади. Аслини олганда, кейинчалик алоҳида-алоҳида мактаб сифатида шаклланган худуддан моҳир бахши етишиб чиққан. Кейинги шогирдлар ана шу бахши тажрибасидан ва ижро усулидан баҳраманд бўлганлар. Натижада, бир маҳаллий шароитда айтилган достон иккинчисидан фарқланиб борган ва мактаб сифатида шаклланган.

Халқ бахшилари ижодини ўрганиш улар ижро этган достонлар орасида диний мавзудаги асарлар ҳам мавжудлигини тасдиқлайди. Бундай бахшилар мустақиллик йилларимизгача яширин тарзда достон айтишга мажбур бўлганлар. Мустабид тузумидаги турли тазйиқлар бахшилар сонининг нисбатан камайиб кетишига олиб келди. Улар достон айтишдан ташқари дуохонлик билан ҳам шуғулланганлар.

Шундай қилиб, халқ достонлари алоҳида маҳорат билан куйланган марказлар шу худуд номи билан мактаб сифатида аталган. “Ҳозирги кунда ўзбек фольклоршунослигида Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, жанубий Тожикистон, Хоразм каби поэтик достончилик мактаблари – бахшилиқ санъатининг ажойиб марказлари аниқланган”.

Шулардан Фозил Йўлдош ўғли мансуб бўлган Булунғур достончилик мактабида кўпроқ қаҳрамонлик достонлари бадий жихатдан мукамал тарзда куйланган. Бир неча йўналиш, ўнлаб нусхалар яратилган “Алпомиш” қарамонлик достонининг Қўнғирот йўналишидаги энг олий ва бадий баркамол намуна сифатида Фозил Йўлдош ўғли нусхасининг қабул қилиниши бежиз эмас. Профессор Ҳоди Зарифов қайд этган Амин бахши ҳам шу мактаб вакили эди. Бу мактаб шуҳратига қадимда Мухаммад шоир, Султонмурод Суяр, Раҳимбулбул каби бахшилар ўз ижодлари ва ижролари билан муносиб ҳисса қўшганлар. Улар “Алпомиш”, “Ойсулув”, “Ҳасанхон”, “Чамбил қамали” каби достонларни алоҳида маҳорат билан ижро этганлар.

Самарқанд достончилигида ном таратган яна бир мактаб Қўрғон достончилиги деб аталади. Эргаш шоирнинг аجدод ва авлодлари шу мактаб вакиллари ҳисобланади. Аввалги саҳифаларда қайд этилганидек, бу мактаб соҳиблари достонларни муҳаббатли қилиб айтганлар. Қўрғон мактабида бошқалардан фарқли ўлароқ Султон кампир, Тилла кампир исмли аёллар ҳам бахшилиқ санъатини эгаллаганлар. Улардан ташқари, Ёдгор, Бўрон бахши, Жассоқ бахши, Пўлкан шоирлар ижоди шу мактабда шаклланган усул билан ривожланган. “Тўрўғлининг туғилиши”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Далли” достонларини ижро этиш айнан шу мактаб вакилларига хос эди.

Яна бир мактаб Шаҳрисабз номи билан юритилади. Бу мактабда Хидир шоир, Эрназар шоир, Абдулла шоир каби ижодкор бахшилар етишиб чиққан. Бу мактабда Гўрўғли туркумига оид достонлар, айниқса,

“Маликаи Айёр” достони кенг тарқалган эди.

Нарпай дostonчилиги мактаби ҳам бир қатор бахшилари ва дostonлари билан ўзбек эпоси ривожига ҳисса қўшган. Нарпай дostonчилигида Ражаб шоирнинг тарбиясида бўлган Ислom шоир, Нурмон Абдувой ўғли номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Ислom шоир ўз ижодида Қўрғон ва Шаҳрисабз мактаблари анъаналарини уйғунлаштира олди.

Бу мактаб вакиллари кўпроқ “Орзигул”, “Соҳибқирон”, “Гулихиромон” каби дostonларни ижро этишган.

Шерназар Бекназар ўғли, Умир Сафар ўғли, Аҳмад бахши каби ижодкорлар эса Шеробод дostonчилик мактабига мансуб санъаткор эдилар. Улар ижодида ҳам Гўрўғли туркуми дostonлари алоҳида ўрин тутади. Бу мактаб вакиллари айниқса, “Малла савдогар”, “Оллоназар Олчинбек” дostonларини бадий жихатдан мукаммал ижро этганлар.

Жанубий Тожикистонда яшовчи Ҳайбат Шамол ўғли, Қундуз соқи кабиларнинг номлари ўзбек бахшилари орасида ҳурмат билан тилга олинган. Бу бахшилар ҳам Гўрўғли туркуми дostonларини ўзига хос усулда ижро этганлар.

Хоразм дostonчилиги мусиқийлиги, дostonни жўр овоз бўлиб ижро этилиши, дoston ижросида бир неча мусиқа асбобларида жўр бўлиниши билан ажралиб туради. Қадимги сайилларда, тўйларда 3–4 та бахши чақирилган ва ҳар бир бахшига алоҳида-алоҳида давра берилган. Сайил якунида моҳир бахши атрофидаги одамлар кўпайиб, савияси паст бахши атрофида ҳеч ким қолмаган. Бу одат санъаткорнинг ўз устида муттасил иш олиб боришга ва ижро санъатини эгаллашга мажбур қилган. Ундан ташқари, Хоразмда 40 йилдан ортиқ хонлик қилган Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ҳар йили бахши ва хонандаларнинг кўригини ўтказиб, шахсан ўзи уларга дoston айтиш ҳуқуқини берган. Ижро даражаси заиф бахшини омма ўртасида дoston айтиш ҳуқуқидан маҳрум қилган. Дostonчиликка бу қадар масъулият билан ёндашиш Хоразм дostonчилиги ривожини таъминлаган. Бу мактабда Амаат бахши, Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев), Болтавой бахши, Қодир созчи, Мурод бахши, Рўзимбек бахши. Отахон бахшилар ижод қилишган ва “Бозиргон”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Қириқ минг”, “Ошиқ Маҳмуд” каби дostonларни катта концерт дастурини эслатадиган томоша тарзида ижро этишган.

Халқ дostonлари юртимизнинг турли ҳудудларида турлича ижро этилиши, ижро усуллари, воқеалар шарҳига кўра, ҳатто, бир вилоятнинг ўзида айрим-айрим мактабларга эга бўлишидан ташқари мазмунига кўра ҳам бир неча турларда таснифланади. Таниқли олимлардан В.М.Жирмунский, Т.Зарифов, М.Саидов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқовларнинг кузатишларича, халқ дostonларини турларга бўлишда кўпроқ уларнинг мазмуни, қахрамонларнинг феъл-атворида эътибор қилиш

маъкул. Аммо номлари тилга олинган олимларнинг ҳар бири амалга оширган тасниф маълум даражада бир-биридан фарқ қилишига қарамай, уларни қуйидагича номлаш мумкин:

1. Қаҳрамонлик дostonлари (“Алпомиш”).
2. Ишқий-романик дostonлар (“Равшан”, “Кунтуғмиш”).
3. Жангнома дostonлари (“Якка Аҳмад”).
4. Китобий дostonлар (“Сайёд ва Ҳамро”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”).
5. Тарихий (“Ойсулув”).

Тасниф қилишнинг асоси дostonларда тасвирланган воқеаларнинг бош моҳияти билан изоҳланади. Масалан, “Алпомиш” дostonида ҳам ишқ-муҳаббат, жанг лавҳалари, тарихий маълумотлар бор. Аммо маълум сабаб билан ажралиб кетган халқни бирлаштириш йўлидаги мардлик ва қаҳрамонлик асарнинг марказий ғоясини ташкил этади. Ёки “Равшан” дostonида ҳам мардлик, қаҳрамонлик белгилари учрайди. Лекин дoston мазмунидаги асосий фикр Равшаннинг Зулҳуморга бўлган ишқини ифодалаш мақсадидаги сафарини баён қилишга бағишланади.

Қаҳрамонлик эпоси халқ оғзаки ижоди тарихида алоҳида босқич сифатида баҳоланади. Унинг машҳур намунаси юнонларда “Одиссея” ва “Илиада” асарлари ҳисобланади. Қирғиз халқининг “Манас”и ҳам ана шундай босқич намунасидир. Бундай асарларда алоҳида қаҳрамонлик ва мардлик намунасини кўрсатган халқ фарзандининг юрт озодлиги, элни бирлаштириш мақсадидаги сафарлари, ўзидан сон ва куч жиҳатидан юқори турган душман билан олишувлари акс этади. Қаҳрамонлик эпосига ўзбекларда “Алпомиш” дostonи мисол бўлади. Унда юртимиздаги миллий анъаналарнинг шаклланиши, ташқи душманларга қарши кураш, халқ бирлигини сақлаш, мустақил ҳаётни муҳофаза қилиш ғоялари ўз ифодасини топган.

Халқимиз бахшилари репертуаридаги дostonларнинг салмоқли қисмини романтик дostonлар ташкил қилади. “Роман” француз тилидан олинган бўлиб эпоснинг бир тури маъносини англатган. Аммо кейинчалик бадий адабиётдаги роман жанр сифатида алоҳида ажралиб ривожланганидан сўнг севги-саргузаштларни тўқима тарзда акс эттирувчи асарлар тушунчасини бера бошлаган. Романтик дostonлар деганда, халқ дostonларининг мазмунан севги – саргузаштларни тасвирловчи турлари тасаввур қилинади. Уларда воқеа тугуни ошиқнинг маъшуқа ҳақида хабар топишидан бошланади. Кейинчалик қаҳрамон ишқ саргузаштларига бой сафарга отланади. Бу йўлда турли қизиқарли, ҳайратомуз ҳаёт лавҳалари рўй беради. Душманлар билан яккама-якка олишувлар бўлади. Дostonдаги воқеалар ривожини шу тарзда тараққий этади ва охир-пировардида ошиқ ўз орзусига етди. “Равшан”, “Кунтуғмиш” кабиларни ана шундай дostonлар қаторига қўшиш мумкин.

Жангнома-достонларни эса воқеа ривожини асосан жанг лавҳаларига бой асарлар ташкил этган. Бахшилар бундай достонларни нисбатан кам ижро этганлар. Бундай достонларда кўпроқ қаҳрамоннинг ботирлигини тасвирлашга эътибор берилади.

“Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек ва Болибек”, “Қирқ минг” каби асарлар шулар жумласидандир.

Китобий достонлар асосан тарихий ҳаётимизнинг кейинги асрларида пайдо бўлди. Ёзма адабиётимиз вакиллари томонидан яратилган достонлардаги қизиқарли ва ибратли воқеалар билан танишган бахшилар улар асосида ўзларининг нусха (вариант)ларини яратганлар. Натижада китобий достонлар ёзма ва оғзаки ижоднинг ўзаро алоқалари натижаси сифатида вужудга келган. Оғзаки ижоддаги “Сайёд ва Ҳамро”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Вомиқ ва Узро” каби достонлар ана шу усулдаги асарлар намунасидир.

Тарихда бўлиб ўтган муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи достонлар *тарихий достонлар* деб аталади. Бундай асарларда тарихий воқеалар тингловчида шубҳа уйғотмайдиган тўқималар ёрдамида акс эттирилади. Аммо уларда тарих қандай бўлса, шу тарзда, тўқис равишда ўзгаришсиз баён этилмайди. Ўтмишда шухрат топган “Ойсулув” ана шундай достон саналади.

Шундай қилиб, достонлар халқ оғзаки ижодидаги эпик асарлар хазинасидаги ўзига хос мураккаб жанрдир. Унда халқ тарихий ҳаёти, расм-русумлари, одатлари, озодлик учун олиб борган машаққатли курашлари ўзининг бадиий ифодасини топган. Достонларни куйлаётган бахшиларда кучли хотира, асарни ижро этаётган пайтда вужудга келган вазиятга тўғи баҳо бера олиш, оддий воқеаларни ўта қизиқ тарзда ҳикоя қила билиш маҳорати мужассам бўлмоғи лозим. Асрлар давомида бу жанр намуналарининг ҳар бир ҳудудда ижро этилиши маҳаллий анъаналарни, ҳатто, мактабларни яратди. Ўзбек достонлари сон жиҳатдан шу қадар кўп ва бадиий қиммат жиҳатдан шунчалар юқори-ки, уларни халқимиз томонидан дунё маданий, маънавий хазинасига қўшган муносиб ҳиссаси сифатида баҳоласа арзийди.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИ

“Алпомиш” халқимиз оғзаки ижодидаги энг қадимий, бадиий жиҳатдан мукаммал, олимлар томонидан кўп ўрганилган достондир. Унда ўзбекнинг узоқ ўтмиши, расм-русумлари, ҳаёт тажрибасидан ўтган анъаналари, курашлари, ташвишлари, қувончлари ўзининг бадиий ифодасини топган. Бахшилар маҳорати бу достонни ижро этиш даражаси билан ўлчанган. Устоз достончилар ўз санъатларини кўпинча “Алпомиш”ни куйлаш билан кўрсатганлар, ҳурмат топганлар. Муҳими

шундаки, ўзбек миллатининг ҳаёти бир текис раванқ топган пайтда “Алпомиш” достонини куйлашга эътибор катта бўлган. Халқимиз ҳаётидаги оғир замонлар ҳукм сурган пайтда бу достоннинг ҳам бошида қора булутлар қуюқлашган. Ҳатто мустабид совет тузумидаги қатағон йилларида “Алпомиш”ни куйлаш ҳам тақиқланган, “халққа зарар келтирувчи асар” – деб қораланган (1952). Маълум бўладики, “Алпомиш” тақдири асрлар давомида ўзбек халқи тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам достоннинг минг йиллик тўйида Президентимиз И.А.Каримов: “Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”, - деган эди. Бу фикрда достоннинг моҳияти, ғояси, бадиияти, миллатимиз тарихида тутган ўрни мужассам этилган. XX асрнинг 70-йилларигача “Алпомиш” достони ҳақида билдирилган мулоҳазаларнинг кўпчилиги Маҳмуд Зарифов буюк санъаткор Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда ёзиб олган нусха асосида Хамид Олимжон қисқартириб нашрга тайёрлаган китобга тегишли эди. Фақат 1969 йилда Берди бахшидан Абдулла Алавий ва 1972 йилда Саидмурод Паноҳ ўғлидан Шамси Муродов ёзиб олган нусхалар нашр этилганди. Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг “Алпомиш”га бўлган муносабат ҳам ўзгарди.

Аввало, Берди бахши айтган достон қайта нашр этилди. 1998 йилда Хушбоқ Мардонақул ўғли (ёзиб олувчи Тоштемир Турдиев), 1999 йилда Бекмурод Жўрабой ўғли (ёзиб олувчи Мансур Афзалов) нусхалари алоҳида нашр этилди. 1998 йилда эса Фозил Йўлдош нусхаси (варианти) 70 йилдан кейин тўлиқ ҳолда босмадан чиқди. 1999 йилда эса достоннинг минг йиллик тўйи катта тантаналар билан нишонландики, бу тадбир ўзбек халқининг аجدодлар ёдини ҳам аста-секин ўрнига қўйиб эса ола бошлаганидан нишона бўлди.

Тантаналар арафасида “Алпомиш” – ўзбек халқ эпоси” номли мақолалар тўплами ва бошқа илмий китоблар, ўнлаб газета, журнал мақолалари эълон қилинди, кўрсатувлар тайёрланди.

Дунёдаги қабила, уруғ, элат тарихда алоҳида халқ сифатида шаклланар экан, бу жараён, аввало, қаҳрамонлик эпоси ҳисобланган махсус йирик, эпик асарда бадиий ифодасини топади. Профессор Баҳодир Саримсоқов достонимиз ўзбекнинг бирлашуви, мустақил халқ сифатида пайдо бўлишида қандай ўринга эга эканини таърифлаб, шундай дейди: “Дастлаб қабила, сўнгра элат эпоси сифатида вужудга келган “Алпомиш” достони кейинчалик ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси сифатида тан олинди”. Ҳақиқатан ҳам, достон матнидан жуда кўп ўтмиш ҳаёт белгилари ўрин олган бўлиб, уларни изоҳлаш натижасида асарнинг халқ қаҳрамонлик эпоси эканига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Достонда мифик дунёқараш белгиларидан бир қатор намуналар бор. Ёй, ўқ, туш, қўриқ кабилар фетиш (миф ҳақидаги мавзунӣ эсланг); от, туя, ғоз каби ҳайвон ва кушлар тотем тушунчалар ифодаси сифатида акс эттирилган. Ҳақимбек бобоси Алпинбийдан қолган ёй ёрдамида Алпомиш номини олди. Қадим замонларда болаларга исм қўйиш одати бўлмаган. Фарзанд вояга етиб, биронта мардлик кўрсатганидан кейин исм олган.

Достонда Ҳақимбек қаҳрамонимизнинг катта мардлик кўрсатгунига қадар бўлган муддатдаги исми бўлиб қолган. Шунингдек, Қоражон тушида мусулмонликни қабул қилади. Агар достонни эътибор билан ўқисак, бунга ўхшаш жуда кўп лавҳаларга дуч келамиз. Жумладан, Алпомишга қўриққа тушган от маъкул бўлмайди. Қайта-қайта қўриқ ташлашади. Ҳар сафар битта от илинади. Алпомиш тақдирга тан беради. Кейинчалик бу от (Бойчибор) уни кўп кулфатлардан асрайди. Алпомиш Мурод тепанинг пойига етганида, шу тепага отда тўхтамай чиқишни ният қилади. Тепага чиқади, нияти ҳам амалга ошади. Кўкаман Барчиндан қимиз сўрайди. Агар Барчин қимиз берса, унга уйланиш нияти амалга ошишини ўйлайди. Барчин қимиз бермайди. Кўкаман ҳам ниятига етмайди. Достонда бундай қадимий иримлар кўп учрайди. Улар достоннинг бошидан охиригача ўзига хос файз бағишлаб туради.

Аммо достоннинг бош ғояси, яратилишидан назарда тутилган мақсад анча йирик мезон билан ўлчанади.

Хусусан, достонда ёш авлод вакили Алпомиш томонидан қилинган тақлиф – закот тўлаш Қўнғирот – Бойсун элини бир-биридан ажралишга олиб келади.

Халқ ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни чуқур илмий таҳлил асосида атрофлича изохлаб ўтирмайди. Шунинг учун узок кутилган фарзанд – Алпомишнинг мулла бўлишидаги бир белги “закот” тушунчаси билан боғланади. “Закот”ни эса ислом динидаги тушунча деб қабул қилиш тўғри эмас. Узок ўтмишда умуман солиқ йиғувчиларни закотчи деб аташ одати бўлганлигини ҳисобга олсак, Алпомиш тақлиф қилган закотнинг маъноси солиққа яқин экани равшанлашади. Бойсарининг нутқида ҳам бу мулоҳаза такрорланади. У акасининг ўғли борлигини юзига солганини, акасига закот бергунча ўзга юртда яшагани маъқуллигини айтади. Ваҳоланки, ислом динида закотдан ҳеч ким воз кечган эмас. Аксинча, Аллоҳнинг закот беришга етказгани учун шукр қилинган. Шундай қилиб, Алпомиш пайдо бўлгунига қадар тотув яшаётган эл эндиликда бўлинди. Алпомиш эса Барчин хати воситасида Қалмоқ элига бориб, ўзи унаштирилган қизни олиб келди. Шу баҳонада юртидан жудо бўлган эл она юртига қайтарилди. Натижада, Қўнғирот-Бойсун юрти битта юртбоши раҳбарлигида бирлашди ва ҳаёт кечира бошлади. Шу ўринда қадим-қадим замонларда оддий ҳақиқат бўлган иккинчи бир масалани ҳам айтиш лозим. Гап шундаки, узок ўтмиш замонларда бирон юртнинг мустақиллиги ва

дахлсизлиги у юртга қарам бўлган қайсидир мамлакатнинг бойлиги билан ҳам ўлчанарди. Халқ эртаклари ва дostonларида асар қаҳрамонининг бирон юртга қилган сафари ўша юртни ўзига қарашли бўлишини хоҳлаши билан боғлиқ экан, бу масалага алоҳида босқинчилик сиёсатини аралаштириш тўғри эмас. Бу ўринда кўпроқ ўз юртининг мустақиллигини таъминлаш истаги кучли эканини таъкидлаш маъқулроқ бўлади. Шунинг учун “Алпомиш” ижодкорлари атайин Бойсаригаги ўжарлик хусусиятини бўрттириб кўрсатадилар ва шу билан унинг Қалмоқ юртида қолишини асослайдилар. Аслида эса Бойсарининг ўзга элда қолиши Алпомишнинг иккинчи сафарини асослайди. Қизиғи шундаки, Алпомиш қалмоқ эли подшоси Тойчихоннинг мамлакатини тўғридан-тўғри босиб олмайди. У Бойсарига ўтказилган зулм, ўзига нисбатан амалга оширилган хиёнат учун Тойчихонни жазолайди. Бу йўналиш ҳаётининг мантиқ асосида ўз ечимини топади. Жумладан, Тавка ойим ишқида Қўнғиротдан қалмоқ юртига бориб қолган Кайқубод ўз ниятига етиб (Тавка розилиги билан), севган қизига уйланади ва тахтнинг қонуний ворисига айланади. Айни пайтда, Алпомиш қалмоқлар (Кашал) юртига ўзининг одамини подшоҳ қилади. Шу аснода у гўё ўз юртининг мустақиллиги учун курашган бўлиб чиқади. Доно халқимизнинг ҳар бир тадбирига ана шундай, бир қарашда кўзга кўринмайдиган ечимлар воситасини топиш маҳоратига ҳам қойил қолса бўлади. Алпомишнинг ўз юртига қайтиши ва Қўнғирот–Бойсундаги адолатсизликка чек қўйиши табиий бир хулоса сифатида баҳоланиши мумкин.

“Алпомиш” достонида жуда кўп лавҳалар бир қарашда аҳамиятсиздек бўлиб кўринса-да, аслида халқ улар воситасида ўзининг турмуш тажрибаларини ифодалаган бўлиб чиқади. Масалан, Барчинойдан Алпомишга келган хатни Бойбўри беркитиб қўяди. Бу билан Бойбўри ўзи бошлаган йўлдан, яъни Барчинга ўғлининг уйланиши ва Бойсуннинг ўз ватанига қайтишидан воз кечгани кўрсатилади. Воқеа ривожига Қалдирғоч ҳал қилувчи вазифани бажара бошлайди. У Барчиннинг хатини тасодифан сандикдан топиб олади ва акасини ўз қайлиғини олиб келиш сафарига отлантиради. Бундай сафар халқ қаҳрамонлик эпосининг асосий хусусиятларидан бири сифатида баҳоланади. Алпомиш қалмоқлар юртига борганида, Барчиннинг тўқсон алп олдиға қўйган шартини бажарувчилардан бирига айланади. Масалан, унинг Бойчибор оти пойгадаги тўрт юз тўқсон тўққизта отға қўшилиб, беш юзинчи тулпор бўлиб Барчин учун бошланган мусобақада қатнашади. Бу билан халқ Алпомишнинг ҳаммадан бакуват, ҳаммадан мерган, ҳаммадан афзал эканлигини амалда кўрсатади. Шунинг учун оти пойгада ғолиб келганидан сўнг у ёй тортиш, танга пулни минг қадамдан уриш ва тўқсон алп билан кураш тушиш синовларида қатнашиб ўзини кўрсатади. Бу синов ҳам қаҳрамонлик эпоси хусусиятларига мос келади.

Достондаги Барчиной билан боғлиқ воқеалар бахшилар томонидан алоҳида меҳр билан тасвирланган. У зукколиги, тадбиркорлиги жиҳатидан Алпомишдан қолишмайди. Сурхайил кампирнинг ўғиллари Барчинойни зўрлик билан хотинликка олмоқчи бўлганларида, қиз алплардан бирини кўтариб ерга шундай урадики, полвоннинг оғзидан кўпик сачраб кетади. Шундан сўнггина алплар Барчинойга Алпомишни кутиш учун олти ой муҳлат беришга мажбур бўладилар. Барчиной Алпомишни севади. Аммо Алпомиш қалмоқ юртига келганида, унга турмушга чиқиш шартларидан воз кечмайди. Бу лавҳада халқ оғзаки ижодининг яна бир хусусияти намоён бўлади: Барчин ўз севгилиси – Алпомишнинг ҳаммадан устун эканлигига ва рақибларни енгишига ишонар эди. У бутун вужуди билан ҳамма мусобақаларда (Алпомиш тарафида бўлса ҳам) шартларнинг ҳаққоний бажарилишини кузатади. Биринчи шартнинг бажарилишида Алпомишнинг оти Бойчибор туёғига қалмоқлар мих қоқадилар. Шунинг учун Бойчибор азобланиб, яхши югуролмайди. Барчин унга мурожаат қилиб, пойгада уни ютиб чиқиши лозимлигини айтиб ёлборади. Алпомиш Кўкалдош билан беллашаётганида, кучлар тенг келиб қолади. Яна Барчиной Алпомишнинг нафсониятига тегадиган гапларни айтиб, унинг кучига куч бағишлайди. Бу мисоллар Барчинойнинг ўз севгисига садоқатли, иродали, тадбиркор қиз эканини кўрсатади.

Достонда Барчиной Бойсарининг меҳрибон фарзанди, Алпомишнинг садоқатли ёри сифатида маҳорат билан талқин қилинган. Барчиной отасини соғинади ва уни олиб келиш учун Алпомишни қалмоқлар юртига жўнатади. Аммо у ерда Алпомиш зиндонга тушиб қолади.

Барчиной Алпомишнинг қайтишини интизорлик билан кутади. Фарзанди Ёдгорга меҳрибонлик қилади. Ақл-идрок билан иш юритади. Ултонтознинг унга уйланиш таклифини рад қилади. Ниҳоят, Алпомиш Қўнғирот элига қайтади ва улар мурод-мақсадига етадилар.

Достондаги Қоражон образига алоҳида эътибор қилишимиз керак. Чунки Қоражон маккор Сурхайил кампирнинг ўғли бўлишига қарамай, достон давомида ҳақиқатни ҳимоя қилади. Сурхайил кампир Барчинойга совчиликка кетаётганида Қоражон уни йўлдан қайтармоқчи бўлади. У Қўнғирот элидан келганларнинг тинчлигини бузмасликка ҳаракат қилади. Бироқ Сурхайил Барчинойни айнан унга олиб бермоқчи эканини билганидан сўнг қаршилиқ кўрсатмайди. Сурхайил ўғли Қоражонни алдаб, қўнғиротликлар олдида уни уятга кўяди. Достонда Алпомишнинг мазористонда тунаган пайтида кўрган тушини Қоражон ҳам кўради. Шу туш лавҳаси орқали Қоражоннинг меҳр-шафқатли эканлиги таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам, асарнинг кейинги воқеаларида Қоражон бутунлай Алпомиш тарафида туриб ҳаракат қилади. Алпомишнинг жисмоний жиҳатдан тенгсиз паҳлавон эканини билади ва у билан оға-ини тутиниб, умр бўйи бу аҳдга содиқ қолади. Ҳатто акаларини инсофга чақириб,

Алпомишга тўсиқ бўлмасликни маслаҳат беради. Бироқ унинг таклифларини алплар қабул қилмайдилар ва курашда ҳалок бўладилар.

Достондаги асосий қаҳрамонлардан бири Қалдирғоч эди. Аввало, унинг исмига диққат қилиш керак. Қалдирғоч ўзбек халқида баҳорнинг элчиси, юртга бахт келтирувчи куш сифатида эъзозланади. Алпомишнинг синглисига исм қўйишда бу тушунчалар ҳисобга олинган бўлса, ажаб эмас. Қалдирғоч акасининг ҳар бир тадбирини қўллаб-қувватлайди, ўрни келганда, акасидан фаолроқ ҳаракат қилади. Асарда шундай бир лавҳа борки, унда Қалдирғочнинг бир сўзлиги оқибатида кейинги воқеалар давом этади. Қалдирғоч сандиқдаги мактубни топиб, Алпомишни Барчинни олиб келишга ундайди. Аммо Алпомиш ёшлиги туфайли Қултойдан от ололмайди. Чорасиз қолган Алпомиш Қалмоқ юртига боришдан воз кечади. Ана шу пайтда Қалдирғоч акасининг ориятига тегадиган гаплар айтади ва унга далда беради. Шундан сўнггина Алпомиш Бойчиборга эга бўлиб, сафарга отланади. Маълум бўладики, достондаги воқеалар ривожининг энг нозик нуқтасида Қалдирғочнинг аралашуви Алпомишга куч бағишлайди. Достонни тўлиқ ўқиб чиқсангиз, ўзбек халқининг қадим замонлардан буён ўзига хос фазилатларга эга эканига гувоҳ бўласиз. Жумладан, достонда, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам инсон ўз ақл-идрокини йўқотмаслиги, бирон қарорга атрофлича мулоҳаза юритган ҳолда келиши лозимлиги уқтирилади. Инсондаги мардлик ва жасорат алоҳида қадрланади, айтилган сўзнинг қиммати юқори баҳоланади. Зеро, ўз сўзининг устидан чиқадиган мард инсонгина бундай фазилатларнинг қадрига етиши мумкин.

“Алпомиш” достонининг сўнгги қисмлари алоҳида диққатга сазовор. Алпомиш ўз юртига қайтгач, дарҳол ҳаммага келгани ҳақида жар солмайди. Ўзини танитмаган тарзда бутун таниш-билишлари, қариндош-уруғлари билан бирма-бир учрашиб чиқади. Шу усул билан уларнинг ўзига нисбатан бўлган ҳақиқий муносабатларини билиб олади. Алпомиш бировларнинг ёлғон-яшиқ гапларидан келиб чиқиб, одамларга баҳо беришни истамайди. Шахсан ўзининг кузатишларига ишониб иш юритади.

Достонда инсоннинг маънавий қиёфасини белгиловчи эзгулик, ҳақиқий одамларга меҳрибонлик, диёнат, чидамлилиқ каби олий фазилатлар ҳақида халқнинг фикрлари ифодаланганини ҳам ҳис этамиз.

Достонда ижобий қаҳрамонларнинг фазилатлари салбий қаҳрамонлар билан муносабатга киришганларида, уларга қарши курашганларида равшанроқ сезилади. Бу ўринда Бойбўри, Кўкалдош ва Сурхайлни алоҳида қайд этиш лозим. Халқ тасаввурида ёмон хусусиятга эга бўлиш учун албатта биронта одамга ёмонлик қилиш шарт эмас. Инсон баъзан ўзининг ҳадиксираши, чўчиши, кўрқоқлик қилиши, ўз сўзида турмаслиги билан ҳам ёмон одамлар қаторига қўшилиб қолади. Чунончи, Бойбўри ана

шундай одамлардан эди. У ҳеч кимни ўлдирмайди, бировнинг ҳақини емайди, ҳеч кимга ноҳақ тухмат қилмайди. Аммо у Барчиндан келган хатни Алпомишга бермайди. Алпомишнинг қалмоқлар юртига сафар қилишини истамайди. Ҳатто Қултойга Алпомишга от бермаслик ҳақида буйруқ беради. Натижада, Бойбўри маслаксиз, кўрқоқ бўлиб қолади. У қалмоқлар юртида азоб чекаётган Барчиннинг, укаси Бойсарининг, бутун халқнинг тақдирига бефарқ қарайди. Бу билан ўзининг яхши одам эмаслигини кўрсатади.

“Алпомиш” достонининг салбий образларидан бири Кўкалдош эди. У жисмоний жиҳатдан бақувват, камон отиш, от чоптиришга уста бўлади. Бироқ жисмоний жиҳатдан тенгсиз бўлса-да, ҳеч кимга яхшилик қилмайди. Аксинча, Барчинни зўрлик билан хотинликка олмоқчи ва Бойсари мол-мулкига эга чиқмоқчи бўлади. Ўзининг бу мақсадига эришишда ҳамиша ҳам мардлик йўлидан бормайди. У ўрни келганда хиёнат, номардлик қилишга ҳам тайёр эди. Аввало, у тўқсон алпга зўрлик кўрсатиб, уларни кўрқитмоқчи бўлади. Барчиннинг биринчи шарти, яъни от пойгаси давом этаётганда эса, Қоражоннинг оёқ-қулларини боғлатиб ташлайди. Бойчиборни сўйиб юбормоқчи бўлади. Бу таклифи ўтмагандан кейин от бечоранинг оёқларига мих қоқтиради. Аммо Бойчибор Алпомишга садоқатини кўрсатиб, анча илдамлаб кетган Кўкалдошнинг отига етиб олади. Шунда Кўкалдош Қоражоннинг елкасига мушт уриб, Бойчиборнинг ёлиб чиқишига тўсқинлик қилади. Лекин ўз мақсадига ета олмайди.

Халқ оғзаки ижодида ёвуз кучларнинг рамзи сифатида иштирок этувчи образлардан бири ёсуман, ялмоғиз кампирдир. “Алпомиш” достонида ана шундай қора ниятли образ сифатида етти алпнинг онаси Сурхайл яратилган. Сурхайл кампир ўта маккор, ўзининг ёвуз ниятига етиш учун бутун ақлини усталик билан ишга соладиган разил шахс эди. Аслини олганда, Қўнғирот юртидан кўчиб келган Бойсари бошлиқ қабила билан Тойчихон хонлик қилаётган қалмоқлар ўртасидаги низонинг биринчи сабабчиси Сурхайл эди. У ўз мақсадини яширинча амалга оширишга уста эди. Барчинни Ўғилларидан бирига олиб бериш баҳонаси билан Бойсарининг бутун мол-мулкига эгалик қилмоқчи бўлиб, Тойчихондан совчиликка боришга рухсат олади. У қатнашган, ҳар бир лавҳада айёрлик, ғийбат ҳукм суради. Достоннинг иккинчи қисмида Алпомишни зиндонбанд қилишда ҳам у фаол қатнашади. Бойсарини қутқариш учун келган Алпомиш билан қирқ йигитни ҳийла билан маст қилади ва ҳаммасини ўлдиртиради. Кейинчалик Тавка ойимнинг Алпомиш зиндонигача лаҳм қовлатганини ҳам Сурхайл фош этади. Қалмоқшоҳнинг қўнғиротликларга қарши уруш қилишларида ҳам Сурхайлнинг иштироки бор эди. Хуллас, достондаги салбий образларнинг асосийси Сурхайл кампир эди. У асарнинг охирида

Алпомиш томонидан жазоланади. Халқ дoston воситасида Сурхайл, Кўкалдош, Ултонтоз каби мунофиқ одамлар албатта ўз жазоларини олишлари муқаррар эканини яна бир бор кўрсатиб ўтади.

Мавзуга доир мисоллар:

АЛПОМИШ

(достондан парчалар)

Кунлардан бир кун Ҳақимбек китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомишдан: – Киши нимадан бахил бўлади, нимадан сахий бўлади? – деб сўради. Унда ўғли туриб айтди: “Вақт-бевақт бировникига меҳмон келса, жойи бор бўлса, отини ушлаб, кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам сахий; агар жойи бор туриб, жой йўқ деб, қўндирмай жўнатса, бул одам бахил... Кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан”.

Бу сўзни Бойбўри Ҳақимбекдан эшитиб, фикр қилиб: “Мен ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман. Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин”, – деб, ўз кўнглида: “Бойсарибий укам менга закот берса керак экан” – деб ўйлади. Ўйлаб ўн тўрт маҳрамни буюрди: – Бойсарига боринглар, Бойсари ўз розичилиги билан бир тиррақи улоқни закот деб менга берсин, закот ўрнига ўтар-да, Бойсари бахил бўлиб, бахилликка чиқиб кетмасин.

Бойсарибий ўн минг уйли Қўнғирот эли билан кўчиб бориб, Кўккамиш кўлида элибойлик қилиб, молларини семиртириб, яйловда яйраб ётиб эди. Ўн минг уйли Қўнғирот элининг соп деган бойваччалари билан йиғилиб, бир ерга жам бўлиб, бир бахмал ўтовни тикиб, шу ўтовнинг ичида ҳамма бойваччалар билан кимиз ичиб, шағал маст бўлиб, ўз кайф-сафоси билан ўтириб эди. Ана шунда (отининг бўйнига) тилла кўтос тақилган ўн тўрт маҳрам Бойбўридан Бойсарини сўраб қолди. Шундаги бойваччалар буларнинг келганини билиб, эшикка чиқиб, маҳрамларнинг отини ушлаб қолди. Маҳрамларни ичкарига олиб кирди. Бойсарибий буларга жой кўрсатди. Маҳрамлар келиб жавоб-салом қилиб ўтирди. Маҳрамлар саволга жавоб бериб, айтди: – Биз акангдан келган закотчи бўламиз, бугун бизлар сенинг молиниги закот қиламиз. “Закот қилинглар, берса закотини олиб келинглар” – деб юборган, – деди.

Бу сўзни маҳрамлардан эшитиб, Бойсари кўнглига оғир олиб айтди: – Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли киши бўлиб, дарров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да. Закот деган гапни эшитиб, бу гап ботиб кетиб, олдидаги ўзининг одамларига буюрди: – Ушла баччағарларни, – деди. Бойваччалар маҳрамларни битта-битта ушлаб қолди. Еттовининг қорнига қозиқ қокиб ўлдирди. У (еттовининг) кулоқ-бурнини кесиб, ўзларига егизиб, отига чаппа мингизиб, отининг устига тортиб бойлаб: “Мана буни закот деб айтади”, – деб Қўнғирот тарафига қараб хайдаб юборди.

Шунчалик ишни қилса ҳам Бойсарибийга закот деган гап ниҳоятда ўтиб кетган экан: “Энди биз ўз элимизда сиғинди бўлиб, ўз акамизга ўзимиз закот бериб (юрадиган бўлсак), бу элда бизнинг тургилигимиз қолмади” – деб ўн минг уйли Қўнғирот элига қараб: “Эндиги маслаҳат нима бўлди?” – деб сўраб, бир сўз деб турган ери экан:

*Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош.
Барчинойим бўй етгандир қаламқош,
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.
Қўнғирот элдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Қурсин Ҳақимбеги, мулла бўлибди,*

Безакот молларни ҳаром қилибди.
Қўнғирот элдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Дардли қул дардимни кимга ёраман,
Айрилиқ ўтига бағри пораман.
Мунда элга сизинди бўл тураман,
Ўз акамга қандай закот бераман?!
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Шум фалак бошимга савдо солибди.
Бойбўридан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Ҳудо дейин, яратганга жилайин.
Ўз акамга қандай закот берайин.
Ўз акамга ўзим закот бергунча,
Бошқа юртда жузья бериб юрайин,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Бойбўридан бизга маҳрам келибди,
Зако́т дебди, бир бидаҳат қилибди,
Муна элда мен ҳам бекман, тўраман,
Ҳар на қисмат ёзилгандан биламан.
Азалий тақдирга нимиш қиламан,
Ўз акамга қандай закот бераман?!
Ўз акамга ўзим закот бергунча,
Қалмоқ бориб жузья бериб юраман.
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Сен эшитгин Бойсарининг тилини,
Акам бизга миннат қилди улини.
Сабил қилиб кетай Бойсин элини,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Жафо тиги бугун жондан ўтади,
Бойбўрининг сўзи бизни ўртади.
Зако́тчилар жабр кўриб кетади,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Бойбўридан ўн тўрт маҳрам келибди,
Зако́т деган гапни маълум қилибди.
Устима кийганим яшил-кўк эди,
Бундай сўзлар илгаридан йўқ эди.
Бойбўридан бундай сўзлар кеб эди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош,
Зако́т деган бу элларда йўқ эди.

Ана шунда Бойсарибий бу сўзларни айтди. Турган халойиқдан ҳеч бир сазо чикмади. Шу мажлисда бир Яртибой оксокол дегани бор эди. Мажлисда кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсағанинг олдида кавушга жой бермай, кавуш билан аралашиб, ит йиқилиш қилиб, пойга бетда ётар эди. Тўрда ўтирган каттаман деб юрганларнинг ҳеч бир қайсисидан гап, сазо чиқмагандан кейин, пойга бетдан Яртибой ўрнидан туриб, маслаҳат шулда, деб Бойсарининг сўзига жавоб бериб, Бойсарига қараб бир сўз деб турибди:

Маслаҳат бермаймиз Бойсарибийга,
Осилмаймиз Бойбўрининг дорига.
Биринг ака, биринг ука, Бойсари,
Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан.

Худо дейик, яратганга жилайлик.
Нор кесар, олмосни белга чолайик
Шоҳим, сизга не маслаҳат берайик?!
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўласан,
Муна элда ўзинг улуг тўрасан.
Ҳар на қилсанг шоҳим ўзинг биласан,
Маслаҳат деб ўзинг хафа бўласан..
Бойбўридан элга закот келибди,
Бу гап сенга қаттиқ савдо бўлибди,
Яртибой дер шундай жавоб берибди,
Одамлар кўнглига оғир олибди,
Закот деган гапи ўсал бўлибди.
Маслаҳатни, шоҳим, ўзинг биласан,
Бу тургандан сўраб нима қиласан.
Биринг ака, биринг ука, Бойсари,
Ними бўлса биздан яхши биласан.
Сен эшитгин Яртибой нолишини,
Кўздан тўкма бунда селоб ёшини.
Йиғибсан олдинга қанча кишини,
Билолмадик Бойбўрининг ишини.
Маслаҳатни шоҳим ўзинг биласан.
Биз ҳам бу гапларни оғир оламиз.
Оғир олган билан ними қиламиз,
Шоҳим, сизга не маслаҳат берамиз?!.

Бойсарибий Яртибойдан бу сўзни эшитиб, тағи ўзи турган одамларга қараб бир сўз деди:

Қулоқ солинг Бойсарининг тилига,
Кўчиб кетай мен ҳам Кашал элига.
Давлат қўнса бир чивиннинг бошига,
Семург қушлар салом берар қошига.
Банда кўнар тангри қилган ишига,
Қулоқ солинг Бойсари нолишига.
Қалмоқ бориб қўнсам Чилбир даштига...
Турарим йўқ Бойсин-Қўнғирот элига.
Ўз элим деб яна бунда турганча.
Ўз акамга ўзим закот берганча.
Ўз акамдан бундай хўрлик кўрганча,
Қалмоқ бориб жузъя берсам бўлмайми.
Ғариб бўлиб кўздан ёшим тизилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди,
Ичим куйиб, юрак-бағрим эзилди,
Закот дейди, менинг кўнглим бузилди.
Бойбўри дер билмаганим билдирди.
Дўст йиғлатиб, душманини кулдирди.
Закот деган гапни акам чиқариб,
Менинг тоза улсизлигим билдирди.
Ўз акамга ўзим закот берганча,
Бошқа юртда сизинди бўп юрайин.
Қалмоқ борсам, жузъя бериб кўрайин...

Бойсаридан бу сўзни Яртибой эшитиб, Яртибой ҳам Бойсарига қараб бир сўз деди:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.
Сен кетар бўлсанг қалмоқ юртига,
Бул элатни қолар деб ҳам гам ема.
Қайга кўчсанг, бизлар бирга борамиз,
Қайси элга борсанг, бирга юрамиз.
Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб-куламиз.
Болаларни жаҳонгашта қиламиз.
Қайда борсанг, бирга-бирга борамиз,
То ўлгунча сенинг билан бўламиз,
Бойбўрини бизлар нима қиламиз.
Ҳамма ҳам сендайин кўзини ёшлаб,
Закот деб чиқарди бир ишни бошлаб,
Қайси элга борсанг, юргин сен бошлаб,
Кетармиз Бойсинни буларга ташлаб,
Бойбўрибий қолсин кўнглини хушлаб...
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади,
Бунда қолган одам тайин ўлади,
Феъли кетиб, закот ҳам деб турибди,
Қолганнинг молини тортиб олади,
Бул Бойбўри ажаб ишни қилади,
Бул элат сенинг билан бўлади,
Қайга борсанг, бирга-бирга боради...

Яртибой оқсоқолнинг айтган сўзи ўн минг уйли Қўнғирот элининг катта-кичигининг барига маъкул тушди. Ҳаммаси – Яртибой оқсоқол рост айтади!. – деди. – Бойбўрининг феъли кетди, ўз инисини билмади, Бойсарига закот солди, бу ўз инисидан закот олса, бизлардан тортиб олса ҳам олади, бунинг феъли қайтгани маълум: Бойсари кўчиб кетса, бизларни Бойбўри сира кўймайди, тортиб олса ҳам закотни олади: энди Бойсари кўчса, бизлар ҳам кўчиб кетайлик, Бойсари ўлик бўлса – ўлик, тирик бўлса – тирик, Бойсин-Қўнғирот юртини Бойбўрига бўшатиб берайик, Бойсин-Қўнғирот юртини бир ўзи ёйлаб олсин, - деди. Ўн олти уруғ Қўнғирот элидан ўн минг уйли экин экмоқчи билмайдиган жилибойлар айрилиб, Бойсарига кўшилди. Булар ҳаммаси бой, кўйли, туяли, молининг сони йўқ эди, буларнинг ичидан моли йўқ деган камбағалининг қирқ минг туяси бор, кўйнинг сонини-ададини ўзлари ҳам билмас эди. Ўра-ўра, бир кўра, икки кўра, ўн кўра кўй, деб санагани шул эди. Йилқибон молларини бир уюр фалон тўқайда юрибди, икки уюр фалон тўқай ерда юрибди, деб эди. Сонини санамоқни ҳеч қайсиси билмас эди. Булар қишдан ёзга экин экмай, молбойлик қилар эди. Шунинг билан овқатларини ўтказар эди. Бойсарининг йилқисининг сони шул эди: тўксон тўқай йилқиси бор эди. Тўксон тўқай дегани – йилқиси ҳар ерларда, тўқайларда, тоғларнинг дарасида, тўқайли ерларда ёйилиб юрар эди. Тўқайларда йилқиси ёйилиб юргани учун Бойсарибийнинг тўксон тўқай йилқиси бор, дер эди. Лекин йилқисининг – молининг сонини ҳеч ким билмас эди. Моли кўп эди.

Бойбўрибийнинг Бойсарига закот бер деганини эшитиб, Бойсин-Қўнғирот бойларига бу иш жуда оғир келди. Бойсари кўчса, биз ҳам кўчамиз, - деб ҳаммаси чўпонларга, йилқичиларга, туячиларга, ҳамма даҳмардаларига кўчамиз, - деб одам буюрди. “Бу Бойсин яйловидан, бу тўқайлардан кўйларингни, туяларингни, йилқиларингни – ҳаммасини хайданглар. Қалмоқ юртига, Кашал элига қараб йўл бошлаб юра берсин”, - деб хабар юборди. Ҳаммаси Бойсин-Қўнғирот элини ташлаб Қалмоқ юртига жўнаб кетмоқчи бўлиб, добирлашиб ҳаммаси бирдан, катта-кичик, ёш-қари – бари бир-бирига хабар қилиб, кўча бер, - деб вағир-шағир, уйларини бузиб, туяларга ортиб, аёллари ҳам ўз юки-ёбини бўғиб, бўғча-бўйларини чоғлаб, тўполок бўлиб, шовкин-ғалағур бўлиб қолди. Ўн минг уйли Қўнғирот талатўп бўлиб, Кашал элига, Қалмоқ юртига қараб, ҳа, деб кўча берди...

Қалмоқ юртига кўчиб боргандан сўнг Барчин Алпомишга хат ёзмоқчи бўлди.

Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг йигитидан ўн йигитни сайлаб олди, отасининг тўксон тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди, отларни совитиб тамом қилди. Шунда шундай арза ёзди Барчин: “Олти ойчилик йўлга келдим, қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муддат олдим, мендан умиди бўлса Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин”. Арзани ўн бойваччага топширди, отларни эгарлаб, чоқлаб, яхши бор, деб бир сўз айтиб турган экан:

*Кечани мунаввар қилар тўлган ой,
Савашли кун тортилади парли ёй,
Кашалда талашда қолди Барчиной,
Борсанг салом ўйнаб ўсган эллара,
Кўкқамишдай мазгил жойим, чўллара.
Қалмоқлар йиғлатди мендай санамди,
Юрагимга тўлган доғу аламди (р),
Албатта сўранглар мактаб жўрамди.
Музойиб сўз айтар мендай муштинпар,
Кеча-кундуз шабгир тортинг хизматкор,
Жиловдоринг бўлсин имом, чилтанлар,
Бойсун юртда қолган қавму қардошим.
Мусофирлик юртда гангди бошим,
Менга ҳамдам бўлолмади ҳеч кишим,
Мендайин мунгликнинг кўнглин бўлади.
Қалмоқ бари қайғу, зулм солади,
Олти ойга Барчин муҳлат олади,
Қалмоқ элда мусофир бўп жилади...
Ошиқнинг даҳмидур қоронғу кеча,
Йиғласам, ҳолима йиғлар бир неча,
Кеча-кундуз тинмай юринг, бойвачча,
Борсанг салом ўйнаб-ўсган элларга.
Кеча-кундуз тинмай йўлни олинглар,
Бий бобома бул хабарни беринглар.
Катта-кичик ҳамма дуо қилинглар,
Элда қолган қариндошни кўринглар
Сўз айтар сизларга мендайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам,
Қалмоқнинг зулмидан йиғлади энам...
Қўнғирот элда бордир неча сирдошим,
Ҳамдам бўлиб бирга юрган йўлдошим,
Оға-иним, элимда денги-душим,
Хизмат қилинг, онсон бўлғай бул ишим.
Бу сўзни айтиб Барчин дуо қилади.
Улуғ-катта бари йиғилиб келади.
Қўл очиб буларга дуо қилади,
Элчи бўлиб Қўнғирот элга жўнади.
От белига чопар минди,
Барчиннинг арзасин олди.
Ҳамма дуо қилиб қолди,
Арзачилар йўлга кирди,
Қўнғирот элга йўлни бошлаб,
Бедов боради ангишлаб,
Чопарларнинг кўнглин хушлаб
Қамчи юргандир қулочлаб,
Остидаги араби отлар*

*Йўлда юрар ишин ташлаб,
Бедов отга қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,
Чопарлар қистаб йўл тортди,
Неча адир, белдан ўтди,
Чопарлар қилиб ғайратди,
Кеча-кундуз шабгир тортди (бедор бўлди).*

Отлар қарсоқдай қотган, тўқсон кеча-кундуз йўл тортган, балки чопарлар Қўнғирот элига Бойбўрининг давлатхонасига етган, от устидан туриб салом берди. Буларни кўриб Бойбўри айтди: - Булар қандай одам экан, беадаблик билан салом берди менга.

Чопарлар бояги аризани чиқариб берди. Аризани ўқиб кўриб билди: келган Барчиннинг чопари экан. Ўн махрамни буюрди, чопарларни битта-битта отдан кўтариб олди, чопарларга хизмат қилди, бу аризани ҳеч кимга билдирмай, олиб бориб сандиққа солиб ташлади. Чопарлар йигирма кун ётди, хўп иззат-икром қилиб, қилди зиёфатди, кўп қилди хизматди. Берган аризасидан ҳеч бир шобир (овоз) бўлмади. Чопарлар жўнаймизга тушди, чопарларга зар-зебар инъом бериб, хуш келибсан қилиб, йўлга солиб, чопарга шундай гап айтиб тайин қилди: - Бундан кетганча, Қўнғирот музофотидан ўтганча, Қалмоқ вилоятига етганча, ё бир ўтинчига, ё бир подачига, ё чўлда юрган чўпонга:

“Биз Барчиннинг келган чопари бўлар эдик”, - деб оғзингдан чиқарсанг, одам буюраман, кейинингдан қувиб етади, бошингга қамчи чотади (қамчи билан уради), баданингни бўздай қилиб йиртади, олиб келиб дорга тортади, оғзингдан чиқармай кетгин...

Бу сўзни эшитиб, чопарлар: “Сира ҳам оғзимиздан чиқармаймиз” – деб йўлга кирди. “Хўп гапни гапирди, хоҳи бор, хоҳи борма, биздан хизмат-да, борган-бормаганинг билан нима ишимиз бор, кетса, сенинг келининг кетади, Қалмоқ олса, сенинг инингнинг қизини олади, биздан кетадиган бир йўл юрган хизматимиз-да” – деб йўлга равона бўлди. Булар жўнаб кетди. Жўнаганига ҳам неча кун ўтди...

Алпомишнинг Қалдирғоч деган синглиси бор эди. Қирқин канизлари билан бир сандиқни очиб кўраётди эди, бир хат чиқди: ўқиб кўрди.

Барчин чечасининг хати. “Туновги ўн чопар бу хатни олиб келган экан, буни билдирмай отам сандиққа солиб қўйган экан. Юринглар бек акамга бораёйик, бу хатни бераёйик, қанча ғайрати бор экан, синаёйик”, - деб Ҳакимбекнинг қошига келди. Хатни берди...

Қалдирғочойим акасига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

*...Мард йигитнинг моли талаш бўларми.
Эр йигитнинг ёрин қалмоқ оларми,
Барчин чечам талаш бўлиб қоларми,
Сендай беклар бу (бундан) беҳабар турарми?
Келар дебди, сендан умид қилибди.
Олти ой қалмоқдан муҳлат олибди,
Инсоф қиб бадбахтлар муҳлат берибди.
Умид тортиб сенга арза келибди.
Хат кўтариб ўн бойвачча келибди.
Англаманг отама хатни берибди,
Отам хатни бул сандиққа солибди,
Энди билиб синглинг олиб келибди,
Мунглуқ синглинг сенга арз қиб турибди...*

Бу сўзни (Алпомиш) эшитиб: - Яёв борамизми эса? – деди. Қалдирғоч ойим: - Тўқсон тўқай йилкинг бор, яёв бориб, мингани оёқ-улов топмай ётибсанми? Эгар-абзални олсанг, йилкига Қултойнинг қошига борсанг, кўнглингга ёққанини хоҳлаб миниб кета берсанг, - деди.

Шундай қилиб, кийинтириб кескин қиличларни белига боғлаб, Арпали қўлидан отлана берди. Алпомишнинг Алпинбой бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли

сари ёйи бор эди. “Мабодо душманнинг юртида ёй тортишадиган кун бўларми, одам билмайди, керак бўлиб қоларми”, - деб ёйни эгарнинг қошига солиб олди.

Қалдирғоч акасини отлантириб, от анжомини чоқлаб, яхши бор, деб бул сўзни айтиб турди:

*Қайда борсанг Шоҳимардон ёр бўлсин,
Унаккимом, чилтан жиловдор бўлсин.
Душманларинг кўрса зор бўлсин.
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Мен мунғлуқман, кўзда селоб ёшимди (р),
Бундан бориб олгин гул бувишингди,
Қўнғирот элда қилгин ўтиришингди,
Эсга олгин мендай эмикдошингди...*

Бу сўзни эшитиб, Ҳакимбек Қултой бобоси билан, Қалдирғоч синглиси билан хушлашиб, бир сўз деб турган экан:

*Мен кетарман ёрим излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб.
Ёлғизман. бўтадай бўзлаб,
Бобом Қултой, хуш қол энди.
Кетсин мендан оҳу войим,
Обод бўлсин, мазгил жойим,
Дуо қилган, қиблагойим,
Отам Қултой, хуш қол энди,
Ёр савдоси келди голиб.
Мен кетарман бошим олиб,
Билмам неча кун йўл юриб,
Қалмоқ борарман ахтариб,
Қалмоқ бориб ёрим кўриб,
Отам Қултой хуш қол энди.
Бизман бирга ҳамдам бўлган,
Бир эмчакни бирга эмган,
Акам деб эргашиб юрган,
Умид тортиб бунда келган,
Мунғлуқ синглим, хуш қол энди...*

Тойчи вилоятида, Қалмоқ музофотида, Чилбир чўлида Муродтепа деган тепаси бор эди, ҳад или баланд тепа эди, устидан қанотли куш учиб ўтолмас эди, ҳар қандай одам чиқиб, оёқ ости қилиб кетолмас эди. Шу тепани кўриб, Алпомиш ирим чекиб: “Шу тепага отимни солайин, иркилмай тепага отим чиқиб кетса, боргандан ёримни оламан, чиқолмаса бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешонамни шу ерда синаб кўраман”, - деди. Отни тепага тўғри қилди, туёғидан... қирқ минг отнинг дубури пайдо бўлди. Алпомиш кўнғлида ёрини олмаса ҳам олганча бўлиб қолди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн минг уйли Қўнғиротнинг эли кўриниб турибди, отни ководонга қўя бериб, тепанинг бошида ёнбошлаб, Бойсарининг уйига тиклаб ётаберди...

Қоражон Муродтепанинг остига келиб қолди. Шунда тепанинг бошига қаради. Тепанинг бошида Юсуф талъатли, Рустам сифатли, чопқир отли биров ёнбошлаб ётибди. “Бу бизнинг Қалмоқ вилоятининг одами эмас, бундай йигитлар Қалмоқ юртида бўлса, бекликда, подшоликда бўлар эди. Илгаридан ҳам бирди-ярим кўзимга тушар эди. Магар қирқ чилтан... қавм-қариндошини тушимда кўрсатиб, мени дўст қилган, Қўнғиротдан келаётган Алпомиш деган қобилбачча шул бўлмаса”, - деб Алпомишга қараб, бир сўз деб турган экан:

*Остингда юз алвон ўйнайди отинг,
Душманни ўртайди шоҳлик шавкатинг,*

Пул бўлсин, беквачча, қайда борасан?
Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай.
Аччиғинг чиллал музлаган қишдай,
Норкалла келгансан, чуйда қўшмушдай,
Норкалла полвоним, қайдин бўласан?
Юрагингда бордур гусса-аламинг,
Хуржунингда балки қуръон-каломинг,
Сипоҳи сатангим, қайдин бўласан?
Қийғир деган қуш ўтирар қиёда,
Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Ғайратингдан шоҳлар юрар пиёда.
Хабар бер беквачча қайда борасан?
Тепанинг бошга сенга қарайман,
Борар жойинг мен ҳам сендан сўрайман.
Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,
Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга,
Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга,
Ёнбошлаб ётишинг минг қўйли бойга,
Бойвачча сифатли, қайдин бўласан?..

Қоражондан бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам Қоражонга қараб, бир сўз деб турган экан:

Мени билсанг Қўнғиротларнинг оғаси,
Бошимда бор эди зардан жигаси.
Ёз бўлса яйловим Аму ёқаси,
Мени билсанг, Қўнғирот элининг тўраси.
Кўкқамиш кўлидан суқсур учирдим,
Суқсурни излағай лочин бўламан.
Боғларим зумраддан, чангалим пўлат,
Бойсиндан қуюлган шунқор бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Тангқа ташлаб Олатогни ёйлаган,
Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган,
Шул галада бизнинг бир моя келган,
Моянинг йўқчиси, нори бўламан.
Ҳасратидан ғамга тўлдим оҳ уриб,
Олтойчилик йўлдан келдим ахтариб,
Чилла кирмай чарқилларман маст бўлиб,
Чайқарман хатап (сажда)га бошимни уриб.
Жафолар соларман тандаги жонга,
Хазон бўлса зоглар қўнар гулианга,
Ажалли касратки тегар илонга,
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар
Магар ажал қамсаб келса сичқонга,
Қалмоқ кўрсам отаман-ку осмонга,
Қалмоқларга келган бало бўламан.
Бойсин-Қўнғирот дейди ўсган элимни,
Бадбахт Қалмоқ эшит айтган тилимни,
Соларман бошингга қаттиқ зулмни.
Кўп сўрадинг сен менинг мазгилимни,
Асли Қўнғирот дейди менинг юртимди,
Лақабим Алпомиш, отим Ҳакимди(р).
Не биласан сен сўрайсан юртимди.

Қоражон деб хабар бердинг отингди.

Қоражон Алпомишдан бу сўзни эшитиб, Алпомишнинг сўзини кўнглига оғир олди. “Қалмоқларга келган бало бўламан”, - дегани Қоражонга ботиб кетган эди. “Қандай бўлса ҳам кўтарилма, лоппи ўзбек экан”, - деб Алпомишни синаб, бир сўз деб турган экан:

*Учирган суқсуринг Ойкўл кўнибди,
Тўқсон ғажир ўртага олиб турибди.
Ёш ўғлонсан бекор ҳалок бўласан,
Ғажирлар иложин қандай қиласан?
Бекор ҳалак бўлиб бунда келасан,
Ғажирлар чангида тайин ўласан,
Ҳолинг билмай сен ҳам сарсон бўласан,
Ҳар бир сўзни бунда лоппи урасан.
Улар йўлга юрган тентак бўласан,
Осмондан тушгандай бўлиб келасан,
Англамайсан, кўтарилиб турасан,
Лоф уриб сен ҳам менга қарадинг,
Моячам деб сўнгра мендан сўрадинг,
Сўрадинг, моянгдан дарак берайин,
билганимни сенга айтиб берайин,
Нар-моянг юрибди Чилбир дашида,
Минг беш юз тиллалик овсар бошида,
Кўрдим тўқсон алпнинг той-талошида,
Нар-моянг шу кунда довриқ устида...
Алплар билан кўрсанг саваш қиласан,
Айрилиб моянгдан сарсон бўласан.
Бул алпларга нима илож қиласан,
Йўлиққан сўнг сен зўрлигин биласан,
Бекор ҳалок бўлиб бунда келасан.³⁰*

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ

Эргаш Жуманбулбул ўғли халқ дostonларини маҳорат билан ижро этувчи ижодкор бахши эди. Унинг етти аждоди шоир ўтган ва машҳур бахшилар сифатида ҳамиша устозлар қаторидан ўрин олган, отасининг Жуманбулбул номига эга бўлишининг ўзи бу оиладаги истейдод эгалари кўп етишганлигидан далолат беради. Ундан Ходи Зариф, Ғози Олим Юнусов, Муҳаммад Исо Эрназар ўғли каби олим ва зиёлилар 33 номдаги асарларни ёзиб олишган. Унинг асарларидан намуналар ва ижоди ҳақидаги мақолалар сони 200 га яқин. Айниқса, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ходи Зарифов томонидан ёзилган мақола, илмий тадқиқотларда Эргаш шоирнинг улкан халқ санъаткори экани асосли тарзда мисоллар билан таҳлил қилинган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йилда Нурота туманига қарашли Қўрғон қишлоғида туғилган. Шоирнинг ота-боболари шу қадар дoston айтишга моҳир эдиларки, уларнинг ижро усулидаги ўзига хослик Эргаш

³⁰ Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. “Шарқ”. Т.: 2001. 181-192-бетлар.

туғилган қишлоқ номини ўзбек дostonчилигидаги алоҳида мактаб сифатида тан олинishiга сабаб бўлди. Эргаш Жуманбулбул ўғли эса бу мактаб номини абадийлаштиришга муносиб ҳисса кўшди.

1875–76 йилларда Жуманбулбул ўғлини қишлоқ масжиди ҳузуридаги мактабга ўқишга беришади. Ўқишга бўлган ҳавасини ҳисобга олган ота ўз ўғлини Бухоро мадрасасида ўқитади. Натижада, Эргаш шоир ўз давридаги ўнлаб бахшилардан фарқли равишда ўқиш-ёзишни ўрганди, Низомий, Навоий, Машраб каби шоирлар асарларини мутолаа қилди, ҳатто кейинчалик мирза (котиб) бўлиб ишлади.

Эргаш шоирнинг шахсий ҳаётида оилавий мусибатлар кўп бўлди. 18 ёшида унинг отаси вафот этган. Укалари Абдухалил, Абдужалил, синглиси Маҳкамой ёш пайтларида дунёдан кўз юмганлар. Шунинг учун шоирнинг термаларида оилавий бахтсизлик ҳақидаги мисралар ижодининг салмоқли қисмини ташкил этади. Хусусан, укаси Абдужалил ўлими билан боғлиқ айтган йиғида шундай дейилади:

*“Эмранди танимда жоним,
Хазон бўлди гулистоним,
Йиғлашиб ёр-ёроним,
Бемаҳал қуриб бўстоним,
Қўлдан учди бўз тарлоним,
Эшитинглар қадрдоним,
Ёлғиз иним, суянганим,
Шунқоримдан жудо бўлдим”.*

Оилавий қийинчилик ва ташвишлар бахшининг умр бўйи Самарқанд, Зарафшон атрофида қишлоқма-қишлоқ дoston, терма айтиб юришга мажбур қилди Аммо шу билан бирга бу муттасил сафарлар уни одамларга танитди, машҳур бахши сифатида ном қозонишга олиб келди, бахшилиқ санъатининг мукаммал эгаси, устоз шоир бўлиб етишишига сабаб ҳам бўлди Эргаш шоир умри давомида яна ўқитувчилик, деҳқончилик билан шуғулланди. Ҳаётининг сўнгги йилларида асосан дostonларни ёздирди, дoston айтди, термалар яратди.

Ҳар бир бахши ўз ижоди давомида бир-иккита дostonни алоҳида меҳр билан ижро этади. Унга бутун вужудини, истеъдодини бағишлайди. Эргаш Жуманбулбул ўғли “Равшан”, “Кунтуғмиш” дostonларини ана шундай муҳаббат билан ижро этган. Шунингдек, бахши “Алпомиш”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Далли”, “Хушкелди”, “Авазхон”, “Ҳасанхон” каби ўнлаб дostonларни мароқ билан ижро қилган. Шоир ижодига хос хусусиятлардан бири ижросидаги дostonларнинг сюжет ва композициясидаги мукамаллик эди. Ёзма адабиёт намуналаридан яхши хабардор бўлгани сабабли бахши Алишер Навоий дostonларидаги мукамалликни оғзаки ижодга татбиқ этади. Шунинг учун “Равшан”,

“Кунтуғмиш” дostonларидан бирон лавҳани олиш ҳам, унга қўшиш ҳам мумкин эмас. Маълум бўладики, ҳар бир ишга ижодий ёндашишга ўрганган Эргаш шоир мадрасада олган билимларини ўзи ижро этадиган дostonларга татбиқ этди ва халқ дostonларининг бадиий жиҳатдан мукаммаллашувига муносиб ҳисса қўшди. Устоз олим Ходи Зарифов бу фикрни тасвир воситаларидан омоним сўзларни қўллашдаги шоир маҳоратини далиллаб шундай кўрсатади: “Шу жиҳатдан биз билган халқ шоирлари орасида сўзга бой Эргаш Жуманбулбул ўғлининг тажнис сўзлари диққатни жалб этади”. Биз унинг тажнисли тўртликларидан бир нечтасини қайд этмоқчимиз:

*“Тоғнинг адири ўради,
Ўрага қўйлар ўради.
Уч тол қилиб санамлар,
Чочини майда ўради”.*

Устоз олим биринчи мисрадаги “ўради” кўтариладиган баландликни, иккинчи мисрада оралаб юришни, тўртинчи мисрада соч ўришни англатишини таъкидлайди.

Муҳими шундаки, шоир ўзбек тилидаги бундай гўзал имкониятни алоҳида машқларда, яъни терма айтишларда эмас, балки қулай имконият келгани заҳоти халқ дostonларида кўрсатишга уринган. Масалан, Равшан дostonида Ҳасан сафарга отланган ўғлига насиҳат қилиб шундай дейди:

*“Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
Насҳатим ёдингда тут, ёлғизим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от”.*

Эргаш шоир бутун ҳаёти давомида ўз ватанини, она юртини севди, эъзозлади. Шунинг учун у қалбидаги бу муҳаббатни ижро этаётган дostonларидаги қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракати орқали ифодалади. У куйлаган Гўрўғли туркумидаги дoston қаҳрамонлари мардлиги, ҳалоллиги, тўғри сўзлиги билан тингловчиларни ўзига мафтун этарди. “Равшан” дostonида Ҳасанхон дорга олиб келинаётган ўғлини шу заҳоти қутқармоқчи бўлганида, Жайноқ масҳарабоз унга аввал Равшанни синаш кераклигини маслаҳат қилади. Ҳасанхон рози бўлади. Қорахон подшоҳнинг мулозимлари Равшанга ўз юртидан, Гўрўғлидан воз кечса, Зулҳуморни унга беришларини, шу юртга – Ширвонга Равшанни подшоҳ бўлиб қолишини айтадилар. Шунда ёш йигит дор остида мағрур туриб:

*“Сен айтган одамнинг, золим, мен эмас,
Бир нечалар ўз ҳолини тенгламас,
Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!
Азиз бошинг оёғимга тенг эмас!”* – дейди.

Бундай мисралар дoston ижро этилаётган ҳудудлардаги юзлаб мард ўғлонларнинг тарбиясига таъсир қилган. Шоир юрт меҳри ҳақида уларга ортиқча насиҳатлар қилмай юракларига она диёр қиммати нақадар улуғ эканини сингдириб қўя қолади.

Профессор Ходи Зарифов шоир ҳаётининг сўнгги даври ҳақида ҳикоя қилиб, бахши ўз юртига бориб, бир қатор қўлёзмаларни топмоқчи бўлганини, янги-янги термалар, дostonлар айтиб беришга ваъдалар қилганини ёзади. Бироқ оғир касалликдан шоир 1937 йил 12 май куни вафот этади. Зукко бахшидан қолган бадий мерос бугунги кунда юртимиз келажаги учун хизмат қилмоқда.

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ

Ўғуз, Қипчоқ Олтой, Қўнғирот версияларига эга бўлган “Алпомиш” дostonининг 1928 йилда Маҳмуд Зарифов томонидан Ҳоди Зариф раҳбарлигида Фозил Йўлдош ўғидан ёзиб олинган нусхаси бутун туркий халқлар орасида қаҳрамонлик эпоси ҳисобланган “Алпомиш”нинг энг мукамал ва бадий жиҳатдан етуғи ҳисобланади. 1952 йилда мустабид совет тузуми сиёсатига мос эмасликда айбланган, 1999 йилда эса мустақиллигимиз шарофати билан минг йиллиги нишонланган “Алпомиш”га ҳам Фозил Йўлдош ўғли айтган нусха асос бўлди.

Фозил Йўлдош ўғли 1872 йилда Самарқанд вилояти, Булунғур туманига қарашли Бўдана ҳудудидаги Лойқа қишлоғида туғилди. Унинг oilаси асосан деҳқончилик, қисман чорвачилик билан шуғулланарди.

Тақдир Йўлдошни жуда ёшлигидан синовдан ўтказа бошлади. 1877 йилда 5 ёшли Йўлдош отасидан етим қолди. Онасининг қўлига қарам бўлиб қолган oilанинг ташвиши кундан-кунга ортарди. Шунинг учун у тўққиз ёшга тўлар тўлмас ёлланиб подачилик қилишга мажбур бўлди. Бу ҳақида бахши кейинчалик “Кунларим” термасида шундай дейди:

*“Олти ёшда қўмсаб-қўмсаб отамни,
Оғир меҳнат эзди шўрли энамни,
Эна-бола тополмадик бир нонни.
Парча нон деб ўтган кунларим.
Етти ёшда ортди менинг қулфатим,
Саккиз ёшда оғир меҳнат улфатим,
Меҳнат учун синаб кўрдим қувватим,
Тўққиз ёшга йиглаб етган кунларим.
Тўққизимда бел боғладим меҳнатга,
Чўпон бўлдим, тушдим яна гурбатга,
Ишлаб едим, лекин қолдим миннатга,
Парча нон деб миннат чеккан кунларим.
Дўмбирам қўйлади менинг ҳолимни,*

*Мен жўр бўлиб сўкдим бойни-золимни,
Топдим дўстлар, шунда дардкашларимни,
Ҳақ-ноҳақни куйлаб чертган кунларим”.*

Бахшидан ёзиб олинган бу термалар унинг ҳаёти ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Хусусан, улар воситасида биз Фозил Йўлдош ўғлининг бахшилар даврасига ўз-ўзидан қўшилиб қолмаганини билиб оламиз. Бахши учун ҳаётни билиш, турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўриш ҳам ўзига хос тажриба мактаби бўлган. Бу мактабдан Фозил шоирнинг тузуккина таълим олгани унинг кейинги пайтларда куйлаган терма ва достонларидан маълум бўлади. Ҳатто, олимларнинг маълумот беришларича, Фозил Йўлдош йигит бўлиб улғайгани сари чорвачилик, деҳқончилик сирларини эгаллаб борар экан, ҳамюртлари орасида Лойқа қишлоғининг энг эпчил ўроқчиси номини олишга муяссар бўлади. Аммо вақт ўтгани сари ёшлигида чертишни ўрганган дўмбира унга тинчлик бермади. Қайта-қайта бахшилар даврасида иштирок этиш эса кўп ўтмай ўз даврининг энг машҳур устоз бахшиларидан Йўлдошбулбулнинг эътиборини ўзига тортди. У моҳир санъаткордан достон айтиш сирларини эгаллади. Албатта, ҳаваскор достон ижрочисидан етук бахши номига етишиши ундан катта меҳнатни, ижодда ўтадиган уйқусиз тунларни талаб қиларди. Фозил бахшидаги ирода бу талабларга жавоб бериш учун етарли қувватга эга бўлди. Ёш ижрочи ўз устози ва ҳамюртларидан қирқдан ортиқ достонни ўрганди. ижод этди. Охир оқибатда Йўлдошбулбул ўз шогирди Фозил Йўлдош ўғлини бахшиликнинг катта синовидан ўтказди. Фозилдаги ўта кучли хотира қуввати, меҳнатни севиш, ўзига талабчанлик бу синовдан муваффақиятли ўтиш имконини берди.

Халқ бахшиси ҳамиша ўз элининг дардини, аламини, ташвишларини ўз ижодида акс эттирган. Тингловчи омма жуда оғир ва мусибатли замонларда айнан бахши термаларидан тасалли топган, келажакка умид билан қараган. Фозил Йўлдош ўғли ҳам ана шундай бахшилардан эди. У атроф қишлоқларда меҳнат қилиб, 19 ёшида ўз она қишлоғига қайтгач, бахши бўлиб ном қозонди ва элининг дардини термаларда баён этди.

1898–1908 йилларда юртимиз тарихида табиий офат рўй берган эди. Экин майдонларининг ҳаммасини чигиртка босди. Бу фожеадан азобга тушган бахши ҳамюртлари бошига тушган қийинчиликларни “Чигиртка” термасида баён этди. Қашшоқлик авжига чиққани сари бахшининг ноласи ҳам чегара билмади:

*“Камбағлнинг ақли шошиб,
Ўғил қизиман кенгашиб,
Кеча-кундуз зор йиғлашиб,
Дўстлар, қадди камон бўлди”.*

Аксига олиб, чор ҳокимиятининг зулми ҳам ошиб борарди. Халқнинг ташвишига ташвиш қўшиларди. Кун ўтмай Жиззахда бош кўтарган аҳоли тўпга тутилди. Бундай ташвишли воқеалар Фозил шоирда янги-янги асарлар яратиш туйғусини пайдо қилди. Унинг “Маматкарим полвон”, “Жиззах кўзғолони” каби кичик ҳажмдаги достонлари шу залда ижод қилинди:

*“Ўз ҳолига қўймай халқни,
Қайта-қайта чиқим солди...
Урушда бўлган харажат,
Қайдан топиб берсин элат?!
Ҳамма бўлиб қолди ҳайрон,
Нечовнинг ватани вайрон”.*

“Жиззах кўзғолони” достонида Фозил шоир кўрган кечирган азоб-укубатларини оддий халқ тилидан содда ва равон тарзда ифода этишга уринди. Аммо бахши томонидан доимий равишда айтилаётган терма ва достонлар унинг анъанавий эпик асарларини ҳам тўлиб-тошиб ижро этишга ҳалақит бермади. У “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Ширин билан Шакар”, “Муродхон”, “Рустамхон”, “Маликаи айёр”, “Машриқо”, “Интизор”, “Балогардон”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Фарход ва Ширин” каби қирққа яқин достонни истаган пайтда, тингловчилар хоҳлаган ўрнидан ижро этавериш маҳоратини эгаллади. Айниқса, “Алпомиш” достони унинг энг севган ва мароқ билан куйлаган санъат асари эди. Бахши бу достонни истаган ҳажмда соатлаб, кунлаб, ҳафталаб айтиши мумкин эди. Чунки у таълим олган Булунғур достончилиги мактаби айнан ана шу қаҳрамонлик эпосини куйлаш билан шуҳрат топган эди. Достондаги қаҳрамонлик лавҳалари билан бир қаторда руҳий кечинмалар ифодаси ҳам бадиий мукамалликка етди. Масалан, достондаги Барчиннинг Бойчиборга мурожаат қилиб айтган гаплари тингловчилар қалбида катта таассурот қолишига сабаб бўлишга арзугуликдир:

*“Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти,
Оқ тўшим – яйловинг, сочим – шипиртки,
Куйганимдан гапни гапга улайин.
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин,
Эгам эгам раҳм айласин қонли ёшима,
Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўшима,
Олмосдай тўёгинг қордай тўшима,
Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!
Ўйилмай куймасин кулбаи хонам.
Оҳ уриб йиғлайди мандайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам,*

*Ўн икки ой сени Бойбўри боқди,
Гарданингга Қалдирғоч қўтос тақди,
Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,
Қурру-ё қур, хайт-а, тўрамнинг оти”.*

Бу мурожаат тингловчиларни ҳамиша бефарқ қолдирмасди. Чунки унда ўзга юртда бегона одамлар орасида умр бўйи қолиб кетишдан чўчиган гўзал қизнинг отдан нажот кутиши бадий ифодасини топган эди.

Фозил шоир 1955 йилда ўз қишлоғида вафот этди.

Фозил Йўлдош ижоди ўзбек зиёлилари эътиборини 1922 йилданок ўзига жалб қилди. Дастлаб Ғози Олим Юнусов, кейинчалик В.М.Жирмунский, Ҳоди Зарифов, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Муҳаммаднодир Саидов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов ва Шомирза Турдимовлар каби олимлар бахши ижодини тадқиқ этишда муҳим илмий кашфиётлар яратдилар. Бугунги кунда бахшидан ёзиб олинган терма ва достонлар, унинг ижоди ўрганилган йирик китоблар, мақолалар сони беш юзга етди.

Хуллас, Фозил Йўлдош ўғли ўзбек достончилиги санъатида машҳур достончи сифатида шуҳрат топган халқимизнинг асл фарзандидир.

МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОД ЎҒЛИ ПЎЛКАН

Халқ достонларини ҳайратомуз хотирасида сақлаб бизгача маданий мерос сифатида етиб келишига муносиб ҳисса қўшган устоз бахшилардан бири Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкандир. Пўлкан достончилик тарихида камдан кам учрайдиган истеъдод эгаси эди. У етмишдан ортиқ достонларни ёд билган, ўнлаб термалар ижод қилган ноёб бахши эди. Ватанпарварлик руҳида яратилган унинг “Темирхон подшо” достони кейинчалик “Чамбил қамали” номи билан эълон қилинган ва бир неча йиллар давомида ўрта мактабларнинг адабиёт дастуридан ўрин олган.

Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан 1874 йилда Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги Қатағон қишлоғида туғилди.

У ота-онасидан ёшлигидаёқ етим қолди. Турмуш қийинчиликлари Муҳаммадқулни ўн ёшга тўлганиданок меҳнат билан шуғулланишга мажбур қилди. Тахминан 1884 йилдан бошлаб тирикчилик ўтказиш мақсадида гоҳ деҳқончилик, гоҳ подачилик билан шуғулланди. Бахшиларнинг аксарияти подачилик билан кун ўтказишар экан, дўмбира чертишни машқ қилишган. Кенг дала. Асосий юмуш қўй-эчкиларнинг тарқаб кетмасликларига кўз-қулоқ бўлиб туришдан иборат. Шу боис куни бўйи вақтнинг ўтиши учун дўмбира чертишни машқ қилиш маъқул ҳисобланган. Пўлкан ҳам турмуш аламларини дўмбира чертишдан олган бўлса, ажаб эмас.

Ундаги бахшилик истеъдодини сезган Кўрғон достончилик мактаби

вакили устоз санъаткор Жассоқ бахши Муҳаммадкулни ўзига шогирд қилиб олади. Шундан кейин ёш Муҳаммадкул ҳаётида ўзгариш рўй беради. Унинг олдида ҳаётдан кўзда тутган мақсад пайдо бўлди. Бу мақсад ёш йигитни кечаю-кундуз меҳнат қилишга чорлади. Жассоқ тарбиясида тўрт йил муттасил дoston айтиш сирларини ўрганди. 25 ёшида бахшилиқ синовидан ўтиб, мустақил бахши сифатида ном қозона бошлади. Аммо Муҳаммадкул ниҳоятда ўзига талабчан инсон эди. Шунинг учун мустақил бахши бўлишига қарамай ўз устози ҳузурига тез-тез бориб унинг бисотидаги дostonларнинг ҳаммасини ўзлаштирмагунига қадар тинчимади. Ниҳоят, Жассоқ бахши билган ҳамма асарларни ёд олди, баъзан уларга ўзининг хоҳиши билан айрим янгиликлар киритиб куйлаб юрди. Лекин ҳаёт унга яна бир синовни тайёрлаган эди. Отасидан мерос бўлиб қолган бир парча ердан келадиган даромад рўзгор тебратишга етмай турган бир пайтда биринчи жаҳон урушида қатнашаётган чор Россияси Туркистон ўлкасидан мардикорликка олиш, ҳақида фармон чиқаради. Қишлоғидаги Бўрибой исмли бир кимса мардикорликка бериладиган пулни тўлайди ва унинг ўрнига 40 ёшни қоралаган Муҳаммадкул фронт орқасида қора ишларни бажариш учун жўнатилади. Бу сафар натижаси сифатида бахшининг “Мардикор” дostonи яратилади. Унда оқ подшоҳ зулмига, ўзбек халқига ҳеч қандай алоқаси йўқ уруш ташвишларига бўлган норозилик ўз ифодасини топган. Пўлкан номи эса мардикор юрган замонлардан хотира сифатида унга тахаллус бўлиб қолади. Бу сўз “полк” сўзидан олинган эди.

Аммо бари бир бахшининг маҳорат даражаси у ижро этган анъанавий дostonлар мезони билан ўлчанади. “Алпомиш”, Гўрўғли туркумидаги “Гўрўғлининг туғилиши”, “Мисқол пари”, “Гулнор пари”, “Юнус пари”, “Авазхон”, бахши алоҳида меҳр билан ижро этган “Ёдгор”, “Шайбоний”, “Қиронхон”, “Кунтуғмиш” кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир бахши ўз халқининг ёшларини тарбияловчи асл фарзанддир. Пўлкан ўзининг устозидан Кўрғон дostonчилик мактабига хос усулларни мукамал ўргангани учун бутун ижоди давомида ёшларни аждодларимиз қадриятларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият билан қаради. Айниқса, “Гўрўғлининг туғилиши” дostonи бу соҳада ибратлидир. Хусусан, бахши яшаган ҳудудда Гўрўғлининг келиб чиқиши тарихини билишга қизиқадиганлар жуда кўп эди. Дostonда эса Гўрўғлининг дунёга келиши, унинг ёшлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Халқ халоскори – Гўрўғли ва Ғирот қаҳрамонлигини тасвирлаш эса ўзбекнинг ота-боболари нечоғлик мард ва жасур эканликларини кўрсатиш воситаси бўлган. Ватанни асраш, эъзозлаш бахши дostonларининг бош ғоясини ташкил этди. Жумладан, “Чамбил камали” дostonидан куйидаги парча фикримиз далилидир:

*“Ёвгарчилик бўлди энди, ёронлар,
Файрат қилинг туркман элнинг хотини...
Қовоқларни уйинглар,
Қиз-хотинни жийинглар,
Пўпакни йиғиб ташлаб,
Сочни бошига туйинглар.
Хотинликни қўйинглар,
Сарбоз анжом кийинглар,
Файрат қилинг аёллар”.*

Достонда сафарга чиққан Гўрўғлининг Чамбилда йўқлигидан фойдаланмоқчи бўлган душманга қарши Юнус пари аёлларни сафарбар қилади. Гўрўғлининг йўқлигини билинтирмайди. Чамбилни душман қўлига топширмайди.

Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан куйлаган достонлар фақат мазмунан эмас, бадий жихатдан ҳам мукамал эди. Бахши ҳайратомуз муболағалар, чиройли сифатлашлар, ўхшатишларни қўллашда тенги йўқ эди. Жумладан, халқ мақоллари унинг шеърий мисраларига шундай сингиб кетар эдики, шоир маҳоратига қойил қолмаслик мумкин бўлмасди:

*“От бошига кун тушса,
Сувлиқ билан сув ичар.
Эр бошига кун тушса,
Этик билан сув кечар”.*

Пўлкан шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида фольклоршунослигимиз отаси Ходи Зарифов, Буюк Каримов, Мансур Афзалов, кейинчалик О. Собиров, М. Саидов каби олимлар самарали тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ундан ёзиб олинган ва нашр қилинган терма ва достонлар сони юздан ортиқдир. Хуллас, Пўлкан устоз бахшилар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга ҳақли сўз санъаткоридир. У 1941 йилда вафот этди.

ИСЛОМ ШОИР НАЗАР ЎҒЛИ

Истеъдодли ва ижодкор шоир – бахшиларимиздан бири Ислом шоир Назар ўғлидир. Бахшининг достон ёки термани алоҳида тўлқинланиб айтадиган вақтини “бахши қайнади” дейилади. Бундай пайтда унга ташқарида рўй бераётган ҳар бир воқеа фақат илҳом бағишлайди. Ислом шоир катта бир ҳовуз бўйида достон айтиб ана шундай тўлқинланган пайтларидан бирида машҳур Отаниёз шоир у ҳақда шундай деган экан: “Агар шу ҳовузнинг суви сиёҳ бўлса, ботмон қоғоз бўлса, неча одам ёзаберса, ҳовузнинг суви тамом бўлса бўладики, лекин Ислом шоирнинг кўнглидан чиққан қўшиғи тугамайди. Чунки Ислом шоир қайнаб турган булоқдай қайнаб тошади”. Бундай ажойиб мактовларга фақат эл назари

тушган, забардаст бахшилар мусобақаларида ўзига хос айтишувларнинг совринига сазовор бўлган санъаткорларгина муяссар бўлишган.

Ислом шоир Назар ўғли Самарқанд вилояти Нарпай тумани Галақассоб қишлоғида деҳқончилик ва чўпонлик билан шуғулланган оилада 1874 йилда туғилган. Ислом ҳам ёшлигидан чўпонлик билан шуғулланди. Чунки отаси Назар Ражаб ўғли аёлманд бўлиб, рўзгорни тебратишга, саккиз жондан иборат оилани боқишга қийналган эди. Ёш Исломнинг бахтига бобоси Ражаб шоир яхшигина бахши эди. Шунинг учун Исломнинг суяги думбира садолари остида қотди, десак хато бўлмас. Бахши кейинчалик ўзининг ёшлик йилларини шундай эслайди: “Юрганим, кўрганим дашт, чўл, боққаним кўй-кўзи, улфатим жафокаш чўпонлар бўлди. Умрим бино бўлиб ёшлигимда, йигитлигимда янги кийим кийганимни, қорним тўйиб овқат еганимни билмайман”.

XIX асрнинг охирлари XX аср бошлари юртимизда дostonчилик санъати алоҳида гуллаган бир давр бўлди. Самарқанд dostonчилиги анъанаси таркибидаги Қўрғон, Булунғур, Шаҳрисабз мактаблари вакиллари бу даврда тез-тез учрашиб турадилар. Ўзига хос айтишув мусобақалари анъанага айланганди. Шунинг учун ҳам махсус мактаб даражасига кўтарилмаган ҳудудларда яшайдиган бахшилар кўпинча машҳур мактаб вакилларида бахшилик санъатини ўрганганлар. Ислом шоир ҳам Шаҳрисабз ва Қўрғон мактаби устозларининг doston айтиш усуллариини ўзлаштирди. Саводсиз бўлишига қарамай кучли хотира қувватига эга бўлган Ислом ажойиб овози борлиги учун тез орада ўнлаб doston ва термаларни ёд олиб, 26 ёшида мустақил бахши сифатида шуҳрат қозонди. Айни чоғда бахшиликда жуда муҳим ҳисобланган дўмбира куйларини ҳам маҳорат билан ижро этди. Одатда doston бошлашдан аввал бахши тингловчиларга дўмбира куйини чалиб беради. Бу куй тингловчини doston тинглашга тайёрлайди. Ислом шоир ижро этган куй садолари олимларнинг эслашига қараганда мусикийлиги, майинлиги, сержилолиги билан ажралиб турган экан. Овознинг шираси бу лаззатга қўшимча файз бўлиб қўшилган. Шунинг учун Ислом шоир айтган 28 та dostonнинг хаммасини ҳамқишлоқлари, қўшни ҳудуддан келган ишқибозлар мароқ билан тинглаганлар. Бундай мартабага эришишда Эрназар бахши ва Қўрғон мактаби вакили Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул, Тўхтамиш шоир унга устозлик қилганлар. Мустақил бахши бўлгандан кейин ҳам у Тўхтамиш шоир ҳузурига бориб ўз санъатига сайқал бериш ҳаракатида бўлган.

Бахши ўз юртдошларининг қалбларидаги фикр-мулоҳазаларини топа билмаса машҳур бўлмайди. Тингловчи ҳеч қачон doston ёки термани шунчаки эшитиш учун doston кечасига келмайди. У ҳамиша бахшидан дунёдаги воқеалар, қўшни вилоят, туман, қишлоқлардаги янгиликлар ҳақида ҳам маълумотга чанқоқ бўлади. Радио, телевидение ва

матбуотнинг бошқа турлари ривож топмаган пайтларда халқ бахшилари ҳам журналист, ҳам диктор, ҳам бошловчи сифатида фаолият кўрсатганлар. Бир неча устоз шоир-бахшилар иштирокидаги суҳбатлар ўзига хос оммавий ахборот вазифасини бажарган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил шоир, Пўлкан, Ислон шоир каби иқтидорли бахшилар бу матбуот марказининг иш юритувчилари бўлишган. Улар орасида Ислон шоирнинг муносиб ўрни бор. Чунки Ислон шоир “Зулфизар билан Аваз”, “Гулихиромон”, “Орзигул”, “Кунтуғмиш”, “Хирмондали”, “Соҳибқирон”, “Эрали ва Шерали”, “Тоҳир ва Зухра”, “Нигор ва Замон” каби ўнлаб дostonларни айтиш жараёнида юртдаги янгилик ва ўзгаришларни, айрим шахслар ҳақидаги танқидий мулоҳазаларни ҳам баён этарди. Бизга маълум бўлдики, Эргаш Жуманбулбул ўғли “Равшан”, Фозил Йўлдош ўғли “Алпомиш”, Пўлкан шоир “Гўрўғлининг туғилиши” дostonларини куйлашда маҳорат кўрсатган эканлар. Ислон шоир Назар ўғлининг бундай гўзал ижро этадиган дostonи сифатида “Орзигул”ни кўрсатиш мумкин. Чунки бу дostonни бахши бошқача бир меҳр билан куйлаган. Дostonда жаҳон адабиётида асрлар бўйи ўнлаб адибларнинг асарларига анъанавий мавзу ҳисобланган отанинг беҳабар ҳолда ўз қизига ошиқ бўлиш воқеаси баён этилади. Орзигул совчи юборган шох ўзининг отаси эканини билгани заҳоти боқиб олган отаси Эрназар ёрдамида Хосхона мамлакатидан бош олиб чиқиб кетади. Қарама-қарши руҳий кечинмалар тасвирига бой бу дostonда Ислон шоир тингловчи ёдида қоладиган бир қатор образлар яратган. Айниқса, Орзигулнинг Эрназар боғбон хонадонидан чиқиб кетиши лавҳасида ички туйғулар ифодаси эътиборга лойик:

*“Жасадимда жоним бўлганди гариб,
Ўлганим яхшидир четларга бориб,
Ушбу савдоларга жонимни бериб,
Кетарман юртимдан, отадан кечиб.
Яхши билгин, ота-она, кетарман,
Ўзга элдан бориб, макон тутарман,
Қайтиб отам билан бирга турарман,
Қулоқ солинг Орзигулнинг зорига,
Тургилик қилмади ушбу шахрига,
Қайтиб ота лозим қизнинг бағрига?!”*

Бу дostonда инсон, ота, фарзанд, оила, бурч каби фалсафий масалалар оддий халқ нуқтаи назаридан таҳлил этилади, салбий хусусиятлар қораланади.

Ислон шоир Назар ўғли 1953 йилда 79 ёшида вафот этди. Унинг ҳаёти ва ижоди атоқли фольклоршунос олимлар Ходи Зарифов, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Охунжон Собировлар томонидан ўрганилган. Ислон шоирдан ёзиб олинган, нашр этилган бадиий асарлар, унинг

ижодига бағишлаб ёзилган китоблар, мақолалар сони уч юздан кўп. Бахшидан ёзиб олинган дostonларни халқимиз ҳамон севиб ўқимокда.

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Ўзбек болалар фольклори узоқ асрлардан бери мавжуд. Бунга болалар ҳам катталар ҳам, баб-баравар ҳисса қўшишган. Катталар бутун бир тизимдан иборат болаларни эркалаш поэзиясини яратганлар: болаларга мўлжаллаб ажойиб-ғаройиб эртаклар тўқиганлар; уларнинг зехнини чархловчи топишмоқлар, нутқини ривожлантирувчи тез айтишлар ижод қилганлар.

Ҳар бир инсон болалигидан бошлаб ўзи билмаган ҳолда катта одамларнинг эътибори қаратилган мўъжизавий мавжудотга айланади. Катталар унга исм қўядилар, бешикка берадилар, аллалар айтадилар, қўлчаларига овоз чиқарувчи ўйинчоқлар тутқазишади. Бир оз гап эшитадиган бўлгани заҳоти овунмачоқлар айтишади. Кейинчалик эса фарзанд топишмоқлар, эртаклар, қўшиқлар оламига кириб халқ расм-русумлари, оғзаки ижоди оғушида улғая боради.

Халқ қадим замонлардан фарзандларнинг маънавий ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. Агар аллалар, эртаклар унинг маънавий дунёсини бойитса, турли ўйинлар: қувлашмачоқ бекинмачоқ, чиллак, варрак учирини кабилар жисмонан чиниқтирган. Ёш болалар алоҳида эътиборга лойиқ халқларда эса улар учун махсус бадиий сўз намуналари яратилган. Ўзбеклар ана шундай халқлар қаторидан муносиб ўрин оладилар. Тез айтишлардан тортиб аллаларгача, топишмоқлардан тортиб санамачоқларгача бевосита ёш авлод тарбиясига бағишланган болалар фольклори жанрларини, намуналарини ташкил этади.

Бизда ўзбек болалар фольклори намуналарини ёзиб олиш ишлари анча кеч бошланди. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, айрим рус ориенталистлари, умуман, туркий халқлар фольклорига эътибор бера бошладилар. Жумладан, Н.П.Остроумов ва А.Васильевлар ўзбек топишмоқларини тўплаб нашр эттирдилар. А.Диваев қозоқ ва қирғиз аллаларини, шунингдек, қозоқ болалари ўйинларини тўплашга киришди. А.Н.Самойлович татарларнинг тез айтишлари, В.Гордлевский усмонли турклар ва М.Ф.Гавриловлар қирғиз тез айтишларига оид кузатувларини эълон қилдилар. Аммо бундай кузатишлар қатъий системали йўналишга эга бўлмаганлигидан туркий халқлар болалар фольклорига хос барча жараёнларни тўла акс эттира олмаса-да, туркий халқлар болалар фольклорини топлашдаги муайян бир босқич сифатида фавқулодда илмий қимматга молик. Шунингдек, эр-хотин Н. ва М.Наливкинларнинг Фарғона водийси ўзбек болалари турмушига оид кузатишлари ҳам эътиборга лойиқ. Улар болаларнинг ўтмишдаги айрим ўйинлари, шунингдек, “Оқ

тераками, кўк терак”, “Ё рамазон” сингари кўшиқларига ҳам тўхталганлар.

Ўзбеклар болалар фольклорига оид асарларни бир неча асрлар олдинок ҳозирги замон педагогикаси талабларини ҳис этгандек яратганлар. Аслида халқ бу талабларни ўзича ҳисобга олган. Педагогика фани эса уларни кейинчалик кашф қилган. Хусусан, болалар учун яратилган асарларнинг тили содда, мазмуни эса эсда қоладиган бўлиши лозим. Шунингдек, бу асарлар албатта тарбиявий аҳамият касб этгани ҳолда, болаларда халқига, ватанига, қадриятларига, аждодларига ҳурмат руҳини шакллантириши керак. Бундай намуналар фарзандларимизнинг маърифий озукиси ҳисобланади. Бўрининг йиртқичлигини, тулкининг айёрлигини улар дастлаб ўзларига аталган эртаклардан билиб оладилар. Айни пайтда, бундай асарлар болада гўзалликка интилиш туйғусини уйғотишга ҳам мўлжалланган бўлади. Масалан, ой – ўн тўрт кунлик ёки ҳилолдек; қиз – гўзал, чиройли, ўн тўрт кунлик ойдек; йигит – мард, жасур, паҳлавон, хунарли каби ўхшатиш ва сифатлашлар билан ёнма-ён тасвирланади. Натижада, болалар фольклори билан алоқада бўлган ёш фарзанд уларни тинглаш ёки ўқиш баробарида ўзбекнинг ўзбекона тарбияси билан танишиб боради ва ўзбек бўлиб вояга етишади.

Бола туғилгани заҳоти дунёдаги энг чиройли меҳр билан айтиладиган кўшиқни эшитади. Алла ана шу кўшиқ ҳисобланади. Севимли шоиримиз Чўлпон алла ҳақида шундай деган эди: “Бир бола ухламаса, алла айтадилар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат ҳис қилур”. Бу ифодада алланинг энг муҳим фазилати – бола руҳига таъсири акс этган. Кексаларимиз алланинг садолари бола руҳига иймон, ватанига муҳаббат, халқига ҳурмат, ўзи туғилган оилага иззат бўлиб қуйилишини кўп айтганлар. Алла атамаси олимларнинг таъкидлашларича овутиб, ухлатиш маъносини берар экан. Айни чоғда бу сўзнинг “Аллоҳ”дан олинганлиги ҳам таъкидланади. Алла деярли ҳамма халқ оғзаки ижодида бор. Уни руслар “колыбельная”, грузинлар “нанина” деб аташади. Алла кўшиқлари матнида бир нечта мавзулар ифодаланади: 1) онанинг фарзанд кўрганига шукрона келтириши; 2) онанинг фарзандига бахт-саодат тилаши, унинг келажаги порлоқ бўлишини Аллоҳдан сўраши; 3) ўзининг ҳис-туйғуларини, баъзан турмушидан ҳасрат қилишларини баён қилиши. Аммо алланинг матнида қандай мазмун ифодаланишидан қатъий назар фарзанд кўрган аёлнинг боласига бўлган муҳаббати устиворлик қилади.

Алла айтиш анъанаси бизга узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келади. Академик Ғафур Ғулом сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонига берган шарҳида Фарҳоднинг бешиги атрофида йиғилишиб: “Юз оҳанг билан алла айтар эдилар”», - дейди. Ёдимизда бўлиши керакки, дунёда ўз кашфиётлари, шеър ва достонлари билан машҳур бўлган ҳамма одамлар гўдаклигида алла эшитиб улғайган. Алладаги фазилатларни Абу Али Ибн Сино ҳам алоҳида таъкидлаган.

Хусусан, шифокор аллома алланинг бола рухий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида уқтиради.

Табиийки, бешикда тебранаётган гўдак алланинг сўзларини идрок этолмайди. Бола учун, алланинг куйи, ижро усули аҳамиятлироқдир. Она шунинг учун аллани берилиб, бутун вужуди билан боласига руҳан таъсир кўрсатишга уриниб айтади. Айни пайтда, алла матни онанинг умидлар ифодаси, баъзан ҳасрат қилиш усули, кўпинча дил сўзларини баён қилиш шакли сифатида қадрли бўлади.

Ўзбек болалар фольклорини илмий жиҳатдан тадқиқ қилган олим, филология фанлари доктори, профессор О. Сафаров аллаларнинг мазмун ва композиция жиҳатидан бир неча турларга бўлинишини кўрсатиб ўтган. Жумладан, улар орасида пароканда аллалар, воқеабанд аллалар, маиший аллалар, тарихий аллалар бор бўлиб, ҳар бири бошқасидан маълум даражада фарқланади. Пароканда аллаларда матндаги бандларда ўзаро боғлиқлик бўлмайди. ҳар бир тўртлик ўзича мустақил мазмунга эга бўлади:

*“Мен сени алла қилай, алла.
Кўтариб катта қилай, алла.
Алла жоннинг роҳати, алла,
Уйқу кўзнинг роҳати, алла.
Ўрик ёғоч бешигинг, алла,
Ўргилиб кетсин онанг, алла.
Тут ёғочдан бешигинг, алла,
Термулиб ўтсин онанг, алла”.*

Юқоридаги бандларни ўрин алмаштириб айтса ҳам бўлаверади. Чунки уларнинг ҳар бири алоҳида алла матнидан иборатдир.

Воқеабанд аллаларда эса она айтаётган алла матнида ўзига хос боғлиқлик сезилади. Уларни аввалги намуналардек олдинма кейин айтиш мумкин эмас. Эътибор қилинг:

*“Паст-пастгина тепадан,
Тойдим – тушдим-о, алла.
Қўлимга қайчи олиб-о
Сенга қўзичогим-о,
Чопон бичдим-о, алла.
Енглари тор келмасин, деб,
Қўлингга қараб-о, алла.
Чопон бичган қўлимни-ё,
Менинг тойлогим-о, алла,
Ойи бордир-о, алла,
Жоним болам-о, алла”.*

Кўриниб турибдики, энди бу алладаги мисраларнинг ўрнини алмаштириб ижро этиш мумкин эмас. Чунки бу аллада матндаги мазмун бир бутун бўлиб, мисраларнинг олдинма кейин, маълум тартибда куйланишини талаб қилади.

Маиший аллаларда эса она кўпроқ алла айтиш сабаби билан ўзининг дардини баён қилишга уринади.

*“Шафтоли шохига зор, алла.
Гайноли баргига зор, алла.
Мен дадангга интизор, алла,
Кўз тутарман беқарор, алла”.*

Умуман, алла онанинг фарзанди билан ҳис-туйғулар орқали муносабатда бўлиш воситаси. Улар лирик асарлар сифатида куйловчиларнинг ички кечинмаларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам чақалоқни эстетик тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Болалар фольклорининг яна бир жанри эртақлардир. Табиийки, бу эртақлар катталар фольклоридаги намуналардан сюжетдаги ва тилдаги соддалик билан ажралиб туради. Уларнинг матнлари ҳам ҳажм жиҳатдан қисқа бўлади. Иштирок этадиган қаҳрамонлар – образлар эса кўпинча ҳайвонлардир. Катталар ёш болаларга бағишланган эртақлар орқали бир қатор мақсадларни назарда тутганлар. Жумладан, бундай эртақлар болаларни овутишга, айрим ёввойи ва уй ҳайвонлари, қушлар ҳақида маълумот беришга, уларнинг нутқини ўстиришга, ухлашдан олдин тинч-сокин кайфиятни ҳосил қилишга қаратилади. Боладаги эзгуликка интилишни шакллантиради, ривожлантиради.

Масалан, “Қарға билан Кўзи” эртагида қарға кўзини емоқчи бўлади. Кўзи қарғага тумшуғини ҳалоллаб олишини маслаҳат беради. Қарға дарё бўйига тумшуғини ҳалоллаш учун келади. Шу билан қарғани дарё кўза учун кулолга, кулол кўза қилиш учун тупроққа, тупроқ тупроқ қазилар учун кийикка, кийик шохини синдириш учун този итнинг эгаси Пўлатвой акага, Пўлатвой ака този куч тўплаши учун сигир сутини олиб келишга ва ҳоказо Тошвой акага, ўтга, устага, кўмирга жўнатишибди. Охири қарға ўроқни олиб учиб кетаётганида ўроқ қарғанинг қанотини кесиб кетибди ва ўлибди. Энг муҳими, қарға ўзининг қора ниятига етолмайди. Аммо эртақнинг охиридаги қарғанинг сўзлари билан танишсак, болалар эслаши учун қизиқ бир монолог ҳосил бўлганини кўрамиз:

Қарға бу ердан ҳам учиб ўшал кўмирчиларнинг олдига бориб:

– Кўмирчи ака, Кўмирчи ака, беринг кўмир, қилсин ўроқ, ўрай қуроқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувсин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшук, семиз, аёло, ейман кўзи, – дебди.

Агар эътибор берсак, қарғанинг бу монологда эртақнинг бошидан

охиригача мазмуни тўла сингдирилганига гувоҳ, бўламиз. Ёш бола бу эртакни эшитар экан, ҳаётидаги ҳамма воқеа-ҳодисалар бир-бири билан узвий алоқада эканига тушунади. Якка шахс, якка касб ҳеч қачон ҳаётдан ажраган ҳолда яшай олмайди. Эртакчи дарё, кулол, този, кийик, дала, кўмирчи – ҳаммаси кўзи тарафида. Кўзи эса беғуборлик, тозалик рамзи сифатида тасвирланади. Шунинг учун кўзини емоқчи бўлган қарғанинг ўзи ўлиб кетади. Болалар фольклорига оид деярли ҳамма эртакларда ана шу йўналиш етакчи ҳисобланади.

“Уч оға-ини ботирлар” эртагида эса асар мазмуни ва моҳияти кекса отанинг учта ўғлига сафар олдидан берган учта маслаҳатида ўз ифодасини топади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Тўғри бўлинг – беҳавотир бўласиз.
2. Мақтанчоқ бўлманг – уятга қолмайсиз.
3. Дангаса бўлманг – бахтсиз бўлмайсиз.

Маслаҳатлар маъносидан ҳам маълум бўлиб турибдики, улар аслида ҳар бир ўзбекнинг фарзандига қиладиган насиҳатидан иборатдир. Бинобарин, улар бевосита бизларга ҳам тааллуқлидир. Эртак матни эса ана шу панд-насиҳатнинг бадиий ифодасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам болалар эртакларида ортиқча ҳаёлий фантазиялар катталар фольклоридаги каби бўлмайди. Болалар эртаги фақат соддалиги, тилининг равлонлиги билан эмас, ҳаётга яқинлиги билан ҳам эътиборни ўзига тортади.

Хуллас, болаларга атаб яратилган эртаклар кўп жиҳатдан халқ педагогикаси тамойиллари акс этган бадиий сўз намунасидир.

Болалар кўшиқларининг ҳам катталар айтадиган меҳнат, мавсум-маросим, лирик кўшиқлардан фарқли жиҳатлари бор. Жумладан, болалар кўшиқлари кўпинча мавсумий хусусиятларга эга бўлиб, кўпинча қўл-оёқ ҳаракатлари билан ижро этилади. “Бойчечак”, “Офтоб чикди оламга”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Читти гул”, “Лайлак келди, ёз бўлди”, “Ёмғир ёғалоқ” каби ўнлаб кўшиқлар болалар кўшиқлари намуналаридир.

Бу кўшиқ мисраларидаги бўғинлар сони 6–8 тадан ошмайди. Мисралар сони эса 6, 8, 10 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Болалар кўшиқлари ўз мазмунига кўра йилнинг тўрт фаслида айтилиши мумкин. Баҳор фаслидаги табиатнинг уйғониши ёш болалар руҳига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Қиш бўйи қорайиб кетган қорларнинг эриб кетиши, далаларнинг кўм-кўк майсалар билан қопланиши, мева дарахтларининг гуллаши – ҳаммаси болаларнинг ичларига сиғмай кўшиқ айтишларига сабаб бўлади. “Бойчечак” кўшиғи ана шундай пайтларда айтилади. Уни яккагон кўшиқчи бошлаб беради, кўпчилик нақаротига кўшилиб айтади:

*“Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,*

*Айронингдан бермасанг,
Қозон-товозинг вайронди”.*

Нақарот:

*“Қаттиқ ердан қазлаб чиққан бойчечак,
Юмишоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак”.*

Филология фанлари доктори, профессор О. Сафаровнинг таъкидлашича, ёз мавсумида болалар иссиқ кунларнинг келишидан қувониб, чўмилиш кунларига, меваларнинг пишишига атаб қўшиқлар айтишган:

*“Шафтоли тишиди,
Тагига тушиди.
Хомини уздим,
Дадам уришиди”.*

Ёки:

*“Лайлак келди ёз бўлди,
Қаноти қозғоз бўлди,
Лайлак боради тоққа,
Қулоқларида халқа.
Халқани опқочайлик,
Эл бошига сочайлик.
Элнинг муроди кулсин,
Лайлак баландрқ, учсин”.*

Шунингдек, қиш фаслида қор кураш пайтида ҳам болалар табиатдаги бундай ўзгаришларга мос қўшиқлар куйлашган.

*“Қор ёғди гуллатиб,
Қор бува тўқиллатиб.
Кириб келди мактабга,
Соқолини селкиллатиб”.*

Болалар қўшиқларида чумчуқ қирғий, қарға, каклик, мусича каби қушларга ва эчки, қўзи, қуён, ит каби ҳайвонларга атаб яратилганлари ҳам кўп учрайди:

*“Ағам-бағам тишини кўрдим,
Югурганда тилини кўрдим,
У чопарди дукур-дукур,
Қуён экан ҳаром ўлгур”.*

Маълум бўладики, болалар томонидан ижро этиладиган қўшиқлар кўпроқ йил фаслларида, қуш ва ҳайвонларга бағишланган бўлиб, уларда кўпинча қўшиқда акс этган баҳор, ёз, қиш ёки нарсаларга

нисбатан муносабатлар бадий ифодасини топади.

Тез айтишлар болалар фольклори таркибига нисбатан кейин қўшилган жанр ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, тез айтишлар авваллари алоҳида жанр сифатида “тутал”, “чалғитув”, “чалиш”, “адашиш” атамалари билан махур бўлган. “Тез айтиш” эса нисбатан кейинги атамалар. Вақт ўтгани сари бу жанр катталардан болалар фольклорига кўчган. Қадимги тез айтишлардаги сўзларнинг кўпчилиги бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Гап шундаки, тез айтиш қоидасида намуна тўлиқ айтиб бўлинмагунча нафас олиш мумкин эмас. Сон жиҳатдан шу қадар кўп сўзли тез айтишлар борки, уларни ёш бола айта олмайди. Шунинг учун бу тез айтишлар аввалига катта ёшдаги одамлар ўртасида кенг тарқалган бўлиши мумкин, деган хулосага келинган. Тез айтишнинг иккинчи қоидаси матндаги товушларни аниқ талаффуз қилиш кераклиги билан белгиланади.

Тез айтиш ҳозирги пайтда болаларнинг айрим товушларни талаффуз қилишдаги камчиликларини йуқотиш жараёнини тезлаштиради. Масалан, кўпинча болалар “р” товуши талаффузида қийналишади: “л” товуши билан чалкаштиришади. Шунинг учун тез айтишдаги бир нафасда матнни тўлиқ айтиб бўлиш қоидасидан қатъи назар “р” ва “л” товушлари талаффузини тўғри амалга оширувчи тез айтишларни уларга ўргатиш фойдалидир:

*“Чархим чакалак,
Таноби чархим чакалак.
Чархимда гуноҳ йўғу,
Ўзим ҳакалак”.*

Шунингдек, фақат “Р” товуши талаффузига бағишланган матнлардан ҳам фойдаланиш мумкин:

“Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп.

Бир туп тут, бир туп турпнинг томирини туртиб турибди.

Бир туп турп, бир туп тутнинг томирини туртиб турибди.

Бир туп тутнинг томирини туртиб турган бир туп турпнинг томирини бир туп тутнинг томири туртиб турибди.

Бир туп турпнинг томирини туртиб турган бир туп тутнинг томирини бир туп турпнинг томири туртиб турибди”.

Албатта, сўз сони жиҳатидан кўп бўлган тез айтишларни болалар ижро қилишга қийналишлари мумкин. Шунинг учун кичик матнли тез айтишлардан бошлаш маъқул ҳисобланади:

*“Бир туп тут,
Тўрт туп турп”.*

Ёки:

*“Оқ чойнакка кўк қопоқ,
Кўк чойнакка оқ қопқоқ”.*

Ёки:

*“Қишда кишимиш пишмасмиш,
Пишса кишимиш қишмасмиш”.*

Таъкидлаш лозимки, халқ орасида кўп сўзли тез айтишлар ижроси кенгроқ оммалашган. Уларнинг матнларида юмор белгилари ҳам сингдирилгани учун тингловчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Масалан:

“Наманганда бор экан бир уста Муса пуч писта пуруш. Ўша уста Муса пуч писта пурушнинг олтмиш уч пуд пуч пистаси бор экан. Олтмиш уч пуд пуч пистаси бўлса ҳам, ўша уста Муса пуч писта пуруш, олтмиш уч пуд пуч пистаси бўлмаса ҳам, ўша уста Муса пуч писта пуруш”.

Бундай намуналар халқимизнинг фақат тил бойлигимизга эмас, сўзларнинг тиниқ талаффузига ҳам катта эътибор билан қараганлигини далиллайди. Олимларнинг аниқлашича, юзта намунадан 18 таси “ш”, 17 таси “м”, 15 таси “к”, 10 таси “с”, 8 таси “ж” ва “ч”, 7 таси “г” ва “к” товушларига асосланган бўлиб, “л”, “м”, “г”, “д”, “з” товушларига асосланганлари нисбатан кам экан. Яна айтиш мумкинки, халқ ижодидаги бу жанрдан илҳомланиб, шоирларимиз ҳам кўплаб тез айтишга асосланган шеърлар ёзмокдалар, телевидение ва радиода кўрсатув, эшиттиришлар ташкил этилмоқда.

Хуллас, тез айтиш ўзбек халқининг болалар тарбиясига, ҳатто талаффуз кўникмаларини оширишга нақадар эътибор билан муносабатда бўлганлигини билдиради.

Катта ёшдаги ўсмирлар орасида санамаларни билмайдиганлар бўлмаса керак. Чунки ёшлик чоғимизда ҳаммамиз иккига бўлиниб ўйналадиган мусобақаларда қатнашганмиз. Қувлашмачоқ, бекинмачоқларда иштирок этганмиз. Санамаларнинг матнлари бир нечта мақсадга қаратилган бўлади. Аввало, санамалардаги қофия, ўхшатиш, истиора, сифатлашлар ёш ўғил-қизларда эстетик дидни ривожлантиришга, уларда ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўзни гўзал талаффуз қилиш кўникмасини эгаллашга кўмаклашади. Иккинчидан, ҳаёт мураккабликлари билан илк бор тўқнаштиради: қайси гуруҳда иштирок этишини унинг хоҳлашидан қатъи назар ҳал қилади. Санамада қатордан чиқиш ўйин бошининг ҳисобни кимдан бошлашига боғлиқ эканини англатади. Учинчидан, санаш тартиби ҳақида кўникма ҳосил қилади. Айниқса, мактаб ёшига энди тўлган болалар учун бу хусусият муҳим ҳисобланади. Масалан, “Бир икки ўн олти, ўн олти деб ким айтди, ўн олти деб ман айтдим, ишонмасанг санаб боқ” санамасида талаффуздаги зарблар сони ўн олтита бўлиб, ҳар

бир зарбдан сўнг ерга биттадан чизик тортилса, умумий сон ўн олтига тенг бўлади. Айтилишидаги қулайлик, эслаб қолишнинг осонлиги, ерга чизик тортиш ҳаракати болада қизиқиш уйғотади ва жуда бўлмаганда ўн олтигача санаш кўникмасини тез ўзлаштиришга олиб келади.

Олимларнинг таъкидлашларича, санамалар фақат ўзбек болалари орасида эмас, умуман турли халқ фольклорида энг кўп тарқалган жанр ҳисобланади. Жумладан, русларда “считалка”, тожикларда “шумурак”, туркманларда “санавоч”, татарларда “санашу” деб аталади. Уларнинг кўпчилиги шеърӣй тарзда ижро этилади. Ўйиннинг бошловчиси – онабоши санама айтиб, даврадаги болаларни битталаб чиқаргунга қадар унинг матнини ҳамма иштирокчилар ёдлаб оладилар:

*“Қовун палак,
Гувак отди.
Гувак эмас,
Чувак отди.
Чувак ковун
Ширин экан,
Сафдан чиқсин
Кўлим теккан”.*

Болалар фольклори тадқиқоти билан шуғулланган олим О. Сафаров ўзбек болалар фольклорида салкам 800 мисрани ташкил этувчи 150 дан ортиқ санамалар бор эканлигини кўрсатиб ўтади. Тўғри, гап санамаларнинг сони ва ҳажмининг катталигида эмас. Аммо бари бир бу рақамлар санамалар соҳасида ҳам фольклоримиз нақадар бой эканлигини тасдиқлайдиган далил ҳисобланади. Улар орасида юртимизнинг деярли ҳамма ҳудудларида болалар томонидан қайта-қайта айтиладиганлари ҳам кўп.

Масалан:

*“Чори чамбар
Бори анбар.
-Она қизи қайда?
-Ола-була тоғда.
Тоғман зувман,
Кумуш болға.
Онавош ёнбош
Гулдур гун”.*

Шундай қилиб, болалар фольклорининг таркибий қисми бўлмиш санамалар ҳам ёш авлодларнинг улғайишида бошқа жанрлар каби эстетик, маърифӣй, тарбиявий аҳамият касб этар экан.

Демак, ўзбек болалар фольклори жанрлар ранг-баранглиги, асарлар

бадиияти ва сон кўлами жиҳатидан бошқа халқлар оғзаки ижоди қаторидан муносиб ўрин олишга лойиқдир. Болалар фольклори намуналари ўзбекнинг ўз фарзанди тарбиясига, бинобарин, халқининг, юртининг келажагига масъулият туйғусини яхши ҳис этганини, қанчалар эътибор билан қараганини кўрсатади. Бу эътибор ўз навбатида умуман халқимиз онгида аждодлар хотирасига ҳурмат туйғусининг кучли бўлишига олиб келган. Қадриятларимизни эъзозлаш, тарихимизга ҳурмат билан қараш аллалар оҳанги билан жисмимизга сингиб кетган. Эртақлар орқали ўтмишда юртдошларимизнинг ҳаёт тарзи билан танишганмиз. Тез айтиш, топишмоқ санамалар, қўшиқлар билан овунганмиз. Охир оқибатда бу асарлар бизнинг руҳан, табиатан ўзбек бўлиб вояга етишимизга хизмат қилган. Бу анъана, айниқса, мустақиллик йилларида яна кенг оммалашди. Бинобарин, асрлар олдин яратилган болалар фольклори намуналари бугунги кунда ҳам ўз вазифасини бажармоқда.

Мавзуга доир мисоллар:

Айтишувлар Соттивой

- Соттивой сотди.
- Нимани сотди?
- Отини сотди.
- Соттивой сотдт.
- Нимани сотди?
- Молини сотди.
- Соттивой сотдт.
- Нимани сотди?
- Қўйини сотди.
- Соттивой сотди.
- Нимани сотди?
- Уйини сотди.
- Соттивой сотди.
- Нимани сотди?
- Итини сотди.
- Соттивой сотди.
- Нимани сотди?
- Битини сотди.
- Соттивой сотди.
- Э, музлаб қотди.
- У нега қотди?
- Ишламай ётди.
- Соттивой сотди.
- Энди не сотди?
- Ўзини йўқотди.

Адажон ҳорманг

- Адажон, ҳорманг,
- Ишга борманг,

- Мани кўтаринг,
- Оҳ оберинг,
- Қанақасидан?
- Мана шунақасидан!

Ашула шула-шула

- Ашула шула-шула,
- Чинни товоқда шўла,
- Шўлани кимга бердинг?
- Шўлани холамга бердим.
- Холанг нима туғибди?
- Эгизаклар туғибди.
- Отини нима қўйибди?
- Тоҳир-Зухра қўйибди.

Буважон

- Буважон, буважон,
- Нимангиз йитди (йўқолди)?
- Тилла куббам.
- Ман топдим.
- Бозорга бордим,
- Келтириб кўрпа
- Тагига қўйгандим,
- Мушук еб кетибди!

- Қаерга бордингиз?
- Бобомлар тўйига.
- Нима едингиз?
- Оши палов.
- Менга қани?
- Мушук еди.
- Мушук қани?

- Мушук ўлди.

- Ҳакка чуқ-чуқ,

Томда ким бор?

- Мен бор.

- Нима қияпсан?

- Ўтин теряпман.

- Ўтинни нима қиласан?

- Ош пишираман.

- Ошингдан берасанми?

- Тошни бераман.

- Кади (қовоқ) борми?

- Эқдим.

- Кади борми?

- Суғордим.

- Кади борми?

- Гуллади.

- Кади борми?

- Пишди, пишди.

- Очилча (исм) шишди.

Ва гулга тушди.

Чандишлар

- Улуғ, дегин,

- Улуғ.

- Думинг юлуғ.

- Бир, дегин,

- Бир.

- Ерга кир.

- Уч, дегин.

- Уч.

- Ичинг пуч.

- Олим, дегин.

- Олим.

- Ўзинг ўзингга золим.

Санамалар

Бир, икки, ўн олти...

Ўн олти деб ким айтди?

Ўн олти деб мен айтдим.

Ишонмасанг санаб боқ:

Биров,

Икков,

Учов,

Қочов.

- Якшанба, дедим, ётдим,

Душанба, дедим, ётдим,

Сешанба, дедим, ётдим,

Чоршанба, дедим, ётдим,

Пайшанба, дедим, ётдим,

Ва жума, дедим, ётдим.

Ҳамма ясаниб чиқди,

Мен хумга кириб ётдим.

Одина-бадина, ягона.

Мисли Вали жаҳона.

Жаҳон-жаҳон қизининг

Отини қўйдим Фазила.

Фазиланинг отини

Дарвозага қоқибди,

Бўри келиб ўқибди,

Чумчуқ келиб чўқибди.

Бир, икки, уч, тўрт,

Беш, олти, етти,

Етаклаб кетди!

Чори-чамбар

Чори чамбар,

Бири анбар.

Она қизи қайда?

Ола-була тоғда.

Тоғман, зувман,

Пилкаш тўти қиз,

Сан тур, сан чиқ!

Оқ теракми, кўк терак?

- Биз бояги ҳовлида

Бўлиб тарафма-тараф,

Навбат билан айтишдик,

Тараф-тарафга қараб.

Оқ теракми, кўк терак?

Биздан сизга ким керак?

- Бизга керак мактабда

Энг аълочи Алишер,

Оқ теракми, кўк терак,

Бизга Алишер керак!

- Оқ теракми, кўк терак,

Биздан сизга ким керак?

- Сайраб турган дил керак!

- Дилларнинг қайси бири?

- Гуландомдир ўткири.³¹

³¹ Бойчечак. Болалар фолклори. Меҳнат қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Қўп томлик. Т.: ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984.

ЎЗБЕК МАРОСИМ ВА БАЙРАМ ФОЛЬКЛОРИ

Маросим инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда уни ривожлантиришдаги самарали восита ҳам ҳисобланади. Маросим халқ санъати ва маданияти шакллари орасида энг улкан аудиторияни ўзига жалб қиладиган оммавий тадбир ҳисобланади. Маросимлар халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши жиҳатидан ёшларни тарбиялашда, уларнинг одобли-ахлоқли бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

Маросим инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва руҳий вазиятда ўтадиган, ўз рамзий ҳаракатларига ҳамда махсус айтим-қўшиқларига эга ҳаётий тадбирдир.

Маросимлар анъанавий характер касб этади. Ҳар бир маросим ўзига хос тузилишга эга. Маросимлар ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида ундаги тараққиётнинг мунтазам шаклий ўзгаришлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Шунинг учун ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб бермайдиган баъзи маросимлар ёки уларга хос айрим унсурлар аста-секин унутила бошланади ёхуд давр мазмунига мувофиқ янги, замонавий маросимлар пайдо бўлади.

Маросимлар кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган маънавий ҳаёт қадриятлари сирасига киради.

Инсонга сиҳат-саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин-сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага кириб қолган ҳатти-ҳаракатлар мажмуидан иборат ҳолда ташкил топган тадбир **маросим дейилади**. Маросимни ўтказиш пайтида ижро этиладиган қўшиқ ва айтимлар, ўқиладиган афсун ва дуолар маросим фольклорини ташкил этади. Улар маросимнинг вербал қисми саналади.

Кучли анъанавийлиги, турли-туман ижтимоий ҳодисаларни расмийлаштириши, табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатишга интилиши билан маросимлар ижтимоий ҳаётда катта ўрин тутди. Маросимнинг руҳий ва эстетик таъсир кўрсатиши, бирор ижтимоий актни уюштириш, йўналтириш вазифалари бевосита ҳатти-ҳаракат, сўз ҳамда сеҳр-жоду қудратига эга деб ҳисобланган нарсалар воситасида амал қилади.

Ўзбеклар-маросимларга бой халқдир. Халқимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётини маросимлар билан узвий боғлиқ бўлган анъана, урф-одат ва байрамларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар турмушнинг алоҳида шакли ҳамда ҳаётнинг таркибий қисми сифатидагина намоён бўлиб қолмайди, балки ҳар бир халқнинг ўзига хослиги, бетакрорлигини ифодаловчи миллий менталитетини, бинобарин, халқнинг тарихан

шаклланган миллий руҳиятининг асосини ташкил этади, тил ва ҳудудий яхлитлик сингари унинг миллат сифатидаги қиёфасини белгилайди.

Маросим – бу кўпинча анъана ва урф-одатнинг таркибий қисми бўлиб, асосан, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтади, ўзининг умум қабул қилган рамзий ҳаракатларига эга бўлади. Масалан, ақиқа – исм қўйиш маросими, никоҳдан ўтиш маросими, дафн қилиш маросими, хотирлаш маросими, экишга киришиш (уруғ қадаш) маросими, ўримга киришиш маросими ва ҳоказолар.

Маросимга, бўлаётган воқеага “гувоҳ” сифатида одамлар чақирилган, улар дардга ёки қувончга шерик бўлишган, ёрқин келажак учун ниятлар қилишган. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос умум қабул қилган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади.

Кўпинча анъананинг таркибий қисми-одат, одатнинг муҳим бир бўлаги-маросим бўлади. Шу сабабли инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеани турмушда бурилиш ясайдиган катта “нуқталар”ни нишонлаш жараёнида ҳам анъана, ҳам одат, ҳам маросим ўзаро уйғунлашган ҳолда содир бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “анъана”, “одат”, “маросим” тушунчаларининг изоҳи бир-бирига боғлиқ. Шу билан бир қаторда анъаналарнинг таркибий қисми одат, одатнинг таркибий қисми эса маросимдир. “Анъана” ва “одат” тушунчаларига нисбатан “маросим” кўпроқ байрам билан алоқадорроқ. Баъзи маросимлар (дафн қилиш ва қайғули ҳодисалардан ташқари) байрамларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Баъзи маросимлар байрам кунидан ташқарида ҳам ташкил қилинса, у байрам ҳолатини вужудга келтириши мумкин. Масалан, “чигит қадаш”, “диплом топшириш” маросимларини байрам ҳолатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, биринчидан, маросим байрамнинг таркибий (ёки асосий) қисми сифатида ҳам намоён бўлади. Иккинчидан, кўпгина маросимлар алоҳида ўтказилганда ҳам байрам ҳолатини вужудга келтиради.

“Анъана”, “маросим” каби байрам билан боғлиқ атамалар қотиб қолган тушунчалар эмас. Уларнинг мазмунига ҳаёт ривожланиши ва турмуш эҳтиёжлари таъсир этиб туради.

Ижтимоий ҳаётнинг шундай муҳим бир қонуният борки, у тараққиётнинг мунтазам шаклдаги ўзгаришлари билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, бирон янги нарса, ҳодиса вужудга келади, иккинчиси ривожланади, учинчиси ҳаёт талабига жавоб бермай, ўз ўрнини бошқа шаклларга бўшатиб беради ва ҳоказо. Жумладан, ҳаётини анъана ва байрамлар ҳам худди шундай қонуниятларга риоя қилади.

Ижтимоий ҳаёт тараққий этиши билан унинг талабларига жавоб бермайдиган анъаналар, маросимлар ва байрамлар аста-секин унутила бошланади.

Моҳиятан халқчил, ижтимоий фойда келтириши мумкин бўлган, кишиларнинг эстетик талабларини қондиришга хизмат қиладиган маросимлар тараққий этади. Масалан, “Наврўз”, “чигит қадаш”, туғилиш, уйланиш, ўлим ва бошқалар билан боғлиқ маросимлар замонавий талабларга ҳам жавоб бергани учун яшаб келмоқда.

“Байрам” деганда ҳаётдаги муҳим воқеа, санани (кўтаринки руҳда ва хурсандчилик билан) нишонлаш тушунилади. Бироқ байрам тушунчаси анча кенг ва чуқур маънога эга. Унинг илдизларини инсон табиати заминидан топиш мумкин. Шуни назарда тутиб А.И.Мазаев: “Байрам – бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир”, - деб таъкидлаган эди.

Байрам ҳаётнинг давоми, муҳим қисми, ундаги энг йирик ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлаш учун керакли имкониятлар яратади. У кишиларнинг кураши, меҳнати ҳамда бошқа соҳаларда эришган ҳтуқларини ифодалайдиган ҳодисадир. Байрам арафасида кишилар бир-бирини табриклашади, келажак ҳаётлари учун яхши истаклар билдиришади, ишларига муваффақиятлар, омад, бахт тилашади. Бир-бировига совғалар ҳадя қилишади. Байрамлар ҳаётнинг давоми ҳисобланса-да, бироқ у вақтнинг монотонлигини (бир хиллигини) бузиб, унга муайян ритм бахш этади. Шу сабабли қадимдан байрамлар (маълум вақтда такрорланиб тургани учун) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Ҳозир ҳам байрам кунида муайян вақт ўтганлигини ҳис қилиш мумкин. Шундай экан, байрамлар вақт қадрига етиш, уни эъзозлаш учун шароит яратади.

Байрамлар ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган “кўзгу” дир. Байрамлар озодлик, эркинлик, тенглик, тинчлик куни сифатида қабул қилинган. Маросимлар эса аниқ бир белгиланган вақтда такрорланиб турмаслиги (масалан, бир киши ҳар йили белгиланган аниқ бир кунда тўй қилавермайди), ҳаётнинг нафақат яхши, балки ёмон, қайғули томонларини ҳам акс эттириши, ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бир қадар дахлсизлиги билан байрамлардан фарқ қилиб туради. Маросимлар бир оила, бир қавм ёки бир халқ доирасида ўтказилса, байрамлар халқаро кўриниш касб эта олади.

Байрамлар, одатда, тақвим (календарь) билан боғлиқ бўлади. Баҳорда табиатдаги бошланган жонланишни қайд қилувчи, нишонловчи Наврўз байрами, кузда ўсувчи нарсаларнинг ўсишдан, ҳайвонларнинг наслланишдан тўхталишини белгиловчи Меҳржон байрами Ўрта Осиё халқларининг қадимги тақвим билан боғлиқ маросимлари сирасига киради. Наврўз байрамидан кейин одамларнинг меҳнат жараёни кучаяди. Деҳқончилик ва чорвачилик ишлари жонланади. Меҳржон байрамидан сўнг эса, одамлар қишга тайёргарлик кўра бошлаганлар.

Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамлари тақвим билан алоқадор диний байрамлардир. Бу байрамларни ўлкамизга ислом олиб келган. Уларда

намозгоҳда эрталаб намоз ўқиш, ўтганларни хотирлаб, руҳларига дуо-фотиҳа қилиш хатти-ҳаракатлари эътиқод билан амалга оширилади. Рамазон ҳайитида ўттиз кун тутилган рўзанинг тугаши, “оғиз очиш”, фитр-садақа бериш кабилар унинг хусусий унсурлари бўлса, Қурбон ҳайитида жонлиқ (мол, қўй) сўйиб, Оллоҳ йўлига қурбонлик қилиш, ҳаж сафарига отланиш сингарилар унга хос хусусиятлардир.

Тақвимга алоқадор байрамларнинг катта қисми халқ сайли кўринишида нишонланади. Масалан, баҳор байрами “Қизил гул сайли”, ёз байрами “Қовун сайли”, “Сув сайли” тарзида номлаб нишонланади.

Байрамларда, одатда театрлаштирилган томошалар, халқ ўйинлари ва мусобақалари ташкил қилинади. Ўзбекистонда нишонланиб келинаётган байрамларни табиат ёки табиатсеварлар байрамлари (“Лола сайли”, “Гул байрами”, “Қуш байрами” кабилар), замонавий байрамлар (ҳар йили 1 сентябрда кенг нишонланадиган Мустақиллик байрами), меҳнат байрамлари (турли касб байрамлари, Ҳосил байрами), маданият ва санъат байрамлари (Фольклор байрами, Кино байрами), маърифий байрамлар (Билимлар куни, “Китоб байрами”, биринчи синф ўқувчиларининг “Алифбе байрами”), бадий-спорт байрамлари, оилавий-маиший байрамлар (туғилган кун, мучал) ва ҳоказо каби турларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Баъзи байрамлар халқаро миқёсда нишонланади. 8 март Халқаро хотин-қизлар куни, 7 май Радио куни ва ҳоказолар шулар сирасига киради.

Жамиятда рўй берадиган ижобий ўзгаришлар, ҳаётдаги йирик воқеалар, саналар ва ютуқлар халқ турмушининг таркибий ва муҳим қисми, маданиятнинг асосий шаклларида бири, шодлик ва қувонч манбаи бўлган байрамларнинг келиб чиқишига туртки бўлади.

Маросимлар ўзига хос кийим-кечак, таом, ирим-сиримлар, поетик айтимлар, хатти-ҳаракатларга эғалиги билан ҳам байрамлардан фарқланиб туради.

Кўпинча маросимлар ўз махсус ташкилотчисига эга бўлади. Масалан, тўйда кайвони, азада гўянда, ювгучи, хатнада уста каби ва ҳоказо.

Маросимлар бирор сабабсиз ёки асоссиз юзага келмайди. Улар махсус уюштирилади. Маросимлар этнографик моҳият касб этиб, халқнинг ижтимоий-маданий муносабатларини ўзида акс эттириб туради. Шу билан бирга улар халқнинг қадимий анимистик, тотемистик, фетишистик қарашлари ҳамда зардуштийлик ва исломий эътиқодлари изларини ўзида сақлаб қолган. Бу хусусият ҳатто тирикчиликнинг асосий воситасига айланган меҳнатга муносабатни ифодаловчи қатор анъаналар ва уларнинг вербал (бадий сўз)қисмини ташкил этувчи айтим-қушиқларда ҳам ўз ифодасини топган.

Тарихан маросимлар маълум диний тизимларда вужудга келган. Уларда шахснинг ижтимоий ҳаётга муносабати, алоқаси ифодаланган.

Ҳозирги жамиятда маросим, асосан, маиший турмуш, сиёсий ва ижтимоий тизимлар ҳаётида ҳам намоён бўлмоқда. Шунинг учун уларни диний маросимлар, фуқаролик маросими, этник маросим, сиёсий маросим, дипломатик маросим каби турларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Булар орасида диний маросимлар энг аввал шаклланган бўлиб, маросимнинг бошқа турлари аста-секин улар орасидан ажралиб чиққан ва ўзининг дастлабки хусусиятларини йўқота бошлаган. Масалан, ўзбек ва тожик мифологиясидаги қўллаб-қувватловчи, оилавий бахт ато этувчи, эзгу ният ва орзу-ҳавасларга етишишга кўмаклашувчи ҳомий кучлар Бибисешанба ва Биби Мушкулкушодларга бағишлаб ўтказиладиган маросимлар шулар жумласидандир. Бибисешанба тикувчилик ва тўқувчилик билан шуғулланадиган аёлларнинг руҳий мададкори сифатида талқин қилинади. Бибисешанбага ишонч тожик мифологияси тасъсирида ўзбек мифологиясига кўчган. Бу образнинг дастлаб тожик мифологиясида пайдо бўлганлиги унинг номидан билиниб туради. Чунки “сешанба” сўзи тожикча бўлиб, ҳафтанининг иккинчи куни номини ифода этади. Аёллар шу куни Биби Сешанба руҳига сиғиниб, унга бағишланган ритуал маросим ўтказадилар. Бу маросим икки қисмдан иборат бўлади. Унинг ритуал ўқишдан иборат биринчи қисмида Бибисешанбанинг етим-есирларни қўллаб-қувватлаганлиги ҳақидаги афсона баён этилади. Маросимга йиғилган аёллар шу маросим тарихи, ўтказилиш сабаби ва тартиби билан таништирилади. Бу ишни эл ичида эътибор қозонган, момолар руҳига сиғиниб қўл олган ёки отинойилик қилиб, ёшларга диний-исломий сабоқ берадиган аёл бажаради. “Бибисешанба” тарихи махсус тайёрланган китобдан ўқиб эшиттирилади. Маросимнинг ритуал овқатланишдан иборат иккинчи қисми зиёфат кўринишида ташкил қилинади. Лекин ҳозир аёллар Бибисешанба афсонасини тўппадан-тўғри дастурхон атрофида, яъни зиёфат вақтида ўтириб тинглайверадилар.

“Бибисешанба” маросими ўтмишда фақат бева аёллар, етим-есир қизлар учун ўтказилган. Лекин йилдан-йилга бу маросимга иштирок этувчи аёллар оилавий шароитидан қатъий назар оммавий тарзда иштирок этмоқдалар.

“Бибисешанба”да ўқиб-эшиттириладиган афсона сюжети Ғарбий Европа халқлари орасида кенг тарқалган “Олтин ковуш”, “Золушка” ҳамда “Подачининг қизи” номли ўзбек халқ эртакларининг сюжети билан бир хилдир. Маълумки, бу эртакларнинг сюжетида сеҳргар кампир ўғай онаси томонидан қаттиқ азобларга гирифтор қилинган етим ва камбағал қизни қўллаб-қувватлайди. Унинг мушкуллини осон қилади. Қизга бахт-саодат ато этади. Бундан кўринадики, Бибисешанба маросими қадимги инсонларнинг она рух, момо рух ҳомийлиги ҳақидаги мифологик қадриятлари асосида пайдо бўлган. Унга исломий эътиқод билан боғлиқ қарашлар эса кейинчалик сингдирилган. Негаки, бахтсиз етим қизга бахт,

яхши турмуш ато этишга ислом динида факат худо кодир деб кўрсатилади. Худогина инсонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уни тўқис бахт-саодатга эриштиришга кодирдир деб уқтирилади. Юқорида эса биз бошқача манзарани кузатдик. Унда қизни худо эмас, момо рух, сеҳргар кампир Бибисешанба қўллаб-қувватлайди. Шундан кўриняптики, Бибисешанба тимсолининг яратилишига исломий қарашлар эмас, момо рух ҳақидаги қадимги мифологик тасаввур-тушунчалар асос бўлган.

Биби (момо)лар руҳига сиғиниб ўтказиладиган ритуал тадбирлардан яна бири Бибимушкулкушод маросимидир. Айтишларича, Бибисешанба ва Бибимушкулкушод бухоролик таниқли авлиё Баҳоваддин Нақшбандийнинг аёл қариндошлари (аммаси ва холаси) экан. Бибимушкулкушод унинг холаси бўлган. Бибимушкулкушод ҳам Бибисешанба каби ўзбек ва тожик мифологиясидаги момо рух тимсолларидан бири бўлиб, у одамларнинг мушкулени ечувчи, осон этувчи, кишиларни турли қийинчиликлардан, меҳнатдаги омадсизликлардан қутқарувчи ҳомий кучдир. Одамлар, одатда, бирор-бир бахтсизликка ёки омадсизликка дучор бўлганларида Бибимушкулкушод руҳини чақириб, унга сиғиниб, ундан мадад тилаганлар. Бибимушкулкушод маросими ҳозиргача халқимиз орасида кенг ўтказилиб келинади. Унинг ўтказила бошланишини эпик баён этувчи афсона бор. Унда айтилишича, бу маросимнинг юзага келишига бир камбағал ўтинчи чол сабабчи бўлган. У ҳар кунгидай ўтин териб юрганида болтасини йўқотиб қўяди ва излаб чўлга бориб қолади. Шу ерда унга Бибимушкулкушод йўлиқади. Бибимушкулкушод чолнинг нега бу ерда тентираб юрганлигини эшитгач, унга шундай шарт қўяди. “Агар ҳар чоршанба куни менга бағишлаб ритуал овқатланиш маросимини ташкил қилсанг, болтангни ҳам топасан ва ҳар доимгидан кўпроқ ўтин ҳам йиғасан”, - дейди кампир. Чол бунга рози бўлади ва ваъда беради. Шундай қилиб, чолнинг ишлари юришиб кетади. Лекин бир чоршанбада чол эҳтиётсизлик қилиб, кампирга берган ваъдасини унутиб қўяди ва у яна аввалгидай ғам-ғуссага ботади. Иқтисодий аҳволи ёмонлашиб, қийнала бошлайди. Шунда у яна Бибимушкулкушодга бағишлаб маросим ўтказди ва шу билан ишлари қайта изга тушади.

Хуллас, ҳафтанинг чоршанба куни аёллар томонидан ўтказиладиган Бибимушкулкушод маросими исломгача шаклланган момо ҳомий рух ҳақидаги мифологик қарашлар, тасаввур-тушунчалар негизида келиб чиққан. Унда ҳам керакли мадад ва ёрдам худодан эмас, балки момо рухдан сўралади. Момо руҳга сажда қилинади. Шунинг учун бу маросимларнинг ўтказилишига ва кенг оммалашиб кетишига ислом дини йўл бермайди.

Умуман, ўтказилиш вақти, ўрни, тарзи, тартиби, ижодкорлари, иштирокчилари таркиби ва вазифаларига, ўзига хос хусусиятларига кўра ўзбек маросим фольклорини уҳта катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Мавсумий маросимлар фольклори.

2. Оилавий – маиший маросимлар фольклори.

3. Сўз магиясига асосланган маросимлар фольклори.

Ўз навбатида, бу уч гуруҳга мансуб маросим фольклорининг ҳар бири яна ички хилма-хилликка эга.

Ўзбеклар мавсумий маросимларга бой халқлардандир. Бу маросимлар йилнинг тўрт фаслига оид халқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан алоқадор бўлиб, фаслларга қараб, тўрт турга бўлинади:

а) баҳорги мавсумларга алоқадор маросимлар;

б) ёзги мавсумларга алоқадор маросимлар;

в) кузги мавсумларга алоқадор маросимлар;

г) қишки мавсумларга алоқадор маросимлар.

Баҳор мавсуми билан боғлиқ маросимлар, асосан, кишиларнинг меҳнат фаолиятига алоқадорликда ўтказилади. яъни, улар баҳор кириши билан деҳқон ва чорвадорнинг ҳаёти ва фаолиятида юз берадиган ўзгаришларга боғлиқ тарзда ўтади. Масалан, экин экишга тайёргарлик кўриш, ариқ-зовурларни тозалаш, чорвани яйловларга кўчириш каби ишлар кишилар томонидан белгиланган кунда махсус тайёргарлик билан ташкил қилинади ва бажарилади. Шу боисдан улар ўзига хос маросим тарзида намоён бўлади. Баҳорий маросимлар сирасига “Шох мойлар”, “Наврўз”, “Ёмғир чақириш” сингариларни киритиш мумкин.

“Шох мойлар” – далага қўш чиқариш маросимидир. Уни ўтказиш вақтини қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришади. Ушбу маросимга эркагу аёл тенг иштирок этаверади. Пишириқлар пиширилиб, ўтириш учун жойлар тузалиб, махсус тайёргарлик кўрилади. Олқишлар айтилади. Қўшга олиб чиқилган ҳўкизларнинг шохларига “кўз тегмасин” дея зиғир мойи суртилиб, инс-жинслар – ёмон руҳлардан пок бўлсин учун исириқлар солинади.

“Шох мойлар” деҳқон фаолиятининг бошланишидан дарак берувчи маросим, у биринчи кун магияси билан боғлиқ. “Шох мойлар” ҳам аграр маросим. Деҳқон ҳаётига техниканинг кириб келиши билан у ўтказилмай қолди.

Наврўз – қадимий баҳор байрами. Баҳорги кун ва тун тенглиги пайтида, яъни 21–22 март кунлари нишонланади. Наврўз – янги кун дегани. У исломгача ҳам нишонланган. Шунинг учун диний байрам эмас. Шўролар даврида у нотўғри талқин қилинди ва нишонланиши ноҳақ чеклаб қўйилди. Сосонийлар даврида Наврўз давлат байрамига

айлантирилди. Ўшанда уни ёзда, куннинг энг узунлиги пайтида–21–22 июнь кунлари нишонлаганлар.

Наврўз олдидан етти хил донлик экиннинг уруғидан етти катор экиб ундирилган. Булар буғдой, арпа, зиғир, тарик, нўхат, жўхори ва шолидан иборат бўлган. Уларнинг унишига қараб йилнинг ҳосилдорлик даражаси чамаланган. Кўпчиб турган ерга мўл қилиб сув сепилган. Бу билан йил бўйи сув, намгарчилик мўл бўлиши исталган. Қизлар ва аёллар арғимчоқ учишган. Шу кун кишилар бир-бирларига совға-саломлар улашишган, гина-кудуратлар унутилган, урушлар тўхтатилган. Наврўз дастурхонига етти хил таом қўйилган ва бу таомлар араб ёзувидаги “син”, яъни “с” товуши билан бошланган. Булар ҳазориспанд (сипанд), олма (себ), сиёхдона (седона), синжид (зайтун ёғи), сирка, саримсоқ, сабзий (буғдой майсаси) дан иборат бўлган.

Дастурхон ўртасига тол, зайтун, беҳи, анор, тут каби дарахт новдаларидан етти дона қўйилган. Бир идишда пушти ранг, бошқа идишда тоза сув қўйилган. Тоза сув устига мевали дарахтнинг япроқлари ташланган. Дастурхонга патир, қатик, сут, пишлок, бўялган тухум, хўроз гўшти, қуритилган мевалар, ёнғоқ, бодом, писта, балиқ ва ойна (кўзгу) қўйилган. Наврўз дастурхони учун ёқилган шамлар охиригача ёниши шарт саналган. Яна дастурхон учун гўжа оши, сумалак, ҳалим сингари махсус таомлар пиширилган.

Қолаверса, Наврўз шодиёналари қирқ кунгача, асосан, май ойининг ўрталаригача давом этганлигидан хилма-хил маросимларни ўз ичига олган. Сумалак, бойчечак, лола сайли (сайли гули сурх) сингари маросимлар ҳам аслида Наврўзнинг давоми саналиб, ана шу муддат давомида ўтказилаверилади.

Сумалак – ўлиб-тирилувчи табиатнинг абадий ҳаракатини ифодаловчи рамзий таом бўлиб, Наврўз шодиёналарида пиширилади ва алоҳида анъана сифатида нишонланади. Сумалак асли форсча “си малак” сўзидан олинган, ўттиз малак (пари) маъносини англатади. Гўёки бу муқаддас таомни шу ўттиз малак пиширганмишлар, унинг номи ҳам ўшандан келиб чиққанмиш. Сумалак Наврўз кунларида махсус кўкартирилган буғдой майсасини ўғур (кели)да туйиб ёки гўшткўбакда чопиб (янчиб), сўнгра унинг сиқиб олинган шарбатининг қайнатмасига ун аралаштириб пишириладиган таомдир.

Уни, асосан, аёллар тайёрлайдилар. Таги олмаслиги учун қозонни муттасил қовлаб туришлари лозим. Бу иш шарбат қозонга солинган оқшомдан тун бўйи давом этган. Шу боисдан уни тайёрловчи аёллар тун бўйи сумалак қозони атрофида базм уюштириб, завқ-шавқ билан елиб-югурганлар, сумалакни алқаганча тубандаги қўшиқларни куйлаб рақсга тушганлар:

*Гуллола алвон-алвон,
Сумалак жонга дармон.
Яйраб ич сумалакни
Қилмайин десанг армон.*

Ёки:

*Наврўз келай деганда,
Бугдой ундириб қўйдик
Меҳмон бўлиб келингиз,
Сумалак қилиб қўйдик.*

Мавсумий маросимлар қадимги аجدодларимизнинг кундалик талаб ва эҳтиёжлари туфайли вужудга келган. Айтайлик, баҳор ойлари ёгин-сочин кам бўлса, экин-тикиннинг мазаси бўлмаган. Шундай кезларда ёмғир чақириш мақсадида икки хил кўринишдаги маросим ўтказилган.

Қадимги аجدодларимиз яда (жада) тоши воситасида ёмғир чақирганлар. Яда – жодугарликни англатувчи жат сўзидан олинган бўлиб, қадимий туркий тилда сеҳрли куч-қудратга эга бўлган предметларга нисбатан қўлланган.

“Суст хотин” маросими – ёмғир тангриси Суст хотинга илтижо қилиш орқали ёмғир чақиришдан иборат. Бу маросим турли жойларда турли шаклларда ўтказилган. Маросим жараёнида “Суст хотин” кўшиғи куйланган. Бу маросим тарихан қадимий бўлиб турли жойларда турлича аталади, жумладан, Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларида “Чала хотин” деб ҳам юритилади.

“Суст хотин” – “Авесто”да мадҳ этилган осмон сувлари тангриси Тиштрийанинг халқ ўртасида фонетик ўзгаришларга учраб Тиштрий, Туштр, Сустр ва ниҳоят Суст хотин шаклини олган намунаси, дея изоҳлайди Б.Саримсоқов. У ўзбеклар орасида “Суст хотун” “Сут хотун”, “Сув хотун”, “Чала хотун” номлари билан тарқалган бўлса, туркманларда “Шйт хатын”, тожикларда “Суст момо” ёки “Ашаглен” деб юритилади. Маросимнинг ўтказилиш тартиби ҳам турли жойларда турличадир. Б.Саримсоқов унинг тўрт вариантыни аниқлаб изоҳлаган. Аммо унинг муштарак жиҳати ҳамма жойларда ҳам аёллар томонидан ўтказилишидир. Белгиланган кун ва вақтда ўндан ортиқ аёл қўғирчоққа, баъзи жойларда қўриқчи (хўса)га қари аёл кўйлагани кийдириб, аёллардан бири уни кўтариб олган ҳолда олдинда юрса, бошқалар унга эргашиб қишлоқ ёки маҳалла бўйлаб хонадонларга бирма-бир кириб чиқа бошлайдилар. Улар хонадонларга кира туриб:

*Суст хотун, султон хотун,
Кўланкаси майдон хотун,
Ҳаво ёғмас бўлама, Суст хотун,*

*Томчи томмас бўлама, Суст хотун.
Етмишдаги кампирни, Суст хотун,
Сел опкетмас бўлама, Суст хотун,-*

қўшиғини айта бошлайдилар. Хонадон эгалари уларни хурсандлик билан кутиб олиб, қўғирчоқ ёки кўрикчи (хўса) устидан сув сепиб, қўшиқ ижрочиларига хайр-эҳсон қилишади. Улар шу хайр-эҳсон эвазига ис қилишиб, ёмғир ёғишидан умидвор бўлиб қолаверадилар.

Маросим кейинги тараққиётида эркаклар ва болалар ижросида ҳам ўтказила бошланган. Унинг қўшиғида мўл-кўл ҳосил етиштириш орзуси етакчи мотивдир:

*Ҳаволарни ёғдиргин, Суст хотун,
Бугдойларни бўлдиргин, Суст хотун.
Осмондан томчи ташлаб, Суст хотун,
Элу юртни тўйдиргин, Суст хотун.*

“Суст хотин” маросими матриархат даврида вужудга келган. У ибтидоий кишиларнинг табиат инжиқликларининг туб сабабларини билмасдан уларнинг олдини олиш чораларини топишга ожизликлари оқибатида вужудга келган.

Ёзги маросимлар фольклоридан атиги битта жанр сақланиб қолган. Бу **“Чой момо”** – шамол тўхтатиш маросими ва унга алоқадор айтимдир. Бу маросим сурункали давом этган қаттиқ шамолни тўхтатиш мақсадида ўтказилган.

“Чой момо” аслида “Чуй момо” бўлиб, қадимги туркий тилда “шамол она” деганидир. Қадимда шамолни жонли нарса сифатида тасаввур қилишган. Бу маросимни дастлаб аёллар, кейинчалик эркаклар ҳам ўтказишган.

Маросимни ўтказиш тартибига кўра икки кампир эски чопон ва кийим кийиб, юзларига қоракуя суртишиб, қўлларида ҳасса билан тубандаги “Чой момо” қўшиғини айтиб беришади:

*Чой, чой, чой момо,
Чой момоси ўлибди,
Боса-боса беринглар,
Босилиб қолсин бу шамол.
Уга-уга беринглар,
Угилиб қолсин қув шамол.
Тўка-тўка беринглар,
Тўкилиб қолсин бу шамол.
Боса-боса беринглар,
Босилиб қолсин қув шамол.
Чой, чой, чой момо.*

Улар ёнида бўйга етган беш қиз бошларига қизил шолча ёпиб олган ҳолда жўр бўлиб боришади. Орқадан етти-саккиз ёшдаги ўғил бола катта хуржун солинган эшакни миниб олган бўлади. Ўқлоғ, юмшоқ супурги ва кели (ўғур) сопи бирга қўшиб боғланган ҳолда ўша эшакка судратилиб борилади. “Чой момо”чилар қайси хонадонга борсалар, ўша хонадон эгалари уларга буғдой, нон, пул садақа қилади. Эшак устидаги бола буларни хуржунга солаверади. Ниҳоят қишлоқ ёки маҳалла тўла айланиб чиқилгач, белгиланган жойда йиғилган ундан Шамол отага ис чиқарилади. Бунинг учун чалпак пиширилиб, Шамол отага аталган ўн икки дона чалпакни ерга ёки муқаддас саналгувчи жойдаги бирор тешикка тиқишади. Бу билан шамол йўли боғланармиш, шамол эса тинармиш. Баъзан йиғилган нарсаларни сотиб, қўй сотиб олинган ва у шамол чиқадиган жойга элтиб қурбонлик учун сўйилган. Қўй гўшtidан тайёрланган шўрвадан ортиб қолганини шамол чиқиши тахмин қилинган тешикка тўкиб қўйилган. Маросимдаги рамзий нарсалардан ўқлоғ ва кели (ўғир) сопи ризқ-рўзини англатса, супурги шамол худоси қаҳрини келтирувчи зиён-заҳматларни қувувчи ва супуриб ташловчи маъносини ифодалайди. Умуман, бу маросим матриархат даврининг қолдиғи бўлиб, кейинчалик трансформатсияга учраб, эркаклар ижросида ҳам бажариладиган бўлган.

Кузги маросимлар фольклори жанрларидан фақат иккитаси-охирги тутам буғдойни ўриб олиш (**“Обло барака”**) ва шамол чақириш **“Ё, Ҳайдар”** маросимларигина сақланиб қолган.

Охирги тутам буғдой – “она буғдой” дейилади. Қайси ўроқчи ана шу тутамга етиб олса, “еттим-еттим, обло барака берсин” деб уни ўриб олади.

“Ё, Ҳайдар” қўшиғида шамол ҳомийси сифатидаги Ҳайдар аслида Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрати Али бўлиб, унга шундай мурожаат қилинади:

*Ҳайдар-Ҳайдар,
Ота-онанг ўлибдир,
Моли сенга қолибдир,
Боланг сувга оқибдир,
Шамолнинг қўйиб бер.*

Эмишки, Ҳазрат Али барча табиат ҳодисалари, жумладан, шамолнинг ҳам отаси сифатида уни ўз ихтиёрида тутиб сақлармиш. Унга шу хилда мурожаат қилинганда эса, тутиб турган шамолни қўйиб юборармиш. Иккинчи бир талқинда у Дулдулини миниб, қамчи босармиш. Шунда от шиддат билан чопаётганида ёлининг кўтарилиб тушишидан шамол ҳосил бўлармиш.

Ўзбекларнинг шамол култи билан боғлиқ мифологик тасаввурларининг матриархат даври эътиқодий қарашларига алоқадор

туркуми Ялли момо ёки Ялала момо, патриархат даври еса Яланғоч ота ҳақидаги эътиқодий ишончлар тизимини ташкил этади. Улар тўғрисидаги халқ қарашлари Қуйи Зарафшон воҳаси ўзбекларининг шамол тўхтатиш маросимлари таркибида сақланиб қолган.

Фольклоршунос М.Жўраевнинг фикрича, Ялли момо туркий халқлар мифологиясида шаклланган образлардан бири бўлиб, Чой момога қараганда қадимийроқдир. Чунки унда шамол эгаларига қурбонлик қилишнинг ўзига хос бир кўриниши – шамол қўғирчоқ ясаб, дафн этиш удуми сақланган.

Қишки маросимлар фольклорига “гап-гаштак” ва “яс-ясун” маросимлари киради. Улар меҳнат жараёни билан боғлиқ эмас.

“Гап-гаштак маросими” баъзи жойларда гапхўрлик деб ҳам юритилади. Унга кўра, дала меҳнатидан бўшаган эркаклар узун қиш кечаларини зерикиб ўтказмаслик учун ўз уйларида ё чойхоналарда галмагал зиёфат беришган. Уни бошқарувчи оқсоқол ва ёрдамчиси бўлиб, зиёфат навбатини, тартибини, унда ўйналадиган ўйинларни назорат қилган ва бошқариб борган. Зиёфат олдидан полвонтавоқ кимнинг олдига элтиб қўйилса, зиёфат гали ўшаники саналган. Ўтириш чойхўрликдан бошланиб, иштирокчилар хоҳишига кўра тайёрланган таом тановулидан кейинги ўйин-кулгилар билан алламаҳалгача давом этган. Ярим тунда палов сузилган. Яна ўйин-кулги ва чойхўрлик давом этган. Ниҳоят, даврабоши рухсати билан гапхўрлар уй-уйларига тарқалганлар. Бундай гаштакларда майхўрлик бўлмаган. Бу маросим шахсда ўзини давраларда тута билиш, меҳмон кутиш ва унинг кўнглини олиш малакасини шакллантирган ва тарғибот-ташвиқот олиб бориш вазифасига кўра маданий-оқартув хизматини адо этган.

“Яс-ясун” кўчманчи чорвадорлар ўртасида қимизхўрлик маросими сифатида юзага келган бўлиб, унинг маъноси даврада ўтириш қоидалари демакдир. Баъзи жойларда у “бўзахўрлик” ёки “кўна ўтиришлари” деб ҳам юритилади.

“Яс-ясун” шердада ўтказилади. Шерданинг раиси, ўнг ва чап оталиқлари (ўринбосарлари) бутун маросимга раҳбарлик қилади. Эшик оғаси (шерда ўтадиган уй хўжайини), бий ва унинг ўринбосарлари берадиган буйруқларни бажартирувчи ясовул, косагул (соқий) каби жавобгар шахслар ҳам маросимда муҳим вазифа бажарадилар.

Маросимнинг қуйидагича шартлардан иборат қатъий талаблари мавжуд: иштирокчилар косагул узатган бўзани бир нафасда ичиб юборишлари лозим; косадаги бўзани тўкмасликлари ёки тўкиб юбормасликлари шарт; доим чўкка тушиб ўтиришлари ва бий рухсатидан сўнггина оёқ узатиб ёки ёнбошлаб ўтиришлари мумкин; шерда охирига қадар мастлик қилмай, одоб сақлашлари шарт; шерда ўтиришини фақат

бий ёки эшик оғаси рухсати билангина тарк этишлари мумкин; бий ёки ўринбосарларнинг топшириқларини сўзсиз адо этишлари лозим; косагул шерда иштирокчиларига бўза тутганида турли тўртликлар айтмоғи ва шерда аъзолари ҳам унга жавоб қайтармоғи шарт.

Маросимда айтилган тўртликларнинг шарти шуки, биринчи банд қайси сўз билан бошланса, иккинчи банд ҳам ўша сўз билан бошланмоғи, шу асосда бандлараро анафора юзага келиб, ритмик-композицион яхлитлик таъминланиши шарт. Масалан, косагул шерда иштирокчиларига бўза узата туриб, шундай мурожаат қилади:

*Алёр бўлсин-ай,
Хўжам ёр бўлсин-ай.
Хўжам берган давлатга
Душман зор бўлсин-ай.*

Косагулнинг бундай мурожаат кўшиқлари турлича бўлиши мумкин, энг муҳими, бир тўртлик қайта такрорланмаслиги лозим. Бўза узатилган киши косани ола туриб, косагулни ёки бўзани алқаб жуфт байт ёки жуфт тўртлик айтмоғи, бунда иккала байт ҳам ёки тўртлик ҳам бир сўз ёки ибора билан бошланмоғи шарт. Чунончи:

*Бўза ичдим-бошига чиқди хумори,
Ёр қўйнида қолди бўйним тумори.
Ҳеч баҳона топмас эдим боргани,
Хўб баҳона бўлди бўйнинг тумори.
Бўзанинг пиёласи ҳам лоласи,
Йигитга ҳамдам бўлур қайнонаси.
Ул йигит чиқса бўзадан мас(т) бўлиб,
Олдига ўйнаб чиқар жононаси.*

Ёки:

*Қизларжон, отинг нима?-Гулбозори!
Санга тушди ман етимнинг назари.
Санга тушса ман етимнинг назари,
Қачон бўлгай икки етим бозори?
Қизларжон, қилиққинанг қил ёради,
Лабларингнинг шаккари тил ёради.
Қошларинг қози бўлиб юрт сўраса,
Кипригинг жаллод бўлиб дил ёради.*

Яс-ясун маросимида айтиладиган бундай кўшиқлар Туркистон, Сайрам, Қарноқ ва Иқон атрофларида “ҳаққоналар ёки кўналар” деб юритилса, бошқа жойларда “бўзагарлар кўшиғи” деб юритилади.

Ўзбек фолькларида **оилавий-маиший маросимлар** фольклори катта ўрин тутади. Чунки инсоннинг асосий умри оилада кечади. Инсоннинг туғилишини, камолотининг маълум босқичи, вафотини оилада махсус маросимлар орқали қайд этиш эса ўзига хос анъанага айланган. Бу анъана барча халқлар орасида бор. Инсон ҳаётига алоқадорлигига кўра оилавий - маиший маросимлар икки катта гуруҳга бўлинади.

1. Тўй маросимлари;

2. Мотам маросимлари.

Оилада ўтказиладиган маросимлар оилавий-маиший маросим ҳисобланади. Улар ранг-баранг бўлиб, каттагина қисми тўй маросимларини ташкил қилади. Бешиқ тўйи, ўғил (суннат ёки хатна) тўйи, никоҳ тўйи, ҳовли тўйи, ёш тўйи каби номлар билан юритилувчи ҳар бир тўй тадбири инсон ҳаётидаги энг қувончли муҳим бурилиш нуқтасини қайд қилишга қаратилган.

“Тўй” сўзи “тўймоқ” тўлиқсиз феълидан олинган бўлиб, катта зиёфатли йиғин маъносини англатади. Тўй ўз номи билан нафақат ширин таомларга, балки яқин қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар дийдорига, оромбахш куй ва қўшиқларга, хурсандчилик улашадиган турли қизиқарли томошаларга ҳам тўйиш демакдир.

Тўй-кўпчилик иштирок этадиган йирик маросим. Ўзбек тўйларини ўтказиш тарзи, иштирокчилари таркиби, вазифалари ҳамда унинг вербал қисмини ташкил этувчи поетик фольклорини жанрий таркибига кўра бир неча турга бўлиб ўрганиш мумкин.

Бешиқ тўйи. Оилада фарзанд туғилиб, у беш кунлик бўлгач, “Беш кечаси”, тўққиз кунлик бўлганида “Тўққиз кечаси” маросимлари ўтказилган. Одатда, бундай маросимларни узоқ вақт фарзанд кўрмай, ниҳоят ниятига эришган ёки боласи турмайдиган аёллар томонидан ўтказилиши расмиятга айланган. Ушбу маросимларнинг ўз поетик айтимлари, ирим-сиримлари мавжуд, албатта.

Чақалоқ қирқ кунлик бўлганида эса унга бағишлаб “бешиқ тўйи” ўтказилган. Ушбу қадимий маросим Бухорода “гаворабандон” деб юритилади.

Бешиқ тўйини икки томон қудалар биргаликда ташкил қилиб ўтказадилар. Янги бешиқни чақалоқнинг она томонидан бобоси турли-туман совғалар билан биргаликда олиб келади. Бешиқ жўнатишнинг ўзига хос тартиби бор. Энг олдинда ёғоч оёққа миниб, қўлида қайроқ билан рақсга тушганлар, кейин карнай-сурнайчилар, улар ортидан бошларида совға-салом солинган дастурхонларни кўтарган аёллар ва янги бешиқни елкалаган бешиқбардор узун сафда тизилиб борадилар. Булар боркашлар дейилади.

Уй эгалари боркашларни уларнинг юзларига ун суртиш билан кутиб

оладилар. Бу билан чақалокнинг бахти оппоқ бўлишига рамзий ишора қилинади.

Боркашлар шарафига таомлар сузилиб, зиёфат уюштирилади. Рақсга тушилади. Қўшиқлар куйланади. Шундан сўнг чақалокни бешикка солиш бошланади. Бундан аввал бешикка махсус тўшакчалар солинади. Боланинг ёстикчаси остига пиёз (саримсоқ), нон, қайроқтош ёки пичоқ қўйилади. Улар чақалокни турли инс-жинслар ёки зиён-заҳматлардан асровчи магик предметлар ҳисобланади. Сўнгра бешик ичи ва юғиси устида уч жойда пахта ёкиб кўр-кўр қилинади. Оташпарастликдан сақланиб қолган бу удум орқали бешик турли инсу жинслардан тозаланган.

Кўр-кўр деб аталувчи шу ирим тугагач, чақалокни кайвони-вакила қўлига олиб, даст кўтарганича, шундай дейди:

*Шугина жоним-бир жоним,
Бўйнимдаги маржоним.
Худо берди севсин деб,
Олтин бешикка кирсин деб.*

Сўнгра чақалокни бешикка сола туриб, дастлаб уни тескари қўйиб, шундай дейди:

-Бундай боғлаймизми?

Бешик атрофдагилар бирваракайига жўр бўлишиб:

-Йўқ, йўқ! -дейдилар.

Энди чақалокни ўнг томони билан чалқанчасига ётқизиб яна сўрайди:

-Бундай боғлаймизми?

Яна барчанинг: “Йўқ, йўқ” – деган эътирози жаранглайди. Вакила бу сафар чақалокни чап томонлама чалқанчасига қўйиб, ўша сўзларни такрорлайди. Яна эътироз эшитади. Ниҳоят у чақалокни тўғри ҳолатда бешикка қўяди ва шундай дейди:

-Бундай боғлаймизми?

Иштирокчилар: - “Ҳа, ҳа!” –дея уни маъқуллашади. Шундан кейин вакила айтим – олқишни давом эттиради:

*-Қоч, қоч бабаси,
Келди эгаси.
Ота-она гапиришса,
Қичқиринишса, яна қўрқма!
Опаларинг, акаларинг,
Бақиринишса, яна қўрқма!
Олапар ит акиллеса,
Қўрқиб қолма!
Мош мушук хирилласа,
Қўрқиб қолма!*

Олқишни вакила чўзиқ оҳангда, қироат билан айтаётган лаҳзада бошқа бир аёл бешикнинг бош томонида ўтириб олиб ёнғоқ чақа бошлайди. Чақалокни боғлаш тугатиши билан чақилган ёнғоқ мағзлари қанд билан аралаштирилиб, бешик устидан сочқи қилиб сочилади.

Бунинг икки рамзий маъноси бор: бири-тақиллаш овозидан бола чўчимасликка даъват этилса, иккинчиси-ёнғоқ мағзини сочишдан эса боланинг сермағиз-келажакда бола-чақали бўлиб, ширин ва тўкин турмушга эришмоғи орзу қилинган.

Шундан кейин исириқ тутатилиб, бешик устидан уч марта айлантрилади ва қуйидаги айтим-олқиш айтилади:

*Исириқ, исириқ,
Чатнасин исириқ,
Патласин исириқ,
Бачага кўз тегмасин.
Ким бачага кўз қилса,
Кўзлари оқиб тушсин.*

Шу зайлда бешик тўйи маросими интиҳосига етади. Чақалок бешиги билан алоҳида хонага ўтказилиб, онасининг ихтиёрига топширилади.

Хатна тўйлари. Хатна ёки суннат тўйи фақат ўғил бола учун ўтказилади. Хатна халқ ўртасида “суннат”, “қўлни ҳалоллаш (поклаш)”, “чукрон”, “чукбурон”, “гулла” каби атамалар билан ҳам юритилади.

Суннат тўйи, одатда, боланинг тоқ ёшларида: уч, беш, етти ёки тўққизга кирганида қилинади. Уни жуфт ёшда ўтказилса, бахтсизлик келтиради деб ирим қилинади. Ҳозир суннат тўйи бола мактабга боргунга қадар ўтказилади.

Удумшунос Г.П.Снесаревнинг фикрича, хатна тўйининг илдизлари қадимги инициацияга, яъни кишиларнинг турли ёш синфларига бўлиниши, бир ёш синфидан иккинчисига ўтиши махсус маросимлар, инициациялар воситасида нишонланиши удумига бориб боғланади.

Фольклоршунос К.Очилов эътирофича эса, “Ўрта Осиё халқлари ислом дини қабул қилинган вақтгача суннат ва хатна қилиш нима эканлигини билмаганлар”. Уларда бундай одат бўлмаган. Араб манбалари билан пухта танишган ва улардан фойдаланган олимлар бу фикрни тасдиқлайдилар. Хусусан, араб тарихшунос олими Табарийнинг материалларига асосланган В.В.Бартольд қуйидагиларни таъкидлайди. Хуросон ноиби Ашрас 728 йилда Мовароуннаҳр аҳолисини мусулмончиликка киритишга ҳаракат қилади. Шу боис ўзининг яқин кишилари, яъни икки дин пешвосига мусулмончиликни қабул қилганлардан солиқ олмаслигини одамларга етказишни амр этади. “Бу амр ижроси туфайли хазинага пул тушмайди... Шунда Ашрас фақат янги мусулмон бўлганлар орасидан кимдан-ким суннат қилдирилса, ана

шуларни солиқдан озод этишни буюради”. Шу тариқа Мовароуннахр аҳлиси орасида хатна одати секин-аста қарор топа боради ва исломлаштирилиши натижасида суннат номини олади, қолаверса, пайғамбаримиз томонидан бажарилганлиги туфайли бошқа мусулмонлар томонидан ҳам бажарилмоғи шарт саналган қоида тарзида қабул қилинган.

Хоразмда суннат тўйлари “бак-бавак” маросими деб юритилади, унинг рамзий белгиси сифатида жийда бутоғига турли ширинликлар, рангли ялтироқ безаклар, турли-туман қоқилар солиниб, тўйхона тўридаги баланд жойга осиб қўйилади. Жийда ҳосилдор дарахт бўлганлигидан тўйболага ҳам серфарзандлик тиланиб, шундай иримга амал қилинади.

Ўзбекистоннинг бошқа жойларидан фарқли ўлароқ Хоразмда суннат тўйини алқовчиларни чаманчилар дейишади. Улар таркибан уч киши-гармончи, доирачи ва раққосдан иборат эркалар гуруҳи бўлиб, тубандаги анъанавий алқов қўшиғи билан тўйхонага кириб келишади:

*Тўй атаман деб элга берди овоза,
Ўтган ойда кунжи берди жувоза.
Баракалло, Одилбекни тўйина,
Орқа ёна гашир – пиёз актирган,
Хирмон жойда олтин қовоқ диктирган.
Баракалло, Одилбекни тўйина.*

Шуни таъкидлаш жоизки, чаманчилар тўйбола ва тўйчиларни алқаб куйлашни авж пардага чиқара борадилар. Худди шу жараёнда болани суннат қилиш бошланади. Хатна бошланиши олдидан тўйболанинг онаси бошқа хонада бир қўли бармоғини унга, иккинчи қўли бармоғини ёққа ботириб туриши шарт. Хатна бажарилгач, бола махсус баланд тўшакка-тахтга ётқизиб қўйилади.

Чаманчилар ташқарида хизмат қилишса, халфалар ичкарида – хотин-қизлар базмида хизмат қилишган. Улар репертуарида ҳам хатнани алқовчи айтимлар мавжуд:

*Жаҳонда фарзанд аълодур,
Ато этувчи оллоҳдур.
Болали уй-бозор, дерлар,
Шод бўлинг, тўйлар муборак!*

Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингач, шу жойда яшовчи барча халқлар қатори ўзбеклардаги хатна қилиш одати ҳам кучли равишда исломлаштирилган. Ҳатто маросимнинг номи ҳам суннат, яъни пайғамбаримиз томонидан бажарилган ва бошқа мусулмонлар ҳам бажариши шарт саналган қоида сифатида қабул қилинган.

Халқ ўртасида “боланинг қўлини ҳалоллаш” ибораси бежиз

айтилмайди. Чунки илгариги замонларда хали суннат қилинмаган болаларнинг катталар билан бир товоқдан овқат ейишларига рухсат этилмаган. Хатна тўйи уч қисмдан иборатдир:

Биринчи қисми – тўйга таёргарлик кўриш қисми. Бу даврда тандир куриш, нон ёпиш, сўқим сўйиш, маслаҳат оши тортиш кабилар амалга оширилади.

Иккинчи қисми – хатна тўйи ўтказиладиган юмушларни қамраб олади. Бунда меҳмонларни кутиб олиш учун жой ҳозирланади. Дастурхонлар тузатилади. Қишлоқ ёки маҳалла аҳлига махсус жарчилар орқали хабар қилинади. (Ҳозирда бу иш тўйхат юбориш орқали амалга оширилмоқда).

Суннат тўйида ижро этилувчи *хатна жанри* махсус жанрни ташкил этади. Улар тўйга чорлаш вазифасини адо этади. Хатна жарларида тўй эгасининг қозонлар қурдиргани, семиз ва кўп қўй-моллар сўйдиргани, қимматбаҳо совға-саломлар эвазига кўпқари чоптирмоқчи эканини таърифлаш мотиви етакчилик қилади:

*Тевали (қаиқа) қўйни-ё сўйдирган,
Тўшини менга-ё қўйдирган,
Катта-катта қозонларни қурдирган,
Баракала-ё, бойвачча-ё, Убайдулло.
О, нор туяга улогини орттирган,
О, юз эллик сўм пулни қўйиб чоптирган,
Баракалла-ё, бойвачча-ё, Убайдулло.*

Жар қўшиғининг охирида жарчи енгил юмор воситасида ўз насибаси ҳақида ҳам енгилгина ишора қилиб ўтади:

*О, омборчи-ё шўх экан,
О, жарчи боши-ё бўш экан,
О, емишлари-ё тўрт кило гўшт экан,
Баракалла-ё, бойвачча-ё, Убайдулло.*

Жар чақирилгандан кейин меҳмонлар бирин-кетин тўйхонага ёғилиб кела бошлайдилар. Улар дастурхондаги ноз-неъматлардан тотилишгач, ош тортилади. Ошдан кейин ҳамма тарқалади. Тўй эгалари кечқурун ўтказиладиган базмга тайёргарлик кўрадилар. Кечқурун машшоқ ва хонандалар, айрим жойларда қизикчи ва дostonчилар иштирокида базм бўлиб ўтади.

Эртаси эрталаб болани хатнага ётқизиш учун ҳозирлик кўрилади. Тўйнинг асосий *учинчи қисми* шу хилда бошланади. Бу пайтда баъзи қишлоқлардаги одатга кўра қишлоқ болалари хатна қилинадиган болани бирор-бир хонадонга яширишади. Тўй эгаси уларнинг жўрабошиси талабини қондириб, болаларга зиёфат учун пул ёки масаллик бермагунгача, бола яширилиб қўйилган хонадон айтилмайди. Берилсагина

улар болани тўйхонага олиб келиб берадилар. Бу пайтда тўйхонада ҳар хил ўйин-томошалар ўтказилади. Масалан, Хоразмда “Олтин қовоқ”, Андижонда “Қулоқ чўзма”, Тошкентда “Бола маст” ёки “Маст бола” каби ўйинлар уюштирилади. Айтайлик “Маст бола” ўйинида тўйхона ҳовлисининг ўртасида гулхан ёкилиб, унинг атрофини тўйчилар ва меҳмонлар ўраб олишади, карнай-сурнай, чилдирма, ноғора чалинади. Тўй боланинг амакиси ёки тоғаси уни опичлаб кўтариб олади-да;

-Маст бола, гуд-гуд,

*-Маст бола, гуд-гуд,-*дея, такрорлаганича, гулхан атрофида айлантиради. Чилдирмачилар ҳар замонда “амма-холалари ҳаводор (назр)” берадилар. Шунда йиғилганларнинг барчаси шоду хуррамлик билан қийқириб, “биз ҳам шундай тўйларга етайлик” деган ният билан ўртага назр ташлайдилар. Йиғилган назрларни созчилар ўзаро бўлишиб олишган.

Шундан сўнг тўй болага озгина шарбат ёки бошқа ичимлик ичиришган ва хатна қилиш учун тайёрлаган махсус хонага олиб киришган. Шундай пайтда Самарқанднинг Булунғур ва Ургут туманларида, Сурхондарёнинг Бойсунида “Чорқарсак” ҳамда “Бешқарсак” деб аталувчи ўйинни ўйнашган. Унда тўй иштирокчилари махсус усулда қарсак чалишиб, айтилаётган лирик қўшиқларнинг нақоратларига жўр бўлиб туришган.

Суннат тўйлари “чавқи”сиз ҳам ўтмаган. “Чакви” – тўй-томошаларда, сайлларда ижро этиладиган ўйин, ўзига хос этнофольклор ҳодисаси. Турфа лирик ва маиший қўшиқлару ўйинларни ўз ичига олган бу силсила Булунғур, Зомин, Бахмал, Пойарик, Жомбой, Ургут, Ғаллаорол туманларида кенг тарқалган. “Чакқи” ёки “човки” атамаси “гулхан” деган маънони билдиради. Чунки тўй куни қишлоқ йигитлари базмга алоҳида тайёргарлик кўришган. Қуриган дарахт кундалари, ғўлаларни кесиб, ўтин қилишган ва тўйхонага олиб келишган. Қоронғи тушгач, “чавқи”да иштирок этадиган қарсакбозлару лапарчилар, қўшиқчию ўйинчилар ҳар томондан кела бошлаганлар ва давра ҳосил қилганлар. “Чавқи” тўйнинг энг авж нуқтаси ҳисобланган. Ҳовли ўртасига уйиб тайёрлаб қўйилган гулхан ёқилган. Йигитлар ва кекса ёшли эркаклар давра қуриб ўтиришган. Базм дастлаб якка қарсак билан бошланиб, ўйин авжига чиққани сайин қарсаклар сони ошиб бораверган. Якка қарсакдан сўнг жуфт қарсак, сўнгра уч, тўрт, беш, тўққиз, ўн бир қарсаккача кўтарилган. Қарсак зарбига қараб қўшиқ оҳанги ва ўйин усули ҳам ўзгарган.

Бойсун атрофларида “Яллама-ёрим”, “Яқу-яқ”, “Ум-уфу” каби қўшиқлар мисраларининг мусикавий ижроси махсус усулда чалинадиган тўрт қарсак усулига мос келиши кузатилган.

Чорқарсак хатна тўйларининг энг авж ва ҳал қилувчи лаҳзасидир. У бошланиши билан тўй иштирокчилари катта доира шаклида турадилар. Ички қатордагилар эса тиз чўкиб ўтириб олишади. Ўртага бир ёки икки

йигит тушиб, чалинаётган қарсак оҳангига мос рақсга тушишади. “Яллама ёрим” кўшиғи чорқарсакнинг биринчи бўлимини ташкил этади.

Кўшиқнинг тўрт мисрали бандларини истаган яккахон айтиши мумкин. Нақоратларда эса барча унга жўр бўлади. Масалан:

*Бун-дан бор-дим, ё-тиб-сиз,
Пар ёс-тиқ-қа бо-тиб-сиз,
Пар ёс-тиқ-ни кў-тар-сам,
Гул-дай то-за ё-тиб-сиз.*

Нақорат:

*Ял-ла-ма, ё-рим, ял-ло-ла,
Ял-ло-ла-шай-лик, ял-ло-ла-шай-лик.*

Шундан сўнг ритм тезлашиб, чорқарсакнинг иккинчи бўлими “Яқу-яқ” кўшиғи бошланади. Ўртада ўйнаётган йигитлар ҳам алмашади.

*Айлансин, ёр айлансин,
Қошлари қаро, айлансин.
Шафтолизор ичида,
Бодом қовоқ айлансин.*

Нақорат:

*Яққу-яққу, яққу-яқ.
Яққу-яққу, яққу-яқ.*

Бу нақорат кўлни пахса қилиб олган ҳолда ҳамма ўйнаётган йигитларга таҳдидли интилиб, ижро этилган.

Сўнгра “Ум-уфў” кўшиғи бошланади. У тўртқарсакнинг учинчи бўлимини ташкил қилади ва рақс услуби билан ажралиб туради. Тўртқарсакнинг юқоридаги иккинчи кўшиғида йигитлар, асосан, икки ёнга, олдинга ва орқага сакраб ўйнаса, бунда баландга сакраб “катта оёқ”да ўйнайдилар.

*Сув келади Моридан,
Моридан ҳам наридан.
Акагинанг айлансин,
Кокилингнинг торидан.*

Кўшиқнинг ҳар бир мисрасидан кейин жўр бўлувчилар “ёр-ёр, ёрон-ей”, деб, нақоратга эса:

*Ум-уфў, ум жақала,
Ум-уфў, ум жақала,-дея кўшилиб турадилар.*

Чорқарсак ўйинидан сўнг бешқарсак ўйини бошлаб юборилади. Бойсун бешқарсаги Денов ва Ургут бешқарсакларидан фарқ қилади. Бу фарқ фақат қарсак ритмида кузатилади. Яъни, Бойсунда бешқарсак 2-1-2

тарзида чалинади.

Бешқарсакда асосий байт яккахон томонидан, нақорат эса кўпчилик томонидан айтилади:

*Бир қизил гулни узиб,
Қолдим қиёмат доғида.*

Нақарот:

*Ҳа-ҳа, ҳо, ҳа-ҳа
Ҳа-ҳа, ҳо, ҳа-ҳа.*

Чорқарсак ва бешқарсак ўйини пайтида болани хатна қилиш интиҳосига ётказилган бўлади. Хатнадан сўнг тўй тарқайди.

Орадан 5-6 кун ўтиб, бола соғайиб, оёққа туриб кетгач, “тўшак йиғди” маросими ўтказилган. У тўй интиҳоси саналади. Бола батамом соғайгунига қадар, чиллали ҳисобланиб, эҳтиётлаб юрилади. Оқ матодан лозим-кўйлак кийдириб қўйилади.

Хуллас, ўзбек хатна тўйлари фольклори жанрий таркиби ҳам ранг-баранг ва ўзига хос бўлиб, маълум тизимни ташкил қилади.

Никоҳ тўйи – тўйларнинг энг йириги ва маъсулиятлиси саналади. У орқали вояга етган йигит-қиз қисмати пайвандланади, уларнинг оила қуриши аҳди нишонланади. Йигит ва қизнинг умум олдида наслни давом эттириш ва жамият низомлари асосида яшаш аҳдини зиммаларига олганлиги қайд этилади.

Никоҳ масаласи ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида барча мамлакатларда дин ва қонунлар билан мустаҳкамланиб келинган ва келинмоқда. Ҳатто никоҳ ёши ҳам белгиланиб қонунийлаштирилган.

Никоҳ тўйи уч босқичли таркибий тузилишга эга:

Биринчи босқич. Никоҳ кунигача ўтказиладиган маросимларни қамраб олади. Бунга бешикқудалик, қиз танлаш, совчилик, “нон синдириш” ёки “нон ушатиш”, “рўмол берди” ёки “оқлик ўраб бериш”, фотиҳа тўйи, қалин олиш, маслаҳат оши, “қиз йиғин” (қизлар мажлиси ёки Бухорода ҳинобандон кабилар киради. Унаштирилган қиз “боши боғлиқ” ҳисобланади. Ўтмишда бу қизларнинг соч турмаклашлари орқали ҳам англатилган. Унаштирилгунгача қизлар кўча-кўйда сочларини дурра шаклида бир тутам қилиб турмаклаб юрган бўлсалар, унаштирилгандан кейин икки тутам ҳолатида турмаклаб, икки елкалари оша ташлаганлар. Бу уларнинг банд ё эгалик бўлганликларини, демакки, энди уларга оғиз солмаслик лозимлигини англатган.

Иккинчи босқичга келинни олиб келиш йўлини очувчи никоҳлашдан иборат тантанали кун киради. У никоҳ тўйининг олий нуқтаси бўлиб, фольклор айтимларига, турли-туман урф-одат ва ирим-сиримларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу босқичда олқишлар, лапарлар, ёр-

ёрлар, келин ўтирсинлар, куёв ўтирсинлар, саломномалар, келин ва куёвни мактовчи мадҳия қўшиқлар, шарбат ялатар, ойна кўрсатар, исирик тутатар айтимлари ижро этилади.

Учинчи босқич келин куёвникига олиб келингандан сўнг, яъни никоҳ кунининг эртасидан бошлаб ўтказиладиган “бет очар” ёки “келин салом”, “куёв салом”, “тўшак йиғди” (“жой йиғди” ёки Бухорода “жой ғундорон”), чарланди (чарлар ёки Бухорода талбон), “келин кўрди” (“кўрди” ёки Бухорода келинбини) сингари хилма-хил маросимларни ўз ичига олади.

Совчилик турли вилоятларда турлича бажарилади. Баъзида куёвнинг яқинларидан бири танланган қиз яшайдиган ҳовли дарвозасининг олдини супуриб келади. Ёки куёв бола томонидан юборилган совчи-элчилар қизнинг ота-онаси ҳузурига ташриф буюриб, ўз мақсадларини турли поэтик ифодалар орқали баён этадилар. Масалан, “Сизда бир гул бор экан. Бизда бир булбул”, “Сизда бир чўри бор экан, бизда бир қулбачча. Шунга қулчиликка келдик”, “Эшигингизни супуришга келдик” каби.

Совчилар уйга қайтиб келишгач, улардан “Бўри бўлдимиз, тулки”, деб сўрашган. Бўри дейилса – масала ижобий ҳал бўлганини англатса, тулки – масала очиқ қолгани, ҳал бўлмагани ёки тамоман рад жавоби берилганини англатган.

Ижобий жавобдан сўнг фотиҳа, рўмол берди маросимлари ўтказилган, унда кекса, бир никоҳли киши ёшларни шарафлаб, қуйидагича олқиш айтган: “Қўшгани билан қўша қарисин, ували-жували бўлиб яшасин, омин, оллоҳу акбар”.

Тўйдан олдинги куни кечкурун қизнинг уйида унинг дугоналари йиғилиб “қизлар базми” ёки “қизлар йиғини” ўтказадилар. Баъзи жойларда уни “лапарлар кечаси” деб ҳам айтадилар. Лапар айтишувида келин дугоналари билан куёв жўралари сўзда тортишишган.

Лапар айтиш анъанаси ҳозир Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент, Пскент, Янгийўл, шунингдек, Жанубий Қозоғистоннинг Туркистон ва Чимкент музофотларида яшовчи одамлар орасида анъана сифатида ҳамон давом этмоқда. Таниқли фольклоршунос Т.Мирзаевнинг таъкидлашича: “Илгарилари обу ош тортилгач, ҳовлида гулхан ёкилиб, ҳовли базми ўтказилган. Шундан кейин қизлар рўмол ёйилган уйга, яъни келиннинг сепи ёйилган махсус тайёрланган уйга кирганлар. Қизлар уй ичида, йигитлар ташқарида – эшик олдида ёки қизлар уйнинг тўрида, йигитлар пойгада тик туришиб лапар айтишган. Лапар айтишни эътиборли кайвони аёл, ҳамма тан олган лапарчи чилдирма жўрлигида ёки чилдирмасиз бошқариб турган. Бунда бошқарувчи рухсати билан икки йигит ўз белбоғини ечиб, лапар айтиб, ўзига маъқул бўлган икки қиз олдида ташлайди. Ўз навбатида, қизлар ҳам лапар билан жавоб айтиб, йигитлар белбоғига бирор нарса (олма, нок, анор, тухум, ширинликлар,

қўл рўмолча ёки хат) тугиб қайтаради. Буни “лапар солишиш” деб айтилади. Шу тариқа лапар айтишиш давом этади”. Лапарни, одатда, куёв томондан бирор йигит бошлаб берган. Буни “Бошланғич лапарлар” дейишган, лекин сўзга чечан, тажрибали лапарчи аёл жараёни назорат қилиб турган. Бу лапарнинг ўзида шундай ифодасини топган:

*Аввал бошлаб айтганда, қиз бошламас,
Қиз бошлаган лапарни эл хушламас.
Айтмайин деб бир хаёл қилиб эдим,
Ёру жўрам қўймади, энди бўлмас.*

Аслида қиз йиғинларида лапархонлик билан бирга ўлан айтиш ҳам анъанавий бўлган.

Ўзбек тўй маросими фольклори намуналари орасида лапар алоҳида ўрин эгаллайди. Лапарлар бошқа қўшиқлардан воқебандлиги, рақсбоп куйга эга бўлиши ҳамда диалог шаклида икки қўшиқчи томонидан ижро этилиши билан ажралиб туради.

Ёр-ёрлар эса келинни куёвниги кузатиб бориш қўшиқлари бўлган, Навоий уларнинг “турк улуси зуфоф ва қиз кўчирур тўйларида” куйланганлигини махсус қайд этган. Ҳозирги замонда эса ёр-ёрлар келин-куёвни никоҳ базмига олиб чиқиш ва базм тугагач, даврандан кузатиб қўйишда, шунингдек, никоҳ базмида, келинни куёвниги кузатаётганда, куёвнинг хонадонидаги базмий тадбирларда куйланадиган бўлган. Шу мантиқдан қаралса, уларнинг ўрни ва вазифаси бир қадар кенгайган.

Ёр-ёрларда келин-куёвга эзгу тилаклар билдирилади. Узатилаётган қизга далда-тасалли берилади. Унга умр йўлдоши бўлаётган куёвнинг таърифи келтирилиб, қиз овутилади, қиздаги ётсираш туйғусини сўндиришга ҳаракат қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Навоий замонасида ёр-ёрлар чинкалар деб аталган, бироқ ўша даврда ҳам “ёр-ёр” уларда фаол радиф вазифасини бажариб келган. Қолаверса, фольклоршунос М.Алавия гувоҳлигича, ҳозир ҳам Оҳангарон шаҳри ва унинг атрофларида халқ тилида уни “чинка” ёки “чанги” шаклларида қўллаш давом этмоқда.

“Ёр-ёр” – такрор асосида юзага келган жуфт сўз бўлиб, моҳиятан келин-куёв жуфтлигини рамзан алқовчи, таъкидловчи, эътироф этувчи оҳангга эгалигидан, қолаверса, тасаввуфий маънода Оллоҳ (ёр) номини ифодалаб, янги оилани бунёд этаётган қиз (келин) ва йигит (куёв) жуфтлиги унинг иродаси билан содир бўлаётган илоҳий аҳд эканлигидан ҳам жонли сўзлашувда, ҳам илмий таомилда бир хилда сингишиб ўзлашди.

Ёр-ёрлар яккахон томонидан ёки кўпчилик томонидан хор сифатида куйланади. Ёр-ёрнинг узун-қисқалиги келин борадиган манзилнинг узоқ-яқинлигига боғлиқ. Келин куёвниги етиб боргач, ёр-ёрга куёв томон

янгалар ҳам қўшилиб, тарафма-тараф бўлиб куйлайдилар. Шундан сўнг келин гулхан атрофидан уч марта айлантиради. Айрим ёр-ёрларда куёвнинг юмористик портрети чизиб берилади.

Ёр-ёрларнинг аксарияти узатилаётган қиз тилидан куйланади:

*Нинам учи синди деб,
Урдинг онам, ёр-ёр.
Мана кетиб бораман,
Тиндинг онам, ёр-ёр.*

Айрим ёр-ёрлар қизнинг дугонаси, акаси, онаси, янгалар тилидан ҳам ижро этилади.

Тўй қўшиқларнинг яна бир тури – **ўлан** бўлиб, улар “Ёр-ёр”лар ривождаги дастлабки босқични ташкил этади. Ўланлар фақат тўйларда эмас, турли йиғин маросимларида ҳам айтилган. Ўлан айтиш кўпроқ кўчманчи чорвадорлар орасида кенгрок тарқалган бўлиб, улар тарафма-тараф айтишув сифатида куйланган. Масалан:

*Йигит: - Ўланларнинг аввал боши тамал тоши,
Тўй олдидан тортганим сўқим оши.
Ҳаддинг бўлса, қани келиб ўлан бошла,
Бу элатнинг менман деган кекса-ёши.*

*Қиз: - Ўлан айтсам-ўланам адашмайди,
Ёлғиз айтган ўланам ярашмайди.
Икков-икков айтайлик, бирдай бўлиб,
Савоғидан очилган гулдай бўлиб.*

Ёр-ёрларда асосий мақсад келин-куёв таърифи, уларга тилак билдириш бўлса, ўланлардаги бош мақсад айтишувда ғолиб чиқишдир. Ўзбек халқининг машҳур “Алпомиш” достонидаги Алпомиш ва Бодом бикач айтишувларини назарда тутсак, ўланларнинг вужудга келиши жуда қадимий эканлигига амин бўламиз.

“Ўлан” аслида “уланг” сўзининг “ўланг ва улан” шаклларидаги фонетик ўзгариши туфайли юзага келган бўлиб, келин (қиз) ва куёв (йигит)ни бир-бирларига маънавий жиҳатдан боғлаш, улаш мақсадини ифодаловчи маънога эга. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида шунга ишора қила туриб, ўланларнинг ёр-ёрларга ҳамоҳанглигини ва вазифадошлигини назардан қочирмайди.

*Муганний тузиб чинга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг.
Десанг сенки: -Жон қардошим, ёр-ёр,
Мен айтайки: -Мунглуз бошим, ёр-ёр.³²*

³² “Ҳамса”, 1960, 778-бет.

Ўланларнинг тематик доираси кенгдир. Уларда ишқда вафодорлик, ёр висолига муштоқлик мотивлари етакчилик қилади. Ўлан айтишни, одатда, йигитлар бошлаб беришади. Куёв тараф-куёвни, келин тараф-келинни таърифлаш мусобақасига киришади. Тарафлар айтишуви шўх-шодон қийқириқлар оқимида қувноқ ҳазилкашликка айланади, бунда айрим ҳолларда қуюшқондан чиқиб кетишганини сезмай қолишади. Чунончи:

*Йигитлар:-Ўлан-ўлан деганда, ўлан кўндир,
Ўлан айтган тилингдан менга ўптир.
Ўлан айтган тилингдан ўптимасанг,
Сен ўнгга-ю мен чапга- йўллар кўндир.*

*Қизлар:-Уял, уял, деганда, уялса-чи,
Айтолмаган оғзини тиёлса-чи!
Ўлан айтган вақтида ким айниса,
Юзларига қозонкуя суркалса-чи!*

Ўланлар, одатда, яккахон ўланчининг оддий овоз солиши асосида куйланиб, у тўртликни айтиб бўлгач, тарафдорларининг жўровоз қийриқлари асосида ё тўртлик, ё унинг сўнгги сатри хайқириб такрорланади. Ўланлар ҳозиржавобликни, ҳазил-мутуйибани талаб этади.

Бухоронинг талай қишлоқларида келинни куёвникига ёки аксинча куёвни келинникида кутиб олинишида гулхан ёқиб, унинг атрофидан уч марта айланиб “Ув-ҳо-ув!!!” дея **жар** солиш удуми мавжуд. Бу хайқириқ аслида Куръони Каримдаги “Ҳаваллоҳ ҳу” оятининг жонли талаффузда ўзгарган шаклидир. Куёв жўралари ёки куёвнавкарларнинг жари вақтида ҳам маълум поетик айтимлар ижро этилган. Куёвнавкарлар жанрини, одатда, йигитлар орасидаги сўзга чечан, куйлай оладигани яккахон тарзида ашула услубида мусиқий асбоб жўрлигисиз (айрим ҳоллардагина доира жўрлигида) жуда баланд овозда куйлаган. Куёвнинг бошқа навкарлари эса ҳар банд охирлагач, жар солиб унга жўр бўлишган. Масалан:

*Яккахон:-Сен қачон гул деб юбординг,
Мен сенга гул бермадим.
Сен қачон шаҳзода бўлдинг,
Мен сенга қул бўлмадим.
Дуторимни қўлга олиб,
Қоматингдай турмадим.
Куёвнавкарлар: - Ҳуй-ҳуй-ҳуй, ҳуй-бале!
Ҳуй-бале-бале, ҳуй-бале!*

Жанрларнинг яна бир тури “Анталҳодий” деб юритилади. У ўзига хос ижроси билан фаркланиб туради. Унда яккахон ҳар бир сатрни алоҳида куйлайди. Куёвнавкарлари эса “Анталҳодий Мавлон дўст обло раббано”

сатрини накорат сифатида жўрликда ҳайкириб куйлайдилар.

“Анта-л-ҳодий” – “Сен йўлга солувчи, тўғри йўлни кўрсатувчисан, кулингман ўзингни, роббим”,-деган маъноларни англатади.

Ўтмишда “Келин олиб келиш” удумида ҳам жанрларни ижро этиш анъанаси мавжуд бўлган. Улар, асосан, келиннинг келганидан хабар бериш мақсадида “ёр-ёр” айтими тўхтатилгандан кейин куйланган.

Кузатишлар келин-куёвга чимилдиқ тортиш жараёнида ҳам уни таърифлаб қўшиқлар куйланганини тасдиқлайди. Масалан:

*Чимилдиқ-чўпи чинор,
Етти кунлик сири бор.
Ичида бор бўй чинор,
Сийнаси қўлимга зор.
Чимилдиқнинг чилбоғи,
Бемаврид узилмасин,
Келинойим кўзина,
Бевақт ёш тизилмасин.*

Чимилдиқ ёки гўшанга йигит-қиз – келин-куёв учун янгича ҳаёт оилавий турмушга кириб бориш эшигидир. Унинг гўшанга дейилишида аслида янгидан бунёд бўлаётган шу навқирон оиланинг эндиликда катта ҳаёт бағрида ўз гўшангаси, ўлан-тўшаги қарор топаётганига ишора маъноси бор.

Бухоро никоҳ тўйларида “**Саломнома**” ўқиб, келин-куёвни чимилдиққа кузатиш анъанага айланган. Уни “Келин салом” билан алмаштирмаслик лозим. Саломномахонлик, асосан, исломий ақидалар ва эътиқодларни ўзида акс эттиради. Самарқандлик Сайид Аҳмад Васлий битган “Саломнома” бугунгача оммалашибгина қолмади, балки ўзбек тилида ҳам унинг янги-янги вариантларининг юзага келишига таъсир кўсатди ва маросимнинг мустаҳкам вербал қисмига айланиб қолди.

“Саломнома” ўқилгач, “Келин ўтирсин” ва “Куёв ўтирсин” маросимлари ўтказилади. Улар ҳам келин, ҳам куёвнинг уйида ижро этилади.

“**Келин ўтирсин**” маросимида ўзига хос бадиий тизимга эга бўлган, одатда, бармоқ вазнининг енгил ва ўйноқи услубида яратилган, олқишга хос мотив етакчилик қилган “Келин ўтирсин” бадиҳалари куйланади:

*Аппоқ упадай келиним,
Майдон супадай келиним.
Хусни Самарқанддан келган.
Кўнглимдагидай келиним.
Келинпошио ўтирсинлар!*

“Келин ўтирсин” айтимларининг насрий кўриниши ҳам кенг

тарқалган. Бухоро ва Самарқандда “Хуш омадед” (“Хуш келибсиз”), “Таърифи духтар” (“Қиз таърифи”) сингари айтимларда келинни таърифу тавсифлаш, унинг фазилатларини мадҳ этиш мотиви етакчилик қилади.

“Куёв ўтирсин” маросими куёвнинг келинникига илк бор келиши муносабати билан ўтказилган. У орқали куёвнинг келин хонадонига қўйган илк қутлуғ қадами шарафланган. Куёв устидан турли сочқилар сочилиб, “Куёв ўтирсин” айtimi ижро этилган. “Куёв ўтирсин” айтимларида куёв таърифини келтиришга алоҳида диққат қилинган. Унинг ўтириши учун қайнона бор бисотини, ҳатто жонидан ортик дилбандини нисор этажагини изҳор этган:

*Куёв тўра ўтирмаса,
Уйларни бердим,
Қозиқда кишинаган
Дулдулни бердим.
Ҳовлида очилган,
Оқ гулни бердим.
Ўтирсинлар куёв тўра!*

“Ҳовлида очилган оқ гул” – келин бўлаётган қиздир, албатта, у покизалиги, маъсумалиги учун “оқ гул” бирикмаси орқали сифатлантирилмоқда. Бу билан куёвга ҳам уни эъзозлаш, ардоқлаш лозимлиги уқтирилмоқда.³³

Бухоро никоҳ тўйларида яна бир ажойиб анъана мавжудки, унда тўйга йиғилган аёллар, қариндошлар ўзаро *мухаммасхонлик* қилишади ёки *байт барак* айтишади.

Никоҳ тўйининг эртаси куни “юз очар” маросими ўтказилади. Бунда келин куёвнинг қариндошларига таништирилади. Бу маросим, одатда, эрталаб барвақт ўтказилади. Унда “Келин салом” айтимлари қуйланади. Келин саломлар, одатда, иккилик шаклида қофияланиб, юмористик руҳда, енгил, ўйноқи оҳангда, содда ва ихчам шаклда яратилган бўлади. Келин салом айтилганда, келин куёвнинг қариндош-уруғларига ва тўйга йиғилганларга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида таъзим қилиб, салом бериб туради.

*Келин салом дейдилар,
Аввал худога салом.
Кармонидан пул берган,
Кўча тўла тўй берган,
Қайнатасига салом.
Қозон ювишга эринган,
Ўғил туғдим, деб керилган,*

³³ Сафаров О. “Келин ўтирсин” ва “куёв ўтирсин” маросим қўшиқлари. -ЎТА, 1989, 5-сон, 35-39-бетлар.

Қайнонасига салом.

Никоҳ тўйидан уч-етти кун ўтгач, аниқроғи, келин-куёвнинг ўзаро тиллашуви бир қадар қарор топгани аёнлашгач, “Куёв салом” маросими ўтказилган. Унда куёв қайнота ва қайнонасига куллуқ қилгани келгани шарафланган. Ўтмишда бу маросимда чиллалли бўлгани боис келин қатнашмаган. Ҳозир тўйни ихчамлаштириш баҳонасида бу маросимда келин ҳам қатнашадиган бўлди ва у “Куёв салом” маросимидан кўра кўпроқ чалланди маросимига ўхшаб қолди. Маросим бошида куёвга пояндозлар тўшаб кутиб олинган. У таъзим бажо этиб, салом берган. Маросим охирида дастлаб қайнотасига, сўнгра давра аҳлига шоҳқосада сув (баъзи жойларда гулоб, шарбат) тутиб, улар хизматини бўйнига олажагини расман ифода этган. Шундан сўнг куёв қайнатасининг уйига бемалол келиб кетавериши мумкин саналган. Бу маросимлардан кейин “жой йиғди”, “чалланди” маросимлари ўтказилади. Шулар билан никоҳ тўйи якунланади.

Хуллас, ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклори шу қадар бой ва ранг-барангки, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаси, ижро ўрни ва ижро усулига кўра фарқланиб туради. Шунингдек, уларнинг ҳар бир водий ва воҳадаги ижро усуллари ҳам ўзига хосдир.

Мотам маросими – катта, оммавий, оилавий, маиший маросим. У ўлим юз берганда ўтказилади ва инсон умрининг охирини қайд этади. Шунинг учун мунгли маросимдир. Ундаги ҳамма нарса: ижро этилувчи фольклор айтимлари, маросим иштирокчилари ва азадорларнинг кийим-боши мотамсаролиги билан кўзга ташланиб туради. Чунки яқиндагина ўзи билан сафдош, ҳамнафас бўлган бир инсонни сўнгги йўлга кузатиш одамларга қаттиқ руҳий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тириклар ўлган одам хотирасини ҳурмат қилиб, унга бағишлаб аза очадилар.

Мотам маросими аза маросими деб ҳам юритилади. Азада ёрқин рангли либослар кийилмайди. Тўй-ҳашамларга борилмайди. Ўйин-кулгу, куй-қўшиқдан узоқроқ юрилади. Аза тутиш беҳад қадимий анъана бўлиб, исломгача шаклланган марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган уч, йигирма, қирқ, йил каби маросимлар билан боғлиқ. Мотам маросимида инсоннинг анимистик тасаввур-тушунчаларга, руҳнинг барҳаётлигига, ўлимдан сўнг қайта тирилишига, нариги дунё мавжудлигига ишонч туйғуси ёрқин акс этиб туради.

Изтиробли ва ғамгин бўлган мотам маросими ўзига хос қатъий талаб-қоидалар асосида, урф-одатлар, ирим-сиримларга боғлиқ тарзда ўтади. У махсус инсценировкага эга.

Мотам маросими расм-русумларга бой бўлгани учун бир қанча кичик маросимлардан ташкил топади. Уларни шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин;

1. Жон талвасасидаги кишига хизмат кўрсатиш ва унинг “жони узилиб” дафн этилгунига қадар бўлган босқич.

2. Мурдани дафн этишга тайёрлаш ва дафн этиш босқичи.

3. Дафн маросимидан сўнгги хотира маросимлари босқичи.

Биринчи босқичда жон талвасасидаги кишининг оғзига пахта билан сув томизиб туриш, унга Қуръони Каримдаги “Ёсин” сурасини ўқиб, мушкулини осон қилиш, жони узилган беморнинг жағини, оёқ бошмалдоқларини боғлаб қўйиш, “маҳрам суви”га солиб, тирноқ-сочларини тозалаш каби хатти-ҳаракатлар бажарилади.

Мархумнинг узоқ-яқинларига, маҳаллага хабар қилинади. Мурдани дафн этишга тайёрлаш жараёни ўта масъуллик билан кечади. Аввало, мархумни бўш хона ўртасига (бу рамзий маънода мурданинг икки дунё орасида турганлигига ишорадир) ётқизиб, юзини ёпиб қўядилар. Маросимга интилганлар у билан сўнгги марта видолашадилар. Шу вақтда мархумнинг энг яқинлари унинг атрофини ўраб олиб, йиғи қиладилар ва йиғи қўшиқларини ижро этадилар. Мархум дафн қилинишидан олдин махсус ювғич ходим (аёлга-аёллар, эркакка-эркаклар) томонидан поклик сувига солиниб, ритуал ювинтирилади.

Мархумларни ритуал ювиш маросимининг келиб чиқишига қадимги инсонларнинг сув магияси билан боғлиқ қарашлари, тириклик суви тўғрисидаги мифологик ишончлари, сувни поклик рамзи сифатида тушунишлари асос бўлгани шубҳасиз.

Ювиш маросимидан сўнг кафанлаш маросими бошлаб юборилади. Кафан-мархумларнинг у дунё кийими, абадий либоси ҳисобланади. Уни ўрашда жуда эҳтиёткорликка риоя қилинади. Чунки кафанни мурданинг оғзига яқин қилиб ўралса, ўлик уни ямлаши (чайнаши) мумкин деб тасаввур қилинди ва бунинг оқибати яна бир ўлимга сабаб бўлади деб ирим қилинади.

Майит ювилиб, кафанлангач, баъзи жойларда уни тобутга олишдан аввал тобути даст кўтарилиб, тагига жар солинади, сўнггра тобутга ётқизилади ва унга жаноза ўқилади. Жаноза ўқиладиганда, (шунингдек, мархумни юваётганларида ҳам) йиғи қилиш тўхтатилади. Жанозадан сўнг тобуткашлар тобутни шиддат билан кўтариб, орқаларига қайрилиб қарамасдан қабристон сари йўл оладилар.

Қадимда мархумларни отда ёки бирор бошқа уловда қабристонга олиб бориб дафн этганлар. Бунга ибтидоий инсонларнинг маълум ҳайвонни ўзига тотем санаши ва ўша ҳайвон кишига бу дунёсида ҳам, у дунёсида ҳам мададкор бўлади деб қараб, унга сиғиниш асос бўлган. Туркий халқлар отни худди шундай тотем ҳайвон сифатида эъзозлашган. Ҳатто маълум даврларда мархум жангчиларни ўз жанговор оти ва қурол-яроғи билан қўшиб дафн этишган. Кейинчалик эса, мархумларни отда қабристонга олиб бориш одати мурдани “ёғоч от” деб аталувчи тобутга

солиб кўтариб бориш удуми билан алмашган. Шу туфайли мотам айтимларида тобутга нисбатан “Тўрт оёқли чўбин от” сифатлаши кенг қўлланади.

Тобут олдида тўн кийиб, бел боғлаган, бошига дўппи ёки телпак кийиб, ҳўл новдадан ҳасса тутган ҳассакашлар – марҳумнинг энг яқин қариндошлари овоз солиб йиғлаб борадилар. Ҳассакашларнинг ҳассаси рамзий маънода тайёрланади, яъни марҳум ували-жували бўлса, ҳасса учун мевали ёки тол дарахтидан новда олинади. Агар марҳум ҳаётда бефарзанд ўтган бўлса, ҳасса терак ёки бошқа мевасиз дарахтдан тайёрланади. Кейин ушбу ҳассалар қабр атрофига суқиб қўйилади.

Қабр-нариги дунёга кириб бориш эшиги, марҳумнинг сўнгги кўним топган манзили, охират уйи ҳисобланади. Қабрни тайёрловчини гўрков дейдилар. Қабр маҳсус кўринишда тайёрланади ва бир неча қисмлардан ташкил топади. Айвон, гўр, лаҳад – унинг қисмларидир.

Марҳумни қабрга қўйиб, тупроққа топшириб қайтган ҳассакаш ва тобуткашларни ҳовлида қолган хотин-қизлар овоз чиқариб кутиб оладилар.

Таъзия билдирувчилар уч кунгача (ҳатто ундан кейин ҳам) муттасил келиб турадилар. Улар олдида дастурхон ёзилиб, чой, нон (тоқ сонда), майиз ва нўхат (мотам рамзи сифатида) қўядилар. Уч кунгача азахонада овқат пиширилмайди. Қозонни тескари тўнтариб, устига ун сепиб қўядилар. Овқатни кўни-қўшнилари маросим ўтгунча, навбатма-навбат чиқариб туришади.

Марҳум дафн этилган оқшом уни қабристонга ўраб олиб кетилган кўрпа-кўрпача ва ёпғич “юлдуз кўрсин” деб ёйилганича қолдирилади. Уйга киритилмайди. Марҳумнинг кийимлари ҳам дорга ёйиб қўйилади. Кейинчалик улар ювғич ва гўрковларга тарқатилади.

Ўша оқшом яна “хотин ётди” маросими ўтказилади. Бу маросим қадимги кишиларнинг нариги дунёга маҳсус савол-жавобдан ўтиб кириб борилади, деган қарашлари асосида келиб чиққан. Шу важдан унда хотинлар йиғилиб марҳумга ана шу савол-жавоб жараёнидан қийналмай ўтишига гўё руҳий мадад берадилар:

*Бошингда нима бор десалар,
“Тожи давлат” дегайсан.
Оғзингда нима бор десалар,
“Калимаи шаҳодат” дегайсан.
Кўзингда нима бор десалар,
“Нури Муҳаммад” дегайсан.*

Аёллар марҳум руҳига бағишлаб чироқ ёқиб, турли айтимлар ижро этадилар.

Қадимги инсонлар нариги дунёни жаннат ва дўзахдан иборат деб

ҳисоблаганлар. Жаннат тушунчаси оналар, аёллар образи билан боғлаб талқин этилган. Бу эса, “хотин ётди” мотам маросимининг шаклланишига олиб келган. “Хотин ётди” маросимидан сўнг ўтказиладиган маросимларнинг барчаси марҳум хотирасини ёд этиш, унинг руҳига ҳурмат кўрсатиш билан характерланади.

Уч маросими куни чалпак пиширилиб, ис чиқарилади. Марҳумнинг “жони узилганича” кийган кийимлари ритуал ювилади. Буни “кир ювди” дейдилар. То шу маросим ўтказилмагунича азахонада кир ювиш мумкин бўлмаган. Марҳум кийимларини, одатда, унинг энг яқин аёл қариндошларидан бири ювади.

Уч кундан сўнг тантанали мотам маросими тугайди. Таъзияга келувчилар сони ҳам камаёди. Шундан кейин марҳумнинг ёди етти, йигирма, қирқ, йил деб номланувчи тадбирларда оммавий йиғилиб, хотирланиб турилади.

“Етти” маросими марҳум вафотига етти кун тўлганда ўтказилади. “Йигирма” ва “қирқ” маросимлари эса, гарчи жуфт сонлар номи билан юритилса-да, марҳум вафотининг 19 ва 37 ёки 39–чи куни ўтказилади. Бу маросимларда, одатда, ис чиқариб, элга ош бериб, марҳум ёдига дуои фотиҳа ўқилиб, унинг хотираси эсга олинади.

Айниқса, марҳумнинг “қирқ”и жуда эътибор билан ўтказилади. Баъзи жойларда махсус “ғарма” номли таом ёки “сабзисиз шовла” тайёрланади. Бу таомлар халқ тилида умумий қилиб “қора ош” деб юритилади. Уларни ейиш савоб ҳисобланади. Овқати ейилган товоқлар бир жойга тўпланиб ювилади-да, ювиндиси оёқбосмас чекка жойга секин шариллатмасдан қўйилади. Чунки бу кун марҳум қабрда ёрилиб, тупроққа сингади, деб тасаввур қилинади. Шунинг учун ювиндини секин тўкиш марҳумнинг ҳам секин ёрилиб, тупроққа осон сингишини ифода этишига ишорадир.

Шу куни яна кўпчилик азадан чиқади ва аза кийимини ечиб, қизил кияди. “Қизил кийган”ларнинг аза кийимлари эса бир жойга йиғилиб, бир аёл кўлида, битта совунда секин-аста ювиб ёйилади. Кир суви ювинди тўкилган жойга секин оқизиб тўкилади.

Аза кийими-мотам маросимининг асосий белгиларидан бири. Уни кийиш ва ечиш ритуал характер касб этади. Азада, одатда, мотам, у дунё, йўқлик олами рангларини рамзий ифода этувчи оқ, қора, кўк тусли кийимлар кийилади. Аза кийимини кийиш ва ечишнинг ҳам ўз талаб-қоидалари, иримлари мавжуд. Марҳумнинг энг яқин қариндошлари то йилгача аза сақлаб қолаверадилар. Улар ўз аза кийимларини “йил” куни ечадилар. Йил маросими марҳумнинг ёшига қараб ўтказилади. Агар марҳум ёш бўлса – унга 9 ойдан 11 ойгача, кекса бўлса – 5-7 ой аза тутадилар. Кексаларга кўп аза тутиш ирим қилинади. Шунинг учун кекса киши ўлса – “тўйлари экан” деб қўйилади.

Хотин-қизлар орасида мотам маросимида турли мавзулардаги йиғи ва йўқловлар, ўлим аллалари (марҳумнинг абадий уйқусидаги оромини таъкидловчи), мотам ёр-ёрлари (турмуш курмай, пок, беғубор кетган қиз-йигитларга нисбатан) каби фольклор намуналари кенг ижро қилиниши кузатилади.

Йиғи ва йўқлов жанрларига мансуб фольклор айтимлари барча халқлар оғзаки ижодида мавжуд. Халқимиз орасида йиғилар бўзлов, айтим каби номлар билан ҳам юритилади.

Йиғилар ўлим юз бергандаги ҳаётий сабаб, руҳий эҳтиёж туфайли ижро этилади. Бошқа вақтда уни куйлаш ирим қилинади. Йиғилар кимга қарата куйланиши жиҳатидан фарқланиб туради. Йиғиларни ё марҳум яқинлари, ё азага келганлардан бири, ё махсус профессионал ижрочи – гўянда (наҳвагар)лар куйлаши мумкин.

Ўзбек халқ йиғиларининг мавзу доираси кенг бўлиб, уларда ўлим орага солган айрилиқдан шикоят қилиш ва зорланиш, тақдирдан ўпкалаш, марҳум ўлимига ачиниш, ўлимнинг барҳақлиги ва ҳаммага баробарлигини таъкидлаш, марҳумнинг сифатларини, фазилатларини, тириклигида қилган хайрли ишларини мадҳ этиш, мангу жудолик ва айрилиқдан нолиш, мурданинг қабр ичидаги аҳволидан хавотирланиш, етимликдан шикоят қилиш, бедаво ўлим дардига даво тополмаган табиблардан зорланиш каби мотивлар асосий ўрин тутди.

Йиғиларда яна ўлим ҳодисаси у дунёга ихтиёрий сафар қилиш шаклида бадиий талқин этилади. Нариги дунё борса-келмас, етти қат ер остидаги зулматли макон, узоқ жой сифатида таърифланади. Масалан:

*Сафар қилдинг узоқ ерга
Энди кўрмоқ қайдадир.
Зор йиғлатиб кетдинг, болам,
Борса- келмас кетдинг, болам
Етти қат ер остидан-о,
Манзил-макон тутдинг, болам.*

Йиғилар ўлим содир бўлган вазиятдан ёки ўлим хабари етиб келган ондан бошлаб, то етти маросимигача куйланади. Улар бир неча босқичда ижро этилади.

1. Ўлим юз берган лаҳзада марҳумга мурожаат йиғиси куйланиб, у орқали марҳумдан нега ўз яқинларини ташлаб кетгани сўралади, кўзини очиб, ўрнидан туришга, гапиришга даъват этилади.

2. Ўлимни эълон қилиш йиғиси. Азахонага таъзия билдириш учун келган қариндош-уруғ, ёру дўстлар, кўни-қўшнилари ҳузурида улар эътиборига қарата куйланади.

3. Марҳумни сўнгги йўлга кузатиш лаҳзасида тобутни кузатиш йиғиси куйланади. Бу хил кўшиқларда тобут образига алоҳида урғу

берилади.

4. Тобутни узатиб бориш чоғида эркаклар томонидан ҳассакашлар йиғиси ижро этилади.

5. Майитни лаҳадга қўйиш чоғида айтиладиган йиғилар.

6. Майитни дафн қилиб, қабристондан қайтиб келган тобуткаш ва ҳассакашларни кутиб олиш йиғиси.

Дафн маросими тугаб, аза ёки таъзия маросими бошлангач, йиғилар ҳам йўқлов мазмунидаги тадрижий ижро босқичига кўчади. Шундан сўнг азахонага таъзия билдириб келганлар хузурида то 7 кунгача йиғи ва йўқловлар аралаш ҳолда куйланади.

Йўқловлар – етти, йигирма, қирқ, йил маросимларида, шунингдек, Наврўз ва Рамазон ҳайитларида, одатда марҳумнинг хотирасини эслаб, ёд этиб, баъзан йиғлаб, баъзан фақат нола қилиб ёки секин соғинч ва армон оҳангларида куйланадиган мотам айтимларидир.

Йўқлов, асосан, вафот этган кишининг муайян портрети, тириклик пайтида халқ учун, ўз яқинлари учун амалга оширган хайрли ишларининг тафсилотлари, характер-хусусиятлари мотам тутувчининг ички руҳий кечинмалари фонида хотирлаш кўринишида баён этилади.

Мотам аллалари икки хил бўлади: улардан бири чақалоқ ва гўдаклар ўлимида куйланиб, боланинг дунёдан тўймай бораётганини, бунинг эса ота-онаси қалбида армон бўлиб ботаётганлигини таъкидлаш мақсадида куйланади.

Мотам аллаларининг яна бир тури катталар ўлимида, марҳумга осудалик, мангу уйқусида абадий ором, руҳига хотиржамлик тилаш мақсадида куйланади. Бу хил аллаларнинг келиб чиқишига чақалоқларни ухлатиш учун куйланадиган аллалар етарли таъсир кўрсатган. Чунки уларда “алла” сўзи (ухлашга даъватни) бола тилида ифода этади. Шундан бўлса керак, мотам алларида ҳам “алла” такрорида шу маънога ишора кўзга ташланади. Масалан:

Не боло узоқ ердан бошладингиз,

Юракка чўғ–олов ташладингиз.

Чўғ–олов-итдан олов, алла,

Тутунлари йўқдир, ухла.

Мотам аллаларига ислом динининг ўлимга йиғи қилмасликни талаб қилувчи қоидалари ҳам таъсир кўрсатгани, шубҳасиз. Шу боисдан, мотам аллалари куйлана бошланиши билан азадорлар йиғини тўхтатиб, унга жимгина қулоқ солиб турадилар.

Болалар учун мотам алласи куруқ бешикни тебратиб туриб айтилади. Шу боис халқ орасида бешикни боласиз, бўш ҳолда тебратиш ёмон ирим саналади.

Мотам алларини профессионал шахслар – аллагўйлар ижро этади. Нақоратларда бошқалар унга жўр бўлади. Аллагўйлар кўпроқ ёши ўтиб қолган, кексароқ, тажрибали аёллардан иборат бўлади.

Мотам ёр-ёрлари балоғатга етиб, турмуш кўрмай, дилларга чуқур армон солиб бу дунёни тарк этган бокира, бўйи етган қиз-йигитлар ўлганда куйланган. Уларни ҳам профессионал йиғичилар куйлайди.

Мотам ёр-ёрларини куйлаш жараёнида қизлар учун чимилдик тутилади, унинг ипларига марҳума кийиши насиб қилмаган, келинлиги учун онаси ният қилиб йиққан сеплар армон ва ўкинч билан илиб, тузаб чиқилади ва мотам ёр-ёри куйланади. Қизга “салла” ўралади. Халқимиз орасида шу жараёнларда ижро этилувчи махсус айтимлар борлиги аниқланди.

*Салла–салла бошники, вой болам–ей, ёр–ёр,
Кўрмай кетди бошингни, жон болам–ей, ёр–ёр.
Тош эмаскан бошгинанг, эрта кетдинг, ёр–ёр,
Саллагинанг богланмай хазон бўлдинг, ёр–ёр.
Йиққанларим поя бўлди–я, ёр–ёр,
Меҳнатларим зоя бўлди–я, ёр–ёр.*

Йигитлар ўлимида ҳам садр тушилиб, ёр-ёр куйланади. Баъзи жойларда отни ўртага олиб, унинг устига йигитнинг чопонини ташлаб, давра курадилар. Бу одатнинг “От тўрлади” деб юритилиши ҳақида М.Алавия маълумот беради. “От тўрлади” жараёнида шундай ёр-ёр айтилади:

*Айвондаги тулпоринг эгасиз–ей, ёр–ёр,
Кишинаб–кишинаб тулпоринг, юрак тилкар, ёр–ёр.
Белингадаги камаринг қайда қолди, ёр–ёр,
Енг шимариб чиқардинг улоқларга, ёр–ёр.*

Бундай мотам айтимлари ёш кетган марҳумнинг руҳи чирқиллаб, норози бўлмасин, армонсиз кетсин деган ниятда ижро этилади.

Мотам маросимида йиғиларнинг куйланиши республикамизнинг турли жойларида турлича кўринишларда эканлиги кўзга ташланади. Маросим чоғида марҳум хотирасига қанчалик кўп овоз қилиш унинг иззати деб тушунилади.

Хуллас, мотам маросими оммавий-маиший маросимларнинг бир қисми бўлиб, узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Унда ижро этилувчи фольклор айтимлари халқ бадийи истеъдодини намоён этади.

ХУЛОСА

Ўзбек халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан туркий тилда сўзлашувчи элатлар оғзаки ижодининг таркибий қисми бўлган. Унинг тарихий илдизлари 3-4 минг йил аввал яратилган ёзма манбаларга бориб тақалади. Бу манбалар “Авесто”, “Беҳистун”, “Бундахишн”, “Денкард” каби қадимий китоблардан, Ўрхун-Энасой ёзувларидан, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” деб аталмиш рисолаларидан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти турк” илмий тадқиқоти ва бошқа асарлардан иборат. Шунингдек, Геродотнинг “Тарих”, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” каби тарихий китобларида ҳам туркий халқлар ўтмишига оид қимматли маълумотлар берилган. Бу адабиётларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбекларнинг ўз даврига нисбатан ўта юқори маданиятга эга бўлганини англатади. Хусусан, кейинги йилларда олимларимиз “Авесто” бизнинг юртимизда яратилганини исботладилар. Бу асар ҳақида ўзбек тарихчи олимлари билан бўлган учрашувда Президентимиз И.А. Каримов шундай деган эди: “Энг мўътабар қадимги кўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир”. Ҳақиқатан ҳам, жаҳон маданияти тарихида алоҳида қимматга эга “Авесто”нинг ватани Ўзбекистон бўлиши бу юртда қадим замонларда ҳам ҳамма халқлар ҳавас қиладиган юксак маънавиятнинг мавжуд эканини кўрсатади.

“Авесто” ўн икки минг қора мол терисига ёзилган китоб бўлиб, унда дунёнинг, инсон ва табиатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги дастлабки мифик маълумотлар берилган. Ахура Мазда (яхшилик дунёси) ва Ангра Маню (ёвузлик дунёси) ўртасидаги кураш кейинги адабиётларга эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш анъанаси бўлиб ўтди. “Авесто”да айтилишича, деҳқон ерга дон сочганидан сўнг: “Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар. Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун берса, девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйини чирмаб ташлайди...” (“Вандидод”, 3-фаргард, 31–32-бандлар). Ўз-ўзидан маълум бўляптики, аждодларимиз минг-минг йиллар олдинок бизга ўз ўғитларини бериб кетган эканлар. Юқоридаги иқтибосда инсон ҳаётига оид зарурий фалсафа бор. Асрлар давомида турмуш тажрибасида тасдиқланган бу ҳақиқат меҳнат қилишнинг фазилатидан иборат. Меҳнат қилган инсон ва оиладан фалокатлар йироқ туради. Чунки ҳар бир

хасталик, ташвишнинг давоси меҳнатдир. Шунинг учун ҳам “Авесто” китобидаги меҳнатга чақириш даъвати халқимиз мақоллари, қўшиқлари, эртаклари ва дostonларида бош мавзу ҳисобланади. Шунингдек, “Авесто”да инсон бурчининг масъулияти, маънавий поклик, атрофдаги юртдошларга хайрихоҳлик туйғулари мақталади, мадҳ этилади. Буларнинг ҳаммаси халқимиз оғзаки ижодида ўзининг мантикий давомини топган. “Авесто”да жамият аъзолари қандай хусусиятларга эга бўлиши, ўзаро муносабат ахлоқи, гўзаллик, поклик, эзгулик, ёвузлик ҳақидаги қонун-қоидалар мисоллар билан изоҳланган. Бу фазилатларнинг бадиий ифодаси эса “Алпомиш”, “Равшан”, “Ақл – бебаҳо бойлик”, “Уч оға-ини ботирлар” каби эпик асарларда, минглаб мақолларда ўз ифодасини топган.

Ўрхун-Энасой ёдгорликлари аждодларимизнинг Ватан мустақиллиги учун олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя қилади. Табғачга қарам бўлган Турк юрти Тунюқук, Элтариш, Култегин каби фарзандлар ҳаракати билан озодликка эришди. Юртни озод қилишдан ҳам қўлга киритилган мустақилликни асраб қолиш мушкулроқдир. Битиктошларда VIII асрда рўй берган ана шу жараён ўз ифодасини топган. Битиктошдаги: “Хокони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан”, “Турк сир халқи ерида бошқа эга юрмасин”, “Тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади”, “Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узишга осон эмиш. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш. Ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш” каби парчалар халқнинг ўз фарзандларига насиҳати, бошидан ўтказган қувонч ва ташвишлар изҳори эди. Мифлардан афсоналар, ривоятлар, эртаклар, дostonлар вужудга кела бошлаганда, оғзаки ижодимиз ана шу сарчашмалардан озикланди, десак, хато бўлмайди.

Замонлар ўтиб илм ривожланди, юртимиздан бутун оламга машҳур алломалар етишиб чиқа бошлади. Имом Исмоил ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғилоний, ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Махмуд Қошғарий каби буюк олимлар рисоаларида турли муносабатлар билан мақоллардан, қўшиқлардан, ривоятлардан намуналар келтирилади. Хусусан, Абу Райҳон Беруний халқимиз қадриятлари ҳақида “Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” каби тадқиқотларида маълумот беради. Айниқса, Наврўз байрами тарихи ҳақидаги қайдлар алоҳида аҳамиятлидир. Муҳими шундаки, Беруний бу қадриятларни хаёлий тушунчалар қаторида эмас, балки маънавий ёдгорликлар сифатида баҳолайди. Бу билан аллома халқнинг ҳаёти ва келажаги бевосита унинг маданий бойлиги хазинасига бўлган муносабатига боғлиқ эканини таъкидлагандек бўлади.

Айни пайтда, ҳинд халқ эпосидан “Маҳобҳорат”, “Панчатантра”, “Рамаяна”, араб халқининг “Минг бир кеча” эртаклари ҳам оғзаки ижодимиз ривожига муҳим аҳамият касб этган. Ўзбек халқ ижодидаги

эпик жанрлар намуналари бўлмиш афсона, ривоят, нақл, эртак, дostonларни ўрганиш шарқ халқлари оғзаки ижод асарларида жуда кўп умумий нуқталар мавжуд эканини далиллайди.

Масалан, фарзандсизлик, кутиб-кутиб топган фарзанднинг эл ҳаётида муҳим янгилик киритиши, асарларда фантастик нарсa-буюмларнинг иштирок этиши, дев, пари, фаришта, ялмоғиз каби образларнинг мавжудлиги эртак ва дostonлар асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган ёки Буюк ипак йўлида иқтисодий, маданий муомалада бўлган халқларнинг ижодий ҳамкорликда яшаганликлари исботидир. Фарзандига ошиқ бўлган подшоҳлар, севиқли хотинининг қайта турмушга чиқиш куни, узоқ ва хатарли сафардан қайтган қаҳрамонлар, укаларига бойлик орттириш илинжида хиёнат қилган акалар, тушларида севиб қолган ошиқ-маъшуклар иштирок этган асарлар кўпинча сайёр сюжетлар, яъни кўчиб юрувчи бир хил мазмундаги асарлар қаҳрамонларидир.

Оғзаки ижодимиз асарлари миллий қадриятларининг таркибий қисми сифатида ёш авлодни тарбиялашда халқ педагогикасининг асосини ташкил этади. Давлатимиз томонидан миллий мафкурага бўлган эътиборнинг салмоқли қисми оғзаки ижодимиздаги санъат намуналари билан бевосита алоқададир. Чунки оғзаки фольклор фарзандлар қалбида ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, эзгулик, сахийлик, илму ҳунарга муҳаббат туйғуларини шакллантириш билан бирга ахлоқий жиҳатдан ҳам гўзал инсон бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

Азиз болажонлар! Сиз мазкур қўлланмадан ўзбек халқининг минг йиллар давомида яратган оғзаки ижоди ҳақида асосий маълумотларга эга бўлдингиз. Оғзаки ижод асарлари нима учун давлатимиз томонидан шу қадар эъзозланаётганини тушуниб олдингиз, деб ўйлаймиз. Халқ мақоллари, топишмоқлари, аския, латифа, қўшиқ эртак, дoston каби жанрлардаги асарларнинг бир-биридан фарқини билдингиз. Айни чоқда, уларнинг ҳаммасини ўзбек тилида яратилгани ва бадий образларга эгаллиги бирлаштириб турганини ҳам англадингиз. Энди энг муҳим вазифалардан бирини бутун ҳаётингиз давомида бажаришингиз лозим бўлади. Бу вазифа халқ оғзаки ижоди билан яқинликни йўқотмасликдан иборат. Кун сайин қўшиқлардан намуналар ёдлаш, халқ дostonларини ўқиш доимий машғулотингизга айланмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Абдурахимов. М. Ўзбек халқ топишмоқлари. Т.: 2008.
2. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. Т., “Фан” 1959.
3. “Алпомиш”–ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Мақолалар тўплами. Т., “Фан”, 1999.
4. “Алпомиш” (достон). Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи М.Зарифов. Нашрга тайёрловчилар: Х. Т. Зарифов. Т. Мирзаев, Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998.
5. Аския (Ўзбек халқ ижоди туркуми). Ғ. Ғулом номдаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1970.
6. Аскияда ижрочилик маҳоратини ошириш йўллари, (методик тавсиянома). Тузувчилар: М. Жўраев, Т. Собитова. Т., 1985.
7. Афзалов М. И., Ўзбек халқ эртаклари ҳақида.Т., “Фан”. 1964.
8. Бойчечак. Кўшиқлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
9. Гулёр. Фарғона кўшиқлари. Т., Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967.
10. Гулёр. Ўзбек халқ ижоди туркуми. Кўшиқлар. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Т., 1967.
11. Гўрўғлининг туғилиши, достон. Нашрга тайёрловчи Малик Муродов. Ўзбек халқ ижоди. Кўп жилдлик. Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
12. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. Т., “Ўқитувчи”. 1975.
13. Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. Москва. ОГИЗ. 1947.
14. Жўраев М. Ўзбек халқ таквими ва мифологик афсоналар. Т., 1994.
15. Зариф Ҳоди. Фозил шоир – машҳур достончи. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. Фозил шоир. Т., “Фан”, 1973.
16. Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки прозаси. Т., “Фан”, 1981.
17. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., “Ўқитувчи”, 1990.
18. Исмоилов Ҳаёт. Ўзбек тўйлари. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
19. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. Т., “Фан”, 1978.
20. Кулса–гул, йиғласа–дур. Эртаклар. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
21. Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: “Шарқ” 2001.
22. Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: 2008.
23. Муҳаммадиев Р. Аския. Т., Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт

нашриёти. 1962.

24. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т.: «Фан», 1953.

25. Олтин олма. Ҳаётий эртақлар. Биринчи китоб. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.

26. Ойжамол. ҳаётий эртақлар. Иккинчи китоб. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.

27. Президент Ислом Каримовнинг “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил 9 ноябрь.

28. Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. Т., “Фан”. 1976.

29. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., “Фан” 1986.

30. Саримсоқов Б. Мақоллар. Ўзбек фольклорининг очерклари, I-жилд, Т., 1988.

31. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори Т., “Ўқитувчи”. 1985.

32. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. Т., 1998.

33. Сув қизи. Фантастик эртақлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти. 1966.

34. Топишмоқлар. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Кўп жилдлик. Т., 1983.

35. Тўй муборак, ёр-ёр. Ўзбек никоҳ тўйи халқ кўшиқлари. Тўпловчи ва нашрга таёрловчи. О.Сафаров. Т.: «Маънавият», 2000.

36. Умаров С. Ривоят ва ҳаёт. Т., “Фан”, 1988.

37. Ходи Зариф. Улкан халқ санъаткори. Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. (Тадқиқотлар). Т., “Фан”. 1973.

38. Хоразм кўшиқлари. (Тўпловчи ва таҳрир қилиб, нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов). Т., “Фан”. 1965.

39. Ўзбек халқ мақоллари. Икки жилдлик. Т., 1988, 1989.

40. Ўзбек халқ мақоллари. Т.: “Шарқ”. 2005.

41. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (икки жилдлик). Москва, “Рус тили” нашриёти. 1981. Биринчи жилд.

42. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. Т.: “Фан”, 2004.

43. Ҳусайнова З. Ўзбек топишмоқлари. Т., “Фан” 1966.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари, афсоналар (мифлар).....	14
Халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг таркиби	20
Мақоллар.....	24
Топишмоқлар	36
Афсона ва ривоятлар	50
Латифалар	57
Лофлар	61
Эртаклар.....	64
Халқ кўшиқлари	75
Термалар.....	117
Аския	123
Халқ дostonлари, дostonчилик анъаналари, дostonчилик мактаблари.....	129
“Алпомиш” дostonи.....	136
Эргаш Жуманбулбул ўғли	151
Фозил Йўлдош ўғли	154
Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан.....	157
Ислom шоир Назар ўғли	159
Болалар фольклори	162
Ўзбек маросим ва байрам фольклори	173
Хулоса.....	207
Адабиётлар.....	210